

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

ЛОГОПЕДИЯ

ЎҚУВ МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Мазкур ўқув услубий мажмуа Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган олий таълим муассаларининг мактабгача таълим, бошланғич таълим, филология ва психология таълим йўналишларини битирган мутахассислар **дефектология(логопедия)** касбий қайта тайёрлаш 5 ойлик курсининг Намунавий ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўқув услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

Tuzuvchi: - Buxoro shahridagi 123-son kar va zaif eshituvchi bolalar uchun ixtisoslashtirilgan maktab internat o‘qituvchisi
Umida Kaxramonovna Abdullaeva

Taqrizchi: Respublika tashxis markazi, inklyuziv ilmiy amaliy tekshirish bo‘limi mudiri **Ubayda Yunusovna Fayzieva**

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Бухоро давлат университети Кенгашининг 2023 йил “28” декабрдаги 5–сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	5
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	11
III. Назарий машғулот материаллари.....	22
IV. Кейслар банки.....	224
V. Мустақил таълим мавзулари.....	226
VI. Глоссарий.....	228
VII. Адабиётлар рўйхати.....	234

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

XXI аср бошларида кечаётган глобал ижтимоий-иқтисодий ва геосиёсий жараёнлар, дунёнинг ғоявий-мафкуравий қиёфасини ўзгартириб, янги тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда таълим-тарбия тизимининг бош мақсади ҳам бевосита ижтимоий-гуманитар фанларни пухта биладиган, жаҳон майдонида ўз билими орқали рақобатлаша оладиган, ўзининг фуқаролик позициясига эга бўлган, Ватани ҳамда миллатига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини мактабгача таълим тарбиячиларида шакллантиришга йўналтирилган.

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Мутахассисларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Шу боис болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида боғча тарбияси жуда - муҳим ўрин тутади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тизимга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу масалага доир бир неча йиғилиш ўтказилди, тарихий қарорлар қабул қилинмоқда.

Мазкур дастурда Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини, республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши эканлиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли Қарор мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари. Таълим соҳасидаги ислохотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилган эди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда учта йирик ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори, 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги - фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли Қарори баён этилган.

Болада намоён бўлган камчиликлар, касалликлар сабабларини билиш тушуниш учун албатта тиббиёт фанларини ҳам билиш зарур. Шуларни ҳисобга олган ҳолда дефектологларни қайта тайёрлаш курси ўқув режасига тиббиёт фанларини ўзига жамлаган «Дефектологиянинг клиник асослари» курси киритилган. Ушбу курс ўзига «Умумий патология», «Нутқ, эшитиш аъзоларининг тузилиши, фаолияти патологияси», «Невропатология асослари», «Болалар психологияси», «Ақли заифликнинг клиникаси» каби фанларни жамлаган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари:

Модулнинг мақсади: нутқида нуқсони бўлган болалар ўқув-тарбиявий жараёнини муваффақиятли амалга ошириш, коррекциялашга йўналтирилган педагогик воситалардан тўғри фойдаланиш; болалар нутқидаги бузилишларининг механизми ва сабаблари, нутқидаги камчиликларини аниқлаш, турли кўринишдаги нутқ камчиликларини бартараф этиш йўллари методлари ва махсус муассасаларда логопедик ишларни ташкил этиш фаннинг мақсадини ташкил қилади.

Модулнинг вазифалари:

Курс тингловчиларига болалар нутқидаги камчиликлар типологияси, нутқ бузилишларини механизми ва сабаблари, нутқидаги камчиликларини аниқлаш, турли кўринишдаги нутқ камчиликларини бартараф этиш йўллари методлари ва махсус муассасаларда логопедик ишларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича етарлича билим беришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ривожлантириш ва коррекциялашда махсус таълим-тарбиянинг роли;
 - ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун махсус муассасалар тизими;
 - коррекцион-тарбиявий жараёни ташкил этиш;
 - болаларда нутқ фаолиятининг юзага келиш хусусиятлари;
 - нутқ бузилиши сабаблари;
 - нутқнинг анатомио-физиологик механизмлари;
 - нутқ бузилишларини таснифи;
 - нутқ бузилишлари бўйича логопедик терминология;
 - болалардаги нутқ камчиликларини тўғри таърифлаб бериш
- билимларига эга бўлиши лозим;**
- болалардаги нутқ камчиликларини бартараф этиш;
 - махсус адабиётларни таҳлил қилиш;
 - коррекцион-тарбиявий иш жараёни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
 - болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун дидактик методларни танлай билиш;
 - ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш назариясини амалиётда қўллай билиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим;**
 - республикада мактабгача таълим тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига ўз муносабатини билдира олиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг мактабгача таълим тизимида тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таълим-тарбия жараёнида фойдалана олиш;

- давлатимиз раҳбарининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларни амалиётга татбиқ этиш *малакаларига эга бўлиши лозим.*

- мактабгача таълимнинг кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш жараёнида фаол иштирок этиш;

- таълим-тарбия жараёнларига миллий манфаат нуқтаи назаридан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида хулосалар чиқара олиш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Логопедия модули назарий, амалий ва кўчма машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда “Логопедия фанининг умумий масалалари”, “Нутқ фаолиятининг умумий патологияси”, “Нутқ фаолиятининг хусусий патологияси”, “Дислалия”, “Ринолалия”, “Дизартрия”, “Алалия”, “Афазия”, “Фонетик-фонематик нутқ бузилиши”, “Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар”, “Ёзма нутқдаги камчиликлар”, “Дудукланиш. Нутқ тезлиги ва равонлигини пай тортишиши билан бузилиши” мавзуларининг мазмун-моҳиятини сингдиришдан иборат.

Амалий машғулотларда ривожланишида нуқсони бор болаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Нутқ фаолияти камчиликларининг умумий, руҳий ривожланиш билан боғлиқлиги. Нутқдаги нуқсонларни аниқлаш. Товушлар талаффузидаги камчиликлар. Нутқнинг системали бузилиши ва уларни бартараф этиш. Фонетик-фонематик нутқ бузилишлари. Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги. Дудукланиш. Ёзма нутқдаги камчиликларни аниқлаш ҳақидаги билимларни шакллантиришдан иборат.

Кўчма машғулотларда товушлар талаффузидаги камчиликлар. Нутқнинг системали бузилиши ва уларни бартараф этиш. Фонетик-фонематик нутқ бузилишлари. Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги. Дудукланиш ҳақидаги билимларни шакллантиришдан иборат.

Машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, “Кластер”, “Пирборд”, “SWOT-таҳлил” ёки “ФСМУ” методлари билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа блоклар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Логопедик ритмика”, “Логопсихология”, “Нутқида камчилиги бўлган болаларнинг психологик-педагогик диагностикаси”, “Логопедик ўйин”, модуллари билан узвий боғланган ҳолда логопедларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул “Умумий тайёргарлик” ва “Умумкасбий тайёргарлик” блокларидан кейин ўрганилади. Ундан олдин ўрганиладиган блокларнинг мазмун йўналишларини ва ғоявий жиҳатларини мактабгача таълимга татбиқ этиш имкониятларни очиқ беради.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларга нутқида нуқсони бўлган болалар ўқув-тарбиявий жараёнини муваффақиятли амалга ошириш, коррекциялашга йўналтирилган педагогик воситалардан тўғри фойдаланиш; болалар нутқидаги бузилишларининг механизми ва сабаблари, нутқидаги камчиликларини аниқлаш, турли кўринишдаги нутқ камчиликларини бартараф этиш йўллари методлари ва махсус муассасаларда логопедик ишларни ташкил этиш билим ва кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг концептуал асослари

№	Фан мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	кўчма машғулот	
1	Логопедия фанининг умумий масалалари. Нутқ фаолиятининг умумий патологияси. Нутқ фаолиятининг хусусий патологияси.			2			
2	Дислалия.			2			2
3	Ринолалия.			4			2
4	Дизартрия.			2			2

5	Алалия.			2			2
6	Афазия.			2			2
7	Фонетик- фонематик нутқ бузилиши.			2			2
8	Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар.			2			2
9	Ёзма нутқдаги камчиликлар.			2			2
10	Дудуқланиш. Нутқ тезлиги ва равонлигини пай тортишиши билан бузилиши.			6			2
11	Ривожланишида нуқсони бор болаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Нутқ фаолияти камчиликларининг умумий, руҳий ривожланиш билан боғлиқлиги.				4		
12	Нутқдаги нуқсонларни аниқлаш. Товушлар талаффузидаги камчиликлар.				4		
13	Нутқнинг системали бузилиши ва уларни бартараф этиш.				6		
14	Фонетик-фонематик нутқ бузилишлари. Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари.				4		
15	Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги.				6		
16	Дудуқланиш.				4		
17	Ёзма нутқдаги камчиликларни аниқлаш.				2		
18	Товушлар талаффузидаги камчиликлар. Нутқнинг системали бузилиши ва уларни бартараф этиш.					2	
19	Фонетик-фонематик нутқ бузилишлари.					2	
20	Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги. Дудуқланиш.					2	
Жами		80	80	26	30	6	18

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Логопедия фанининг умумий масалалари. Нутқ фаолиятининг умумий патологияси. Нутқ фаолиятининг хусусий патологияси.

(2 соат маъруза)

Логопедия фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, методлари. Логопедия фанининг объекти ва мазмуни. Логопедиянинг фанлар тизимидаги ўрни, нутқдаги камчиликларни ўрганиш ва бартараф этишда фанлараро алоқаларнинг аҳамияти. Логопедиянинг махсус педагогика фани сифатида олигофренопедагогика, сурдопедагогика ва тифлопедагогика билан алоқаси. Логопедиянинг психологик-педагогик ва психолонгвистик асослари. Нутқнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти. Нутқ ва тафаккур. Логопедияда тарбия, ўқитиш ва коррекция тушунчаси.

Нутқ ҳақидаги таълимотнинг илмий тушунчаси. Нутқ фаолиятининг анатомик-физиологик ва психолонгвистик жиҳати. Нутқ жараёнларини ташкил этиш. Нутқнинг фикр юритиш сифатида юзага келиши.

Нутқ тараққиётида биологик ва ижтимоий омилларнинг аҳамияти. Нутқ тараққиёти ва бошқа психик жараёнларнинг ўзаро алоқаси.

Нутқ камчиликлари ҳақида тушунча. Нутқ камчиликлари тўғрисидаги тушунчанинг ижтимоий-психолонгвистик ва клиникага оид мезонлари. Оғзаки ва ёзма нутқнинг шаклланиши, шаклланмай қолиши ва камчиликлари тўғрисидаги тушунча. Нутқ фаолияти камчиликларининг белгилари. Нутқ фаолиятидаги камчиликларнинг умумий, психик ривожланиш билан боғлиқлиги.

2-Мавзу: Дислалия

(2 соат маъруза, 2 соат мустақил таълим)

Функционал ва механик, мономорф ва полиморф, оддий ва мураккаб дислалия. Дислалия турлари (сигматизм, ротацизм, ламбдацизм, каппацизм, юмшатиш нуқсонлари). Товуш талаффузи бузилишлари тўғрилаш усуллари логопедик иш давлари:

Тайёрлов, товушни нутққа қўйиш, товуш нутқида мустаҳкамлаш, товушларни ажратиш, товушни нутқ фаолиятига киритиш.

Ҳар бир даврнинг вазифаси ва иш усуллари. Турли хил сигматизмнинг бартараф этиш, ротацизм ва лотацизмни бартараф этиш, тил орқа (к,г,х) ва чуқур тил орқа (қ,ғ) товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш.

3-Мавзу: Ринолалия

(4 соат маъруза, 2 соат мустақил таълим)

Бузилиш механизми, сабаблари ва уни аниқлаш. Ринолалияни ўрганишнинг қисқача тарихи. Логопедик ёрдам кўрсатишни ривожлантириш. Ринолалия шакллари. Очиқ ринолалия. Ёпиқ ринолалия. Аралаш ринолалия.

Танглайдаги туғма ёриқларнинг боланинг жисмоний ўсишига, нутқи ва психикасига таъсири. Ринолалияни бартараф этишда логопедик иш.

4-Мавзу: Дизартрия

(2 соат маъруза, 2 соат мустақил таълим)

Дизартрия ҳақида тушунча. Дизартриянинг сабаблари. Дизартрия болалар шоллиги касаллигининг белгиси сифатида. Дизартрия таснифи. Асосий шакллари ва уларнинг белгилари. Дизартрик болаларнинг саломатлиги, психик ва нутқ тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари. Артикуляция (талаффузининг аниқлиги), моторикаси, умумий моториканинг (нутққа дахлдор ва дахлдор бўлмаган) бузилиши. Дизартрияни бартараф этишда логопедик иш.

5-Мавзу: Алалия

(2 соат маъруза, 2 соат мустақил таълим)

Нутқнинг системали (сурункали) ривожланмаганлиги. Алалия сабаблари ва механизми. Алалия шакллари. Мотор алалия. Мотор алалиядаги нутққа дахлдор ва дахлдор бўлмаган камчиликлар.

Сенсор алалия. Сенсор алалиянинг заиф эшитиш ва ақли заифлик билан қиёсий тавсифи. Сенсор алалияда эшитишнинг ҳолати. Сенсор алалияда акустик диққат, идрок ва нутқни тушунишнинг ўзига хос хусусиятлари. Алалияни бартараф этишда логопедик иш тизими.

6-Мавзу: Афазия

(2 соат маъруза, 2 соат мустақил таълим)

Афазия, унинг сабаблари ва механизми. Болалар ва катталарда учрайдиган афазияни ўрганиш тўғрисида тарихий маълумот. Афазия шакллари ва уларнинг номоён бўлиш сабаблари. Афазияда коррекцион таъсир тизими.

7-Мавзу: Фонетик- фонематик нутқ бузилиши

(2 соат маъруза, 2 соат мустақил таълим)

Фонетик-фонематик нутқ камчилигига (ФФН) эга бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш. ФФН ҳақида тушунча. ФФНнинг турли даражадаги кўринишлари ва тавсифи. ФФН га эга бўлган болалар нутқини текшириш. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда номоён бўладиган ФФН ни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган иш мазмуни, коррекцион ишни ташкил этиш ва режалаштириш.

8-Мавзу: Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар

(2 соат маъруза, 2 соат мустақил таълим)

Нутқи тўлиқ ривожланмаган (НТР) болаларни ўқитиш ва тарбиялаш. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ҳақида тушунча. НТР болалар таснифи. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги даражалари ва уларнинг номоён бўлиши. НТР болалар нутқини текшириш. Нутқнинг тўлиқ

ривожланмаганлиги ҳар бир даражасини бартараф этиш бўйича олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни ва вазифалари. НТР болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишни ташкил этиш ва режалаштириш.

9-Мавзу: Ёзма нутқдаги камчиликлар

(2 соат маъруза, 2 соат мустақил таълим)

Ўқиш ва ёзишдаги камчиликлар. Ёзма нутқ бузилишларининг сабаблари, шакллари ва даражаси. Ўқиш ва ёзувдаги камчиликларнинг нутқи, эшитиши ва кўришидаги нуқсонлар билан ҳамда бош мия функциясидаги бузилишлари билан боғлиқлиги. Болаларнинг ривожланиш фаолиятидаги камчиликларнинг ёзма нутқини эгаллашга таъсири. Ёзув ва ўқишнинг асосий операциялари. Ёзма нутқдаги камчиликларнинг олдини олиш, ривожланишида камчилиги бўлган болалар ёзма нутқдаги камчиликларнинг ўзига хос хусусиятлари.

10-Мавзу: Дудукланиш. Нутқ тезлиги ва равонлигини пай тортишиши билан бузилиши

(6 соат маъруза, 2 соат мустақил таълим)

Дудукланишни ўрганиш ва уни бартараф этишнинг қисқача тарихи. Дудукланишнинг психофизиологик механизмлари. Дудукланишнинг типологияси. Дудукланиш табиати ва характери хусусида замонавий нуқтаи назарлар. Пай тортишиши локализацияси ва турлари. Турли ёшдаги одамларда дудукланиш кечишининг хусусиятлари. Дудукланиш – муомала (коммуникация) нинг бузилиши сифатида. Дудукланувчи бола нутқини тўғрилаш ва шахсини тарбиялашга оид логопедик ишнинг асосий йўналишлари. Дудукланувчи боланинг нутқи ва шахсига бевосита ва билвосита логопедик таъсир. Турли ёшдаги дудукланувчи болалар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Дудукланувчи бола нутқи ва шахсини қайта тарбиялашда психотерапиянинг ўрни. Дудукланувчилар билан ишлашда логопедик иш меъёри.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Амалий машғулотлар назарий билимларни амалиётда кузатиш, назариянинг ҳаёт билан қай даражада мувофиқлигини синаш ва билиш имкониятини яратади.

Логопедиядан режалаштирилган амалий машғулотлар бутун курс мазмунини қамраб олган. Логопедия фанидан амалий машғулотларнинг мақсад ва вазифалари.

Логопедия фанидан ўтказиладиган, амалий машғулотларнинг мақсади болалардаги нутқ камчиликлар сабаблари, механизмларини очиб бериш, тингловчиларга нутқдаги камчиликлар типологияси тўғрисида аниқ тасаввур бериш ҳамда махсус муассасаларда логопедик машғулотлар учун тингловчиларга этарлича методик тайёргарлик бериш.

Амалий машғулотларни вазифалари қуйидагилардан иборат:

Логопедия фанида ўтказиладиган амалий машғулотлар ўқув режада ажратилган соатлар ҳажмида, шунингдек дастурда кўрсатилган мавзулар бойича ўтказилади.

Логопедия фани амалий машғулотлар мавжуд дарслик ва дастур ва дарсликларга, методик адабиётларда берилган маълумотларга, дарс жараёнига тингловчиларни ижодий муносабатини тарбиялайди. Уларда касбий кўникма ва малакаларини ҳосил қилади.

Логопедия фанида амалий машғулотларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- нутқда нуқсони бўлган болаларни таълим-тарбия жараёни, нутқ камчилиги бўлган болалар нутқдаги камчиликларини ўрганиш логопедия фанидан олган назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш жараёнида мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш талабида касбий малакаларини шакллантириш;

- тингловчиларнинг методик тайёргарлигини ошириш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш;

- бўлажак логопедда методик фаолият мотивларини шакллантириш ва логопедия фанига бўлган қизиқишларини ошириш;

- тингловчиларни махсус таълим буйича махсус муассасалар логопедиянинг иш фаолиятини кузатиш, илғор тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатиш;

- коррекцион-тарбиявий иш жараёнини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Амалий машғулот тингловчиларнинг педогогик ва методик тайёргарлигини оширишга, танлаган касбига бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилиши лозим.

Амалий машғулотлар махсус муассасаларда ва университет аудиторияларда ўтказилади. Аудиторияларда ўтказиладиган амалий машғулотларда тингловчилар логопедик машғулотлар учун машғулотлар режасини тузиш, уни таҳлил қилиш малакаларига эга бўладилар. Тингловчилар режа-матн асосида товушларни нутққа қойиш, мустаҳкамлаш, дифференциация қилиш бойича логопедик машғулотларни ўтадилар,

тингловчилар томонидан ўтказилган ҳар бир машғулоти ўқитувчи ва тингловчилар томонидан таҳлил этилади. Ҳар бир амалий машғулотнинг режаси билан тингловчилар олдиндан таништирилади. Амалий машғулоти юзасидан топшириқлар берилади. Топшириқларни бажаришда фойдаланиш учун адабиётлар кўрсатилади. Муайян тайёргарликка эга бўлган тингловчилар билан амалий машғулоти ўтказилди.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ

1-Мавзу: Ривожланишида нуқсони бор болаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Нутқ фаолияти камчиликларининг умумий, руҳий ривожланиш билан боғлиқлиги (4 соат амалий)

Нутқдаги нуқсонларни аниқлаш. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар нутқини ҳар томонлама текшириш. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар нутқини текшириш методлари. Махсус мактабгача тарбия муассасалари ва мактабларда болаларнинг тиббий-педагогик ҳужжатларни ўрганиш.

2-Мавзу: Нутқдаги нуқсонларни аниқлаш. Товушлар талаффузидаги камчиликлар (4 соат амалий)

Товушлар талаффузидаги камчиликлар. Товуш талаффузи бузилишлари, махсус мактабгача тарбия муассасалари ва махсус мактабларда товуш талаффузи бузилиши бўлган болалар нутқини машғулотида ва ўйин фаолиятида кузатиш ва таҳлил этиш. Болалар нутқининг товуш талаффузи томонини текшириш. Уларнинг тиббий-педагогик ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

3-Мавзу: Нутқнинг системали бузилиши ва уларни бартараф этиш (6 соат амалий)

Махсус мактабгача тарбия муассасаларида машғулотида болалар нутқини кузатиш ва таҳлил этиш. Махсус мактабгача тарбия муассасалари гуруҳларида логопед машғулотини кузатиш ва таҳлил этиш.

4-Мавзу: Фонетик-фонематик нутқ бузилишлари. Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари (4 соат амалий)

Махсус мактабгача тарбия муассасаларида товушлар талаффузи бузилишига эга бўлган болалар нутқини машғулотида ва ўйин фаолиятида кузатиш ва таҳлил этиш. Тиббий–педагогик ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил этиш. ФФН болаларни ўқитиш ва тарбиялаш дастури таҳлили.

Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари. ФФН ни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган иш мазмуни. Машғулотида ташкил этиш ва режалаштириш.

5-Мавзу: Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (6 соат амалий)

Нутқи тўлиқ ривожланмаган (НТР) болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари. НТР ни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган иш мазмуни. НТР болалар гуруҳида машғулотларни ташкил этиш ва режалаштириш.

Махсус мактабгача тарбия муассасаларида НТР болалар нутқини машғулотларда кузатиш ва таҳлил этиш. Улар нутқнинг фонетик-фонематик ва лексик-грамматик томонларини ўрганиш, текшириш ва натижаларини таҳлил этиш. НТР болаларни ўқитиш ва тарбиялаш дастурини таҳлил этиш.

6-Мавзу: Дудукланиш (4 соат амалий)

Дудукланиш – муомала (коммуникация) нинг бузилиши сифатида. Дудукланишни бартараф этишга оид логопедик ишлар. Турли ёшдаги дудукланувчи болалар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Дудукланувчи бола нутқини тўғрилаш ва шахсини тарбиялашга оид логопедик ишнинг асосий йўналишлари.

Махсус мактабгача тарбия муассасаларида дудукланувчи болалар тиббий-педагогик хужжатларни ўрганиш, улар нутқини машғулотларда ва ўйин фаолиятида кузатиш ва таҳлил этиш. Машғулотларни ташкил этиш ва режалаштириш.

7-Мавзу: Ёзма нутқдаги камчиликларни аниқлаш (2 соат амалий)

Ёзма нутқ камчиликлари. Ўқиш ва ёзишдаги камчиликлар. Ёзма нутқ камчилигига эга бўлган болалар билан олиб бориладиган логопедик иш мазмуни.

Ёзувда логопедик хатоларнинг ўзига хос хусусиятлари. Махсус муассасаларда логопед машғулотларини кузатиш ва таҳлил этиш. Машғулотларни ташкил этиш ва режалаштириш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Фанга оид ўрганилган материаллар асосида “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусида мустақил иш бажарилади. У асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маъруза машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий кизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (таълим соҳасидаги ислохотлар бўйича таклиф бериш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (мактабгача таълим тизими ривожини бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ
ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Машғулотда жараёнида қўлланиладиган «Ақлий ҳужум» усули

Ақлий ҳужум	- (брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
Усулни асосий ғояси	- ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг хатти-ҳаракати учун бу ғоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф қилишга ундайди.
Қоидалари	Имкони борида кўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
Таълим берувчи	Қатнашчиларни 3-4 гуруҳга бўлади ва ҳар бирига муаммолар таклиф этади (Илова 1) - Иштирокчиларни қўллаб-қўвватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан); - юмшоқ, аммо астойдил талабаларни бошқаларни танқид қилишдан қайтариб туради; - ҳар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди; - талабаларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан қутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказди (блиц сўров) (Илова 2).
Фидбэйк	-ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; -энг тўғри ғояларни қўллаб-қувватлаш

Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари

Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад: - муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш; - ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш; - фаол фикрлаш малакасини шакллантириш; - қутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намоёйиш қилиш; - топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

Ақлий ҳужум қоидалари:

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жихатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гуруҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қилади, синтез қилади, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қилади” деган қондасига амал қилиш.

Натижа:

- талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир талаба фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шаклланади.

“SWOT-таҳлил” методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Мактабгача таълим тизимнинг кечаги ва бугунги ҳолати масаласида “SWOT-таҳлил” методида таҳлил қилинг.

S	Республикада мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига камрам олиш кўрсаткичи 27 фоизни ташкил этади.	Мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни 100 фоиз қамраб олишга қаратилган
W	Мактабгача таълим муассасаларида моддий-техник базанинг ночорлиги, малакали кадрлар етишмаслиги, сифатли озиқ-овқат таъминотининг пастлиги.	Ушбу соҳада ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган 57 мингдан ортиқ мутахассислар меҳнат қилаётган бўлса, шундан 85 фоизини ўрта маълумотли кадрлар ташкил этади.
O	Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Шу боис болаларнинг соғлом ва билимли, етук кадрлар бўлиб вояга етишида боғча тарбияси жуда -муҳим ўрин тутади.	Мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, МТМлар инфратузилмаси ва моддий-техник таъминотини яхшиланади.
T	Сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари 45 фоиздан зиёдроқ камайган.	Келгуси беш йилликда 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласи охирига етказиш.

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” дастури”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Логопедия фанининг умумий масалалари. Нутқ фаолиятининг умумий патологияси. Нутқ фаолиятининг хусусий патологияси. (2 соат)

Режа

- 1.1. Логопедия фанининг мақсади, вазифалари
- 1.2. Логопедиянинг бошқа фанлар билан алоқаси
- 1.3. Логопедия фанининг методологик асослари. Фан сифатида логопедиянинг таъйини ва методлари
- 1.4. Логопедиянинг шахси
- 1.5. Нутқ фаолиятининг умумий патологияси. Нутқ фаолиятининг хусусий патологияси

Таянч иборалар:

1. Компенсация – ўрнини қоплаш. Бирор психик функция қисман ёки тўла ишдан чиққанда, унинг вазифасини бошқа кучли ривожланган соғ функциялар бажаради.
2. Логопедия термини грекча *логос* (сўз, нутқ) *пейдео* (тарбиялайман, ўқитаман), яъни «нутқни тарбиялаш» маъносини англатади.

1.1. Логопедия фанининг мақсади, вазифалари

Логопедия бу – нутқ бузилишлари ҳақидаги махсус таълим ва тарбия воситасида нутқ бузилишларини ўрганиш, тузатиш ва олдини олиш ҳақидаги педагогик фандир. Логопедия нутқ фаолияти бузилишининг сабаблари, механизмлари, аломатлари, оқимлари таркибини ўрганади. Шунинг учун уни махсус педагогика сирасига қўшадилар.

«Логопедия» термини грекча *логос* (сўз, нутқ), *пейдео* (тарбиялайман, ўқитаман) сўзлардан ташкил топган бўлиб, таржимада тўғри «нутқни тарбиялаш» маъносини англатади.

Фан сифатида логопедия нутқ нуқсонини тузатиш, нутқий фаолияти заифлашган шахсларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёни ҳисобланади. Логопедияни ўрганиш объекти – нутқ нуқсонига эга бўлган шахс. Адабий тилда қабул қилинган нутқ нормасидан биров бўлса ҳам четга чиқиш – бу нутқ нуқсони деб ҳисобланади.

Замонавий логопедия структураси мактабгача ёшли, мактаб болалар логопедияси, ўсмирлар ва катта ёшдагилар логопедиясига бўлинади.

Логопедиянинг асосий мақсади нутқда нуқсони бор шахсларни ўқитиш, тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш, Шунингдек, нутқ нуқсонининг олдини олишдан иборатдир. Логопедия фани оптимизм ва чуқур инсонпарварлик билан йўғрилгандир. У нутқда нуқсони бор болаларнинг шахс сифатида ҳар томонлама ривожланиши учун қулай имкониятлар яратиб беради.

И.П. Павловнинг биринчи ва иккинчи сигнал системалари орасидаги ўзаро таъсир ҳақидаги, шартли рефлексорлик алоқаларининг шаклланиш

қоидалари ҳақидаги назариялари, П.К. Анохиннинг функционал тизимлар ҳақидаги таълимоти, руҳий функцияларни динамик тарзда чеклаш ҳақидаги таълимот (И.М. Сеченов, И.П. Павлов, А.Р. Лурия) ва нутқ фаолиятининг замонавий нейропсихолингвистик назариялари ҳақидаги таълимот логопедиянинг табиий-илмий, психофизиологик асосидир.

И.П. Павлов таълимотига мувофиқ нутқ бош миyanинг мураккаб психологик функциясини, унинг иккинчи сигнал тизимини ўзида намоён этади. Бу эса сигналларнинг сигнали саналади. Биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари бир-бири билан узвий боғлангандир. Иккинчи сигнал тизими биринчи тизим асосида шаклланади. Аммо кейинчалик иккинчи сигнал тизимининг биринчи сигнал тизимига тартибга солувчи таъсири намоён бўлади. Сўз алоҳида хусусиятнинг сигнали, умумлаштириш, мавҳумлаштириш қуролидир. Биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари орасидаги ўзаро мураккаб алоқаларни ҳисобга олиш нутқ бузилишини тузатиш, бузилган нутқ ва нутқсиз функцияларнинг ўрнини босиш устида самарали логопедик иш олиб бориш учун имконият яратади.

Логопедия фанининг қуйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Нутқ бузилишининг турли шаклларида нутқ фаолиятининг онтогенезини ўрганиш.
2. Нутқ бузилишларининг кенг тарқалганлиги, аломатлари ва даражаларини аниқлаш.
3. Нутқий фаолияти бузилган болаларнинг ўз-ўзидан ва бирор мақсадга қаратилган ривожланиш динамикасини, Шунингдек, нутқий заифликни уларнинг шахс сифатида етишувига, руҳий ривожланишига, турли кўринишдаги фаолиятларини намоён қилишга, ўзларини тутишларига таъсирини аниқлаш.
4. Ривожланишида турли хил фарқлар бўлган болаларда (ешитиш, кўриш, фикрлаш қобилятининг ҳамда таянч ҳаракат аппаратининг бузилиши ҳолларида) нутқнинг шаклланиши ва нутқ бузилишлари хусусиятини ўрганиш.
5. Нутқ бузилишининг келиб чиқиш сабаблари, механизмлари, тузилиши ва аломатларини аниқлаш.
6. Нутқ бузилишларининг педагогик ташҳиси, методларини ишлаб чиқиш.
7. Нутқ бузилишларини тартибга солиш.
8. Нутқ бузилишини бартараф этиш тамойиллари, дифференциялашган методлари ва воситаларини ишлаб чиқиш.
9. Нутқ бузилишининг олдини олиш методларини такомиллаштириш.
10. Логопедик ёрдамни ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқиш.

Логопедиянинг юқорида кўрсатилган вазифаларида унинг ҳам назарий, ҳам амалий йўналишлари белгилаб берилгандир. Унинг назарий томони – нутқ бузилишларини ўрганиш, ҳамда уларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тузатишнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқишдан иборат.

Амалий томони – нутқ бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишни ўз ичига олади. Логопедиянинг назарий ва амалий вазифалари бир-бирига чамбарчас боғлангандир.

Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

1) фанлараро алоқалардан фойдаланиш ва нутқ ҳамда ундаги нуқсонларни ўрганувчи кўплаб мутахассислар (психологлар, нейропсихологлар, нейрофизиологлар, тилшунослар, педагоглар, турли ихтисосдаги врачлар ва бошқа кишилар)ни ҳамкорликда иш олиб боришга жалб этиш;

2) назария соҳасидаги янгиликларни амалиётга тезроқ татбиқ этиш учун фан ва амалиёт ўртасидаги алоқаларни, назарий ва амалий муассасалар орасидаги ҳамкорликни таъминлаш;

3) нутқнинг бузилишини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш тамойилларини амалга ошириш;

4) нутқ бузилишининг олдини олиш учун аҳоли ўртасида логопедик билимлар тарғиботини олиб бориш.

Юқоридаги вазифаларнинг бажарилиши логопедиянинг таъсир кучини белгилайди.

Логопедик таъсир этишнинг асосий йўналиши нутқнинг ривожланиши, нуқсонли нутқни тузатиш ва нуқсонларнинг олдини олишдан иборат. Логопедик иш жараёнида сезувчанлик қобилиятини ривожлантириш; уни ҳаракатга келтирувчи куч, айниқса, нутққа таъсир этувчи ҳаракатларни билиш, айниқса, тафаккур фаолиятини, хотира, диққат жараёнларини ривожлан-тириш; Шунингдек, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, яхшилаш билан бир вақтда бола шахсини таркиб топтириш; ижтимоий муҳитга таъсир этиш назарда тутилади.

Логопедик жараёни ташкил этиш нутқ бузилишини тўғрилаш билан бир қаторда психофизик нуқсонларни ҳам тугатиш ёки енгиллатиш учун шароит яратади. У педагогик таъсир қилишнинг муҳим мақсади бўлган шахсни ҳар томонлама камол топтириш имконини беради.

Логопедия фан сифатида муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. У тилнинг, нутқнинг ижтимоий моҳияти, боланинг нутқи, тафаккури ва бутун руҳий фаолиятнинг чамбарчас боғлиқлиги билан белгиланади.

Нутқ вазифаси инсоннинг муҳим руҳий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Нутқ ривожланиши жараёнида билиш фаолиятининг олий шакллари, тафаккур қобилиятлари шаклланади. Сўзнинг аҳамияти ўз-ўзидан умумлаштирувчи ҳисобланади ва шу муносабат билан ўзида нафақат нутқ бирлигини, балки тафаккур бирлигини ҳам намоён қилади. Улар айнан ўхшаш эмас ва маълум даражада бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлади. Лекин боланинг руҳий ривожланиши жараёнида мураккаб, сифат жиҳатдан янги бирлик нутқий тафаккур, нутқий фикрлаш фаолияти пайдо бўлади.

Нутқий муомала қобилиятини ўзлаштириш ўзига хос инсоний, ижтимоий алоқалар учун замин ҳозирлайди. У туфайли боланинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурлари шаклланди ва ойдинлашади, уни акс эттириш шакллари такомиллашади.

Боланинг нутқни ўзлаштириши унинг хатти-ҳаракатларини англаш, режалаштириш ва тартибга солишга имкон беради. Нутқий муомала фаолиятнинг турли шакллари ривожлантириш ва жамоа меҳнатида иштирок этиш учун муҳим шарт-шароитлар яратади.

У ёки бу даражадаги нутқ бузилишлари (нутқ бузилишларининг хусусиятига боғлиқ ҳолда) боланинг барча рухий ривожланишларига салбий таъсир этади, унинг фаолиятида, юриш-туришида акс этади. Оғир нутқий бузилишлар ақлий ривожланишга, айниқса, билиш фаолияти олий даражаларининг шаклланишига таъсир этиши мумкин. Бу нутқ ва тафаккурнинг чамбарчас боғлиқлиги, ижтимоий, жумладан нутқий алоқаларнинг чекланганлиги билан боғлангандир. Бу жараёнда боланинг атроф-муҳитни идрок этиши амалга ошади.

Нутқ бузилиши, нутқий муомаланинг чекланганлиги бола шахсининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши, аслида бўлмаган рухий бузилишларни, ҳиссий-иродавий соҳанинг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқариши, унинг характеридаги салбий фазилатлар (тортинчоқлик, қатъиятсизлик, одамовилик, салбийлик, номукаммаллик туйғуси)нинг ривожланиши учун йўл очиб бериши мумкин.

Буларнинг барчаси саводхонликни эгаллашга, умуман ўзлаштиришга, касб танлашга салбий таъсир кўрсатади. Демак, логопедия фанининг аҳамияти боланинг нутқий бузилишини бартараф этиш, шу билан бирга унинг мукаммал, ҳар томонлама ривожланишини таъминлашдан иборатдир.

1.2. Логопедиянинг бошқа фанлар билан алоқаси

Логопедия бошқа фанлар билан чамбарчас боғлангандир. Шахсга ҳар томонлама таъсир кўрсатиш, нутқ бузилишини бартараф этиш ва олдини олиш билан омилкорона шуғулланиш учун нутқдаги нуқсонларнинг белгиларини, уларнинг этиологияси, механизмлари, нутқ фаолияти бузилиши таркибидаги нутқий ва нутқсиз белгилар муносабатларини билиш керак. Бу логопедиянинг бошқа фанлар билан бўладиган алоқасини белгилайди.

Тизимлар ичидаги ва тизимлараро алоқалар бор. Тизим ичидаги алоқаларга педагогика ҳамда махсус педагогиканинг турли соҳалари: сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренпедагогика, умумий ва махсус психология билан бўладиган алоқалари киради. Тизимлараро алоқаларга эса тиббий-биологик ва тилшунослик фанлари ўртасидаги алоқалар киради.

Логопедия умумий анатомия ва физиология, нутқ механизмлари, нутқ жараёнининг бош миёда ташкил этилиши ҳақидаги, нутқ фаолиятида иштирок этадиган анализаторларнинг қурилиши ва ҳаракатга келиши ҳақидаги билимлардан фойдаланади.

Нутқ бузилиши механизмларини тушуниш тузатиш жараёни қонуниятларини аниқлаш учун олий руҳий функцияларнинг динамик локализатсияланиши тўғрисидаги, нутқнинг онгда шаклланиши борасидаги билимларни эгаллаш керак бўлади.

Нутқ мураккаб функционал жараёндир. Унинг асосида мулоқот жараёнидаги тил белгиси тартибларидан қўлланиш ётади. Тилнинг мураккаб тизими узоқ муддатли ижтимоий-тарихий ривожланиш маҳсули бўлиб, у бола томонидан нисбатан қисқа муддатларда ўзлаштириб олинади.

Нутқий тизим бош мия аъзоларининг фаолиятига асосланади. Улардан ҳар бири нутқ фаолиятининг ўзига хос вазифасини бажаради.

А.Р. Лурия мия фаолиятини учта функционал блокка ажратади.

Биринчи блок – бош мия пўстлоғи ости (юқори ствол ва лимбик область) ҳақидаги билимларни ўз ичига олади. У бош мия қатлами тонусининг нормаллиги ва унинг тетиклик ҳолатини таъминлайди.

Иккинчи блок – орқа мия қатлами катта яримшарлари бўлақларини ўз ичига олади, ташқи дунёдан олинган сезги ахборотларини қабул қилади, қайта ишлайди ва сақлайди. У билиш (гностик) жараёнини амалга оширадиган асосий мия аппарати ҳисобланади.

Унинг тузилиши бирламчи, иккиламчи ва учламчи доираларга ажралади. Бирламчи доира – мия қатламининг проекцион доираларидир, унинг нейронлари жуда ҳам юқори даражада ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уларда алоҳида сезги аъзоларидан сезги ахборотларини қабул қилиш ҳодисаси юз беради.

Мия қатлами аппаратларининг бирламчи доиралари устидан иккиламчи доиралар қурилгандир. Улар бирламчи доира орқали олинган қўзғалишларни таҳлил қилади. Иккиламчи доиралар бирламчи доиралар каби, ўзининг ихтисосий моддаллиги (кўриш, эшитиш ва бошқа доиралар)ни сақлайди. Бирламчи ва иккиламчи доиралар у ёки бу анализатор (кўриш, эшитиш ва бошқалар)нинг бош мия қатлами бирикмасини ўзида намоён этади.

Учламчи доиралар анализаторларнинг мия қатлами бўлинмаларини ўзгартириш доиралари ҳисобланади. Улар турли моддалликда олинган сезги ахборотларини таҳлил, синтез, интегратсия қилиш вазифасини ўтайди. Уларнинг фаолияти асосида синтезларнинг беқарор ва ташқи даражасидан символик даражага, эътиборини қаратиш муносабатлари, мураккаб логик-грамматик сўзлар қурилиши ҳақидаги билимлар билан иш кўришга ўтиш содир бўлади.

Учинчи блок катта ярим шарлар қобиғининг олдинги бўлимлари (мотор, мотор олди ва олд фронтал соҳа) доирани ўз ичига олади. Бу блок инсон фаолиятини режалаштириш, мослаштириш ва назорат қилишни таъминлайди. У, Шунингдек, мия қобиғи остидаги аъзолар фаолияти барча тизимларнинг тонуси ва тетик ҳолатини улар фаолияти олдида қўйилган вазифаларга мувофиқ мослаштиришни амалга оширади.

Нутқ фаолияти барча блокларнинг биргаликда ишлаши натижасида вужудга келади. Шу билан бирга ҳар бир блок нутқ жараёнида алоҳида, махсус ўзига хос хусусияти билан иштирок этади.

Нутқнинг акустик белгиларини ажратиш кўрсатиш ва дифференциялаш нутқ-эшитиш анализатори кортикал аппаратларнинг аналитик-синтетик фаолияти билан таъминланади. Бунга мия қобиғи марказий ва олд мотор қуйи бўлинмалари соҳаси билан боғлиқ бўлган бош мия қобиғи (Вернике доираси)нинг сўл юқори иккиламчи қисмлари киради.

Нутқ актининг артикулятсиялашуви, мотор ташкил этилиши жараёни нутқ аппарати мускулларининг мураккаб тузатув ишини махсус мувофиқлаштириш асосида амалга оширилади. Нутқ актининг мотор қуйи йиғиндиси марказий қисмларнинг иккиламчи бўлимлари (кинестетик аппарат) ва чап ўрам қисмининг қуйи бўлимлари (кинетик аппарат) билан таъминланади. Марказий қисмда нутқ аппарати мускулларидан юбориладиган кинестетик сезгилар анализи содир бўлади. Ўрам қисмида эса нутқ актининг мотор дастури ташкил этилади, қатор нерв импульслари, бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга енгил ўтиш имкониятини таъминловчи кинестатик моделлар яратилади.

Нутқ бирликларини танланиш ва уларнинг компенсациялашуви, маънонинг нутқ кўринишига айланиш жараёни бош мия қобиғининг энг юқори даражада шаклланишидир. У, яъни нутқ бош суяги олд ва устки қисми учламчи бўлинмаларининг аралашувисиз ҳосил бўлмайди. Бош мия қобиғининг учламчи бўлимлари бир текисда қабул қилинадиган акустик-мотор ахборотларининг фикрлаш схемаси ва образларига ўтказилишини таъминлайди. Мия қобиғининг устки қисмида, Шунингдек, кенг алоқаларни аниқлашчи схема ҳам шаклланади.

Ёзма нутқ жараёнида ҳам бош мия қобиғининг энса ва энса-тепа қисмларининг турли бўлимлари иштирок этади.

Шундай қилиб, нутқ жараёнида бош мия қобиғининг турли қисмлари турлича иштирок этади. Бош мия қобиғи қайсидир қисмининг жароҳатланиши нутқ фаолияти бузилишининг ўзига хос аломатларига олиб келади. Нутқ жараёнининг миёда амалга ошиши ҳақидаги маълумотлар нутқ фаолияти бузилишининг этилогияси ва механизмлари тўғрисидаги тасаввурларни аниқлаштиришга имкон беради. Бу маълумотлар бош миёнинг локал жароҳатланишидаги нутқ бузилишларининг турли шакллари (афазия) дифференциал диагностикаси учун жуда муҳим бўлиб, беморлар нутқини тиклаш устида самарали логопедик иш олиб бориш имконини беради.

Логопедия оториноларингология, невропатология, психопатология, олигофрения клиникаси, педиатрия билан узвий боғлангандир. Жумладан, нутқ ва эшитиш аъзоларининг патологияси (масалан, товуш бузилишида) нафақат бузилишлар этилогиясини аниқлашга, балки тиббий таъсир кўрсатиш билан бўладиган логопедик ишларни тўғри қўшиб олиб бориш учун ҳам имкон беради. Масалан, товушнинг бузилиши қисман ҳиқилдоқ ва товуш буришиқлари (ғурралар, тугунчалар, папилломалар, товуш бурмаларининг чандиққа айланиши ва бошқалар) нинг турли органик жароҳатланишидан ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ҳоллардаги товуш бузилишининг товуш аппарати физиологик ишини нормаллаштирмай туриб

даволаш мумкин эмас. Бу дори-дармон, жарроҳлик, физиотерапия, психотерапия услубида таъсир этиш билан таъминланади.

Нутқ бузилишининг кўпгина турлари марказий асаб тизимининг органик шикастланиши билан боғлиқ бўлиб, у логопед ва невропатолог-врач ёки психоневрологнинг ҳамкорликда ишлаши билан аниқланиши мумкин. Нутқ бузилиши ҳолларида руҳий фаолиятнинг турли бузилишлари: руҳий ривожланишда орқада қолиш, ўзини тутиш ва ҳис-ҳаяжон ҳолларидаги бузилишлар, диққат-эътибор, хотира, ақлий фаолият бузилишлари кўзга ташланиши мумкин. Нутқ бузилишларини уларнинг пайдо бўлиш механизмлари таҳлили, марказий асаб тизими бузилишлари билан боғлиқ бўлган, бирламчи ва иккиламчи руҳий фаолияти ишларининг ҳаммаси психоневролог-врачнинг хизмат доирасига киради. Психоневролог-врач боланинг ақлий жиҳати ҳақида хулоса чиқаради, нутқий камчилигини тиббий жиҳатдан аниқлайди, талаб этиладиган даво чораларини қўллайди.

Нутқ бузилишининг кўпгина кўринишлари мия ривожланишининг барвақт секинлашуви билан боғлиқ. Бундай ҳолларда логопедик иш марказий асаб тизимини махсус дори-дармонлар билан даволаш орқалигина самара бериши мумкин. Бундай давони психоневролог-врач белгилайди. Айрим пайтларда нутқ бузилишлари ҳис-ҳаяжонли кўзғолишнинг кучайиши натижасида содир бўладиган ҳаракатдаги нотинчлик билан қўшилади. Бунда бола махсус даволангунга қадар логопеднинг иши бесамара бўлаверади.

Нутқнинг алоҳида кўринишдаги бузилишларига, масалан, дудуқланишнинг айрим турлари, мутизмга ёки кескин руҳий изтироблар – кўрқиш, ҳаяжон, кўниккан муҳитнинг алмашилиши (яқин кишиларидан айрилиш) ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин. Уларнинг пайдо бўлиш вақтида бола тегишли кун тартиби ва давога муҳтож бўлади; фақат психоневролог-врач ва логопеднинг ҳамкорликда иш олиб бориши унинг соғайиб кетишига замин ҳозирлайди. Бу маълумотларнинг ҳаммаси Шундан далолат берадики, логопедияпедагогик фан ҳисоблангани билан у ўз олдидаги вазифаларини фақат тиббиёт фанлари ва аввало, невропатология ҳамда болалар психологияси ёрдамида муваффақиятли бажариши мумкин.

Аномал болаларни, шу жумладан, нутқи бузилган болаларни ҳам ўқитиш ва тарбиялаш назарияси асаб тизими тузилиши, унинг ривожланиш хусусиятлари ва вазифалари ҳақидаги билимлар асосига қурилади.

Логопед нутқ бузилишининг неврологик асосларини билиши, болалар психопатологияси масалаларини тушуниши керак. Унда олигофрения ва руҳий ривожланишнинг тормозланиши, ҳаракат ва ҳис-ҳаяжонли бузилишларда намоён бўладиган, болалардаги руҳий бузилишларнинг энг кўп учрайдиган шакллари ҳақида ҳам тасаввур бўлиши лозим. Бу билимлар унга нутқ бузилишининг сабабларини тўғри аниқлашда, тузатишнинг самарали методларини танлашда, болани ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда унинг нуқсонли ривожланишини олдини олишда ёрдам беради.

Невропатология, психология, олигофрения клиникаси, эшитиш, кўриш, нутқ аъзолари патологияси билан алоқада бўлиш нутқ бузилишини фарқ қилган ҳолда ташхис қилиш учун зарурдир. Шундан келиб чиқадиган бўлсак,

сенсор алалия ва эшитишнинг пасайган ҳолларидаги нутқ бузилишларини аниқлаш, эшитиш фаолиятини чуқур текширишни талаб қилади; олигофрения ва алалия ҳолларидаги нутқ бузилишларини белгилаш руҳий ва сенсомотор ривожланиш хусусиятларини, интеллектнинг аҳволини аниқлашсиз бўлмайди.

Тиббиёт фанларидан маълумотлар логопедга нутқ бузилишининг механизмлари, этиологиясини ўрганишга тўғри ёндашиш учун ёрдам беради, нутқ бузилишларининг турли кўринишларини бартараф этишда диагностика ва дифференциялашган логопедик таъсир этиш масалаларини тўғри ҳал этиш имконини яратади. Болаларни турли типдаги махсус муассасаларга тўғри танлаш ҳам ташхис қўйишга боғлиқдир.

Логопедия тилшунослик ва психоллингвистика билан узвий боғланган. Нутқ тиллар бирлигининг турли даражаси ва уларнинг амал қилиш қоидаларидан фойдаланишни ҳам назарда тутаяди. Улар ҳар хил бузилишларда турлича бузилиши мумкин. Боланинг тил нормаларини ўзлаштириб олиш қонунлари ва изчиллигини билиш логопедик хулосаларни аниқлаштиришга ёрдам беради, логопедик таъсир этиш тизимларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлади.

Замонавий логопедиянинг тизимли нутқ бузилишини ўрганиш ва бартараф этишда Л.С. Вигодский, А.Р. Лурия, А. Леонтьевнинг нутқ фаолиятининг мураккаб тузилиши, идрок жараёнлари ва нутқ айтиш самараси ҳақидаги таълимотига асосланувчи психоллингвистика маълумотлари кенг қўлланилади.

Нутқни идрок этиш ва унинг самаралари турли операцияларни қамраб оладиган, мураккаб иерархик қурилишга эга бўлган кўп даражали жараёнлардан иборатдир. Нутқ ҳосил бўлиш жараёнининг ҳар бир даражаси, ҳар бир операцияси ўзининг луғатига, бирликларни бирлаштириш синтаксисига эга.

Нутқ бузилишларини ўрганишда нутқ ҳосил бўлиш операцияларидан қайси бири бузилганлигини аниқлаш муҳимдир. Логопедияда А.С. Виготский, А. Леонтьев, Т.В. Рябова томонидан ишлаб чиқилган нутқ ҳосил бўлиш моделларидан фойдаланилади.

А.С. Виготский фикр билан сўз оралиғидаги муносабатни фикрдан сўзга ва аксинча, ҳаракат жараёни деб қарар, ҳаракатнинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатар эди: мотив-фикр-ички нутқ-ташқи нутқ; нутқнинг ташқи (жисмоний) ва семантик (руҳий) жиҳатлари фарқ қиларди. Ташқи нутқда грамматик ва семантик (руҳий) қурилишларнинг ўзаро муносабатлари кўзга ташланади. Ички нутқ семантик жиҳатдан ташқи нутққа айланиш структураси ҳисобланади. Л.С. Виготский ички нутқни чуқур таҳлил қилди, унинг ўзига хос хусусиятларини очиқ берди.

А.А. Леонтьев, Л.С. Виготский баён қилган нутқ жараёни қурилишига асосланиб, нутқ пайдо бўлишининг қуйидаги жараёнларини ажратади: мотив-фикр (нутқ интенсияси), ички режалаштириш, лектик қучайтириш ва грамматик конструкциялаш, мотор ишлаб чиқариш, ташқи нутқ.

Лекцик-грамматик кучайтириш босқичи ўз механизмлари билан ажралиб турадиган иккита операцияни ўз ичига олади: синтаксис конструкциянинг пайдо бўлиш иши ҳамда унинг тил даражасидаги алоҳида тил кодлари ва бошқаларда амалга ошириладиган лекцик тўлдириш. Шундан сўнг мотор ишлаб чиқариши давом этади.

Мисол учун, алалияни ўрганишда психолингвистик ёндашиш ана шу нутқ бузилиши механизмини чуқур очишга, нуқсоннинг тузилишини аниқлашга, бу бузилишни тил бузилиши деб белгилашга имкон беради.

Афазия пайтидаги хилма-хил идрок операциялари турли шаклларда нутқнинг бузилиш хусусиятларини аниқлаб олишга имкон беради.

Психолингвистик ёндашиш нутқ бузилишларини тузатиш юзасидан олиб бориладиган логопедик ишларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Логопедия умумий, махсус психология ва психодиагностика билан ҳамма вақт боғлангандир. Логопед учун боланинг руҳий ривожланиш қонуниятларини билиш, турли ёшдаги болаларни психологик-педагогик текшириш методларини билиши муҳимдир. Логопед ана шу методлардан фойдаланиб, нутқ бузилиши турли кўринишларини табақалаштириш ва уларни интеллектуал етишмовчилик, ҳис-ҳаяжонли ва ҳаракат жараёнидаги заифлашувлар билан боғлиқ бўлган нутқ бузилишларидан ажрата олади. Психологик билимлар логопедга нафақат нутқ нуқсонининг ўзини, балки ундан ҳам олдин болани кўришга, унинг нутқий бузилишининг руҳий ривожланишидаги муҳим жиҳатлар билан бўладиган ўзаро алоқасини умуман тўғри тушунишга ёрдам беради. Бу билим унга турли ёшдаги болалар билан алоқа боғлашга, уларнинг нутқи, нутқидаги ҳалақит берувчи омиллар, хотираси, диққат-эътибори, интеллекти, ўзини эркин ёки ҳис-ҳаяжонли тутишларини текширишда маъқул методларни танлаб олишга, Шунингдек, маълум ёшдаги бола фаолияти устидан логопедик иш олиб боришга кўмаклашади.

1.3. Логопедия фанининг методологик асослари. Фан сифатида логопедиянинг тамойил ва методлари

Нутқ бузилишини ўрганишда ва тузатишда логопедия фани нутқ ва фикрнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги, аномал боланинг ривожланишидаги умумий ва махсус қонуниятларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги назарий қоидаларга, нутқ ва фаолиятнинг ҳамкорликда ривожланиши ҳақидаги, ички ва ташқи омилларнинг ўзаро таъсири ҳақидаги, руҳий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги назарияга таянади.

Нутқ бузилишлари ва уларни тузатишдаги муҳим муаммоларни ҳал қилиш мақсадида логопедия фани материалистик, методологияга таянувчи тамойил ва методлардан фойдаланилади.

Шундан келиб чиқиб, логопедия қуйидаги асосий тамойилларга таянади: системалилик, комплекслилик, ривожланиш тамойилини, нутқ бузилишини боланинг психик ривожланишидаги бошқа томонлари билан ўзаро боғлиқ

ҳолда қараб чиқиш, фаолиятли ёндашув, онтогенетик тамойил, этиология ва механизмларни ҳисобга олиш тамойили (етиопатогенетик тамойил), нуқсонли нутқнинг бузилиш аломатлари ва тузилишини ҳисобга олиш, умумдидактик ва бошқа тамойиллар.¹

Улардан айримларини кўриб чиқамиз.

Системалилик тамойили тил ҳақида мураккаб функционал система тўғрисидаги тушунчага таянади. Унинг тузилиш компонентлари ўзаро ҳамбарчас алоқада бўлади. Шу муносабат билан нутқни, унинг ривожланиши жараёнларини ва бузилишини тузатишни ўрганиш нутқ қурилиши тизимининг барча компонентларига, барча томонларига таъсир этишини назарда тутати.

Нутқ бузилишларининг ўхшаш турларини логопедик ҳулосалаш, табақалаштириб ташхис қилиш учун нутқли ва нутқсиз белгиларни, тиббий, психологик, логопедик жиҳатдан текшириш натижаларини, билиш фаолиятининг ривожланиш даражасини ва нутқ ривожланиши нисбатларини, нутқ ҳолати ва боланинг сенсомотор ривожланишидаги муҳим жиҳатларини тузатиш нуқтайи назаридан таҳлил қилиш зарур бўлади. Бундай ҳолларда нутқ бузилишларини тузатиш комплекси, тиббий-психологик-педагогик хусусиятга эга бўлиши керак.

Шундай қилиб, нутқ бузилишларини ўрганиш ва тузатишда комплекслик тамойили муҳим ўрин тутати.

Нутқ бузилишларини ўрганиш ва уларни тузатиш жараёнида аномал болалар ривожланишининг умумий ва ўзига хос қонуниятларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Ривожланиш тамойили, Шунингдек, боланинг яқин ривожланиши доирасида ўрин олган маълум вазифалар, қийинчиликлар босқичларини логопедик иш жараёнига ажратишни ҳам кўзда тутати.

Нутқни бузилган болаларни ва уларни текшириш, Шунингдек, улар билан олиб бориладиган логопедик ишни ташкил қилиш боланинг етакчи фаолиятларини (предметли-амалий, ўйин, ташкилий) ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Тузатиш – логопедик таъсир методикасини ишлаб чиқиш нутқ шакллари ва вазифалари намоён бўлиш изчиллигини, Шунингдек, боланинг онтогенезидаги (онтогенетик тамойил) фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Нутқ бузилишларининг пайдо бўлиши кўп ҳолларда биологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро мураккаб таъсири билан боғланган бўлади. Нутқ бузилишларини самарали логопедик тузатиш учун бузилишнинг ҳар бир алоҳида ҳолда бузилиш этиологияси, механизмлари, аломатларини аниқлаш, етакчи бузилишларни ажратиб кўрсатиш, нуқсон тузилишидаги нутқий ва нутқсиз белгиларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Нутқ бузилишларини ўрганиш ва тузатишда дидактик тамойиллар: кўргазмалилик, тушунарлилик, онглилик, якка тартибда ёндашиш ва бошқалар муҳим ўрин тутади.

Логопедия фани методларини шартли равишда бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ – ташкилий методлар: қиёсий лонгитюдиналь (динамикада ўрганиш), комплексли.

Иккинчи гуруҳни эмпирик методлар ташкил этади: обсерватсион (кузатиш), экспериментал (лаборатория, табиий, шаклланувчи ёки психологик-педагогик синов), психодиагностик (тестлар, стандартлаштирилган ва ҳаёлий лойиҳалаштирилган, анкеталар, суҳбатлар, интервью) фаолиятини, Шунинг билан бир қаторда нутқий фаолиятини ҳам таҳлил қилишнинг праксиметрик усуллари, биографик метод (аномнестик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш).

Учинчи гуруҳга олинган маълумотларни миқдор (математик-статистик) ва сифат анализи киради. Бунда олинган маълумотлар Э1. ҲМни қўллаган ҳолда машинада ишлаб чиқилади.

Тўртинчи гуруҳ – интерпретатсион методлар, услублар, ўрганилаётган ходисалар ўртасидаги алоқаларни назарий тадқиқ қилиш усуллари (қисмлар ва бутунлик ўртасидаги, алоҳида жиҳатлар ва умуман ҳодиса ўртасидаги, функциялар ва шахс ўртасидаги ҳамда бошқа алоқалар).

Тадқиқотнинг объективлигини таъминловчи техник воситалар: компьютер, интонографлар, спектографлар, назометрлар, видео нутқ, фонографлар, спирометр ва бошқа аппаратуралар, Шунингдек, бутун нутқ фаолияти ва унинг айрим компонентларини динамикада ўрганишга имкон берувчи рентгенокинофотография, глоттография, кинематография, электромиографиялардан кенг фойдаланилади.

1.4. Логопеднинг шахси

Логопед умумназарий ва махсус ихтисосли билимлар тизимини эгаллаган бўлиши керак. Бу билимларнинг мажмуи ва кенглиги унда нуқсонли ривожланишнинг типология ва таркиби, нутқий номукаммалликнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш усуллари ҳақидаги, руҳий-педагогик таъсир этиш методлари тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиради.

Логопед нутқ бузилишларини пайқаб олиши, уларни тузатиш ва бартараф этиш усул ҳамда методларини эгаллаган бўлиши, бундай нуқсонларнинг олдини олишга доир профилактик ишларни йўлга қўйиши, нутқи заифлашган болаларни мактабгача тарбия ёшида ҳам, мактаб ёшида ҳам она тили бўйича ўқитишнинг махсус методларини қўллай олиши, ғайритабиий нутқли болаларнинг муҳим психик хусусиятларини билиши, уларни тарбиялаш усул ҳамда методларини эгаллаган бўлиши, улардаги олий мия қобиғи фаолиятини тузатиш ва ривожлантириш услубларидан қўллана олиши керак. Логопеднинг ихтисоси бўйича чуқур билимга эгаллиги

дастурларни, мактаб дарсликларини, логопедия бўйича қўлланмаларни билишни ўз ичига олади.

Болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва уларнинг бузилган нутқлари юзасидан олиб бориладиган ишларнинг самарадорлигига эришиш учун логопеднинг шахси биринчи даражали аҳамият касб этади. У қуйидаги асосий сифатларни ўзида намоён этади: касбига қизиқишлик; болаларни севиш, ўзига ва атрофдагиларга талабчанлик; педагогик ижодий ҳаёл ва кузатувчанлик; самимийлик, камтарлик, масъулиятлилиқ, сўзда ва амалда қатъийлик ҳамда изчиллик.

Логопед илғор тажрибаларни умумлаштириб болаларнинг нутқини тузатишнинг энг яхши воситалари бўйича изланиш олиб бориши керак.

У эгаллаб олиши лозим бўлган малакалар кенг ва турличадир: ўқув-билиш (адабиётлар билан ишлаш, болани кузатиш, педагогик жараёни моделлаштириш, тузатиш-тарбиялаш орқали таъсир этишнинг самарали йўллари танлаш ва бошқалар): ўқув-ташқилий (муқобил ва календар режалаштириш, яқка тартибда ва гуруҳли машғулотлар ўтиш, жиҳозларни яратиш, кенг қамровли таъсир этишни таъминлаш ҳамда бу қамровда иштирок этиш ва бошқалар); ўқув-педагогик (ҳар бир воқеани таҳлил қилиш, тузатишнинг айнан бир хил воситаларини танлаш ва ҳоказо).

Бундан ташқари, логопеднинг иши деонтология тамойилларига қатъий амал қилишга асосланиши керак (логопед нутқи бузилган шахс, унинг қариндошлари, иш жойидаги ҳамкасблари билан бўладиган ўз муносабатларини қандай ташкил этиши лозим).

Педагогик деонтология педагогик этика ва эстетика, педагогик бурчи ва педагогик одоби ҳақидаги таълимотларни ўз ичига олади. Унга амал қилишда логопеддан нутқида камчилиги бор боланинг ота-оналари психологиясини тушуниши ва улар билан бир қаторда қайғуриши талаб қилинади. Логопед жуда саботли, табдиркор ва хайрихоҳ, нутқи бузилган шахсга ва унинг ота-оналарига врачнинг беморга ва унинг яқин кишиларига муомаласи каби муносабатда бўлиши, нутқ бузилишларининг оғир жиҳатлари ва муҳими, механизмларини аниқлашда, улар ҳақида олдиндан маълумот тўплашда эҳтиёткорлик қилиши, нутқ бузилишларининг ташқи кўринишини, уларнинг моҳиятини ҳисобга олиши керак.

Логопед ва болалар муассасаси врач, логопед ва тарбиячи, логопед ва педагог ўртасида ўрнатиладиган ўзаро тўғри муносабатлар педагогик деонтологиянинг муҳим шarti ҳисобланади.

Логопед нутқи атрофдагиларга – нафақат болаларга, балки катталарга ҳам намуна бўлиши лозим. Логопед ягона нутқий тартибни таъминлайди, махсус болалар муассасаларидаги ўрта ва кичик ходимларга нутқ маданиятини ўргатади, қатор ҳолларда, масалан, махсус болалар уйлари шароитларида барча ўқув-тарбиявий жараёни бошқаради.

1.5. Нутқ фаолиятининг умумий патологияси. Нутқ фаолиятининг хусусий патологияси

Бузилишларнинг юқоридаги таснифлашда кўриб чиқиладиган барча турларини психологик-лингвистик мезонлар асосида нутқнинг қайси тури бузилганига қараб иккита гуруҳга бўлиш мумкин: оғзаки ва ёзма.

Оғзаки нутқнинг бузилиши, ўз навбатида иккита турга бўлиниши мумкин: 1) баён қилишнинг фонатсион (ташқи) таъминланиши, улар нутқнинг талаффуз томонининг бузилиши деб аталади ва 2) баён қилишнинг семантик-структура (ички) жиҳатдан таъминланиши, улар логопедияда нутқнинг узлуксиз ёки кўп товушли бузилиши, деб аталади.

1. Баён қилишдаги фонатсион таъминлашнинг заифлашуви бузилган бўғинга боғлиқ ҳолда табақаланиши мумкин: а) товуш шаклланиши; б) баён қилишнинг суръат-оҳанг жиҳатдан ташкил этилиши; в) интонатсион мелодик; г) товуш чиқаришнинг намоён бўлиши. Бу заифлашувлар турли жараёнларда мавҳум ҳолида кузатилиши мумкин, логопедияда уларга боғлиқ бўлган бузилишнинг қуйидаги турлари ажратилади (уларни белгилаш учун анъанавий бўлиб қолган атамалар мавжуд):

1. Дисфония (афония) – товуш аппаратининг патологик ўзгаришлари оқибатида фонатсиянинг йўқ бўлиши ёки заифлашуви. Маънодошлари: *товушнинг бузилиши, фонатсиянинг бузилиши, фонотор бузилишлар, вакал бузилишлар.*

Товуш юқорилиги ва йўғон-ингичкалиги (дисфония) гоҳо фонатсия (афония) нинг йўқ бўлишида, гоҳо кувватнинг бузилишида намоён бўлади. У марказий ёки сиртқи тўхталиш товуш чиқариш механизмининг органик ёки функционал заифлашуви билан боғлиқ бўлиши ва бола ривожланишининг ҳар қандай босқичида юзага чиқиши мумкин. У алоҳида бўлади ёки нутқ бузилишларининг қатор бошқа турлари таркибига киради.

2. Брадилалия – нутқнинг патологик секинлашган суръати. Маънодоши: брадифразия.

Артикуляр нутқ дастурининг секинлашган ишлаб чиқаришда намоён бўлади, марказий боғланган ва ўз табиатига кўра органик ёки функционал бўлиши мумкин.

3. Тахилалия – нутқнинг патологик тезлашган суръати. Маънодоши: тахифразия.

Артикуляр нутқ дастурининг тезлашган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади, ўз табиатига кўра, марказий боғланган, органик ёки функционал ҳисобланади.

Секинлашган суръатдаги нутқ чўзиқ тортилган, бир оҳангда бўлади. Тезлашган суръатда шошилиш, интилувчан, шиддатли эканлиги кўзга ташланади. Нутқнинг тезлашуви агроматизмлар билан бирга содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар айрим пайтларда баттаризм, парафразия атамалари билан аталувчи мустақил бузилишлар сифатида ажратилади. Патологик тезлашган нутқнинг асосланмаган бўлинишлар, тутилиш, тўхтаб қолишлар билан учрайдиган ҳолларда у полтерн атамаси билан аталади. Брадилалия ва тахилалия – нутқ суръатининг бузилиши – нутқ жараёнининг равонлиги, нутқнинг оҳанг ва мелодик-интонатсион ифодалилигининг бузилиши оқибати ҳисобланади.

4. Дудукланиш – нутқ аппарати мушакларининг ва ихтиёрий пай тортишиш натижасида суръат-оҳангнинг бузилишидир.

Маънодоши: *логоневроз*:

Марказий боғланган бўлади, функционал ёки органик кўринишга эга, кўпроқ бола нутқининг ривожланишида пайдо бўлади.

5. Дислалия – *товуш талаффуз қилишнинг нормал эшитиш ва нутқ аппаратининг сақланган иннервацияси пайтида бузилиши*. Маънодошлари: *тили чучуклик (ескирган), товуш талаффузидаги нуқсонлар, фонетик нуқсонлар, фонемаларни талаффуз қилишдаги нотекисликлар*.

Нутқнинг нотўғри товушли (фонемали) турланишида: товушларни бузиб талаффуз қилишда, товушларнинг алмашинуви ёки уларнинг йўқлигида намоён бўлади. Нуқсон Шунинг билан боғлиқ бўлиши мумкинки, бундай пайтда болада артикуляр база шаклланмайди (артикуляр томоннинг товуш талаффуз этиш учун зарур бўлган барча жиҳатлари ўзлаштирилмайди) ёки артикуляр томон нотўғри шаклланади. Бунинг оқибатида номувофик товушлар ҳосил бўлади. Артикуляцион аппаратнинг анатомик нуқсонлари билан боғланган бузилишлар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Талаффузнинг бузилиши психолингвистик жиҳатдан ё фонемаларни ажратиш ва англаш операцияларининг шаклланмаганлиги оқибати (яъни, идрок этишдаги нуқсонлар), ёки саралаш ва ишлаб чиқариш (Шунингдек, унумлилик нуқсони) вазифасини шаклланмаганлиги, ёхуд товушларни ишлаб чиқариш шартларининг бузилганлиги деб қаралади.

Анатомик нуқсонларда бузилишлар органик хусусиятга, уларнинг иштирокисиз эса функционал хусусиятга эга бўлади.

Бузилишлар, одатда, бола нутқининг ривожланиш жараёнида; периферик аппаратнинг жиҳозланиш ҳолларида у ҳар қандай ёшда пайдо бўлиши мумкин.

Тавсиф қилинган нуқсонлар сайланма ҳисобланади ва уларнинг ҳар бири мустақил нотекислик мақомига эгадир. Аммо Шундайлари ҳам учрайдики, уларда товушни баён қилишнинг фонатсион турланишлари мураккаб механизмидаги бир неча бўғинларнинг бир пайтнинг ўзида хасталашуви кузатилади. Бундайларга ринолалия ва дизартрия киради.

6. Ринолалия – товуш тембри ва талаффузининг нутқ аппаратидаги анатомик-физиологик нуқсонлар билан боғлиқ ҳолдаги бузилишдир. Маънодошлари: *димоғ билан гапириш (ескирган), палатолалия*.

Товуш тембрининг патологик ўзгаришида намоён бўлади. Бу ҳолат чиқарилаётган нафас оқимининг барча нутқ сўзларини талаффуз қилиш пайтида бурун бўшлиғига ўтиши ва унда акс-садо бериши оқибатидир. Ринолалия пайтида бундан ташқари барча нутқ товушларининг (дислалия ҳолатидаги каби алоҳида товушларни эмас), бузиб талаффуз этилиши кузатилади. Бундай нуқсонда просодик бузилишлар ҳам тез-тез учраб туради, ринолалия пайтидаги нутқ кам тушунарсиз (ноаник), бир оҳангли бўлади. Мамлакат логопедиясида танглайнинг туғма ёриклиги, Шунингдек, артикуляр аппаратнинг кўпол анатомик бузилишларини ринолалияга киритиш қабул қилинган. Бундай бузилишлар чет эллардаги қатор илмий

ишларда «палатолалия» (лотинча палатум — танглай) атамаси билан аталади. Қолган барча ҳоллардаги товушларнинг турли локализатсияларнинг функционал ёки органик бузилишлари билан боғлиқ нотўқис талаффузи бундай ишларда ринология деб аталади. Ватанимизда сўнгги йилларда олиб борилган илмий ишларда кўпол артикулятсион бузилишлари бўлмаган нотўқис талаффузларнинг кўринишлари ринологияга киритилмоқда.

Логопедия амалиётида ринологияни яқин вақтларгача механик дислалиянинг бир шакли деб қаралар эди. Бузилишнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, ринологияни алоҳида нутқ бузилиши сифатида ажратиш лозим.

7. Дизартрия — нутқ талаффузи томонининг нутқ аппарати иннерватсиясидаги етишмовчилик билан боғлиқ ҳолдаги бузилишидир. Маънодоши: *тили чучуклик (ескирган)*.

Бунда фонатсион турланишдаги баённинг мураккаб механизмлари барча бўғинларнинг шаклланимагани кузатилади. Бунинг натижасида товуш нуқсонлари, просодик ва артикулятсион-фонетик нуқсонлари пайдо бўлади. Товушли нутқни ишлаб чиқишнинг имкони бўлмаган пайтда пайдо бўладиган анартрия дизартриянинг оғир даражаси ҳисобланади. Енгил дизартрия пайтида, қачонки нуқсон кўпроқ артикуляр, фонетик бузилишларда намоён бўлганида, унинг унча билинмайдиган шакли ҳақида сўз юритилади. Бундай ҳолатларни дислалиядан ажратиш лозимдир.

Дизартрия марказий характердаги органик бузилишларнинг оқибати ҳисобланади. Марказий асаб тизими бузилишини локализатсиялашда дизартриянинг турли шакллари ажратиб кўрсатилади. Бузилишнинг оғирлигига қараб эса, дизартриянинг пайдо бўлиш даражалари фарқ қилинади.

Дизартрия кўпинча бош миyanинг эрта фалажланиши натижасида пайдо бўлади, лекин у бола ривожланишнинг ҳар қандай босқичда нейроинфекция ва миyanинг бошқа касалликлари оқибатида пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Баён қилишнинг структурали-симантик (ички) турланишидаги бузилиши икки тур: алалия ва афазия билан кўрсатилади.

1. Алалия — *бош мия қобилигидаги нутқ зоналарининг боланинг она қорнидаги ёки илк ривожланиш даврида орган шикастланиши натижасида нутқнинг йўқ бўлиши ёки ривожланмай қолиши*. Маънодошлари: *дисфазия, эрта ёшда пайдо бўладиган болалар афазияси, ривожланиш афазияси, гунглик (ескирган)*.

Нутқнинг энг мураккаб нуқсонларидан бири, бунда нутқий баённинг пайдо бўлиши ва уни қабул қилишнинг барча босқичларидаги танлаш ва режалаштириш операциялари бузилган бўлади. Унинг натижасида боланинг нутқий фаолияти ривожланмай қолади. Тил воситалари тизими (фонетик, грамматик, лектик) шаклланимайди, нутқ пайдо бўлишининг ҳаракат-қўзғатувчанлик даражаси хасталашади. Кўпол семантик нуқсонлар кузатилади. Нутқ ҳаракатларини бошқариш бузилади, бу товуш чиқариш ва сўзнинг бўғин таркибига ўз таъсирини кўрсатади. Қандай нутқ механизмлари

шаклланмагани ва уларнинг қайси босқичлари (даражалари) кўпроқ хасталанганига боғлиқ равишда алалиянинг бир неча турлари учрайди.

2. Афазия – *бош миyaning муайян жойи шикастланиши билан боғлиқ ҳолда нутқнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши*. Маънодошлари: *нутқнинг бузилиши, йўқолиши*.

Бола нутқининг бош миЯ жароҳатланиши, нейроинфекция ёки миЯ шиши натижасида йўқолиши нутқнинг шаклланиб бўлганидан сўнг содир бўлса, унда болалар афазияси деб номланади. Агар бузилиш каттароқ ёшда юз берган бўлса, унда афазия ҳақида фикр юритилади.

Ёзма нутқнинг бузилиши. Унинг қайси тури бузилганига қараб икки гуруҳга ажратилади. Маҳсулдор тур бузилганида ёзувнинг заифлашуви, рецептли ёзма фаолият бузилганида – ўқишнинг заифлашуви қайт қилинади.

1. Дислексия – *ўқиш жараёнининг қисман ўзига хос бузилиши*.

1. Ҳарфларни идрок этиш ва танишдаги қийинчиликларда; ҳарфларни бўғинларга қўшиш ва бўғинлардан сўз тузиш борасидаги тутилишларда (бу сўз шакллари нотиўғри талқин қилишга олиб келади); аграмматизмда ва ўқиганларини бузиб тушунишда намоён бўлади.

2. Дисграфия – *ёзиш жараёнининг қисман ўзига хос равишда бузилиши*.

1. Ҳарфнинг оптик-фазовий образининг турғун эмаслигида, ҳарфларнинг аралашиб кетиши ёки тушиб қолишида, сўзнинг сўз-бўғин таркибини баён қилиш ва гап қурилишида намоён бўлади. Ўқитиш давомида ёзиш жараёни шаклланмаган ҳолларида аграфия ҳақида фикр юритилади.

Болалардаги ёзиш ва ўқишнинг бузилиши бу жараёнларни тўлиқ ҳолда амалга ошириш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар орқали юзага келади. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, бу қийинчиликлар оғзаки нутқдаги нуқсонлар (оптик шакллардан ташқари), товуш таҳлили ишининг шаклланмагани ва ихтиёрий диққатнинг беқарорлиги билан боғлиқ бўлади.

Болалардаги ёзиш ва ўқишнинг бузилишини ёзиш, ўқишдаги билим ва кўникмаларнинг йўқолишидан, Шунингдек, афазия пайтида юзага келадиган дислексия (алекция) ва дисграфия (аграфия)дан ажрата билмоқ лозим.

Шундай қилиб, логопедияда нутқ бузилишларининг 11 та шакли ажратилади, улардан 9 таси оғзаки нутқ натижаси ва ишлаб чиқаришнинг турли жараёнлардаги бузилишларини ташкил этади. Қолган 2 та шакл эса ёзма нутқнинг бузилиш жараёни билан боғлиқ ҳолда ажратиладиган бузилишларни ўз ичига олади. Оғзаки нутқнинг бузилишлари орасида дисфония (афония), тахилалия, бродилалия, дудуқланиш, дислалия, ринолалия, дизартрия (анартрия), алалия, афазия ажратилади; ёзма нутқнинг бузилишлари орасида дислексия (алекция) ва дисграфия (аграфия) ажратилади.

Келтирилган таснифларга нутқ бузилишларининг фақат Шундай шакллари киритилганки, улар логопедик адабиётда кўрсатилгандир ва уларга татбиқан методикалар ишлаб чиқилган. 1. Ҳар бир нутқ бузилишлари шакллари ичида турлар ва турчалар ажратиладики, улар навбатдаги бобларда

акс эътирилган. Шу муносабат билан Шунини айтиб ўтиш керакки, қатор ҳолларда бир шаклга тааллуқли нутқ бузилишлари варианти эмас, балки алоҳида бузилишни ўзида намоён қилади. Масалан, дислалияга, бир томондан, артикуляро-фонетик бузилишлар, яъни нутқнинг нутқ нормаси даражасига тааллуқли хусусий овоз ишлаб чиқаришдаги нуқсонлар, бошқа томондан эса операцияларнинг шаклланмагани билан боғлиқ ҳолдаги товушлар танловини амалга оширадиган ва баён қилишнинг (тилли) турланиш даражасига тааллуқли фонетик бузилишлар киради.

Келтирилган таснифнинг изчил эмаслиги нутқ (психологик ва физиологик) механизмлари ҳақидаги билимлар ва логопедиядаги янги тадқиқодларнинг ўсиши билан боғлиқ ҳолда фаннинг замонавий тараққиёти даврида айниса, сезиларли тус олди. Фан тараққиётидаги ҳар бир янги билимлар аввалги тасаввурга ўзгартиришлар киритилишини талаб этади. Шунинг учун нутқ бузилишлари масалаларини бундан кейинги ишлаб чиқариш логопедиясининг долзарб вазифаси бўлиб қолади.

Психологик-педагогик тасниф тиббий таснифларни педагогик жараёнда қўлланиш нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қилиш натижасида вужудга келди (бу услуб логопедик таъсир этиш дейилади). Бундай таҳлил логопедияни нутқий ривожланиши бузилган болаларни ўқитиш ва тарбиялашга жалб этиш билан боғлиқ ҳолда жуда муҳим бўлди.

Тадқиқодчиларнинг эътибори болалар жамоаси (ўқув гуруҳи, синф) билан ишлаш учун зарур бўлган логопедик таъсир этиш методларини ишлаб чиқишга йўналтирилган эди. Бунинг учун болалардаги нутқнинг нономал ривожланишининг турли шакллари нуқсонлардаги умумий кўриниши, айниса, ўқиш жараёнида тузатиш учун долзарб ҳисобланганларини топиш зарур эди. Бундай ёндашув бузилишларни гуруҳлашда бошқача тамойилни талаб қилди. Бу Шундай тамойилки, тиббий таснифлаш (умумий хусусийга эмас, хусусийдан умумийга бўлган) унинг асосига қурилади. Бу уни лингвистик ва руҳий мезонлар асосида қуришга имконият яратади. Улар орасида нутқ тизимининг тузилиш компоненти (товуш томони, грамматик тузилиши, луғат зонаси), нутқнинг функционал жиҳатлари, нутқий фаолият турларининг (оғзаки ва ёзма) ўзаро алоқадорлиги ҳисобга олинади.

Келтирилган таснифда нутқ бузилишлари икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ – муомала воситаларининг (нутқнинг фонетик ва фонематик ва умумий ривожланмай қолиши) бузилиши.

1. Нутқнинг фонетик ва фонематик ривожланмай қолиши – *болаларда она тилини талаффуз қилиш тизими шаклланиш жараёнларининг фонемаларини идрок этиш ва талаффуздаги нуқсонлар оқибатида турлича нутқ заифлашувлари билан боғлиқ равишда бузилишларидир.*

2. Нутқнинг тўлиқ ривожланмай қолиши – *турли хил мураккаб нутқий камчиликдир, бунда нутқ тизимининг товуш чиқариш ва маъноли томонларига тааллуқли барча компонентларининг шаклланиш жараёни бузилган бўлади.*

Умумий аломатлари сифатида қуйидагилар қайд қилинади: нутқ ривожланишининг кеч бошланиши, луғат бойлигининг камлиги, аграмматизм, талаффуздаги нуқсонлар, фонемалар тузилишдаги нуқсонлар.

Нутқнинг бундай ривожланмай қолиши турли даражаларда акс этиши мумкин: нутқнинг йўқолиши ёки унинг ноаниқ боғланишсиз ҳолатидан мукамал ҳолатигача, лекин фонетик ва лектик-грамматик ривожланмай қолиш элементлари бўлади. Болада нутқ воситаларининг шаклланганлик даражасига қараб тўлиқ ривожланмай қолиш уч даражага бўлинади.

Иккинчи гуруҳ – муомала воситаларини қўллашдаги бузилиш (унга дудукланиш ҳам киради), бу муомала воситаларининг тўғри шаклланган ҳолатидаги нутқнинг коммуникатив функцияларини бузилиши деб қаралади. Бир неча хил (комбинатсияланган) нуқсон ҳам бўлиши мумкин, бунда дудукланиш нутқнинг умумий ривожланмай қолиши билан қўшилиб кетади.

Юқоридаги таснифда ёзиш ва ўқишнинг алоҳида нутқ бузилиши сифатида ажратилмайди. Булар нутқнинг фонематик-фонетик ва тўлиқ ривожланмай қолиш таркибида, уларнинг асосий белгиларидан бирини ташкил этувчи фонематик ва морфологик умумлашувининг шаклланмагани билан боғлиқ равишдаги системали ва кечиктирилган оқибати сифатида кўриб чиқилади. Таснифлашда системали ёндашув тамойилига изчил таяниш акс этади, унинг асосида иккита ўзаро боғланиш ҳисобга олинади; нутқий фаолият системадаги бузилишларнинг ўзаро боғланишлари ва боланинг бир кўришдаги руҳий жараёни ҳамда бошқа руҳий томонларидаги бузилишларнинг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг ривожланиши нутқ билан узвий боғлангандир.

Юқорида баён қилинган тасниф логопедия назариясининг ҳозирги аҳволини ўзида акс эттиради. Улар ўртасида қарама-қаршиликлар йўқ, улар бир-бирини тўлдиради. Мазкур дарсликда ҳар иккала вариант ҳам унинг тузилиш асоси сифатида қўлланади.

Логопедиянинг вазифаси – нутқ бузилишларини тартибга солишни такомиллаштиришдир.

Келтирилган таснифлар, кўпроқ болаларни нутқнинг бирламчи ривожланмай қолишига, яъни эшитиш қобиляти ва ақлий жиҳати нормал ҳолдаги нутқ бузилишларига нисбатан ишлаб чиқилган. Дарвоқе, бу тоифадаги болалар ўз таркибига кўра бир хил эмас: зеро бундай даражага руҳий ривожланиши тўхтаб қолган, кўриш қобиляти ва таянч ҳаракати аппарати бузилган болалар ҳам тааллуқли. Логопедияда ишлаб чиқилган таснифни юқорида кўрсатиб ўтилган тоифадаги нутқи бузилган болаларга нисбатан қўллаш мумкинми ёки янги изланишлар зарурми, деган масалани ҳал этиш муҳимдир.

Шунингдек, ақлий қолоқ ва заиф эшитадиган болаларнинг нутқ бузилишларини тартибга солиш ҳақидаги масала ҳам жуда муҳим ва мураккаб масаладир.

Назорат саволлари

1. Логопедия сўзини изоҳлаб беринг.
2. Логопедияни фан сифатида таърифлаб беринг.
3. Логопедиянинг предмети, объекти ва аҳамиятини шарҳланг.
4. Логопедия фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
5. Логопедия қайси фанлар билан боғланган?
6. Логопедиянинг методологик асосларини шарҳланг.
7. Логопедия қайси тамойилларни ўз ичига олади?
8. Логопедия фанининг методларини ёритинг.
9. Логопед шахсини таърифланг.
10. Логопедияда категориялар апарати тушунчасини таърифланг.
11. Логопедик лугатдан фойдаланиб, нутқ бузилишларига таъриф беришда қўлланиладиган атамаларнинг аҳамиятини изоҳланг.
12. Нутқ бузилишларининг алоҳида турларини таърифланг, бир неча бузилишларни қиёсий таҳлил қилинг.
13. Махсус муассасага борганда тиббий-педагогик ҳужжатлар билан танишиш, хусусий кузатиш ва болаларни кўриқдан ўтказиш асосида мавжуд нутқ бузилишларини айтинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
2. “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.
3. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
5. Аюпова М.Ю. Логопедия. Дарслик. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007.

Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.
2. <http://www.uzedu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.
3. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти портали.
4. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
5. <http://www.xs.uz> – “Халқ сўзи” газетаси сайти.
6. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.

2-Мавзу: Дислалия (2 соат)

Режа

- 2.1. Дислалия, унинг шакллари
- 2.2. Дислалия турлари
- 2.3. Дислалияни бартараф этишда логопедик таъсир методикаси
- 2.4. Сигматизм ва уни бартараф этиш

Таянч иборалар:

1. Дислалия (грекча дис-қисман, лалиа-нутқ) – нутқнинг қисман бузилиши.
2. Гамматсизм (грекча гамма г ҳарфининг номи) – Г товуши талаффузидаги камчилик.
3. Каппатсизм (грекча каппа – К ҳарфининг номи) – К товуши талаффузидаги камчилик.
4. Ламбдатизм (грекча ламбда – Л ҳарфининг номи) – Л товуши талаффузидаги камчилик.
5. Прогения (грекча прогенус – пастки жағ) – пастки жағнинг олдинга чиқиши.
6. Прогнатия (грекча прогнатҳас – юқори жағ) – юқори жағнинг олдинга чиқиши.
7. Ротатсизм (грекча рхотасисмис – По ҳарфининг номини билдиради) – р товуши талаффузидаги камчилик.
8. Сигматизм (грекча сигма – С ҳарфининг номини билдиради) – сирғалувчи ва шовқинли товушлар талаффузидаги камчилик.

2.1. Дислалия, унинг шакллари

Дислалия термини грекча сўздан олинган бўлиб, дис – бузилиш, лалиа – нутқ деган маънони англатади.

Дислалия нутқ бузилишлари орасида энг кўп тарқалган камчиликдир. Е.Ф. аў маълумотига кўра, товушлар талаффузидаги камчиликлар мактабгача ёшдаги болаларда 15 – 20% ни, кичик мактаб ёшдаги болаларда 5 – 7% ни ташкил этар экан.

М.Н. Александрова маълумотига кўра Россияда 5 – 6 ёшли болаларда сирғалувчи товушлар (с, з, тс) 23%, шовқинли товушлар (ш, ж) 24%, аффрикат товуш (ч) 13%, «р» товуши 26%, «л» товуши 10%, жаранглилар 4,5%, «й» товуши 1,5%, тил орқа товушлар 1% кўрсаткичларда нотўғри талаффуз этилиши кўрсатилади.

М.М. Алексеева маълумоти бўйича 5 ёшли болаларда сирғалувчи товушлар (с, з, тс) 17,3%, шовқинли товушлар (ш, ж) 60,4%, «р» товуши 46,7%, «л» товуши эса 7,2% ташкил этар экан.

Р. Беккер маълумотига кўра, Германияда дислалия ҳодисаси 5 – 6 ёшли болаларнинг 34% учрар экан. К. Онезора дислалия умумтаълим мактаби ўқувчиларининг 18,5% ида кузатилади экан. Милослав Зимееннинг Прагадаги

болалар боғчасида олиб борган текширишларига кўра, дислалия куйидаги рақамларни ташкил этган: 3 – 4 ёшли болаларда 69%, 4 – 5 ёшлиларда 58%, 5 – 6 ёшли болаларда 46%, 6 – 7 ёшлиларда эса 37%.

Ўзбекистонда М. Аюпова маълумотига кўра 5 ёшли болаларда товушлар талаффузидаги камчиликлар 41,5%, 6 ёшли болаларда эса 22,9% ни ташкил этади.

М. Аюпова маълумоти бўйича 5 ёшли болаларда сирғалувчи (с, з) 32,1%, шовқинлилар (ш, ж) 38,4%, «р» товуши талаффузида 60,7%, тил орқа товушлари 25%, чуқур тил орқа товушлари (к, ғ) 7,1, «л» товуши 5,4% ташкил этган.

1. Ҳозирги вақтда дислалия нутқ аппарат инерватсияси сақланган ва эшитиш нормада бўлганда товушлар талаффузидаги камчилик деб талқин этилади.

Этиологик¹ белгиларга кўра дислалия икки шаклга бўлинади: механик (органик) ва функционал дислалия.


Механик дислалия ва унинг сабаблари

Механик (органик) дислалия периферик нутқ аппаратнинг (тил, жағ, танглай, тиш) органик бузилиши натижасидир.

Тил тагидаги этнинг (юганча) калталиги механик дислалияга сабаб бўлади. Бу камчилик тил ҳаракатини қийинлаштиради, тил тагидаги этнинг ҳаддан ташқари калта бўлиши тилнинг юқори томон кўтарилишига имкон бермайди. Бундан ташқари, тилнинг ҳаддан ташқари катта бўлиши ёки ҳаддан ташқари кичик ва тор бўлиши ҳам дислалияга олиб келади. Бундай ҳолларда тўғри артикулятсия қийинлашади.

Жағ тузилишидаги камчиликлар прикус нономалликларга олиб келади. Нонормал прикуслар бир неча хил кўринишда бўлиши мумкин.

Прогнатия – юқори жағ олдинга томон чиққан бўлади. Бунинг натижасида пастки олдинги тишлар юқоридаги тишлар билан бирлашмайди (4-расм).



Прогения – пастки жағ олдинга чиққан бўлади (5-расм).

Очик прикус-юқори ва пастки жағлар бирлашганда улар орасида оралик масофа қолади. Айрим ҳолларда бу оралик фақат олдинги тишлар орасида бўлади (олдинги очик прикус) (6-расм) .

Ёни очик прикус ўнг томонли, чап томонли ва икки томонли бўлиши мумкин.

Тишларнинг (тиш қаторининг) нотўғри тузилиши ҳам дислалияга сабаб бўлиши мумкин. Тишлар ва жағдаги камчиликларни бартараф этиш врач-стоматолог томонидан олиб борилади.

Танглайнинг нотўғри тузилиши ҳам товушларнинг тўғри талаффузига халақит беради. Тор, баланд ёки паст, ясси танглай кўпчилик товушларнинг тўғри артикулятсиясига имкон бермайди.

Лабларининг қалинлиги ингичка ва кам ҳаракатчанлиги ҳам лаб ва лаб-тиш товушларини аниқ талаффузига халақит беради.

Функционал дислалия ва унинг сабаблари

Функционал дислалияда периферик нутқ аппаратининг артикулятсион қисмида ҳеч қандай органик бузилишлар, камчиликлар кузатилмайди.

Функционал дислалиянинг кенг тарқалган сабабларидан бири оиладан нутқини нотўғри шакллантиришдир. Айрим оилаларда катталар бола нутқига тақлид қиладилар. Болани суйиб у билан «бола тилида» сўзлашадилар. Бунинг натижасида болада товушларнинг тўғри талаффузи кеч ривожланади. Дислалия болаларда тақлид асосида ҳам юзага келиши мумкин. Товушлар талаффузи ҳали етарли, тўғри шаклланмаган кичик ёшдаги болалар билан, тили чучук ёки ноаниқ, тез шошиб гапирадиган кишилар билан доимо мулоқотда бўлиши бола нутқига салбий таъсир кўрсатади. Кўпинча бола оилада товушларни нотўғри талаффуз этувчи киши нутқига тақлид этади. Бу эса функционал дислалияга сабаб бўлади.

Оиладаги икки тиллилик, педагогик қаровсизлик ҳам функционал дислалияга сабаб бўлади. Бунда товушларга эътибор бермаслик, боладаги камчиликларни тўғирламаслик, тўғри ва аниқ талаффуз намуналарини бермаслик ҳоллари кўзда тутилади.

Фонематик эшитишнинг яхши ривожланмаганлиги болаларда товушлар талаффузидаги камчиликларни келтириб чиқарувчи сабаблардан биридир. Бу ҳолда товушлар дифференцияси (товушларни фарқлаш) қийинлашади. Болалар асосан бир-бирига ўхшаш: жарангли-жарангсиз, сирғалувчи ва шовқинли товушларни ажрата олмайдилар. Бу қийинчиликлар натижасида товушларнинг тўғри талаффузи узоқ вақтга чўзилиб кетади.

Шу билан бирга, товушлар талаффузидаги камчиликлар, айниқса, товушларни алмаштириш ҳоллари, ўз навбатида, фонематик эшитувнинг шаклланишининг қийинлаштиради ва келгусида нутқнинг умумий ривожланмаганлигига ва ўқиш-ёзишда бузилишлар бўлишига сабаб бўлади.

Дислалия артикулятсион аппарат аъзоларининг (тил, лаб, пастки жағ) ҳаракатчанлигидаги камчиликлар натижасида ҳам содир бўлади. Бу ҳол боланинг тилни керакли ҳолатда ушлаб тура олмаслиги ёки бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга тез ўта олмаслигида намоён бўлади.

Дислалия функционал эшитувнинг пасайиши натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Боланинг ақлий ривожланишидаги камчиликлар ҳам оғир ва узоқ давом этадиган дислалияга сабаб бўлади. Олигофрен болаларнинг 50% да товушлар талаффузидаги камчиликлар бўлиши мумкин.

2.2. Дислалия турлари

Товушларни нотўғри талаффуз этиш она тилида ҳамма товушларда учратиш мумкин.

Товушлар талаффузининг бузилиши асосан артикулятсион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган: сонор (р, л), сирғалувчи (с, з,) ва шовқинли (ш, ж, ч), тил орқа (к, г) товушларида учрайди.

Болаларга товушлар талаффузининг бузилиши товушларни нутқда йўқлиги, уларни бузиб талаффуз этиш ва бир-бири билан алмаштириш ҳоллари билан намоён бўлади.

Бу ҳолатларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз. Нутқда товушларнинг йўқлиги уларнинг сўзнинг бошида (масалан, ранда сўзи ўрнига бола «анда»), сўзнинг ўртасида (тарвуз — «тавуз»), сўзининг охирида (қор — «қо») тушиб қолишида ифодаланиши мумкин.

Товушларни бузиб (нотўғри) талаффуз этиш Шунда ифодаланадики, бунда товушларнинг тўғри талаффузи ўрнига, шу товушга яқин лекин она тили фонетика тизимида ифода этилмайдиган товуш талаффуз этилади. Масалан, тиш аро сигматизм, ён сигматизм, валяр р (бунда тил учи тебраниши ўрнига юмшоқ танглай тебранади), увиляр р (бунда тил учи ўрнига кичик тилча тебранади).

Товушлар тилнинг фонетик тизимида мавжуд бўлган бошқа товушларга алмаштирилиши мумкин. Улар қуйидагича намоён бўлиши мумкин:

1) ҳосил бўлиш усулига кўра ўхшаш, артикулятсия ўрнига кўра фарқ қиладиган товушларни алмаштириш, масалан, портловчи тил орқа к ва г, портловчи тил олди т ва д товушлари (масалан, китоб сўзи ўрнига «титоб», гул сўзи ўрнига «дул»);

2) ҳосил бўлиш ўрнига кўра ўхшаш, ҳосил бўлиш усулига кўра фарқ қиладиган товушларни алмаштириш, масалан, сирғалувчи тил олди с товуши, портловчи тил олди т товуши билан (соат ўрнига «тоат»);

3) ҳосил бўлиш усулига кўра ўхшаш ва артикулятсия органларининг иштирокига кўра фарқ қиладиган товушларни алмаштириш, масалан, с товуши, лаб-тиш аъзолари иштирокида ҳосил бўладиган ф товуши билан (сумка сўзи ўрнига «фумка»);

4) ҳосил бўлиш усули ва ўрнига кўра ўхшаш, овоз иштирокига кўра фарқ қиладиган товушларни алмаштириш, масалан, жарангли товушлар жарангсиз товушлар билан алмаштирилади (бола — «пола», пайпоқ — «байбоқ», зина — «сина», гул — «кул»).

Бузилган товушларнинг сонига қараб дислалия яна оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Агарда тўртта товуш талаффузида камчилик бўлса, оддий дислалия, агар бешта ва ундан ортиқ товуш талаффузида камчилик бўлса, бу — мураккаб дислалия деб аталади.

Агар бир фонетик группага кирувчи товушлар талаффузида камчиликлар бўлса (масалан, сирғалувчи с, з, ж) бу-мономорф дислалия. Агар у икки ва ундан ортиқ артикулятсия гуруҳига тегишли бўлса (масалан, ротатсизм, сигматизм ва ламбдатсизм), бу – полиморф дислалия бўлади.

Талаффузидаги камчиликлар ўз характериға, маълум товушлар группасига тегишли бўлишиға кўра дислалия қуйидаги турларға ажратилади:

1. Сигматизм (грекча «сигма» «с» ҳарфининг номини билдиради). Бунда сирғалувчи (с, з) ва шовқинли (ш, ж, ч) товушлар талаффузида камчиликлар кузатилади. Сирғалувчи ва шовқинли товушларнинг бошқа товушларға алмаштирилиши парасигматизм деб юритилади. Масалан, соат – «тоат», жўжа – «дўда», чойнак – «тойнак».

2. Ротатсизм (грекча «ро» ҳарфи номидан олинган бўлиб, «р» товушни билдиради) – р товушнинг талаффузидаги камчиликлардир. Р товушини бошқа товушлар билан алмаштирилиши параротатсизм деб юритилади. Масалан, ракета – «якета», ром – «лом», ручка – «ючка».

3. Ламбдатсизм (грекча «ламбда» ҳарфини номидан олинган бўлиб, л товушни билдиради) – л товушининг талаффузидаги камчиликдан иборат. Л товушининг бошқа товушларға алмаштирилиши параламбдатсизм деб юритилади. Масалан, лола – «ёя», гул – «гуй».

4. Тил орқа товушларидаги камчиликлар:

каппатсизм – к товушининг нутқда йўқлиги, паракататсизм «к» товушини алмаштирилиши. Масалан, копток – «топто», китоб – «титоб»;

гамматсизм – г товушининг нутқда йўқлиги, парагататсизм «г» товушининг алмаштирилиши. Масалан, гул – «дул», гилам – «дилам»;

хитизм – х товушининг нутқда йўқлиги, паракхитизм «х» товушининг алмаштирилиши. Масалан, хат – «тат», хўроз – «тўроз»;

ётатсизм – й товушининг нутқда йўқлиги, параётатсизм «й» товушининг алмаштирилиши (грекча каппа, гамма, хи, ёта ҳарфларини номидан олинган бўлиб, к, г, х, й товушларини билдиради).

5. Жаранглатиш нуқсонлари – жарангли ундош товушлар талаффузидаги камчиликлар. Бу камчиликлар жарангли ундош товушларни жарангсиз ундош товушларға алмаштирилишидир: б-п, д-т, в-ф, з-с, ж-з, г-к ва бошқалар.

2.3. Дислалияни бартараф этишда логопедик таъсир методикаси

Талаффуз бузилишларни бартараф этиш учун логопедик таъсир лозим. Логопедик таъсирнинг асосий мақсади, нутқ товушларини тўғри шакллантиришдир. Нутқ товушларини тўғри тиклаш учун бола қуйидагиларни билиши лозим: нутқ товушларини билиши ва уларни идрокида аралаштириб юбориши керак эмас /бир товушни иккинчисидан акустик белгиси бўйича ажрата билиши/; нормал талаффуз қилинган товушдан нотўғри талаффуз қилинган товушни ажрата билиши; ўзи талаффуз қилган товушни эшитиб назорат қила билиши ва сифатини баҳолаши; товушни нормал /эффектини/

акустик эффектини ҳосил қилувчи артикулятсион ҳолатни бажара олиши; нутқнинг ҳамма турларида товушлардан ўринли фойдаланиши лозим.

Логопед болани тўғри талаффузга ўргатиши учун ниҳоятда самарали йўл топиши лозим.

Тўғри ташкил қилинган логопедик иш дислалиянинг бошқа турларида ҳам самарали натижага эришади. Механик дислалиянинг бир қанча ҳолларида логопедия ва тиббиётнинг биргаликда ёндашиши натижасида самарали муваффақиятларга эришилади.

Логопедик таъсирнинг муваффақиятли шарт шароитлари талаффуздаги камчиликларни бартараф этиш учун яхши шароитлар яратиб беради: логопеднинг бола билан эмотсионал контакти; машғулотларни қизиқарли шаклда ташкил қилиш ва чарчашга йўл қўймайдиган иш тизимида олиб бориш.

Логопедик машғулотлар ҳафтасига уч марта мунтазам равишда ўтказилади. Ота-оналар билан биргаликда уй шароитида ҳам машғулотлар ўтказилиши лозим (логопед топшириқлари асосида). Машғулотларни ҳар куни (кунига 2 – 3 марта) 5 – 15 минутдан ўтказиш лозим.

Талаффуздаги нуқсонларни бартараф этиш учун дидактик материаллардан кенг фойдаланилади.

Талаффуздаги камчиликларни бартараф этиш муддати бир қанча факторларга боғлиқ: нуқсоннинг мураккаблик даражасига, боланинг ёш ва индивидуал хусусиятига, машғулотнинг мунтазамлигига, ота-оналар томонидан бериладиган ёрдамга. Оддий дислалияда машғулотлар бир ойдан уч ойгача, мураккаб дислалияда эса уч ойдан олти ойгача ўтказилади. Мактаб ёшидаги болаларга қараганда, боғча ёшидаги болалар талаффузидаги нуқсонлар қисқа муддат ичида бартараф этилади, катта мактаб ёшидаги болаларга қараганда эса кичик мактаб ёшидаги болаларда тезроқ бартараф этилади.

Логопедик таъсир босқичма-босқич амалга оширилади, ҳар бир босқичда логопедик таъсир умумий мақсадига қарашли бўлган аниқ педагогик масала ечилади.

Адабиётларда логопедик таъсир нечта босқич бўлиниши ҳақида ҳеч қандай бир хил фикр йўқ: Ф.Ф. Рау ўз ишларида икки босқичга, О.В. Правдина ва О.А. Токарева уч босқичга, М.Йе. Хваттсев тўртта босқичга бўлган.

Логопедик таъсирнинг вазифа ва мақсадларидан келиб чиқиб, қуйидаги босқичларга ажратишни муҳим деб топилди; тайёрлов босқичи бошланғич талаффузда билим ва кўникма (малака)ларни шакллантириш босқичи.

Тайёрлов босқичи. Бу босқичнинг асосий мақсади бола диққатини мақсадга қаратилган логопедик жараёнга қаратиш. Бунинг учун бир қатор умумпедагогик ва махсус логопедик масалаларни ечиш лозим.

Муҳим умумпедагогик масалалардан бири машғулотлар йўналишини шакллантиришдир: логопед болани логопедик кабинет жиҳозларига, муҳитига ўргатиши, болада машғулотга нисбатан қизиқиш ва хоҳиш уйғотиш лозим. Болаларда нотаниш одамларга нисбатан уялиш, танглик, индамаслик

баъзи ҳолларда, ҳатто қўрқув ҳоллари ҳам кузатилади. Логопеддан асосан хушмуомалалилик талаб қилинади; бола билан муносабатда расмиятчилик, қаттиқ қўллик қилиш керак эмас.

Бола машғулоти қоидаларига риоя қилиши, логопед берган инструкцияларни бажаришни, мулоқотга фаол равишда киришишни ўрганиши керак. Машғулотларга тушунган ҳолда, эркин фаолият шаклида ёндашишни шакллантириш лозим.

Тайёрлов этапининг муҳим масалаларидан бири эркин диққат, хотира, фикрлаш операцияларини, анализ ва синтез, таққослаш, хулоса чиқариш операцияларини ривожлантиришдир.

Махсус логопедик масалалардан бири товушларни бир-биридан ажратишга, танишга, артикулятсияни шакллантиришни билиш ва кўникишга ўргатишдир.

Бу масалалар дислалиянинг қайси формаси эканлигига қараб параллел ёки кетма-кет равишда ечилади. Идрок қилиш жараёни бузилмаган артикуляр формада (фонематик ёки фонетик) бўлса, юқоридаги масалалар параллел равишда олиб борилади.

Дислалиянинг акустико-фонематик формасининг муҳим масаласидан бири болаларни фонемаларни танишга, ажратишга ва эслаб қолишга ўргатишдир. Бу юқоридаги масалаларни ечмасдан товушларнинг тўғри талаффузини шакллантиришга ўтиб бўлмайди. Бола товушни тўғри талаффузига эришиши учун, у товушни (фонемани) эшита билиши лозим.

Дислалиянинг аралаш ва мураккаб шаклида рецептив билимларни ривожлантириш учун артикуляр базани шакллантириш лозим. Фонематик идрок қўпол бузилган бўлса, артикуляр билим ва малака жараёнларини шакллантириш ишлари олиб борилади.

Артикулятсион базани шакллантириш учун бир қанча машқлар тури, методик тавсиялар, талаффузни тўғрилаш учун қўлланма ва дидактик талаблар ишлаб чиқилган.

Дислалияда қўпол мотор бузилишлар йўқ. Дислалик болада нутқ учун махсус бўлган артикулятсион органлар ҳаракатининг айримлари шаклланмаган. Артикулятсион органлар ҳаракатининг шаклланиш жараёни эркин ва тушунган ҳолда амалга ошади: бола вазифани тўғри бажаришга ва артикулятсион органлар ҳаракатини назорат қилишга ўрганади. Зарур бўлган ҳаракатлар олдин кўрсатилиб тақлид қилиш асосида шакллантирилади: логопед ойна олдида болага товушнинг тўғри артикулятсиясини кўрсатади, тушунтиради, қандай ҳаракатларни бажаришни кўрсатади ва қайтаришни сўрайди. Кўриш назорати остида бир неча марта қайтариш натижасида бола тўғри (керакли) вазиятни эгаллашга эришади. Агар бола қийналса, логопед зонд ёки шпатель билан ёрдам беради. Кейинги машғулотда кўрсатмасиз оғзаки инструкция бўйича қилдиришга ҳаракат қилиш керак. Кейинчалик бола тўғри бажараётганини кинестик сезгиси асосида текшириши мумкин. Бола қачон артикулятсияни кўрсатмасиз, беҳато бажарса, Шунда ўзлаштириб олган бўлади.

Товуш талаффузини тўғри шакллантириш даврида, шу товуш устида ишланаётганлиги ҳақида эслатиш керак эмас.

Логопед, машғулот давомида, бола керакли товушни талаффуз қилиш учун тўғри вазиятни эгалладими, йўқми текширилади. Бунинг учун логопед боладан тўғри вазиятни эгаллаган ҳолда нафас чиқаришини (қаттиқ пуфлашни) сўрайди. Кучли нафас чиқариш натижасида интенсив шовқин ҳосил бўлади. Агарда шовқин керакли товушнинг (ундошнинг) акустик эффектига мос келса вазият тўғри танланган бўлади. Агар бундай бўлмаса, унда логопед боладан артикулятсион орган вазиятини ўзгартиришини сўрайди (бироз кўтариш, тушириш, тилни ҳаракатлантириш) ва яна пуфлатади. Муваффақиятли натижага эришмагунча бажартирилади.

Баъзи ҳолларда бола ҳосил бўлган шовқинга қулоқ солиб уни нормал товуш билан тенглаштиради ва ҳатто мустақил равишда нутқига киритишга ҳаракат қилади. Бу ҳам яхши натижага олиб келмайди. Шунинг учун бундай ҳолларда логопед бола диққатини бошқа ҳолатга қаратади.

Дислалияда артикулятсион органларнинг керакли ҳаракатларини шакллантириш учун қилинган машқлар натижаси етарлидир, ортиқча машқларни бажартириш зарур эмас. Бола нутқий ривожланиш жараёнида айрим шаклланмаган нутқ ҳаракатлари устида иш олиб борилади.

Артикулятсион машқлар ўтказиш учун керакли бўлган талаблар:

1. Талаб қилинган вазиятни эгаллай билиш, шу вазиятда тура билиш (олиш), шу вазиятни сакраб туриш, бир вазиятдан иккинчисига ўта билиш.

2. Артикулятсион моторикани ривожлантирувчи машқлар тизимида статик машқлар каби нутқ ҳаракатининг динамик координатсиясини ривожлантиришга қаратилган машқларни ҳам киргизиши лозим.

3. Лаб ва тил ҳаракат машқларини бирга олиб бориш зарур, чунки бу органлар товушларни талаффузда биргаликда иштирок этишади, бир-бирига мослашади (бу кўринишни коартикулятсия дейилади).

4. Бола толиқиб қолмаслиги учун машғулотлар қисқа, лекин кўп марта ўтказилиши лозим. Орада бошқа иш тури билан шуғулланиш лозим.

5. Кинестик сезгини, кинестик анализ ва тасаввурни шакллантиришга катта эътибор бериш керак.

6. 1. Ҳаракатларни ўзлаштириш билан бирга, товушларни реализация қилиш учун логопед бошқа товушларга керак бўлган ҳаракатлар устида ишлашга ўтади.

Артикуляция гимнастикаси

Дастлабки логопедик текшириш жараёнида артикулятсион аппарат аъзолари тузилишида камчиликлар борлиги аниқланади. Бундай ҳолларда фонематик идрокни ривожлантириш ишлари билан параллел равишда артикулятсия гимнастикаси (тайёргарлик машқлари) олиб борилади.

Артикулятсия гимнастикасининг мақсади, товушларни тўғри талаффуз этиш учун зарур бўлган артикулятсия аъзоларини тўлиқ, аниқ келтириш ва

оддий ҳаракатларни мураккаб ҳаракатларга – турли хил фонемаларнинг артикулятсия тартибига бирлаштиришдан иборатдир.

1. Ҳамма артикулятсион машқлари тизимини икки турга бўлиш мумкин: статик ва динамик. Статик машқларда артикулятсия аъзолари турли ҳолатларга келтирилади, лекин ҳаракат бўлмайди. Динамик машқларда артикулятсия аъзолари турли ҳолатларга ва шу билан бирга ҳаракатга келтирилади.

1. Ҳар бир машқлар ўз номига эга. Машқларнинг номлари шартли, лекин болаларнинг уларни эслаб қолишлари жуда муҳимдир. Чунки, биринчидан, номлар болада ўтказиладиган машққа нисбатан қизиқиш уйғотади, иккинчидан, вақтни тежайди, яъни бунда логопедга ҳар сафар машқларни бажариш усулини такрор тушунтиришга ҳожат қолмайди, болага бажарилиши керак бўлган машқнинг номини айтиш қифоя.

Статик тайёргарлик машқлари

1. «Белкуракча». Тил кенг ҳолда чиқарилиб, бўшаштирилади ва пастки лаб устига қўйилади. Бунда тил титрамаслиги керак. Тил шу ҳолда 10 – 15 дақиқа ушлаб турилади (14-расм).

2. «Косача». Оғиз кенг очилади, тил кенг чиқарилиб юқорига кўтарилади. Тил юқори тишлар томон олиб борилади, лекин уларга теккизилмайди. Шу ҳолда тил 10 – 15 дақиқа ушлаб турилади (15-расм)

3. «Нинача». Оғиз очилади. Тил олдинга томон ингичка қилиб чиқарилади. Шу ҳолатда 15 дақиқа ушлаб турилади (16-расм).

4. «Тепача». Оғиз ярим очилади. Тилнинг орқа ёнлари юқори жағ тишлар билан қисилади. Тилнинг учи пастки олдинги тишларга тиралади. Бу ҳолат 15 дақиқа ушлаб турилади (17-расм).

5. «Найча». Тил кенг ҳолда чиқарилади. Тилнинг икки ён томони юқори томон букланади. 1. Ҳосил қилинган найчадан пуфланади.

Машқ секин суръатда 10 – 15 марта бажарилади (18-расм).

Айтиб ўтилган машқларнинг ҳар бири аниқ, секин 8 – 10 марта бажарилади.

Динамик тайёргарлик машқлар

1. «Соатча». Тил узун-ингичка қилиб чиқарилади. Сўнг шу ҳолда тил оғизнинг ўнг бурчагидан чап бурчаги томонга қараб ҳаракатга келтирилади. Машқ 15 – 20 марта бажарилади (19-расм).

2. «От». Тил танглай томон сўрилиб, сўнг қўйиб юборилади. Шунда тил тақиллаган овоз чиқаради. Тилни тақиллатиш секин ва кучли бўлиши керак. Бу машқ 10 – 15 марта бажарилади (21-расм).

3. «Кўзиқорин». Оғиз очилади. Тил танглай томон сўрилади, Шунда тил танглайга қаттиқ жипслашади. Бу ҳолда тил ушлаб турилади, шу вақтнинг ўзида пастки жағ пастга томон туширилади. Бу машқ 10 – 15 марта

бажарилади. Бу машқнинг «От» машқидан фарқи шуки, тил танглайга жипслашгач, қўйиб юборилмайди.


4. «Арғимчоқ». Тил узун-ингичка қилиб чиқарилади, сўнг навбатма-навбат гоҳ бурун, гоҳ ияк томон олиб борилади. Бу вақтда оғиз бекитилмайди. Машқ логопед саноғи остида 10 – 15 марта бажарилади (20-расм).

5. «Мазали мураббо». Тил кенг ҳолда чиқарилади, сўнг юқори лаблар яланади ва тил оғиз ичига олинади. Бу машқ 10 – 15 марта қайтарилади (22-расм).

6. «Бўёқчи». Тил чиқарилади, оғиз ярим очик ҳолда бўлади. Тил билан аввал юқори лаб, сўнг пастки лаб айлана бўйлаб яланади. Бу машқ йўналишни ўзгартирган ҳолда 10 марта бажарилади (23-расм).

7. «Ғалтак». Тил учи олдинги пастки тишлар орқасига тиралади. Тилнинг орқа ён томони юқоридаги жағ тишлар билан қисилади. Кенг тил олдинга чиқарилади, сўнг яна оғиз ичига олинади. Бу машқ 15 марта бажарилади (24-расм).

1. Ҳар бир товушларни тўғри талаффузга қўйишда логопед айтиб ўтилган машқлардан фақат зарур деб ҳисобланганларини танлаб олади. Танлаб олинган машқлар қўйилиши лозим бўлган товуш артикулятсиясига мос келмоғи лозим.



7-расм. «Белкуракча» артикулятсия машқи




8- расм. Тепача»артикулятсия машқи.



9-расм. «Нинача».
машқи артикулятсия




10-расм. «Косача» артикулятсия
машқи



11-расм. «Найча» артикулятсия
машқи



12-расм. «Соатча» артикулятсия
машқи.



13-расм. «От» артикулятсия
машқи



14-расм. «Арғимчоқ» артикулятсия
машқи



15-расм. «Мазали мураббо» артикулятсия машқи.



16-расм. Бўёқчи артикулятсия машқи.

Талаффуз қилиш малака ва кўникмаларини шакллантириш босқичи

Бу босқичнинг мақсади махсус танланган нутқ материали бўйича болада товуш тўғри талаффузининг бошланғич билимларини шакллантиришдан иборатдир. Товушларни нутққа қўйиш, нутқда улардан тўғри фойдаланиш малакаларини шакллантириш, товушларни танлай билиш, ўзаро алмаштириб юбормаслик (товушлар дифференциатсияси) аниқ масала ҳисобланади. Кўрсатилган масалаларни логопедик иш жараёнида ечиш зарурияти, нутқнинг талаффуз томонини онтогенетик эгаллаш қонунидан келиб чиқади.

Бир қанча текширишлар Шунини кўрсатадики, у ёки бу товушни пайдо бўлиш пайтидан бошлаб то уни тўғри талаффузигача, то уни нутққа киритгунча анча вақт ўтади. А.Н. Гвоздев орадаги бу вақтни товушни ўзлаштириш даври дейди. Бу давр 30 – 45 ва кўпроқ кун бўлиб ўзига хосдир. Олдин янги товуш эски товуш билан параллел равишда ишлатилади (алмаштирилган товуш), бунда олдинги, яъни эски товуш янгисига қараганда тез-тез ишлатилади. Кейинчалик янги товуш тез-тез ишлатиладиган бўлади, бир қанча вақтдан кейин эса у эски товушни сиқиб чиқариб ҳамма вазиятда ҳам ўзи иштирок этади, кейинчалик уни нутқдан умуман сиқиб чиқаради ва Шундан сўнг янги товушни эски товуш билан бирга дифференциатсия қилиш жараёнига ўтилади.

Ф.Ф. Рау ўз ишларида товушларни нутққа қўйишнинг уч усулини кўрсатади: тақлид (имитатив), механик (ёрдам) ва аралаш.

Биринчи усул – логопеддан эшитган товушга мос қилиб боланинг онгли равишда шу товуш артикулятсиясини топишга ва талаффуз қилишга уринишига асосланган. Бунда бола акустик таянчдан ташқари кўриш, тактиль ва фикрлаш сезгилардан ҳам фойдаланади. Тақлид усулда асосан

артикулятсион органнинг ҳолати қандай бўлиши кераклиги ҳақида логопед оғзаки тушунча беради. Изланувчанлик сирғалувчи, жарангли товушларни постановка қилишда яхши натижалар беради. Баъзи бир товушлар эса, масалан: сонор «р», «л», аффрикатлар «ч», тил орқа «к», «г», «х» товушлар кўпинча бошқа усулдан фойдаланган ҳолда муваффақиятли қўйилади.

Иккинчи усул – махсус зонд ёки шпатель билан артикулятсион органга механик таъсир этишга асосланган. Логопед боладан бир товушни айтишни ва шу товушни бир неча марта такрорлашини сўрайди, такрорлаш вақтида зонд ёки шпатель ёрдамида товушнинг артикулятсион ҳолатини ўзгартиради. Натижада бошқа товуш ҳосил бўлади.

Бу усулда боланинг артикулятсион органлари логопед ҳаракатларига бўйсунди, бола мустақил амалга ошира олмайди. Узоқ шуғулланишдан кейин бола механик ёрдамсиз керакли вазиятни эгаллай олади, ўзига шпатель ёки қўли билан ёрдам берган ҳолда.

Учинчи усул – олдинги иккита усулни бирга олиб борилишига асосланади. Тақлид ва тушунтириш бунда асосий ролни ўйнайди. Механик усулдан қўшимча равишда фойдаланилади.

Логопед болага керакли товуш ҳосил бўлиши учун нима қилиш кераклигини тушунтиради: масалан, тил учини кўтариш (агарда бу ҳолат бола томонидан нормал равишда бажарилмаса).

Бу усулда бола фаоллашади, логопед томонидан кўрсатилган ёрдам натижасида керакли вазият унинг хотирасида қолади ва кейинчалик ҳам механик ёрдамсиз бемалол бажара олади.

Товуш нутқга қўйилгандан сўнг уни нутққа киритиш устида иш олиб борилади, яъни автоматизатсия қилинади. Товушни автоматизатсия қилиш жараёни махсус танланган, фонетик таркиби оддий ва бузилган товушлар иштирок этмаган сўзларни машқ қилиш асосида олиб борилади. Товушнинг сўздаги ўрни аниқланади: бошида, ўртасида ёки охирида. Биринчи бўлиб сўзнинг бошида келган товуш устида ишланади, кейин сўзнинг охирида келган, сўнгра сўзнинг ўртасида келган товуш устида ишланади.

Товушни анализи ва синтези устида ишлаш катта ёрдам беради.

Кўпинча, бола автоматизатсия жараёнидаёқ қўйилган товушни мустақил равишда ўз нутқида киргиза бошлайди. Агар бола товушни бошқаси билан алмаштирмаса, кейинги ишни кераги йўқ. Логопедик амалиётда бир товушни автоматизатсия қилиб бўлгандан кейин ҳам унинг устида ишлашни талаб этадиган ҳоллар ҳам учрайди, яъни товушларни дифференциатсияси устида иш олиб борилади.

2.4. Сигматизм ва уни бартараф этиш

С, З товушлари. Бу товушлар сирғалувчи товушлар группасига киради. Уларнинг талаффузидаги камчиликларни тўғрилаш, юқорида қайд этилганидек, болада бу товушларни эшитиб, уларни бир-биридан фарқлаш малакаларини ривожлантиришдан бошланади. Сўнгра артикулятсион машқлар ўтказилади. Кейин эса шу товушларнинг тўғри артикулятсияси

ўргатилади. *С* товушининг талаффузида артикулятсион аппарат куйидаги ҳолатда бўлади (7-расм):

- талаффуз вақтида лаблар илжайгансимон очик;
- пастки ва устки тишлар эса бир-бирига тегар-тегмас даражада яқин ҳолатда бўлади;
- тилнинг учи ёйилиб, юқори милкка тегар-тегмас ҳолатда бўлади, яъни тилнинг сатҳи билан қаттиқ танглай орасидаги масофа торайиб боради, юмшоқ танглай эса бироз кўтарилади.

1. Ҳаво оқими тил ва юқори милкдан сирғалиб чиқади.

З товушининг талаффузи *с* товуши артикулятсион ҳолатига ўхшашдир, фақат унга овоз қўшилади.

Ш ва Ж товушлари

Ш – шовқинли, сирғалувчи тил олди товуш (8-расм). Бу товушни талаффуз этаётганда лаблар бироз чўччаяди, юқори ва пастки тишлар бир-бирига яқинлашади, тил учи муаллақ ҳолатда бўлиб, салгина қисқаради ва ёзилиб тепа тишларга томон кўтарилади. Пастки жағ эса жипслашади. Тил учи ва тишлар оралиғидан сирғалиб чиққан ҳаво тўлқини *ш* товушини вужудга келтиради.

Ж – товушини талаффуз этаётганда пастки тишлар қатори бироз пастга туширилади, тил учи танглай томон кўтарилади, овоз пайчалари эса жипслашган ҳолатда бўлиб енгил титрайди.

Ч-товуши

Ч-товуши талаффуз этилаётганда лаблар бироз чўччаяди, тилнинг олдинги қисми милкка тегади, оғиз бЎшлиғига келган ҳаво сирғалиб чиқиб кетади. ТЎла бЎлмаган ана шу портлаш ва ҳавонинг сирғалиб чиқиши натижасида қоришиқ $t+ш=ч$, $d+ж=ч$ ундошлари ҳосил бЎлади. Овоз пайчалари жипслашиб, ҳаво оқими кучли бЎлади (9-расм)

Сигматизм турлари

Сирғалувчи ва шовқинли товушлар талаффузидаги камчиликлар сигматизм, сирғалувчи товушларни шовқинли ёки бошқа товушларга алмаштирилиши парасигматизм деб юритилади.

Сигматизмнинг куйидаги турлари мавжуд:

1. Тиш аро сигматизм. Бунда сирғалувчи ва шовқинли товушларини талаффуз этишда тилнинг учи юқори ва пастки тишларнинг орасида бўлади.

2. Лаб-тиш сигматизми. Сирғалувчи ва шовқинли товушлар *ф* ва *в* товушларига ўхшаб талаффуз қилинади. Бунда нутқ аъзолари куйидаги ҳолатда бўлади: пастки лаб юқори тишларга томон кўтарилиб, ҳаво оқими йўлини торайтиради, тилнинг учи эса ёйилиб, юқори милкка тегар-тегмас ҳолатга келади. Бундай артикулятсион ҳолатда *ф* ва *с*, *в* ва *з* товуш

элементларига эга бўлган товуш ҳосил бўлиб, натижада ноаниқ, тушунарсиз, кулоққа ёқимсиз товуш талаффуз этилади.

3. Тил олди сигматизми. Сирғалувчи товушлар қуйидаги ҳолатда талаффуз этилади. Тилнинг учи юқори ва пастки тишларга тақалиб туради ва ҳаво оқимининг тишлар орасидан ўтишига тўсқинлик қилади, натижада *с*, *з* товушлари ўрнига *т*, *д* товушлари эшитилади. Масалан, соат – тоат, зина – дина. Бу нуқсонни парасигматизм деб атаса ҳам бўлади, чунки бунда бир товуш иккинчи товуш билан алмашинади.

4. Шовқинли сигматизм. Бунда тилнинг учи тишларга тегиб турмасдан оғиз ичига тортилади, тилнинг орқа қисми эса кўтарилади, натижада портлаш ўрнига юмшоқ *ш*, *ж* товуши эшитилади. Масалан: соат – шоат, занжир – жанжир.

5. Ён сигматизм. Сирғалувчи ёки шовқинли товушлар икки хил оҳангда талаффуз этилади: тилнинг учи альвеолаларга тақалиб туради, тилнинг қолган қисми эса қирра бўлиб, оғиз бўшлиғида ётади ва бир томони билан орқа жағ тишлари томон кўтарилади, ҳаво оқими тилнинг ёнидан ўтади, натижада ёқимсиз товуш пайдо бўлиб, ҳаво оқими ён томондан чиқади. Бу *л* товуши талаффузига ўхшайди. Ён сигматизм бир томонли ёки икки томонли бўлиши мумкин.

6. Бурун сигматизми. Нутқнинг бундай нуқсониди сирғалувчи ва шовқинли товушлар талаффузи пайтида тилнинг орқа қисми юмшоқ танглай пастга тушиши натижасида ҳаво оқими бурун орқали чиқади ва *х* товушига ўхшаш, беўхшов товуш пайдо бўлади.

Турли хил сигматизмларни бартараф қилиш

Сигматизмларни бартараф этиш учун камчилик характериға қараб, турли методларни қўллаш мумкин.

1. Тиш аро сигматизмини бартараф этишда логопед болага юқори ва пастки тишларни бир-бириға яқинлаштириб, тилнинг учини пастки тишлар орқасиға қўйиб *с* товушини талаффуз этишни буюради ва *с* товуши аниқ эшитилмаса унга ёрдам беради. Бунда логопед зонд ёки гугурт чўпи билан тилнинг учини пастки тишлар орқасиға босиб туриб, *с* товушини айттириб кўради. Шунда *с* товуши аниқ ҳосил бўлади. Кейинчалик *с* товуши унли товушларға қўшиб талаффуз этилади.

С товуши аниқ, тўғри ҳосил бўлгандан сўнг *з* товушини талаффуз этишға ўтилади. Бунда *с* товушиға овоз қўшиб талаффуз этилса, *з* товуши ҳосил бўлади.

2. Лаб ва тиш сигматизмини бартараф этишда логопед болага (*с* товушининг талаффузида) лабларни юқори ва пастки томонға (бунда милқлар кўриниши керак) йўналтиришни таклиф этади. Агар бола бу вазифани бажара олмаса, логопед ёрдам беради. Бунинг учун у боланинг пастки лабини бармоғи билан пастга тартади ва илжайишни буюриб туриб, *с* товушини талаффуз қилдиради. Сўнгра ҳосил қилинган *с* товуши очик ва

ёпиқ бўғинларда мустаҳкамланади. Кейинчалик эса бу товуш механик суратда талаффуз этиладиган бўлади.

3. Тил олди сигматизмини бартараф қилишда логопед икки усулдан фойдаланиши мумкин:

а) ҳаво оқимини юқори ва пастки тишлар орасидан чиқариш; бунда логопедик махсус зонд ёки гугурт чўпи ёрдамида тилнинг учини пастки тишнинг орқасида енгилгина босиб турилади ва ҳаво чиқарилади;

б) тилнинг учини кенг ёйиб юқори ва пастки тишлар орасига олиш ва ҳаво оқимини чиқариш. Бунда ҳаво оқими тилнинг учига тегиб *с* товушига ўхшаш «шовқинли» товуш ҳосил бўлади. Сўнгра логопед махсус зонд билан тилнинг учини енгилгина босиб, пастки тишнинг орқасига ўтказди ва болага ҳаво оқимини чиқаришни буюради, Шунда *с* товуши аниқ ҳосил бўлади. Товуш ҳосил қилинган, у аввал бўғинларда, сўнг сўзларда, шеърларда мустаҳкамланади.

4. Шовқинли сигматизмни бартараф этиш учун юқорида кўрсатиб ўтилган тил олди сигматизмини бартараф этишнинг «б» пунктидаги усулдан фойдаланиш мумкин.

5. Ён сигматизмни бартараф этиш учун эса бир неча усуллар тавсия этилади:

а) логопед ойна олдида тақлид қилиш усули билан болага тўғри товуш талаффузини ўргатади. Бунда асосан тақлид қилиш усулидан фойдаланилади;

б) логопед механик усулда фойдаланган ҳолда тўғри товуш талаффузини ҳосил қилади. Бунинг учун логопед махсус зонд ёки гугурт чўпи ёрдамида тилнинг олдинги қисмини пастга босиб туриб, ҳаво оқимини чиқаришни буюради, Шунда *с* товуши ҳосил бўлади;

в) товушнинг тўғри артикулятсиясини ҳосил қилиш учун тиш аро сигматизм ҳосил қилинади. Бунинг учун ҳаво оқимини тил ўртасидаги ариқчадан чиқаришга уриниб кўрилади, Шунда *с* товушига ўхшаш товуш ҳосил бўлади. Сўнг тил учи пастки тишлар орқасига туширилади, Шунда аниқ *с* товуши ҳосил бўлади. 1. Ҳосил қилинган товуш нутқда мустаҳкамланган, сўнг бўғинларда, сўзларда, шеърларда мустаҳкамланади.

6. Бурун сигматизмини бартараф қилишда ҳаво оқими оғиз бўшлиғидан ўтказилади. Бунинг учун турли ўйин машқларидан фойдаланилади. Масалан, бурундан нафас олиб, оғиздан чиқариш; оғиз билан нафас олиб, нафас чиқаришда ёниб турган шамни пуфлаб ўчириш, пахта бўлакчаларига қараб пуфлаш, қоғоз парчаларига пуфлаш, қоғоз парчаларига пуфлаш. 1. Ҳаво оқимини оғиз бўшлиғидан чиқаришга эришилгандан сўнг юқорида қайд этилган усуллар ёрдамида *с* товуши ҳосил қилинади.

Шовқинли товушларнинг ҳосил қилиниши

Сирғалувчи товушларда бўлган камчиликлар шовқинли (*ш, ж, ч*) товушларда ҳам учрайди. Бундан ташқари, шовқинли товушлар сирғалувчи товушлар билан алмаштирилади. Масалан, *ш* товуши *с* товуши билан, *ж* товуши *з* товуши билан алмаштирилиши мумкин. Бундай алмаштириш

сирғалувчи сигматизм деб номланади. Шовқинли товушлар талаффузидаги камчиликлар куйидаги усуллар ёрдамида бартараф этилади.

Ш товушини ҳосил қилиш учун таклид усулидан фойдаланиш мумкин. Бу усул натижа бермаса, механик усулдан фойдаланилади. Бунда болага с товушини айттириб, шу вақтнинг ўзида махсус зонд ёрдамида тил бир оз юқорига кўтарилиб, орқага бироз итарилади. Шу вақтда с товуши ўрнига ш товуши, з товуши ўрнига ж товуши ҳосил бўлади. Логопед секин-аста болага тилни шу ҳолда ушлаб туришга ўргатади. Кейинчалик логопед аниқ ҳосил қилинган *ш* ва *ж* товушларини бўғинларда, сўзларда, жумлаларда мустаҳкамлайди. Булардан ташқари *ш*, *ж* ва сирғалувчи *с*, *з* товушларини бир-биридан фарқлаш учун оғзаки ва ёзма машқлар олиб боради.

Ж товуши талаффузи *ж* товуши талаффузидан фарқ қилади. Шунинг учун *ж* товуши талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш ўзига хос хусусиятлардан иборат бўлиб, куйидаги усул ёрдамида бартараф этилади. Логопед болага *ч* товушини аниқ талаффуз этишни таклиф этади ва *ч* товушини талаффуз этиш вақтида овоз қўшиб талаффуз этиш буюрилади, бунда *ч* товуши ўрнига *ж* товуши ҳосил бўлади. 1. Ҳосил қилинган *ж* товуши аввал бўғинларда, сўнг сўзларда, гапларда, шеърларда мустаҳкамланади.

Қоришиқ *ч* товушини ҳосил қилиш учун логопед болага *ж* товушини талаффуз этишни таклиф қилади. Бола *ж-ж-ж* товушларини бир неча марта талаффуз этиш вақтида логопед махсус зонд ёрдамида тил учини орқага бироз итаради, Шунда *ж* товуши ўрнига қоришиқ *ч* товуши ҳосил бўлади. *Ч* товушини бола мустақил талаффуз қилгач, *ч* товуши аввал ёпиқ бўғинларда (ач-оч-уч-ич-уч), сўнг очик бўғинларда (ча-чо-чу-чи) мустаҳкамланади.

Ч товуши бўғинларда мустаҳкамлангач, уни сўзларда, жумлаларда, шеър ва ҳикояларда мустаҳкамлаш тавсия этилади. Булардан ташқари *с* ва *тс*, *с* ва *ш* товушларини бир-биридан фарқлаш бўйича оғзаки ва ёзма машқлар ўтказилади.

Сирғалувчи ва шовқинли товушларни бир-биридан фарқлаш бўйича олиб бориладиган ишлар тахминан куйидаги изчилликда олиб борилиши тавсия этилади: *с-з*, *ш-ж*, *с-ш*, *з-ж*, *с-ч*.

Ротатсизм ва уни тузатиш

Р товушини нутқда қўллай олмаслик ёки нотўғри талаффуз этилиши ротатсизм, *р* товушини нутқда бошқа товушларга алмаштирилиши пароротатсизм деб аталади.

Р товушининг артикулятсияси куйидагичадир (10-расм). Лаб ундош товушдан сўнг келадиган унли товушлар ҳолатини олади, тил учи альвеолалар томон кўтарилади, бунинг натижасида бироз чуқурча пайдо бўлади, шу чуқурчадан чиққан ҳаво оқими тил учини титратиб ўтади ва титроқ товуш ҳосил бўлади. Овоз пайчалари жипслашиб титрайди ва чиқаётган ҳаво оқими кучли бўлади.

Ротатсизмнинг куйидаги турлари мавжуд:

1. Веляр ротатсизм (грекча велум – юмшоқ танглайнинг пастки четига яқинлашади ва у ерда оралиқ (тирқиш) ҳосил бўлади. Шу оралиқдан ўтаётган ҳаво оқими юмшоқ танглайда тартибсиз титраш (вибратория) ҳосил қилади. Натижада овозга қўшилиб шовқин чиқади.

2. Увиляр ротатсизм (грекча увула – тилча), бунда тил учи тебраниши ўрнига, фақат тилча тебранади.

3. Кучерский ротатсизми – бунда тил учи тебранмай, лаблар жипслашиб тебранади.

4. Ён ротатсизм, бунда тил учи тебраниши ўрнига, тилнинг ён томони тебранади, натижада ноаниқ *p* товуши ҳосил бўлади.

Амалиётда параротатсизмни қуйидаги турлари учрайди, яъни *p* товуши қуйидагича товушлар билан алмаштирилади $p \rightarrow л$; $p \rightarrow й(ж)$; $p \rightarrow я$.

Ротатсизмга анатомик камчиликлардан тил тагидаги юганчанинг калталиги; тор ва баланд танглай, ҳаддан ташқари ингичка тил сабаб бўлиши мумкин.

Ротатсизмни тузатиш. *P* товушининг тўғри артикулятсиясини ҳосил қилиш учун кўпчилик ҳолларда тайёрлов машқларидан фойдаланилади. Уларни биз шартли равишда икки турга ажратишимиз мумкин. Биринчи тур машқлар тилни керакли тўғри ҳолда ушлаб туришга, керакли ҳолатларга келтиришга қаратилган бўлса, иккинчи тур машқлар тилда тебраниш ҳосил қилишга қаратилгандир.

P товушини ҳосил қилишда бир нечта усуллардан фойдаланиш мумкин.

1-усул. Логопед ойна олдида ўтирган болага оғзини катта очишни ва тил учини юқори тиш орқасига (альвеолалар томон) кўтариб, *з* товушини талаффуз этишни таклиф этади ва ўзи махсус зонд ёрдамида тил юганчасини тебратиб *p* товушига ўхшаш товушни ҳосил қилдиради. Сўнгра механик воситалар ёрдамида вужудга келган *p* товуши очик, ёпик бўғинларда, сўзларда, жумлаларда, шеър ва топшириқларда мустаҳкамланади.

2-усул. Логопед *p* товушини ҳосил қилиш учун болага юқоридаги усулни қўллаган ҳолда *ж* товушини айттиради ва бунда ҳам механик воситалардан фойдаланади.

3-усул. Логопедболага бир нафас чиқариб *д* товушини баланд овозда айтишни таклиф этади. Талаффуз вақтида боланинг *Ғ*зи тилининг учини тепа альвеолаларга урилиб туришини ойна орқали кузатиб туриши лозим. Тил учининг урилиш суръати тезлашади. Ва тил учининг тебраниш ҳолати ҳар хил ддд.... вазнда бҒлади. Ҳар хил вазнда чиққан товуш очик ва ёпик бҒгинларни талаффуз эттириш ёрдамида машқ қилдирилади:

Дидда	адддд	адддд
Дддд	дддд	оддддо
Дддду	удддд	удддду
ДдддҒ	Ғдддд	ўддддў

Тил учининг тебраниши натижасида *p* товуши ҳосил бўлгач, *y* бўғин, сўзларни, шеърларни айттириш билан мустаҳкамланади.

Ламбдатсизм ва уни тузатиш

Талаффуз вақтида *л* товуши ҳосил бўлмаса,
бу ҳолат ламбдатсизм деб аталади.

Талаффуз ва *л* товуши бошқа товушлар билан алмаштирилса, бундай ҳолат параламбдатсизм дейилади.

Л товуши талаффуз этилганда артикуляцион аъзолар қуйидаги ҳолатда бўлади;

– лаблар ундош товушдан сўнг келадиган унли товуш ҳолатини олади (11-расм);

лаблар ундош товушдан сўнг келадиган унли товуш ҳолатини олади;

– тил учи юқорига кўтарилиб альвеолаларга қаттиқ тегади ва биров зарб билан пастга тушади;

– тилнинг ўрта қисми ёй шаклига киради;

– тилнинг орқа қисми биров юқорига кўтарилади;

– юмшоқ танглай юқорига кўтарилгани учун ҳаво оқими бурунга ўта олмайди;

– овоз пайчалари жипслашган ҳолатда бўлади.

Л товуши қуйидаги товушларга алмаштирилади: *л*→*р*; *л*→*в*; *л*→*у*; *л*→*й*.

Л товушини ҳосил қилиш учун бир нечта усуллардан фойдаланиш мумкин.

1-усул. Логопед бола билан бирга ойна олдида ўтириб, унга тилини ясси ҳолатда юқори ва пастки тишлар орасига олишни ва тил учини енгилгина тишлаган ҳолда овоз чиқаришни таклиф этади. Шунда *л* товушига ўхшаш товуш ҳосил бўлади. Бундай машқ аниқ товуш ҳосил бўлмагунча такрорланади. *Л* товуши аниқ талаффуз этилгандан сўнг тилни юқори тиш альвеолалари томон кўтариб *л* товуши тўғри артикулятсия ҳолатида талаффуз этишга ўргатилади. Сўнг *л* товуши очик, ёпик бўғинларда, сўзларда, жумлаларда, шеърларда мустаҳкамланади.

2-усул. Бунда логопед болага тилни янада ясси ҳолатга келтириб, тишлар орасига олиши ва тил учини енгилгина тишлаб, *и* товушини талаффуз этишни таклиф этади. Шунда *Л* товуши ҳосил бўлади. *Л* товуши шу усулда мустақил ҳосил бўлганидан кейин логопед болага тилни юқорига, тишлар орасига олиб *л* товушини талаффуз этишни таклиф этади. *Л* товуши нутқда аниқ ҳосил бўлгач, *у* очик, ёпик бўғинларда, сўзларда, жумлаларда, шеърларда мустаҳкамланади.

3-усул. Логопед болага *а* товушини талаффуз қилишни ва шу заҳотиёқ тилнинг учини кенг ёйиб енгилгина тишлашни таклиф этади. Бунда *л* товуши аниқ ҳосил бўлади. Шундан сўнг *л* товушини тўғри артикулятсияда талаффуз

этиш ўргатилади. Л товуши нутқда аниқ ва тўғри ҳосил бўлгач, у бўғинларда, сўзларда, жумлаларда, шеърларда мустаҳкамланади.

Тил орқа ва чуқур тил орқа товушлари (к, г, х, қ, ғ) даги камчиликларни тузатиш

Талаффуз вақтида к, қ товушлари ҳосил бўлмаса каппатизм, г, ғ — гамматсизм, х, ҳ — хитизм деб аталади. Ушбу товушлар нутқда бошқа товушларга алмаштирилса парракаппатсизм, парагамматсизм, парохитизм деб аталади.

Тил орқа ва чуқур тил орқа товушлари талаффуз қилинганда артикулятсион аъзолар ҳолати қуйидаги ҳолатда бўлади (12-расм).

К-Г товуши талаффуз қилинганда тилнинг орқа қисми юмшоқ танглай томон ёйсимон шаклида кўтарилиб, пастки тишларга тегиб туради. Қаттиқ танглай билан тилнинг ўрта қисми орасидаги масофа тораяди. Шу масофадан сиқилиб, куч билан ёриб чиққан ҳаво *к* ва *г* ундош товушини ҳосил қилади.

Х товуши талаффузи вақтида лаблар ва тишлар оралиғи ўрта ва орқа қисми ёйсимон шаклда юқори томон кўтарилади ва танглайга тегиб туради. Қаттиқ танглай билан тилнинг охириги қисми ўртасида маълум оралиқ ҳосил бўлади. Юмшоқ танглай эса бироз кўтарилади. Тилнинг орқа қисми ва юмшоқ танглай оралиғидан сирғалиб ўтган ҳаво тўлқини юмшоқ танглайни титратиб шовқин ҳосил қилади.

1. *Ҳ* товуши талаффузи вақтида артикулятсия органлари аввалги товушдек бўлиб, бутун нутқ аъзолари эркин ҳолатда бўлади. Чиқаётган ҳаво оқими ҳеч қандай тўсиққа учрамай, *х* ундош товушини ҳосил қилади. *Қ* товуши талаффузи вақтида тишлар оралиғи бир бармоқ кенглигида очик бўлиб, лаблар эркин ҳолатда туради. Тилнинг чекка қисми юқори тишлар қаторига тегиб туради. Тилнинг орқа қисми ва ўзаги ёйсимон шаклда эгилиб, юмшоқ танглайга тегиб туради. Бунда тил ўзак томон тортилиб, тил билан қаттиқ танглай орасидаги масофа тораяди. 1. Ҳаво оқими торайган масофани ёриб, шовқинли *қ* товушини ҳосил қилади.

Ғ товушининг талаффузи пайтида тишлар оралиғи *қ* товуши талаффузи вақтидагидан кенгроқ очилиб, тил учи пастки тишлар қаторига тегиб туради. Лаблар *қ* товушидагидек икки ёнга томон бироз тортилади. Қаттиқ танглай билан тил юзаси оралиғидаги масофа бир текисда бўлмайди. Чиқаётган ҳаво оқими тил орқа қисми ва юмшоқ танглай орасидан сирғалиб чиқиб, кўтарилган юмшоқ танглайни тебратади.

Каппатсизмни тузатиш. *К* товушини ҳосил қилишда болага та-та-та бўғинини айтиш таклиф этилади, шу вақтнинг ўзида махсус зонд ёрдамида тилнинг учи босилиб, орқага бироз итарилади. Бунда тил орқа томон сурилган сари ка-ка-ка бўғини эшитилади. *К* товуши артикулятсияси аниқ ҳосил бўлгандан сўнг механик воситалар ёрдამисиз *к* товушини талаффуз этиш тавсия қилинади ва у бўғин, сўз, гаплар, шеърларни айттириш ёрдамида мустаҳкамланиб борилади.

Қ товушини ҳосил қилишда асосан тақлид қилиш усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунинг учун бола қарғанинг қағиллашига (қа-қа-қа), томоқнинг қаттиқ қиришга тақлид қилиши лозим. Бу жараёни логопед аввал болага кўрсатиб беради, сўнг бола логопедга тақлид қилиб, уни қайтаради. Бу усул орқали ҳосил қилинган қ товуши аввал бўғинларда, сўнг сўзларда, гапларда, шеърларда мустаҳкамланади.

Паракаппатсизмда к, қ товушлари *m* ва *x* товушларига алмаштирилиши назарда тутилиб, юқорида баён этилганлардан ташқари к, қ ва *m*, к, қ ва *x* товушларини бир-биридан фарқлаш бўйича оғзаки ва ёзма машқлар ўтказилади.

Хитизмни тузатиш. *X* товушини ҳосил қилишда болага *са-са-са* бўғинини айтиш таклиф этилади, шу вақтнинг ўзида махсус зонд ёрдамида тилнинг учи босилиб, орқага бир оз итарилади. Бунда аввало *ся*, сўнг *гра* тил биров ичкарироқ итарилганда, *ха* бўғини эшитилади. *X* товушининг артикулятсияси аниқ ҳосил бўлгандан сўнг механик воситалар ёрдамисиз *x* товушини талаффуз этиш тавсия қилинади ва у бўғин, сўз, гапларда ва шеърларда мустаҳкамланади.

Парахитизмда *x* товуши *m* ва *к* товушларига алмаштирилиши назарда тутилиб, юқорида баён этилганлардан ташқари *x* ва *m*, *x* ва *к* товушларини бир-биридан фарқлаш бўйича оғзаки ва ёзма машқлар ўтказилади.

Гамматсизмни тузатиш. *Г* товушини ҳосил қилишда болага *да-да-да* бўғинини айтиш таклиф этилади, шу вақтнинг ўзида махсус зонд ёрдамида тилнинг учи босилиб, орқага биров итарилади. *Г* товуши артикулятсияси аниқ ҳосил бўлгандан сўнг механик воситалар ёрдамисиз *г* товушини талаффуз этиш тавсия қилинади ва у бўғинларда, сўзларда, гапларда, шеърларда мустаҳкамланади.

Ғ товушини ҳосил қилишда аввал тақлид қилиш усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда бола «томоқ чайиш», «машинанинг ғириллаши» (ғ-ғ-ғ) ва ғозларнинг «ғағиллашига» тақлид қилади. Бу жараён аввал логопед томонидан кўрсатилиб берилади, сўнг бола логопедга тақлид қилиб, уни қайтаради. Агарда тақлид қилиш усули орқали *г* товуши ҳосил бўлмаса, унда *г* товуши қуйидаги усул билан ҳосил қилиш тавсия этилади. Логопед боладан *x* товушини аниқ талаффуз этишни сўрайди (*x* товуши бола нуткида бўлса) ва *x* товушини талаффуз қилиш вақтида овоз қўшиб талаффуз қилиш буюрилади, бунда *x* товуши ўрнига *г* товуши ҳосил бўлади. 1. Ҳосил бўлган *г* товуши бўғинларда, сўзларда, гапларда ва шеърларда мустаҳкамланади.

Парагамматсизмда *г* товуши *д* ва *т* товушларига, *г* товуши *к* товушларига алмаштирилишини назарда тутиб, юқорида баён этилганлардан ташқари *г* ва *д*, *г* ва *т*, *г* ва *к* товушларини бир-биридан фарқлаш бўйича оғзаки ва ёзма машқлар ўтказилади.

Назорат саволлари:

1. Дислалия нутқ бузилишига таъриф беринг?
2. Дислалиянинг қандай шакллари бор? Улар қайси сабабларга кўра намоён бўлади?
3. Дислалия турларини айтинг.
4. Сигматизмнинг қандай турлари бор?
5. Ротатсизмнинг қандай турлари бор?
6. Товуш ҳосил қилишнинг қайси усуллари биласиз? 1. Ҳар бир усул қайси ҳолларда қўлланилади?
7. Товушлар устида ишлаш даврларини тавсифлаб беринг. 1. Ҳар бир даврнинг иш усуллари ва вазифалари нимадан иборат?
8. Махсус болалар боғчасига борганингизда болалар талаффузига аҳамият беринг. Талаффузида камчилиги бўлган болаларни яқиндан ўрганинг.
9. С, з, ш, р товушлар талаффузидаги камчиликларни тузатиш бўйича ўтказиладиган машғулотлар учун машғулот режа матнини ёзинг.
10. Махсус болалар боғчасида логопед машғулотини кузатинг ва таҳлил қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия. Дарслик. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007.
2. Логопедия Л.С.Волкова, С.И.Шаховская. Изд-во «Владос» – М., 2002.
3. Голубева Г.Г. Коррекция нарушений фонетической стороны речи у дошкольников. Изд-во «Союз» – М., 2001.
4. Краузе Е.Н. Логопедия. Изд-во «Короне принт» – М., 2003.
5. Мўминов Л., Аюпова М. Логопедия. – Т., 1993.
6. Хрестоматия по логопедии Т.2. (под.ред. Волкова С.Л., Селиверстов В.И.) Изд-во «Владос» – М., 1997.
7. Хрестоматия по логопедии Т.2. (под.ред. Волкова С.Л., Селиверстов В.И.) Изд-во «Владос» – М., 2002.
8. Филичева Т.Б. и др. Дети с фонетико-фонематическим недоразвитием Изд-во ГНОМ и Д. – М., 2000.
9. Шомахмудова Р.Ш. Мўминова Л. Болалар нутқидаги нуқсонлар ва уларни бартараф этиш. – Т., 1994.

Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.
2. <http://www.uzedu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.

3. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти портали.
4. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
5. <http://www.xs.uz> – “Халқ сўзи” газетаси сайти.
6. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.
7. <http://www.kun.uz> – Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари, энг сўнгги хабарлари сайти.

3-Мавзу: Ринолалия (4 соат)

Режа

- 3.1. Ринолалия, унинг шакллари
- 3.2. Ринолалияни бартараф этишда операциягача бўлган логопедик иш тизими
- 3.3. Операциядан кейинги логопедик ишнинг ўзига хос хусусияти

Таянч иборалар:

1. Ассиметрия (грекча фсймметриа – номутаносиблик) – номутаносиб қисм, симметриянинг йўқлиги ёки бузилиш.
2. Обтуратор (лотинча обтуро, обтуратум бекитмоқ) – қаттиқ ёки юмшоқ танглайдаги камчиликни бекитиш учун мослама.
3. Ринолалия (лотинча «ринос» – бурун, «лалио» – нутқ) – бурунли нутқ тушунчасини англатади.
4. Уранопластика – қаттиқ танглай ёриқлигини бартараф этиш мақсадида қилинадиган операция.
5. Хейлопластика – лабдаги ёриқликни бартараф этиш мақсадида қилинадиган пластик операция.

3.1. Ринолалия, унинг шакллари

Ринолалия (грекча сўздан олинган бўлиб, рхинос – бурун, лалиа – нутқ) нутқ аппаратининг анатомик ва физиологик камчиликлари сабабли овоз тембри ва товушлар талаффузидаги бузилишдир. Ринолалияни ўрганиш тарихи жуда узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Муаммони ўрганишда врачлар, психологлар, дефектологлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.

Лаб ва танглай ёриқлари билан изоҳланадиган ринолалия тиббиёт ва логопедиянинг турли тармоқлари учун хирург-стоматологлар, ортодонтлар, психоневрологлар, логопедлар учун муаммо, аҳамиятга молик ўрганиш объекти, предмети ҳисобланган.

Ринолалия ҳосил бўлишга кўра дислалиядан фарқ қилади, яъни ринолалияда товушларни бурун-димоғ билан талаффуз қилиш ҳоллари кузатилади.

Ринолалияда товушлар артикулятсияси, фонатсия, товуш ҳосил бўлиш механизмлари жиддий равишда нормадан четга чиқади.

Нормал фонатсия бўлганда кишида бурун товушларидан ташқари нутқдаги ҳамма товушларни талаффуз қилиш вақтида бурун-халқум ва бурун бўшлиғининг бўғиз ва оғиз бўшлиғидан ажралиш рўй беради.

Нутқ жараёнида юмшоқ танглай узлуксиз равишда турли баландликка кўтарилади ва тушади, бу ҳолат товушлар талаффузига боғлиқдир. Унли товушлар талаффузида танглай-халқум ундош товушлар талаффузига нисбатан камроқ бирлашади. Танглай-халқумнинг энг кучсиз бирлашиши «в» ундош товуш талаффузида; энг кучли бирлашиш «с» ундош товуш талаффузида кузатилади.

М, н бурун товушларининг нормал талаффузида ҳаво оқими бурун бўшлиғида эркин ҳаракатда бўлади.

Танглай-ҳалқум бирлашиш функциясининг бузилиш характериға кўра ринолалия уч шаклга ажратилади.

Ёпиқ ринолалия. Ёпиқ ринолалия нутқ товушларини талаффуз қилиш вақтида физиологик бурун резонансининг пасайиши натижасида юзага келади. *М, н* бурун товушлари талаффузида энг кучли резонанс бўлади. Бу товушларнинг нормал талаффузида бурун-ҳалқум йўли очик бўлади ва ҳаво оқими тўғри бурун бўшлиғига ўтади. Агар бурун товушлар талаффузида бурун резонанси бўлмаса, унда бурун товушлари *б, д* товушларига ўхшаб талаффуз этилади.

Ринолалиянинг ёпиқ шаклининг келиб чиқиш сабаби — бурун бўшлиғидаги органик ўзгаришлар ёки танглай-ҳалқум бирлашишининг функционал бузилишидир.

М. Зеeman ёпиқ ринолалиянинг (ринофония) икки турини ажратади: олдинги ёпиқ ринолалия — бунда бурун бўшлиғида ўтказувчанлик функцияси бўлмайди ва орқа ёпиқ ринолалия — бунда бурун-ҳалқум бўшлиғида ўтказувчанлик камаяди.

Олдинги ёпиқ ринолалиянинг сабаби — бурун шиллиқ пардасида сурункали гипертрофиянинг, бурун бўшлиғида полипларнинг бўлиши, бурун деворининг қийшиқлиги ва бурун бўшлиғида ўсмаларнинг бўлишидир.

Орқа ёпиқ ринолалия — болаларда аденоидларнинг кўпайиб кетиши, бурун-ҳалқумда полипларнинг, фиброма ва ўсмаларнинг пайдо бўлишида кузатилади.

Функционал ёпиқ ринолалия болаларда кўп учраб туради, лекин доимо аниқлаш қийин. Чунки у бурун бўшлиғининг яхши ўтказувчанлигида ва бурундан нафас олиш бузилмаган ҳолларда кузатилади. Бунда бурун тембри ва унли товушлар талаффузи кўпол бузилган бўлади.

Органик ёпиқ ринолалиянинг сабаби — бурун бўшлиғида ўтказувчанликнинг бузилишидир. Бунда бурундан тўғри нафас олиш йўлга қўйилса, яъни бурун бўшлиғидаги ўтказувчанлик яхшиланса ҳамма камчилик йўқолади.

Ёпиқ ринолалияда олиб бориладиган логопедик ишнинг самарадорлиги бурун-ҳалқум ҳолатига, унинг функциясига ва боланинг ёшига боғлиқ.

Логопедик машғулотнинг бошланғич даврида нафас машқларини олиб бориш тавсия этилади. Бундан мақсад оғиз ва бурундан нафас олиш нафас чиқаришни дифференциатсия қилишдир. Бу машқлар аввал пуфлашдан бошланиб, кейин бурундан қисқа ва чуқур нафас чиқариш билан алмаштирилади. Шу билан биргаликда юмшоқ танглай ва ҳалқумнинг орқа девор мускуллари ҳаракатини нафас чиқаришни мувофиқлаштириш устида иш олиб борилади. Бу машқлар *м, н* бурун товушларининг талаффузини тўғри йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашга имкон яратади. Якунловчи даврда унли товушларни жарангдорлиги ва бурун товушларига қарама-қарши қўйилган товушлар (*п, б-м; т, д-н*) устида иш олиб борилади.

Очиқ ринолалия. Ринолалиянинг очик формасига оғиз бўшлиғида ҳосил бўлувчи товушлар димоғда талаффуз этилади.

И ва *у* унли товушларида тембр сезиларли даражада ўзгаради, бу унли товушлар артикулятсиясида оғиз бўшлиғига ҳамма товушлар артикулятсиясига кўра торайган бўлади. *А* унли товушлар талаффузида юқоридаги ҳолат камроқ учрайди, чунки бу товуш талаффузида оғиз бўшлиғига кенгроқ очилади.

Ундош товушлар талаффузида тембр бузилишлари кузатилади.

Шовқинли ва қоришиқ товушлар талаффузида хириллаган товуш кўшилиб келади. Портловчи *п, б, т, к* ва *г* товушлари ноаниқ талаффуз қилинади, чунки оғиз бўшлиғида етарли даражада ҳаво босими ҳосил бўлмайди, натижада бурун бўшлиғи тўлиқ бекилмайди.

Очиқ ринолалияни аниқлаш учун функционал текшириш усуллари мавжуд. Энг оддий текширишлардан бири Гуттсман усулидир. Бунда логопед болага галма-гал *а* ва *и* унли товушларни қайтаришни буюради ва боланинг бурун йўлини бир бекитиб, бир очиб туради. Очиқ ринолалияда бу унли товушларнинг жарангдорлигида сезиларли даражада фарқ бўлади. Айниқса, *а* унлиси бурун йўлини бекитиб талаффуз қилингандан *и* товуш талаффузи эшитилмайди, шу билан биргаликда логопеднинг бармоқлари бурун қанотларидаги кучли тебранишни сезади.

Яна аниқлаш усулларида бири, бу фонендоскоп билан текширишдир. Бунда текширувчи фонендоскопнинг бир учини ўзининг қулоғига, иккинчи учини боланинг бурнига тутиб туради. Бола унли товушларни, айниқса *у* ва *а* унлиларини талаффуз қилганда кучли шовқин эшитилади. Ундош *ф, с, ш* товушлар талаффузида хириллаган овоз эшитилади.

Очиқ ринолалия органик ва функционал бўлиши мумкин.

Органик очик ринолалия туғма ва ҳаёт давомида орттирилган бўлади.

Очиқ ринолалиянинг туғма шаклининг сабаби юмшоқ ва қаттиқ танглайдаги ёриқликлардир.

1. Ҳаётда орттирилган очик ринолалияга оғиз ва бурун бўшлиғида жароҳатланишлар бўлиши ёки юмшоқ танглайни ҳаёт давомида фалажланиши кабилар сабаб бўлиши мумкин.

Функционал очик ринолалиянинг пайдо бўлиш сабаблари турли хил бўлади. Масалан, болаларда овознинг ҳосил бўлишида юмшоқ танглай ҳаракатининг суст бўлиши. Функционал очик ринолалия асаб касалликларида ҳам намоён бўлиш ҳоллари кузатилади. У аденоидларни олиб ташлагандан сўнг камроқ кузатилса, дифтериядан кейинги фалажланишда камроқ кузатилади. Ринолалиянинг бу шаклини текширишда қаттиқ ва юмшоқ танглайда бирон-бир ўзгаришларнинг борлиги аниқланмайди. Функционал очик ринолалиянинг белгиларида асосан унли товушлар талаффузи бузилган бўлади. Ундош товушлар талаффузида танглай-ҳалқум бирлашиши яхши, нормада бўлади.

Функционал очик ринолалия органик ринолалияга нисбатан енгил кечади. Овоз машқларидан сўнг бурунланиш тембри йўқолади, товушлар

талаффузидаги камчиликларни одатдагидек, яъни дислалияни бартараф этишда қўлланадиган усуллар орқали бартараф этиш мумкин.

Ринолалияда кузатиладиган туғма лаб ва танглайдаги камчиликлар логопедия ва тиббиёт фани олдида жиддий муаммоларни қўяди.

Турли халқлар орасида, турли мамлакат ва хаттоки ҳар бир мамлакатнинг турли вилоятларида туғма ёриқликлар билан туғиладиган болалар сони турличадир. А. Лимберг (1964) адабиётлардаги маълумотларни умумлаштириб, 600 – 1000 та янги туғилган болалар орасида битта бола лаб ва танглай ёриқликлари билан туғилишини таъкидлаб ўтади. Лаб ва танглайдаги ёриқликлар боланинг умумий ва нутқий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бола ютишга, нафас олишга қийналади. Бу ҳолатлар боланинг жисмоний ривожланишига салбий таъсир этади, организмнинг бошқа касалликлар билан курашиш жараёнини сусайтиради. Бундай болалар мунтазам врач назоратига ва даволанишга мухтождир.

1. Ҳозирги вақтда қуйидаги тасниф қабул қилинган:

Юқори лабдаги туғма ёриқликлар: *яширин ёриқлик, тўлиқ бўлмаган ёриқлик*: а) бурун бўлимида тери-тоғайнинг ўзгармаганлиги; б) бурун бўлимида тери-тоғайнинг ўзгарганлиги.

Тўлиқ ёриқлик. Бунда боланинг илк яшаш даврида хирургик даволаш ишлари олиб борилади, бу даволаш ишлари бола нутқининг нормал ривожланишига имкон яратади.

Туғма танглай ёриқликлари:

1) *юмшоқ танглай ёриқликлари*: бу ёриқликлар яширин, тўлиқсиз ва тўлиқ бўлади;

2) *юмшоқ ва қаттиқ танглай ёриқликлари*: яширин, тўлиқсиз, тўлиқ;

3) *альвеоляр ўсимтанинг, қаттиқ ва юмшоқ танглайнинг тўлиқ ёриқликлари*: бир томонлама, икки томонлама;

4) *альвеоляр ўсимтанинг ва қаттиқ танглай олдинги қисмининг тўлиқ ёриқлиги*: бир томонлама, икки томонлама.

Икки томонлама ёриқликлар бир томонлама ёриқликларга нисбатан кам учрайди. М.П. Барчуновнинг таъкидлашича, ёриқликлар кўпроқ чап томонда (70,4%), ўнг томонда камроқ (21,4%) кузатилади. Бу жароҳатдан аёлларга нисбатан кўпроқ эркаклар азият чекадилар (И.Б. Бакуми 1966, В.М. Мессика 1971). Гуттсманнинг маълумотига кўра алоҳида лаб ёриқликлари ва лаб ёриқликларининг танглай ёриқликлари билан бирга келиши эркакларда 68,66%, аёлларда 31,34% учрайди, шу билан бирга аёлларда танглайнинг алоҳида ёриқликлари икки маротаба кўп кузатилади. Кўп учрайдиган патология шакллари бўлиб, юмшоқ ва қаттиқ танглайдаги ёриқликлар хисобланади.

Нутққа бурунли оттенкани берувчи танглайни туғма нуқсонларига қуйидагилар киритилади:

1) танглай ва лабнинг туғма ёриқликлари;

2) шиллиқ қават ости ёриқликлари;

3) танглайнинг туғма ривожланмаслиги;

4) юзнинг туғма ассиметрияси.

Амалиётда кўпроқ лаб ва танглайдаги ёриқликлар кузатилади.

Танглай ёриқликлари шакллари фавқулудда хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳаммаси нутқ бузилишига олиб келади.

Лаб ёриқликлари лабнинг қисман ва тўлиқ ёриқликларига ажратилади. Қисман лаб ёриқлиги фақат лаб четида бўлади, яъни нуқсон пастки бурун тирқишига етиб бормади. Агар ёриқлик бурун тирқишининг пастки соҳасини, баъзан бурун йўлини олдинги учини камраб олган бўлса, ёриқлик тўлиқ ҳисобланади.

Танглайдаги туғма ёриқликларнинг бўлиши боланинг жисмоний ривожланишига таъсир қилади. Нуқсон қанчалик кенг бўлса, бола Шунчалик кўп ривожланишида бузилишларга эга бўлади. Танглайнинг кўпол нуқсони билан туғилган болалар анамнезида уларга кўкрак тутишни иложи бўлмагани қайд қилинади. Эмизишга уринганда сут нафас йўлига тушиб, болани нафаси ичига тушиб кетади. Болаларни қошиқчадан овқатлантиришга ўтилган, бу усулда ҳам овқат ривожланиб етмаган танглайга, бурун бўшлиғига, бурун-ҳалқумга, нафас йўлларига тушиб, у ерда шиллик қаватларни шамоллаш ва таъсирланиш ҳолатларига олиб келган. Юқорида айтганимиздек, туғма танглай ёриқликлари бор болалар суриш ҳаракатларини бажара олмайдилар, натижада уларда туғма суриш рефлекс сўниб боради, бутун юз мускулатураси ривожланиши сусаяди.

Танглай ёриқлигининг мавжудлиги боланинг физиологик нафас олишини ёмонлаштиради. Туғма ёриқлиги бор болалар ўз нуқсонига инстинктив равишда мосланишга мажбур бўладилар. Бу мосланиш тилнинг оғиз бўшлиғида ўзига хос жойлашувида намоён бўлади. Ринолалиядаги танглай нуқсонлари бутун артикулятсион аппарат мускулларни нотўғри мускулий боғлиқлигини келтириб чиқаради. Ринолалияда нутқ аппарати мускуллари анатомик жиҳатдан сақланган бўлса ҳам, ҳаракатлар ўзларининг сустиги, тормозланганлиги билан ажралиб туради.

Кўпинча, ринолалия эшитишнинг заифлашуви кузатилади. Бу нарса овқатни евстахиев трубаларига тушиб, у ерда эшитиш трактида шамоллаш жараёнларини келтириб чиқариши билан боғлиқдир. Эшитишни пасайиши турли хил даражада бўлиши мумкин (Л. Я. Дербанюк 1966, В. В. Мессина 1971, В. С. Дмитрев, Р. Л. Ландо 1969).

Шу тариқа, туғма лаб ва танглай ёриқлари мавжудлигида у ёки бу даражада боланинг овқатланиши, унинг физиологик ва нутқий нафаси бузилади, юз мускулатурасининг фаолияти характери ўзгаради, эшитиш қобилятининг пасайиши келиб чиқади, тилнинг оғиз бўшлиғида нотўғри ҳолати стабиллашади. Табиийки, буларнинг ҳаммаси бола нутқининг шаклланишига таъсир қилади.

Аралаш ринолалия. Ринолалиянинг бу тури бурун резонансининг патологик камайганлиги ҳолида ҳавонинг бурундан чиқиб кетиши билан изоҳланади, оқибатда барча нутқ товушларининг артикулятсион ва акустик томондан бузилиши кузатилади. Овоз тембри аҳамиятли даражада ўзгаради.

Аралаш ринолалияда ҳам очик, ҳам ёпиқ ринолалиянинг белгилари бирга қўшилган ҳолда намоён бўлади. Бунда бурун йўли тўсилиб қолгани

ҳолда танглай-ҳалқум пардасида ҳам ўзгаришлар бўлади. Бурун товушлари ёпиқ риноплазиядаги сингари, бошқа товушлар эса очик риноплазиядаги каби талаффуз қилинади. Аралаш риноплазия ҳам органик, ҳам функционал характерда бўлиши мумкин. Органик характердаги аралаш риноплазияга юмшоқ танглайнинг калталиги ёки фалажлиги сабаб бўлса, функционал аралаш риноплазияга танглай-ҳалқум ёриғининг функцияси ўзгариши натижасида бурун йўлининг тўсилиб туриши сабаб бўлади.

Даволашдан олдин қайси бир камчилик овоз тембрини кўпроқ бузиб, манқаликка кўпроқ сабаб бўлаётганини аниқлаш зарур. Масалан, бемор бурун товушлари билан унли товушларни бошқа товушларга қараганда янада кўпроқ манқаланиб талаффуз қилаётган бўлса, демак, унда ёпиқ риноплазия устун бўлади ва даволаш чорасини Шунга қараб белгиланади.

3.2. Риноплазияни бартараф этишда операциягача бўлган логопедик иш тизими

Очик риноплазияда яқин вақтларгача операция давригача бўладиган логопедик таъсир деярли қўлланмас, ундан фойдаланиш ҳақида эса жуда эҳтиёткорлик билан мулоҳаза юритилар эди.

Операция даврида анатомик нуқсон қисман ёки тўлиқ бартараф қилинади, аммо нутқ учун керакли самара аксарият ҳолларда юз бермайди. Уранопластика операциясининг нисбатан кеч ўтказилиши, унинг нутқ тараққиётига таъсирининг етарли даражада бўлмаслиги, операциядан сўнг бўладиган логопедик таъсир муддатининг чўзилиши ва яна бир қатор сабаблар операциядан кейин бўладиган логопедик таъсир муддатларини қайта кўриб чиқиш заруриятини юзага келтирди ҳамда логопедик ишларнинг операциягача бўлган даврда амалга ошириладиган қулай, самарали усулларни излашга даъват қилди. Риноплазиядаги нутқ нуқсонини нафақат танглай ёриқлигини мавжудлиги билан, оғиз бўшлиғида тилнинг нотўғри риноплазия ҳолати ва бутун артикулятсион аппарат мускуллари ҳаракати муносабати бузилиши билан изоҳланишидан келиб чиқадиган бўлсак, шу нарсани тахмин қилиш мумкинки, кейинги икки нуқсон (оғиз бўшлиғида тилнинг нотўғри ҳолати ва артикулятсион аппарат мускуллари орасидаги ўзаро муносабатнинг бузилиши) компенсацияси операциягача амалга оширилиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, нутқнинг яхшиланиши учун замин яратади. Шундай қилиб, операциягача бўлган даврда ҳам тўғри нутқнинг шаклланишига асос яратиш мумкин. Операциягача бўлган даврда логопедик таъсир тадбирлари психологик ўзига хосликка эга бўлган беморларда анатомик нуқсон мавжуд бўлган шароитларда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам логопедик ишларда тўғририноплазия тўғри нутқни шакллантириш ва шахс ривожланишининг коррекцияси инобатга олинади.

Ринопластикда тўғри нутқни шакллантириш (тўғри талаффуз устида ишлаш) оғиздан нафас олишни тарбиялаш билан бир вақтда нутқ товушларининг тўлақонли артикулятсиясини яратиш жараёнида амалга оширилади.

А.Г. Иппалитова методикасига кўра логопедик таъсир кўрсатиш жараёни икки даврга бўлинади.

I. Тайёрлов даври

Ушбу даврдаги машғулотларнинг асосий мақсади артикулятсияни ўзлаштириш билан параллел равишда тўғри нутқий нафас олишни шакллантиришдан иборат. Ушбу даврни шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин:

а) бурун ва оғиздан нафас олиш ҳамда чиқариш дифференциясида нутқий нафас олишни шакллантириш;

б) унли товушлар артикулятсияси (овозни қўшмасдан туриб) ва фрикатив жарангсиз ундош товушлар артикулятсиясини реализация қилишда узоқ муддатли оғиздан нафас олишни шакллантириш.

г) босқичда нутқий нафас олишни шакллантириш ишлари олиб борилади.

Тайёрлов даврида ушбу ишлар фақатгина оғиздан узоқ нафас олишни шакллантириш билан чегараланади.

Диафрагмал нафас олиш тўғри нутқнинг шаклланиши учун маҳсулдор ҳисобланади.

1-босқич – таълимнинг дастлабки даврида логопед кафтини бола белининг ўнг ёнбоши тепасига қўйган ҳолда физиологик нафас олишнинг турини аниқлаб олиши лозим. Агар боланинг нафас олиши қовурғадан пастда бўлса, логопед ўзининг нафас олишини боланинг нафас олиш ритмига мослаштиради. Бунинг учун боланинг кафтини ўзининг ёнбошига қўйган ҳолда ўқитувчи ўзининг кафти билан унинг нафас олишини текширади. Бола нафас олаётганида логопед қовурғаларнинг ҳаракатини ҳис қилган ҳолда ва унга тақлид қилган ҳолда қовурға остидан нафас олишга ўтади. Оғиз ёпиқ турган ҳолда тўғри эркин нафас олиш йўлга қўйилиши билан оғиздан ва бурундан нафас олиш дифференциясига ўтиш мумкин. Ўқувчига шу нарса тушунтирилиши лозимки, нафас олиш, чиқариш ва уларнинг қўшилишининг ҳар хил турлари мавжуд: оғиз ёпиқ бўлганда нафас олиш ва чиқариш бурун орқали амалга оширилади; оғиз очик бўлганда эса нафас олиш ва чиқаришнинг ҳар хил кўринишлари амалга оширилади. Болага шу нарсалар тушунтирилгандан кейин аниқ нафас олиш машқларини бажариш таклиф қилинади. Уларни бажаришдаги изчиллик боланинг дафтардаги 1-жадвалда қайд қилинади.

Нафас олиш (расмлар)	Нафас чиқариш (расмлар)
Бурун	Бурун
Оғиз	Бурун
Бурун	Оғиз
Оғиз	Оғиз

Ушбу машғулотлардан кўзланган мақсад нафас олиш ва чиқаришнинг ҳар хил турларини ўрганиш жараёнида диафрагмал нафас олиш ва мунтазам эркин нафас олишни мустаҳкамлашдан иборат. Бундан ташқари, ушбу машқлар нутқий нафас олиш ритмининг асосларини юзага келтиради. Нафас олишда нутқ паузаси шаклан спонтал тарзда амалга оширилади, чунки бола нафас чиқаришни амалга оширишга эътибор қаратади. Бу ўринда нафас олишдан нафас чиқаришга ўтилаётганда бурун ёки оғизнинг иштирок этиши назарда тутилади.

Бундай машқлар даврида болани оғиз ва ҳалқум бўшлиғи шиллик пардаларидан ўтувчи ҳаво оқимини ҳис қилишга ўргатиб борилади.

Оғиз орқали нафас чиқарилаётгандаги ҳаво оқими шу вақтда оғизнинг олдига, қафтга ёки қоғозга қўйилган пахтанинг ҳаракати билан назорат қилинади.

Бу ўринда биз нафас олишни ривожлантириш бўйича у ёки бу кўринишдаги, логопедия амалиётида тез-тез қўлланиладиган махсус машқларни бажаришни (пахтани пуфлаш, резина ўйинчоқларни пуфлаб шишириш) шарт эмас деб ҳисоблаймиз, чунки бундай нафас олишнинг барча турлари нутққа алоқадор эмас.

Боланинг эътибори доимий равишда нутқий нафас олишни ва нафас олишда артикулятсия органлари ҳолатини тўғрилашга қаратилади. Оғиздан нафас олишни тўғри ташкиллаштириш учун оғиз бўшлиғида тилнинг ҳолатини ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Нафас олиш ва чиқаришнинг турлари ўрганилаётганда боланинг эътибори артикулятсия органлари ҳолатига қаратилади, яъни оғиздан нафас чиқаришда тилнинг орқа қисми пастда ушлаб турилиши керак, оғиз эса эснашдаги сингари очилади. Бу ўринда тилнинг илдизи қўйиб юборилиши лозим. Агар тил учининг пастга томон ҳаракати тилнинг илдизини етарли даражада пасайтирмаса, вақтинчалик тилнинг тишлар орасидан чиқаришга йўл қўйилади ёки тилнинг илдизи шпател билан босилади (бу ҳолат нисбатан кам қўлланади).

Оғиздан тўғри нафас чиқариш тилнинг илдизи (ўзаги) туширилганда у ёки бу товуш талаффузида, кейинчалик эса бутун нутқда бурун оттенкасини бартараф қилади.

2-босқич. Оралпраксисни ривожлантириш. Диафрагмал нафас олишни ривожлантириш бўйича қилинадиган ишлар билан параллел равишда унли ва ундош товушлар артикулемасига оид артикулятсион аппарат гимнастикаси ўтказилади.

Нутқнинг аниқлиги кўп жиҳатдан унли товушларнинг тўғри талаффузига боғлиқ. Шунинг учун унли товушларни талаффуз қилиш вақтида артикулятсион органлар ҳолати диққат билан кузатиб борилади. Бу ўринда ҳам асосий эътибор тил учининг ҳолатига қаратилади. Уни дастлабки даврларда барча унли товушлар артикулемасини тайёрлашда пастда ушлаб туриш лозим. Бу усул оғиз бўшлиғининг ҳажмини катталаштиришга ёрдам беради, ҳамда ҳаво қатламининг оғиз бўшлиғи орқали ўтиши учун имкониятларни таъминлайди. Мускуллар, пайлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик сабабли унлилар артикулятсиясида лаблар ҳолатининг ўзгариши

табiiй йўл билан ҳар бир алоҳида товуш учун тилни тўғри ҳолатга олиб келади. Гимнастика унли товушлар артикулятсиясини ўрганишдан бошланади. Бу артикулятсия характеридаги машқлар 1-жадвалга киритилади.

Тайёргарлик босқичида асосий вазифа оғиздан нафас олишни шакллантиришдан иборат. Шунинг учун ҳам барча артикулясион машқлар овозни жалб қилмасдан амалга оширилади. Бола ҳали ўзи бажараётган машқлар унли товушлар артикулемалари ҳисобланишини билмайди. Бу вақтда логопедга артикулемалар укладини аниқлаштириш ва яхшилаш имкониятини беради. Шаклланаётган артикулятсияларни ринолалик бола синестетик тарзда эслаб қолади.

Бу ҳолатда артикулема ва унинг расми ўртасидаги шартли рефлатор муносабатлари ўрнатилади ва у расмга таянган ҳолда товушни шивирлаб эркин талаффуз қила бошлайди. Логопеднинг тушунтириши болани талаффуз органларининг аниқ ҳолати билан, ҳаво қатламининг оғиз орқали йўналтирилиши билан шакллантириб борилади.

Артикулеманинг шаклланишида машқларни ортикча зўриқишларсиз бажаришга эътибор қаратиш ҳамда юз ва мимик мускуллар синкнезиясининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Артикулясион гимнастика тамойили қўшимча артикулясион машқлар (бевосита нутқ товушлари, артикулемани юзага келтирмайдиган) дан фойдаланишга имкон беради. Масалан, болада ринолалия ва дизартрия кўшилганда тил юқорига кўтарилганда у чап тарафга кетади. Бу тилнинг ўнг томонидаги пайлар чап тарафдагига нисбатан кучсизроқ эканлигидан дарак беради. Бу ўринда тилнинг ўнг тарафидаги пайлар кучини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид тегишли машқларни бажариш тавсия қилинади. Бунинг учун болага тилни тишларнинг чап томондаги пастки ва юқори қисмига теккизиш, тил билан чап лунжни сийпалаш таклиф қилинади. Бу эса тилнинг ўнг томонидаги пайларга кўпроқ вазифа юклайди. Тилнинг чап томонидаги пайлар заифлигида кўрсатилган барча машқлар тилнинг чап томонига кўпроқ вазифа юклашни ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Қарама-қаршилиқни бартараф қилувчи машқлар самарали ҳисобланади. Масалан, тилнинг ўнг томони нисбатан заиф бўлганда боладан тилни чиқариш ва чап тарафга йўналтириш сўралади. Бунга логопед тилнинг ўнг тарафи пайларига кўпроқ вазифа юклаш учун шпател билан тилни босган ҳолда қаршилиқ кўрсатади.

Артикулятсия пайтида тил, лаблар ва юз мускулларини, пайларнинг эркин ҳаракатини яхшилаш учун болага қайерда ва қайси мускулни нисбатан зўриқтириш ҳақида сўзлаб бериш мақсадга мувофиқ. Бола бу жараёнда иштирок этаётган органлар ҳаракатини ҳис қилиши, Шунингдек, бу ҳолатни кинестетик тарзда ва ойнадан фойдаланган ҳолда эслаб қолиши лозим.

Бу ҳолатни бола яна ҳам аниқроқ ҳис қилиши учун болага механик тарзда ёрдам бериш мумкин. Масалан, тилни стерилланган дока салфетка билан ушлаган ҳолда керакли тил уклади амалга оширилади.

Артикулясион праксисни шакллантиришда артикулятсия органлари пайлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиш лозим бўлади. Бунинг учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади. Масалан,

маълумки, кўринишдаги артикулятсия укладини шакллантириш учун тилни оғизнинг чуқурроқ томонига ҳаракатлантириш керак. Бунинг учун оғиз бурчаклари механик усул билан олдинга ҳаракатлантирилади. Аксинча, оғиз бурчаклари чеккага ҳаракат қилинганда тил олдинга ҳаракатлантирилади.

Кўрсатилган усулларни кўриш назорати ёрдамида амалга ошириш лозим (ойна олдида машқ қилиш назарда тутилмоқда).

Бу эса ўз навбатида болага у ёки бу пайлар гуруҳининг ҳаракатини ва Шунга тегишли пайлар зўриқишини ва уларни ўзаро дифференциатсия қилишни ҳис қилишга ва англашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, логопедик ишларнинг тавсия қилинаётган тизимида артикулятсия органларининг махсус гимнастикасидан фойдаланилади (фақатгина нутқ товушлари учун зарур бўладиган ҳаракатлар машқ қилинади); шу билан бир вақтда артикулятсион праксисни ривожлантиришга ёрдам берадиган қўшимча машқлар ҳам кўзда тутилади.

Артикулятсион праксисни ривожлантириш нутқий нафас олишни ривожлантириш билан бир вақтда амалга оширилади.

Тайёргарлик босқичида товушлар талаффузидаги ишларнинг изчиллиги.

Унли товушлар артикулемалари қуйидаги изчилликда шаклланади: а, э, о, у, и, я, е, ю. Я, е, ё, ю товушлари й товушининг тегишли унли товуш (а, э, о, у) билан қўшилишидан ҳосил бўлади. Й товуши дифтонгнинг биринчи қисмида ҳам, иккинчи қисмида ҳам нафас чиқаришнинг йўналишини кузатиб боришга ёрдам беради.

Ундош товушлар. Унли товушлар артикулемалари билан танишгандан кейин жарангсиз ундош товушлар артикулемалари асосида оғиздан нафас чиқаришни ривожлантириш бўйича машқлар бошланади. Унлилар артикулемалари устида ишлаш уларни шивирлаб талаффуз қилишда давом эттирилади.

Бундай изчиллик оғиздан эркин нафас олиш кўникмасини мустаҳкамлаш ва талаффуз органлари фаоллашганда товушларни автоматлаштириш имко-нини беради.

Боланинг бутун диққат-эътибори артикулема ва оғиздан нафас чиқаришнинг йўналтирилганлигига қаратилади. Эшитилишига эса диққат жалб қилинмайди. Болада жарангсиз ундош товушларнинг артикулятсия укладини логопед артикулятсиясига кўриш тақлиди, оғзаки тушунтириш асосида ҳосил қилиш мумкин (лабларнинг, тилнинг ҳолати ва оғизнинг очилиш даражаси ёзиб берилади). Бола товуш жарангини эшитмаслиги лозим.

Ишнинг тайёргарлик босқичида жарангсиз фриктив ундошлар қуйидаги изчилликда шаклланади: ф, с, ш, х.

Ундош товушларни шакллантириш ишлари артикулятсияси бўйича нисбатан қулай бўлган *ф* товушидан бошланади. Ушбу товушни талаффуз қилишнинг давомийги боланинг эътиборини оғиздан нафас чиқаришга қаратиш ва назорат қилиб боришга имкон беради.

Портловчи товушлар гуруҳи бу борада бирмунча мураккабдир. Шунинг учун улар устида ишлаш кечроқ ўтказилади.

ИИ. Асосий давр. Бу даврда 3 босқич бўйича қуйидаги ишларни олиб бориш назарда тутилади:

1-босқич – оғиз орқали узоқ нафас чиқаришда овозни қўшиш;

2-босқич – портловчи ундош товушларни реализатсия қилишда оғиздан қисқа нафас чиқаришни шакллантириш;

3-босқич – санор товушлар ва аффрикат товушлар гуруҳи талаффузини шакллантиришда узун ва қисқа характердаги оғиздан ҳамда бурундан нафас олиш ва чиқариш дифференциатсияси.

Бу даврдаги машғулотлардан кўзланган мақсад ҳам биринчи босқичдаги сингари, яъни артикулемаларни ривожлантириш билан бир вақтда тўғри нутқий нафас олишни шакллантиришдан иборат.

1-босқич фрикатив товушлар устида ишлаш жарангсиз ундош товушлар шакллангунча давом этади. Чунки ўрганилган барча артикулемалар бир хил, яъни оғиздан узоқ нафас чиқаришда реализатсия қилинади.

Биринчи босқичнинг мақсади – болага оғиздан узоқ нафас чиқаришда овозни жалб қилишни ўргатиш.

Овозни жалб қилишни унли товушлар артикулятсияларида машқ қилиш мумкин. Аммо бу борадаги ишни ундош ф товуши талаффуздан бошлаш мақсадга мувофиқдир (бола ф ва в товушларини дифференциатсия қилиши мумкин). В товушини талаффуз қилиш чоғида овознинг иштирок этганлигини аниқлаш учун бола жарангсиз ф ва жарангли в товушини талаффуз қилишда ҳалқумнинг ҳаракатидаги фарқни кузатиши лозим. Бунинг учун тактил - вибратсия назоратидан фойдаланилади. Боланинг кўрсатув бармоғи логопеднинг бўғзига (қалқонсимон кемирчакнинг устига) қўйилади. Логопед ф товуши талаффузида овозсиз нафас олганда ҳалқум юмшоқ, овоз қўшиб талаффуз қилганда эса (в товушини) ҳалқум таранглашади ва олдинга ҳаракатланади. Ушбу зўриқиш, таранглик овоз эшитилиб турган бутун жараён давомида ушлаб турилади. Ушбу ҳолат механизми болага қулай шаклда тушунтирилади, яъни бу зўриқишнинг сабаби Шундан иборатки, овоз тўқималари, бирикмалари яқинлашади ва ҳалқумни олдинга ҳаракатлантиради. Бола бу жараённи ўзида ҳам кузатиши (кўрсатиш бармоғини ҳалқумга қўйган ҳолда) ва уни эслаб қолиши лозим.

2-босқич - ушбу босқичда оғиздан нафас чиқаришнинг иккинчи тури, яъни оғиздан қисқа нафас чиқариш шакллантирилади.

Боланинг диққат-эътиборини чиқарилаётган ҳаво оқимининг бир лаҳзалик ва кескинлигига, шиддатлилигига қаратиш лозим.

Нафас чиқаришнинг ушбу турини ўзлаштириш п, б, т, д, к, г товушларининг шаклланиши жараёнида юзага келади.

П товушини талаффуз қилиш учун бола лабларини юмган ҳолда Шундай нафас олиши керак-ки, чиқарилаётган ҳаво оқими шиддатли, тез бўлиб, кафтдан пахтани суриб юборсин. Шундан кейин шу тарздаги нафас чиқариш қайд қилинади, аммо бу сафар б товуши учун овознинг иштирокида амалга оширилади (овоз иштироки устидан назорат ҳам шу сингари).

Т товушини талаффуз қилишда эса асосий эътибор юқори тишлар орқасидаги тилнинг ҳолатига ва унинг юқори альвеолаларга мустаҳкам сиқилганлигига қаратилади.

Шундан кейин т ва д товушлари устида иш олиб борилади. К товуши унинг артикулятсиясини ёзиш ва кўрсатиш асосида амалга оширилади.

Болага тилнинг учини тил остидаги бирикма олдида ҳаракатлантириб ва ушлаб, оғзини секин ёпган ҳолда оғиздан нафас чиқариш таклиф қилинади. Ушбу артикулятсияни бирмунча образли қилиб тасвирлаш учун бола тилини ўз қўлининг муштини буккани сингари букиши (қўли билан пастга) мумкин деб тушунтирилади. Агар бу ҳолат муваффақиятли чиқмаса к товушини т товушидан фарқлашдаги сингари умум қабул қилинган методикадан фойдаланиш мумкин. Шундан кейин г товушини ҳосил қилиш устида иш олиб берилади.

Ишнинг учинчи босқичи — ундош товушлар устида ишлаш — л, р, н, м сонорлар гуруҳининг ва ч аффрикатининг шаклланиши.

Л товуши артикулятсияси бўйича бирмунча мураккабдир. Л товушининг каттиқлиги тил ўзагининг етарли даражада кўтарилганида юзага келади.

Бу ўринда оғиз орқали нафас чиқаришни назорат қилиб бориш лозим.

Р товушлари учун тайёргарлик машқлари даврига келиб болада оғиздан тўғри нафас чиқариш кўникмаси ишлаб чиқилган ва бу товушларни таклид асосида ҳосил қилиш мумкин бўлади.

Р товуши учун тайёрлов машқларини нисбатан барвақт бошлаш мумкин.

Р товушини з товушидан юқори артикулятсия бўйича ёки шариксимон зонд билан тил учининг пастки қисми бўйлаб ҳаракат қилган ҳолда ҳосил қилиш мумкин.

Боланинг нутқида аниқ з товуши пайдо бўлиши биланоқ болага томоқни тақиллатиш ва тилни танглайга томон сўриш машқи таклиф қилинади. Таълим машғулоти яхши бўлганда тилни танглайга сўриш ва уни шу ҳолатда ушлаб туриш машқ қилинади. Кейин эса бола тилни танглайдан ажратмаган ҳолда уни танглайнинг ичига томон ҳаракат қилдириши ва з товушини тез талаффуз қилиши лозим. Оғиздан нафас чиқариш тўғри ташкил қилинганда ушбу усул жарангсиз р товушининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Р товушини ҳам ж товушдан ҳосил қилиш мумкин.

М ва н товушлари талаффузи кўп ўринларда бузилмайди. Уларнинг талаффузида оғиздан нафас чиқариш қайд қилинади. Нутқда м ва н товушларини барвақтроқ ўрганиш бирмунча зарарлидир. Чунки улар ўзларидан кейин турадиган унлилар талаффузида оғиздан тўғри нафас чиқаришга ҳалақит беради.

3.3. Операциядан кейинги логопедик ишнинг ўзига хос хусусияти

Уранопластикадан кейин логопедик машғулотларга жалб қилинадиган ринологлар ўз таркиби бўйича бир хил эмас. Бу логопед билан

машғулотлардаги операциягача бўлган тайёргарликнинг сифатига ва операция натижаларига боғлиқдир.

Операциялар натижаси ҳар хил бўлиши мумкин. Уранопластика яхши натижа берган ҳолатларда юмшоқ танглай тўғлиқ шаклланади, яъни у етарли даражада узун ва ҳаракатчан бўлади, кўтарилганда ҳалқумнинг орқа девори билан ўзаро туташади (Пассаван валиги билан). Аксарият ҳолларда эса юмшоқ танглай уранопластикадан кейин ҳам қисқалигича қолади, ҳалқумнинг орқа девори билан унинг туташади юз бермайди. Бунинг оқибатида танглай-ҳалқум тортмаси юзага келмайди. Айрим ҳолларда эса операциядан кейин танглайда чандик (танглайнинг етарли ўсмаган жойлари) қолади, такрорий операция қилиш зарурати юзага келади. Машғулотларга қуйидаги беморлар қатнашишлари мумкин:

а) операциягача бўлган даврдаги логопедик тайёргарликдан ўтмаганлар;

б) қисман тайёргарликдан ўтган ва ўз нутқини яхшилаган;

в) тавсия қилинган методика бўйича операциягача бўлган логопедик тайёргарликнинг тўлиқ курсини ўтаган болалар;

Операциягача бўлган даврда бошқа методика бўйича логопедик ёрдам олганлар.

Уранопластикадан кейин логопедик машғулотларда иштирок этиш вақти ҳам ҳар хилдир.

1. Ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу барча омилларни ҳисобга олиш уранопластикадан кейин бўладиган логопедик ишларнинг аниқ йўлларини излаш имконини беради.

Логопедик ишларнинг имкониятлари такрорий операциясиз қисман мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф қилишга ва бола нутқини тўғрилашга ёрдам беради.

Хирургик тадбирлар эса бола тўғри нутққа эга бўлишига замин яратади.

Логопед боланинг анатомик жиҳатдан янги бўлган шароитларда нутқдан фойдаланишни ўрганишга ёрдам бериши керак. Барча беморлар учун (операциягача бўлган тайёргарликни ўтган ва ўтмаган) уранопластикадан кейинги логопедик машғулотлар ўтказилиши зарур. Бу шу билан изоҳланадики, танглайнинг пай тўқималари анатомияси операциядан кейин ўзгаради. У эса операциягача бўлган даврда тўлиқ нормаллашган ҳолда ҳам нутқнинг сифатига таъсир қилиши мумкин.

Агар операциягача бўлган даврдаги машғулотлар тегишли методика асосида ўтказилган бўлса, бола операциядан кейин тўғри гапиришнинг тўлиқ имкониятига эга бўлади. Айрим ҳолатларда эса бола янгича шароитда нормал даражадаги нутқни эгаллаши учун 5 – 6 машғулот ҳам кифоя қилади.

Бунинг учун эса диафрагмал нафас олиш ва оғиздан нафас чиқариш устидан доимий назорат ўрнатилган ҳолда барча унли ва ундош товушларнинг артикулятсияси такрорланди, маиший-кундалик нутқда тўғри талаффуз қилиш малакалари мустаҳкамланди. Дастлаб нутқ темпи секинлашади, мунтазам равишда у нормаллашиб боради ва беморнинг диққат-эътибори нутқнинг ифодали бўлишига йўналтирилади.

Бола нутқини доимий равишда назорат қилиш дастлаб логопед томонидан амалга оширилади, кейинчалик эса бу ишни ота-оналар, Шунингдек, болалар билан мактабда ва уйда бирга бўлган шахслар бажаришади. Логопед болага вақти-вақти билан маслаҳат бериб боради. Ушбу борада ота-оналар имкониятларини кузатиб бориш ва уларни ишга йўналтириш жуда зарурдир.

Дастлаб улар логопед томонидан ишлаб чиқилган ва бола ёдлаган материални назорат қилиб боришлари лозим. Кейинчалик эса улар боланинг кундалик нутқини назорат қилишга жалб этилади. Бирмунча муддат кейинроқ эса бола билан суҳбатлашиш ёки бирор-бир матн гапириб бериш учун махсус вақт ажратилади.

Шу тарзда мунтазам равишда ота-оналар бола нутқини систематик тарзда назорат қилиб боришга ўтишади. Ушбу назорат ўқитувчилар томонидан мактабда ҳам амалга оширилиши лозим. Аммо, юқорида айтиб ўтилганидек, операция ҳар доим ҳам нутқнинг сифатига ижобий таъсир қилавермайди. Агар бола операциягача логопед билан шуғулланган бўлса-ю, аммо нутқ равлонлигига эришилмаган бўлса, Шунингдек, операциядан кейин ундаги бурун оттенкаси йўқолмаган бўлса, барча логопедик ишларни операциягача бўлган ишлар схемаси асосида қайтадан бошлашга тўғри келади. Бола нутқида бурун оттенкаси мавжуд бўлганда таянч сифатида биронта ҳам товушдан фойдаланмаслик лозим. Ушбу қоидага амал қилмаслик логопедик таъсир қилиш фақатгина товушлар артикулятсияси сифатига фойда беришга, аммо уларнинг акустик характеристикаси дефектли бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Уранопластикадан кейин бўладиган логопедик машғулотларда эшитиш назоратини ривожлантириш ва фонематик тарзда қабул қилишга, идрок қилишга катта эътибор қаратилади.

Операциягача бўлган даврда логопед билан тегишли методика асосида шуғулланган ўқувчилар учун саводхонликни ўргатишга тайёрлаш бўйича махсус машғулотларни киритиш мумкин. Бу эса узоқ муддат давомида тўғри нутқ малакаларини автоматлаштириш ва келгусида ёзувда хатоликнинг олдини олиш имконини беради.

Операциядан кейин бўладиган ишларда нутқда мимик пайларнинг иштирок этишига, нутқ жараёнида ортиқча зўриқишнинг олдини олишга ва синкнезиялар пайдо бўлишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шундай қилиб, операциягача бўлган даврда тегишли методика асосида логопед билан шуғулланган шахслар операциядан кейин ўзларининг нутқий малакаларини нисбатан кенгроқ нутқ материалида такомиллаштиради. Улар мунтазам равишда барча вазиятларда тўғри талаффузга ўтиб боришади.

Операциягача бўлган даврда бошқа методикалар асосида шуғулланган ёки умуман логопедик ёрдам олмаган ринолаликлар логопед томонидан синчиклаб текширилиши лозим.

Таъсир қилиш усулини танлаш жараёнида уларнинг имкониятлари ва нутқи дефектининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади.

Операциядан кейинги логопедик машғулотларга қатнаша бошлаган ринологиянинг нутқида бурун оттенкаси, юз ва мимик пайларда таранглик, зўриқиш бўлмаса, аммо бир қатор товушлар мавжуд бўлмаса, у билан дислалик билан шуғулланган сингари ишлаш мумкин. Бу ўринда етишмаётган товушларни юзага келтириш усуллари назарда тутилади.

Уранопластикдан кейин нутқда оз микдорда бўлса-да, бурун оттенкаси бор бўлган шахслар билан бўладиган машғулотларда олдинги ва биз баён қилган методика асосида ишларни амалга ошириб бориш лозим.

Бу тизим нисбатан қисқа вақт ичида назалликни бартараф қилишга ёрдам беради ва мимик ҳамда юз пайлари артикулятсиясидаги нотўғри иштирокини бутунлай бартараф этади. Дастлабки логопедик ёрдамни олаётган болалар билан бўладиган машғулотларда болаларда нутққа нисбатан эшитиш эътиборини ривожлантириш, талаффуз қилинаётган товушлардан ҳосил қилинаётган кинестетик ва тактил ҳис-туйғуларни мустаҳкамлаш зарур. Бу ўринда нутқнинг эски стерейоти мунтазам равишда янгиси билан алмашиб боради.

Машғулотларда ўзлаштирадиган тўғри нутқ малакаларини автоматлаштириш ҳар бир ринология ўқувчида ҳар хилда кечади. Бола нутқи мулоқот давомида йўл қўядиган хатолар шу билан изоҳланиши мумкинки, у логопедик машғулотларда ўзлаштирган кўникмаларидан барвақт фойдалана бошлайди. Бу ўринда ўзлаштирилган кўникмаларнинг мустаҳкамлиги ва уларнинг автоматизатсиялашуви бузилади. Логопед айрим ҳолларда ринология болалар нутқи устидан бўладиган назоратни ота-оналарга вақтли ишониб топширади.

Болалар нутқидаги бузилишни қайд қилган ҳолда ота-оналар уни тўғрилаш йўлини, усуллари билишмайди. Бунинг натижасида эса низоли вазият юзага келади.

Айрим ҳолатларда эса боланинг ўзи нутқини нотўғри назорат қилади, яъни ўзининг устидан назорат қилиши заруратини ҳис қилмайди. Айрим ҳолатларда эса кучли чалғийди ва ўзини фақат вақти-вақти билан назорат қилиб туради.

Логопед ва бола ўртасидаги муносабат узоқ муддат давом этади, ҳатто логопедик машғулотлар тугагандан кейин ҳам. Бу муносабат бир қатор сабаблар билан изоҳланади.

Ринологияларни аксарият ҳолларда бурни ва юқори лабида қолган нуҳсонларини бартараф этиш учун операция қилишади. Одатда, бундай операциялар 18 – 20 ёшларда амалга оширилади. Айрим ҳолатларда эт ўтказиб қўйиш (трансплантатсия) бажарилади. Трансплантатсиядан кейин юқори лабни фаолиятга киритиш, ҳаракатга келтириш нисбатан узоқ ва барқарор муддатни талаб қилади. Бу даврда беморнинг нутқида бурун оттенкаси юзага келиши мумкин. Чунки нутқ аппаратининг юқори бўлимида яна шароитлар ўзгаради, яъни мушаклар, пайлар ўртасидаги одатдаги муносабат бузилади. Лаба операция ўтказилгандан кейин оғиз тешиги орқали ҳаво оқими бемалол ўтишини таъминлаш учун оғизни операциядан олдинги даврдагига нисбатан каттароқ очиш талаб қилинади.

Ушбу вазиятда бажариладиган логопедик маслаҳатлар жуда фойдалидир. Улар 3 – 5 суҳбатгача чўзилиши мумкин. Аммо нутқ нормал даражада қолиши учун булар жуда ҳам муҳимдир.

Бурунни ва бурун деворларини операция қилиш ҳам операциядан кейин маълум муддат давомида нутқни назорат қилиб боришни талаб қилади.

Логопедик ва психотерапевтик таъсир, жинсий етилиш, болалар овозида ўзгариш юз берган даврда ҳам талаб қилинади. 1. Халқумда физиологик ўзгаришлар ва нафас олишда ўзгаришлар юз бериши муносабати билан жинсий етилиш даврида ўсмирлар нутқида яна бурун оттенкаси юзага келиши мумкин. Ушбу оттенка боланинг ўзи нормал нутқ қонуниятларини эслаган тақдирдагина тез бартараф бўлади. Аммо аксарият бундай ҳолларда логопед ёрдами талаб қилинади. Логопед унинг қийинчиликларини аниқлайди ва нутқ темпини, артикулятсиясини мувофиқлаштиради, нафас олишни бир маромга келтиради.

Бу вақтдаги логопедик ишларда кўриш орқали қабул қилиш, эшитиш ва кинестетик назоратдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. 1. Ҳар хил анализаторлардан кенг миқёсда фойдаланиш қисқа вақт мобайнида юқори натижаларга эришиш имконини беради.

Шундай қилиб, уранопластикадан кейинги логопедик ишлар операциягача бўладиган ишларни ҳисобга олиш ва операция самарадорлиги асосига кўрилиши лозим. Логопедик ишларнинг усуллари боланинг психик статусини ҳисобга олган ҳолда, мижоз нутқининг ўзига хос бўлган хусусиятларига боғлиқ равишда модификация қилинади.

Назорат саволлари:

1. Ринолалия нутқ камчилигига таъриф беринг.
2. Ринолалиянинг қандай шакллари бор?
3. Органик ринолалия билан функционал ринолалиянинг фарқини айтинг.
4. Ринолалиянинг қайси шакли оғир кечади ва нима учун?
5. Ринолалияни бартараф этиш методикаси бўйича Н.В. Воронцовскийнинг ишларини айтиб беринг.
6. Ринолалияни бартараф этиш бўйича чет эл мутахассислари фикрларини баён этинг.
7. Туғма танглай ёриқликларида даволаш имкониятлари нималардан иборат?
8. Ринолалияда қандай профилактик ёрдам ишлари ташкил этилади?
9. Ринолалияда нутқнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
10. Операциягача даврда олиб бориладиган логопедик ишнинг тайёргарлик даври мазмунини ёритинг.
11. Операциягача даврда олиб бориладиган логопедик ишнинг асосий даври мазмунини ёритинг.
12. Операциядан сўнг олиб бориладиган логопедик иш мазмунини ёритиб беринг.

13. Махсус болалар боғчасига борганда ринологик бола билан танишинг. Унинг тиббий-педагогик ҳужжатларини кўриб чиқинг.

14. Ринологик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишлар режасини тузинг.

4-Мавзу: Дизартрия (2 соат)

Режа

4.1. Дизартрия таснифи ва унинг шакллари

4.2. Дизартрияни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган логопедик таъсир тизими

Таянч иборалар:

1. Анартрия (ан + грекча артхроо – товушларни булиб талаффуз этиш) – дизартриянинг оғир формаси, нутқ ҳаракат мускулларининг параличи туфайли нутқ товушларини талаффуз қилиш мумкин бўлмай қолади.

2. Артикулятсион кинестезия (кин – грекча, аестҳесис – сезги) – артикулятсияни сезиш.

3. Артикулятсион параксиз – мақсадга қаратилган автоматлашган артикулятсион ҳаракат актларини бажариш.

4. Дизартрия (диз – грекча артхроо – товушларни булиб талаффуз этиш) – нутқ аппаратининг иннервациясидаги камчиликлар туфайли нутқнинг талаффуз томонидан бузилиши.

5. Коммуникация (лотинча коммунисатио – алоқа) – ўзгаларнинг фикрини тушуниш ва уларга ўз фикрини тил воситалари орқали тушунтира олиш жараёни.

6. Мотивация – мотивацион инглиз сўздан олинган бўлиб, истак деган маънони англатади.

4.1. Дизартрия, унинг таснифи ва шакллари

Дизартрия – нутқ аппарати иннервациясининг органик бузилиши сабабли нутқнинг талаффуз томонидан бузилишидир.

Дизартрия термини грекча сўздан олинган бўлиб, дис – бўлак, артхон – бириктириш деган маънони билдиради.

Дизартрия-бу марказий характердаги органик нутқ бузилиши ҳисобланади.

Дизартрияда нутқ аъзоларининг (юмшоқ танглай, тил, лаблар) кам ҳаракатланиши натижасида нутқ товушлари артикулятсияси қийинлашади, шу билан биргаликда овоз, нафас бузилишлари ҳамда нутқнинг суръати, ритми ва ифодалилигида ўзгаришлар кузатилади.

Дизартриянинг оғир формасида нутқ бутунлай тушунарсиз бўлади. Бундай ҳол анартрия деб аталади. Анартрия термини грекча сўздан олинган бўлиб, а-йўқ, артхон – бириктириш деган маънони билдиради.

Дизартрияни таснифлашда мутахассислар турли хил ёндашадилар: жароҳатланиш ўчоғига қараб, неврологик симптомнинг устунлиги ёки нейролингвистик қарашлар бўйича Е.Н. Винарская (1973), К.Н. Витторф (1940), К.Воватр (1966), Л.А. Данилова (1969), М.Зееман (1962), М.В.Ипполитова (1965), С.С. Ляпидевский (1968), Е.М. Мастюкова (1985), И.И. Панченко (1974), К.А. Семёнова (1979), М.Б. Эйдинова.

Аммо кўпчилик мутахасислар дизартрияни таснифлашда жароҳатланиш ўчғ'ини ҳисобга олиш тамойилига амал қилиб, дизартрияни қуйидаги турларга ажратадилар: булбар, пседобулбар, қобикли дизартрия, қобик ости ва миячали дизартрия.

Булбар дизартрия. Узунчоқ мия – медуллаоблонгата – яна иккинчи анча эски номга ҳам эга – булбус серебри – қайсики мия ўқининг бир қисми пиёз бошчаси бўлакларига /булбус, пиёз бошчаси\ ташқи юзаси билан ўхшашдир. Миянинг булбар қисмига тегишли IX, X ва XII, XIIII бош мия нервларининг периферик ўқлари, пўстлоқ ёки ядронинг шикастланиши оқибатида юзага келувчи симптокомплекснинг ҳаракат бузилишлари булбар фалаж деб аталади.

Периферик ҳаракатлантирувчи нейронларнинг ҳужайралари орқа миянинг олдинги шохларида ёки мия ўқининг мос ядроларида ётади. Уларнинг аксонлари у ёки бу периферик ҳаракатлантирувчи нервларни шакллантиради. Периферик ҳаракатлантирувчи нейроннинг унинг исталган сатҳидаги шикастланиши периферик фалаж /парез/нинг клиник кўринишини беради. Бунда нерв импульслари мушакларга келмаслиги, шунинг учун ундаги алмашилиш жараёнларининг бузилишини ҳисобга олсак, мушаклар атрофияси, товушининг пасайишининг юзага келиши сабаблари маълум бўлади. Мускуллар мўрт, бўш бўлиб қолади, шунинг учун бу кўпинча атрофик фалаж деб аталади. Периферик ҳаракатлантирувчи нейроннинг шикастланиши бирламчи рефлатор ёйларининг узилишига сабаб бўлади. Бунда тери ва пай рефлекслари йўқолиб, арефлексия намоён бўлади. Периферик ҳаракатлантирувчи нейронлардаги патологик жараён натижасида ҳам сақланиб қолган қўзғалувчанлиги шу нарсага олиб келадики, атрофияга учраётган мускулларда баъзида алоҳида мускул тўпламлари ва толаларнинг тез-тез қисқариши кузатилади.

Периферик параличнинг кўрсатилган клиник кўринишлари атрофия, атония ва арефлексия – булбар фалаж ҳолатида IX, X, ва XIIII бош мия нервлари /тил-ҳиқилдоқ, адашган ва тилости билан иннерватсия қилинувчи мускулларда, яъни юткин, ҳиқилдоқ, танглай, тил мускулларида кузатилади. Бу мускулларнинг функционал бўшашган фалажи ютишнинг бузилишлари (дисфагия ва афагия)да ейиш ва ичиш пайтидаги йўталиш билан бирга, овоз бузилишлари (дисфония ва афония)да ёки бўғиқ овозда, «ёпишиб кетган» ва тушунарсиз нутқда намоён бўлади. Бундай белгиларга булбар дизартрия дейилади. Бу тушунчага, одатда, пастки жағ, ёноқлар, лабларнинг мускулларининг бўшашган фалажи сабаб бўлувчи товуш артикулятсияси нуқсонларини ҳам ўз ичига олади, аммо Шунинг айтиш керакки, бу мускулларни иннерватсия қилувчи юз /УП/ ва уч тармоқли /У/ нервлар булбар нервларга кирмайди (юз ва учталиқ нервларнинг ядролари варолиг кўпригида жойлашади). Чайнов ва мимика мускулларининг бўшашган фалажи дизартрия белгиларидан бошқа чайнашнинг бузилиши, оғизни ёпа олмаслик, гипо ёки амимия каби белгиларни ҳам юзага чиқаради.

Узунчоқ миянинг бир томонлама (ўнг ёки чап бўлимининг фарқи йўқ) шикастланишлари ёки шу ердан чикувчи булбар нервлар IX, X, XII, XIIII

нинг шикастланишлари икки томонлама шикастланишларга нисбатан унча оғир бўлмаган булбар дизартрия белгиларининг ривожланишига олиб келади.

Келиб чиқиши ядроли бўлган булбар дизартрия билан касалланган беморларни неврологик кузатишларда бўшашган булбар фалажлардан ташқари тананинг қарама-қарши томонида ҳаракатланиш ва сезишнинг бузилишлари, шунингдек, ҳаракатланган тарафда атакция белгиларининг пайдо бўлиши аниқланган /масалан, Джексон, Авеллис, Валленберг, Шмедт синдромлари/.

Литвак Л.Б. /1959/, Гутсмонн /1924/ ва бошқалар томонидан бирор-бир бульбар нервнинг шикастланишига сабаб бўлувчи бульбар дизартриянинг айрим шакллари ҳақида баён этишган. Яқиндагина тил ютқин нервларининг дифтерия токсинлари билан шикастланишига, натижасида бемор нутқида овознинг йўғон тембрининг юзага келиши кўп учрар эди. Юз нервининг вирусли касалликлар ёки орта кулоқнинг йирингли – яллиғли жароҳатлари пайтидаги шикастланишлари янада кўпроқ учрайди, бу нарса юзнинг бир тарафдаги ёноқ ва лаб мускулларининг бўшашган фалажи билан боғлиқ, бу эса нутқда лаб товушлари (Б, М, П, В, Ф)нинг ноаниқ артикулятсиясининг ривожланишида намоён бўлади.

Шикастланишлар қанчалик мия ўқиға яқин бўлса, бўшашган фалажлар шунчалик кенг тарқалган бўлади. Узунчоқ мия моддаси ўзининг шикастланишларида (масалан, энсефелит, глиал шиш) жарангсиз бўғиқ овоз ва сўзларни «ютиб» талаффуз қилиш, тушунарсиз артикулятсия билан боғлиқ булбар дизартриянинг бирмунча оғир формалари намоён қилади. Бундай ҳолатларда булбар дизартриянинг белгилари, одатда, псевдобулбар дизартриянинг белгилари билан комбинатсиялашган бўлади.

Булбар дизартрия билан касалланган беморларни комплекс неврологик ва фонетик текшириш, уларнинг клиник намоён бўлиш патогенезини яхшироқ тушунишга имкон беради. Бундай текшириш мия қисмларининг айрим шикастланишларида беморнинг нутқ аппарати фаолиятида рўй берувчи энг қийин функционал саморегулятор /ўз-ўзини бошқариш/ қайта қурилишларини тушунишига ёрдам беради.

Касалларнинг нейрофонетик текшириш ишлари шуни кўрсатадики, алоҳида гуруҳ мускулларининг бўшашган фалажи товушларни талаффуз қилишдаги айрим бузилишларда намоён бўлади. Шунинг учун бемор нутқидаги товушлар бойлиги ва хилма-хиллигини йўқотади. Атрофдагилар эса бемор талаффуз қилаётган сўзларнинг маъносини тушунмай қолади.

Шундай қилиб, овоз бойламлари мускулларининг парези шу нарсага олиб келадики, овоз бойламлари тўлиқ ва бир хилда ҳаракатланмайди, уларнинг тебраниш эса кам, аритмитик ва етарли амплитудага эга бўлмай қолади. Шунинг учун овоз оҳангдорлиги етарсиз, кучсиз бўлиб қолади. Жарангли ундошларни талаффуз қилиш пайтида овоз бойламларининг етарли ҳаракатланмаслигида ҳиқилдоқ агродинамик шароитларга яқинлашади, бунда жарангсиз ундошларни талаффуз қилишда жарангли ундошлар ҳам жарангсизлашиб кетади.

Бемор овозини қайта чиқаришга уриниб товуш пайларининг айрим агонисит ва алкергист мускулларини, шу жумладан, ютқин ва тил илдизи мускулларини қўзғатади. Бу шунга олиб келадики, унли товушлар ўзларига хос бўлмаган шовқинли товушларга айланади. Шунинг учун бемор нутқидаги унли ва ундош товушларнинг фарқи сезиларсиз бўлиб қолади, бу эса атрофдагиларнинг бемор нутқини тушунишларини қийинлаштириб юборади. Баён этилган артикулятсия ўзгаришининг умумий тенденцияси, табиий равишда овоз боғламлари, юмшоқ танглай, тил ва лаб мускулларидаги паретик ҳолатларнинг тақсимланишига ҳамда у ёки бу товушлар физикавий мураккаблигига кўра турлича вариантларга эга бўлиши мумкин. Барча мускулларнинг бир текис шикастланишида энг дифференциялашган тил олди товушлари бузилади. Аммо тил илдизи мускули парези устунлик қилганда кўпроқ тил орқаси товушлари артикулятсияси бузилишини кузатиш мумкин.

Чунки қаттиқ талаффуз қилинадиган товушларга нисбатан юмшоқ қилинадиган товушлар артикулятсияси тил мускулларининг камроқ дифференциялашган иннерватсиясини талаб этади. Лекин бульбар дизартрияда улар қаттиқ талаффуз қилинадиган товушларга нисбатан камроқ ва кечикиб бузилади. Тил усти мускуллари шикастланган ҳолатда бир навбатда юмшоқ товушлар талаффузи, артикулятсияси ва тил ўрта талаффузининг бузилиши рўй беради.

Нутқ аппарати мускулининг параличи қанчалик диффуз ва бузилиш даражаси қанчалик чуқур бўлса, нутқ товушлари шунчалик қўпол бузилади. Булбар дизартриянинг оғир ҳолларида энг содда бурун товушларини талаффуз эта олиш қобилияти сустлашиб кетади.

Шундай қилиб, нутқ аппарати суст паризи туфайли рўй берган турли клиник ҳолатлардаги булбар дизартриянинг тўғридан тўғри бирламчи клиник симптомлари паст, кучсиз овоз, портловчи товушлар артикулятсиясидаги бузилиш, жарангли товушларда жаранглилик шаклининг соддалашуви, овознинг бурунли, димоғли тембри, нутқ оҳангдорлигининг бузилиш кабилардан иборат.

Псевдобульбар дизартрия. Периферик ҳаракатлантирувчи нейронларнинг ядросининг ўзи нерв импусларини мия пўстлоғидан марказий ҳаракатлантирувчи нейронлир, бошқача қилиб айтганда пирамида йўли билан қабул қилади.

Ҳозирга қадар марказий ҳаракатлантирувчи нейронларнинг танасини олдинги илдизи марказий эгатларнинг /Ғнг ва чап/ пўстлоғида маълум кетма-кетликда жойлашган деб ҳисобланиб келинар эди. Тил, лаб, ютқин, томоқ ҳаракатини иннерватсия қилишга тегишли ҳужайралар олдинги марказий эгатларнинг пастки қисмида жойлашган. Барча пирамида йўли толалари бирга қўшилиб, мия пўстлоғи ости ядролари орасидан яримшарнинг оқ моддаси бўйлаб мия стволининг бадал қисмига ўтади. Узунчоқ ва орқа мия чегарасида пирамида йўли ўнг ва чап томонлари толаларининг катта қисми бир-бирини кесиб ўтади ва орқа миянинг периферик ҳаракатлантирувчи нейронлар ҳужайраларида тугайди.

Агар периферик параличда барча ихтиёрий ва ихтиёрсиз ҳаракатлар бузилса, марказий спастик параличда аввало ихтиёрий ҳаракатлар зарарланади, ихтиёрсиз ҳаракатлар эса сақланиши мумкин. Пирамида йўллари толалари контакт йўлини ҳосил қилади. Шунинг учун уларнинг шикастланишида асосан битта кўп ҳолларда иккита қўл-оёқ қисми ҳаракати энг нозик ва дифференциалланган қўл бармоқларининг ҳаракати бузилади.

Пирамида йўлининг бош мия нервларининг ҳаракатлантирувчи ядроларига пўстлоқ импульсларини ташувчи томонларига картиконуклеар ёки картико – булбар дейилади. Уларнинг шикастланишида юзага келувчи мускуллар параличи марказий спастик паралич хусусиятига эга. Суст булбар параличлардан фарқ қилиб, бу параличлар псевдобулбар дейилади.

Бош мия нервининг кўпчилик ҳаракатлантирувчи ядроларининг икки ёклама пўстлоқ иннерватсияси Шунинг аниқлаб берадики, картиконуклеар йўлларнинг бир ёклама зарарланиши чайнаш, ютиш, товуш ҳосил бўлишида жиддий функционал четга чиқишини келтириб чиқармайди. Бундай бузилиш кўртиконуклеар йўлларининг икки ёклама шикастланишда содир бўлади. Бунда тил мускули ва юзнинг пастки қисми мускулининг марказий спастик параличи эътиборга олинмайди, бу мускуллар миянинг қарама-қарши ярим шаридан келувчи киртиконуклеар толалар билан иннерватсия қилинади. Аммо псевдобулбар дизартрия симптомлари, шунингдек, чайнаш, ютиш ва товуш ҳосил бўлишининг бузилиши, одатда, тил ости ва юз нервларининг икки ёклама параличи мавжудлиги натижасида ривожланади.

Шунинг учун бир ёклама мия марказининг зарарланиши псевдобулбар дизартрияни чақириши мумкинми деган саволга кўп муаллифлар йўқ деб жавоб берадилар.

Псевдобулбар параличнинг клиник кўринишининг мускуллар тонуси ва тилнинг фаол ҳаракатини текшириб бориш мисолида кузатишимиз мумкин. Агар беморнинг оғзи очиб кўрилганда тил мускуллар атрофияси йўқлигини кўриш мумкин. Тил, одатда, орқага тортилган, ўрта қисми кўтарилган ва ютқинга кириш йўлини беркитиб турган бўлади. Одатда, беморлар тилини оғиз бўшлиғидан чиқара олмайдилар.

Тилни олдинга чиқариб қилинадиган ҳаракатдан тил учини бурунга қарата чиқарилгандаги ҳаракат кучлироқ бузилади. Бемор талаб қилинаётган ҳаракатни тилнинг олдинги қисмини пастки лаб ва пастки жағ билан пассив кўтариши ҳисобига бажариш мумкин. Бунда тил таранглашган бўлиб, тил учи юқорига қайрилмайди ва юқориги лаб терисига тегмайди, тез ҳолдан тойиш содир бўлади ва тил секин-аста ёки силкинишга ўхшаб оғиз бўшлиғига кириб кетади.

Беморлар учун бошқа ҳаракатларга нисбатан тил учининг иякка қарата қиладиган пастга ҳаракати бирмунча осонроқдир. Бироқ тилнинг энг пастки учи пастга эгилмайди ва ияк терисига тегмайди. Тилнинг ён томонга қиладиган ҳаракати, айниқса оғиз бўшлиғидан чиқарилганда ҳам кичик амплитуда билан характерланади, бунинг устига тил бутун массаси бўйлаб жойлашади, бунда таранглашган тил учи ён томонга ҳаракат қилмайди.

Тилнинг паретик мускуллари ва шу билан бир қаторда бошқа нутк аппаратининг мускулли органларининг ҳаракатининг ҳажми ва кучининг бундай камайиши албатта нутқ жараёнида намоён бўлади. Касаллар овози кучсиз, эшитилмас бўлади ва сўниб боради. Бунда ҳар доим биринчи бўлиб, нозик ва мураккаб артикулятсион товушлар зарар кўради.

Карлеп /1960/ ютқин мускулларининг спастик қисқаришларида нутқий пайларнинг четлари билан бир-бирига зич тақалиши ва жуда кучли ҳаракатланган бўлишига, нутқий бўшлиқдан юқорида қўшимча шовқин пайдо бўлишига эътибор беради. Шунинг учун товуш фақатгина кучсиз бўлмай, бўғиқ ва хираланган бўлади деган фикрга келади.

Тил-ютқин, адашган ва тил ости нервларининг параличи ёки марказий парезларида одамда асосий резораторлар – ютқин ва оғиз бўшлиғининг резонаторик хусусиятлари тез, қаттиқ ўзгариб қолади. Бўйин, ютқин, томоқ, юмшоқ танглай ва тил мускулларининг спастик ҳолати ютқиннинг резонаторлик фаолиятига йўл бермайди. Спастик таранглашган тил оғиз бўшлиғига – томоқнинг орқа деворига сурилади, бу эса маълум ёмон ҳолатларга олиб келади. Биринчидан, тил ўзагининг орқага жойлашиши ютқин йўлини бекитиб, томоқ-ютқин бўлимининг ҳосил бўлишига имконият бермайди. Иккинчидан, ютқиннинг овоз тўлқинларини тўплаш ва оғиз бўшлиғига бериш хоссасини камайтиради ва овоз тўлқинларини бурундор модикүлятсияси учун шароит яратилади.

Манқаликнинг келиб чиқишида ютқиннинг юқори қисмидаги мускуллар спастицилига ва ютқин-оғиз ва ютқин-бурун бўшлиқлари размерининг катталиклари ўзгаришларининг аҳамиятини Сереев /1957/ кўрсатиб ўтади. Муаллифнинг нуқтайи назаридан бу факторлар ҳавонинг бурун орқали тўғри чиқиб кетишига қараганда аҳамиятлироқдир. Бу фикрни Берри ва Эисенсеин /1956/ ҳам тасдиқлашади.

Псевдобульбар дизартрия шартли равишда 3 даражага ажратилади: енгил, ўрта, оғир.

1. Псевдобульбар дизартриянинг енгил даражаси артикулятсион нутк аппарат ҳаракатларида кўпол бузилишларнинг йўқлиги билан характерланади. Бунда асосий артикулятсион қийинчилик тил, лабларда ҳаракатни тез ва аниқ бажара олмасликларида сезилади. Бундай болаларда талаффуз камчиликлари асосида артикулятсион ҳаракатларини аниқ тез бажара олмасликлари натижасида юзага келади. Нутқ бирмунча секинлашган бўлади. Арти-кулятсион жиҳатдан қийин бўлган товушлар: ж, ш, р, ч талаффузида камчиликлар кузатилади. Жарангли товушлар талаффузида овоз етарли даражада иштирок этмайди.

Товушлар талаффузидаги камчиликлар фонематик ривожланишга салбий таъсир кўрсатади. Дизартриянинг енгил даражасида кўпчилик болалар товушлар анализида бир қатор қийинчиликка учрайди. Бундай болалар ёзувда ўзига хос хатоликларга йўл қўядилар, яъни ҳарфларни алмаштириб ёзадилар. Нутқнинг лектик грамматик томонларида камчиликлар деярли кузатилмайди.

2. Псевдобульбар дизартриянинг ўрта оғир даражада болада юз мускуллар ҳаракати йўқолган бўлади. Бу ҳолат дизартриянинг ўрта оғир даражаси учун характерлидир. Лаб ва тил ҳаракатлари чегараланган бўлади. Бола лаблари ва тилларини керакли ҳолатларда ҳаракатлантира олмайди.

Асосий қийинчиликлар бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга ўтишда яққол намоён бўлади. Юмшоқ танглай кам ҳаракатчан бўлади. Болада сўлак оқишлари ҳамда чайнаш ва ютиш актларида қийинчиликлар кузатилади.

Артикулятсион аппарат функциясидаги камчиликлар оғир талаффуз камчиликларига олиб келади. Бундай болалар нутқи тушунарсиз бўлади ва кечикиб ривожланади.

3. Псевдобулбар дизартриянинг оғир даражаси бу – анартриядир. Бунда асосий камчилик мускуллари оғир бузилиши ва нутқ аппаратининг тўлиқ фаолиятсизлиги билан характерланади. Анартирик болалар маъносиз, ўзгача кўринишда бўлади, пастки жағ тушган, оғизлари доимо очик ҳолда бўлади. Тил оғиз бўшлиғида ҳаракатсиз ётади, лаб ҳаракати ўта чегараланган бўлади. Чайнаш ва ютиш актларида қийинчилик кузатилади. Нутқ тўлиқ бўлмайди.

Қобикли дизартрияда бош мия қобиғининг ўчоқли жароҳатланиши билан боғлиқ патогенезга эга нутқнинг мотор камчиликлар гуруҳи намоён бўлади.

Қобикли дизартриянинг биринчи шакли бош миянинг олдинги марказий эгатчасининг пастки бўлимининг бир томонлама ёки кўп ҳолларда икки томонлама жароҳатланиши билан боғлиқ. Бундай ҳолатларда артикулятсия мушакларининг марказий парези юзага келади. Тилнинг айрим мушакларини қобикли парези жуда нозик алоҳида ҳаракатлари ҳажмининг чекланишига олиб келади. Қобикли дизартриянинг бу шаклида тил олди товушлари талаффузида камчиликлар кузатилади. Қобикли дизартрияни ташхиси учун ҳар бир аниқ ҳолатда тил олди товушларининг зарарланиши ва бу камчиликларнинг механизмларини аниқлашга ёрдам берувчи нозик нейролингвистик таҳлилни амалга ошириш зарур.

Қобикли дизартриянинг биринчи шаклида тил олди товушларидан биринчи навбатда какуминал ундошлар, яъни тил учини юқори тишлар томон кўтариб ва биров эгилган ҳолда талаффуз қилинадиган ундошлар (ш, ж, р) талаффузида камчиликлар кузатилади. Дизартриянинг оғир кўринишларида бу товушлар мутлақо йўқ бўлса, енгил кўринишида талаффуз жараёнида тилни ўрта қисми юмшоқ танглай томон кўтариладиган товушлар (с, з, т, д, н) билан алмаштирилади.

Қобикли дизартрияда апикал ундошлар, яъни талаффуз жараёнида тил учини юқори тишлар ва алвеолаларга яқинлашиши ва тегиб туриши билан изоҳланадиган товушлар (л) талаффузида ҳам қийинчиликлар кузатилади.

Шунингдек, қобикли дизартрияда ундош товушларнинг ҳосил бўлишининг камчиликлари кузатилиши мумкин.

Қобикли дизартрияда мушак тонусининг ортиши характерли, айниқса, тил учи мушаклари тонусининг ортиши кузатилади. Бу эса нозик дифференциал ҳаракатларни чеклайди.

Қобикли дизартриянинг иккинчи шакли кинестетик праксисни етарли эмаслиги билан боғлиқ. Бу эса бош миyanинг доминант ярим шари (одатда, чап яримшарлар) қобиғининг пастки марказий бўлимларини бир томонлама жаро-хатланишида кузатилади.

Бундай ҳолларда шовқинли ва аффрикат ундош товушлар талаффузида камчиликлар кузатилади. Артикулятсия камчиликлари турли хил ва турғун эмаслиги билан характерланади. Нутқ жараёнида зарур артикулятсия ҳолатини излаш нутқ темпини секинлаштиради ва уйғунлигида камчиликлар келтириб чиқаради.

Айрим артикулятсия ҳолатларини ҳис этиш ва талаффуз этишда қийинчиликлар кузатилади. Юз гнозисини етарли эмаслиги кузатилади.

Қобикли дизартриянинг учинчи шакли динамик кинестетик праксиснинг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Бу бош миyanинг доминант яримшарлари қобиғининг мотор соҳасининг пастки бўлимлари жароҳатланишида кузатилади. Кинестетик праксис камчиликларида мураккаб аффрикат товушларининг талаффузи қийинлашади.

Топшириқ бўйича ҳаракатларни кетма-кетликда бажаришда қийинчиликлар намоён бўлади.

Қобикли дизартриянинг иккинчи ва учинчи шаклларида товушларни мустаҳкамлашда қийинчиликлар кузатилади.

Экстрапирамидали дизартрия (қобик ости дизартрия).

Экстрапирамидали тизим тез, аниқ ва дифференциал ҳаракатларни бажариш имконини берувчи тайёргарлик фониниавтоматик тарзда яратади. У мушакларнинг тонусини, мушаклар қисқаришининг кетма-кетлиги, кучи ва ҳаракатчанлиги бошқаришда алоҳида ўрин тутди ва ҳаракат актларини эмотсионал ифодади, автоматик тарзда бажаришни таъминлайди.

Экстрапирамидали дизартрияда товушлар талаффузида камчиликлар аниқланади:

- нутқий мушакларда мушак тонусини ўзгариш;
- зўриқиш ҳаракатлари мавжудлиги (гиперкинезлар);
- нутқий мушаклардан проприцептив афферентатсия камчиликлари;
- эмотсионал – ҳаракат иннерватсия камчиликлари.

Экстрапирамидали дизартрияда артикулятсия аппарати мушакларининг ҳаракатлари ҳажми псевдобулбар дизартриядан фарқли равишда етарлича ривожланган бўлади. Бола доимо ўзгарувчи мушаклар тонуси ва зўриқишли ҳаракатлар таъсирида артикулятсия ҳолатини ҳис этишга ва бажаришга қийналади. Шунинг учун, экстрапирамидали дизартрияда кўп ҳолларда кинестетик диспраксия кузатилади. Нутқ мушакларини тинч турган ҳолатида мушакларнинг енгил тебраниши (диспгония) ёки унинг маълум маънода пасайиши (гипотония) кузатилиши мумкин. Ҳис-ҳаяжонли, таъсирчан ҳолатларда нутқий баённи амалга оширишда уринишларда мушаклар тонусини ва зўриқишли ҳаракатларнинг ортиши кузатилади. Тил тугунча бўлиб, илдизи томон тортилади, жуда тез зўриқади, тортилади. Овоз аппарати ва нафас мушаклари тонусининг ортиши товушни ихтиёрий тарзда чиқишини йўқотади ва бола биттагина товушни ҳам талаффуз эта олмайди.

Мушак тонусининг яққол намоён бўлган камчиликларида нутқ ноаниқ, тушунарсиз, овоз манқаларининг эга бўлиб, нутқнинг маъно томонида, унинг интонацияил-оҳангли тузилишида, темпида камчиликлар кузатилади. Нутқнинг эмотсионал белгилари намоён бўлмайди, нутқ монотон, бир хил бўлади. Овозни «Ўчиб қолиб», тушунарсиз мингиллашга ўтишини кузатиш мумкин.

Экстрапирамидали дизартриянинг хусусиятлари – бу товуш талаффузини турғун ва бир хил кўринишдаги камчиликларининг кузатилмаслиги, Шунингдек, товушларни мустаҳкамлаш жараёнининг қийинчилик билан амалга оширилишидир.

Экстрапирамидали дизартрия айрим ҳолларда нейросенсор карлик каби эшитиш камчиликлари билан биргаликда келади. Бунда аввало, баланда тонларни эшитиш зарарланади.

Миячали дизартрия. Дизартриянинг бу шаклида мияча ва унинг марказий асаб тизимининг турли бўлимлари билан алоқалари жароҳатланади. Миячали дизартрияда нутқ секинлашган, жумла охирига келиб овознинг «Ўчиб қолиши» билан тавсифланади. Тил ва лаб мушаклари тонусининг пасайиши улар учун хос бўлиб, тил ингичка ҳолда оғиз бўшлиғида беҳаракат ётади, ҳаракатлар темпи секинлашган, артикулятсия ҳолатлари ҳис этиш ва амалга оширишда қийинчиликлар, юмшоқ танглай осилиб туриши, чайнаш ҳаракатларининг сустлиги, мимиканинг чекланганлиги кузатилади. Тил ҳаракатлари ноаниқ бўлиб, унда гипер ёки гипометриялар (ҳаракатлар ҳажмининг ортиши ва камайиши) кузатилади. Нозик мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни бажаришда тилни билинар-билинемас титраши, товушларни бурунли талаффуз этиш кузатилади.

Дизартриянинг диффенциал диагностикаси икки йўналишда амалга оширилади: дислалиядан ва алалиядан фарқлаш.

Дислалиядан фарқлаш 3 та асосий синдромлар (артикулятсия, овоз ва нафас камчиликлари синдромлари) асосида амалга оширилади. Бунда товуш талаффузи бузилиши, нутқнинг маъно томонидаги камчиликлар, товушлар талаффузининг ўзига хос нуқсонликларида товушни нутқда мустаҳкамлашдаги қийинчилик, Шунингдек, неврологик текширув маълумотлари (марказий асаб тизимида органик жароҳатлар белгиларининг мавжудлиги) ва анализ хусусиятлари (перинотал нуқсонликлар, бақариш, овоз реакциялари, эмиш, ютиш, ва чайнаш каби нутқгача бўлган давр хусусиятлари алоҳида ўрин тутди) катта аҳамиятга эга.

Алалида фарқлаш нутқнинг лектик-грамматик томонининг ривожланиши хусусиятларида тил операцияларини бирламчи камчиликларини йўқлигига асосланиб амалга оширилади.

4.2. Дизартрияни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган логопедик таъсир тизими

Дизартрияни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган логопедик таъсир тизими комплекс равишда амалга оширилади, яъни артикулятсион аппарат

массажи ва гимнастик машқлари, овоз ва нафас устида ишлаш, умумий даволаш, даволовчи жисмоний - тарбия, физиотерапия ва дори - дармонлар билан даволаш ишлари.

Асосий диққат болада нутқнинг ривожланиши ҳолатига, нутқнинг лектик-грамматик томонига ҳамда нутқнинг алоқа функцияси хусусиятларига қаратилади. Мактаб ёшидаги болаларда ёзма нутқ ҳолати ҳам ҳисобга олинади.

Узоқ вақт давомида мунтазам равишда олиб борилган машғулотлар секин-аста артикулятсион аппарат, аппарат моторикасини нормаллаштиради, артикулятсион ҳаракатларни ривожлантиради, артикулятсия аъзоларида ихтиёрий ҳаракатларни бир ҳаракатдан бошқа бир ҳаракатга ўтиш қобилиятини шакллантиради, ҳамда фонематик эшитувни тўла қонли равишда ривожлантиришга ёрдам беради.

Дизартрик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишларнинг усуллари А.Г. Иппалитова, О.В. Правдина, В.В. Иппалитова, Е.М. Мастюкова, Г.В. Чиркина, И.И. Панченко, ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Дизартрик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1 – товушларнинг тўғри талаффузини ўргатиш, яъни артикулятсион моторикани, нутқий нафасни ривожлантириш ва товушни нутқга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

2 – фонематик идрокни ривожлантириш, товуш анализ малакасини шакллантириш;

3 – нутқнинг ритм, оҳангдорлиги ва ифодалилиги томонидаги камчиликларни бартараф этиш.

4 – пайдо бўлган нутқнинг умумий ривожланмаганлигини тўғрилаш.

Дизартрик болаларда товушлар талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш, тузатиш ишнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Товушлар талаффузидаги камчиликларининг асосий сабаби нутқ аппарати аъзоларининг ҳаракатчанлигида кузатиладиган камчиликлардир. Шунинг учун логопед асосий диққатни артикулятсион аппарат ҳаракатчанлигини ривожлантиришга қаратиши лозим.

Товушлар талаффузи устида ишлаш қуйидаги ҳолатни ҳисобга олиб ташкил этилади:

1 – дизартрия шакли, боланинг нутқини ривожланиш ҳолати ва бола ёши-ни ҳисобга олиш.

2 – нутқ коммуникациясининг ривожланиши. Товушлар талаффузининг шаклланиши комуникатсиянинг ривожланишига йўналтирилган бўлиши лозим.

3 – мотиватсиянинг ривожланиши, бор бўлган бузилишларини бартараф этишга интилиш, ўз-ўзини англашни, ўзига ишонч, ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўз қадрини билиш ҳамда ўз кучига ишониш.

4 – дифференциал эшитиш идроки ва товуш анализи қобилиятини ривожлантириш.

5 – кўрув-кинестетик туйғуни ривожлантириш йўли билан артикулятсион тартиб ва артикулятсион ҳаракатни кучайтириш.

6 – ишни босқичма-босқич ташкил этиш. Коррекцион иш болада талаффузи сақланиб қолган товушлардан бошланади. Баъзан товушлар анча содда мотор координатсиялари тамойилига кўра танлаб олинади, аммо артикулятсияон бузилишни ҳисобга олинган ҳолда биринчи навбатда илк онтогенез товушлари устида иш олиб борилади.

7—Энг оғир бузилишларда, яъни бола нутқи атрофдагилар учун умуман тушунарсиз бўлганда коррекцион иш алоҳида ажратилган товушлар ва бўғинлардан бошланади. Агарда бола нутқи атрофдагилар учун нисбатан тушунарли бўлса ва у айрим сўзларда нуқсонли товушларни тўғри талаффуз қила олса, унда иш «таянч» сўзлардан бошланади. Ҳар қандай ҳолларда ва турли нутқий ҳолатларда товушлар нутқда мустаҳкамланиши зарур.

8 – Марказий асаб тизими шикастланган болаларда нутқдан олдинги даврда логопедик ишларни мунтазам олиб бориш йўли билан товушлар талаффузидаги мураккаб бузилишларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Дизартерияда олиб борадиган логопедик ишлар босқичма-босқич олиб борилади.

1-босқич тайёрлов босқичи – бу босқичнинг асосий мақсади:

– артикулятсион аппаратни, артикулятсион тартибни шакллантиришга тайёрлаш;

– боланинг илк ёшида – нутқий мулоқот эҳтиёжини тарбиялаш;

– пассив луғатни аниқлаш ва ривожлантириш

– нафас ва овоздаги камчиликларни коррекциялаш.

Бу босқичнинг энг аҳамиятли вазифалари бу – сенсор функцияни, айниқса, эшитиш идроки ва товушлар анализини ривожлантиришдир.

Коррекцион иш методлари ва усуллари қўллаш нутқ ривожланиши даражасига боғлиқ. Болада мулоқот нутқ воситаларининг бўлмаслиги бошланғич овоз реакциясини тезлаштирилади ва товушларга тақлид қилишга олиб келади, ҳамда унга коммуникатив аҳамият тусини беради.

Логопедик ишлар дори-дармонлар билан таъсир этиш, физиотерапевтик даволаш, даволов жисмоний тарбияси ва массаж билан қўшиб олиб борилади.

2-босқич бошланғич коммуникатив талаффуз қобилиятини шакллантириш босқичи.

Бу босқичнинг асосий мақсади:

– нутқий мулоқот ва товушлар анализи малакасини ривожлантириш;

– артикулятсион аппарат мускулларини бўшаштириш;

– оғиз ҳолатини назорат қилиш;

– артикулятсион ҳаракатларни ривожлантириш;

– овозни ривожлантириш;

– нутқий нафасни тўғрилаш;

– артикуляцион ҳаракатларни сезиш ва мақсадга йўналтирилган артикуляцион ҳаракатни ривожлантириш.

Артикуляцион аппарат мускулларини бўшаштирувчи машқлар умумий мускулларни бўшаштирувчи машқлардан бошланади (бўйин, кўкрак қафаси, кўл мускуллари). Сўнг юз мускулларини бўшаштирувчи массаж ишлари олиб борилади.

Ҳаракатлар пешананинг ўртасидан чеккага қараб бошланади. Улар бармоқ учларининг енгил силашдаги секин суръатдаги ҳаракатлар ёрдамида бажарилади.

Бўшаштирувчи массаж меъёрий равишда фақат юзнинг тонуси ошган мускулларига қаратилади, бўшашган мускуллар гуруҳига қаратилган массаж эса мустаҳкамловчи бўлиши лозим.

Юз мускулларини бўшаштирувчи массажнинг иккинчи йўналиши қошлардан бошнинг сочлар бошланувчи қисмигача қаратилади. Ҳаракатлар бир хилда иккала кўл билан икки томондан қилинади.

Учинчи йўналишда ҳаракатлар пешана йўлидан пастга, лунжлардан бўйин ва елка мускулларига қаратилади.

Сўнгра лаб мускулларини бўшаштиришга ўтилади. Логопед ўзининг кўрсаткич бармоқларини юқори лабнинг ўртаси ва оғизнинг иккала томонидан бурчагига қўяди ва ҳаракатлар ўрта чизикқа қарата қилинади. Бундай ҳаракат пастки лаблар билан ҳам қилинади. Сўнгра иш иккала лабда ўтказилади.

Кейинги машқда логопеднинг кўрсаткич бармоқлари худди юқоридагидек ҳолатда бўлади, фақат ҳаракатлар юқори лаб бўйича юқorigа қараб қилинади, бунда милклар кўринади, пастга қараб қилинган ҳаракатларда пастки милклар очилади.

Сўнгра логопеднинг кўрсаткич бармоқлари оғизнинг бурчакларига кўйилади ва лаблар тортилади (илжайиш). Қайта ҳаракат ёрдамида лаблар ўз ҳолатига қайтади.

Бундай машқлар оғизнинг турли ҳолатларда: оғиз ёпиқ, ярим очик, катта очик ҳолатларида қилинади.

Бўшаштирувчи машқлардан сўнг паст тонусдаги мустаҳкамловчи массаждан сўнг лабнинг пассив фаол ҳаракатлари машқ қилдирилади. Бу массаж ва машқлар натижасида бола лаблари билан турли диаметрдаги ёғоч буюмларни, конфетларини ушлаб тура олишига эришади, найча орқали сув ичишни ўрганади.

Юқорида қайд этилган мускулларни умумий бўшаштирувчи машқларидан сўнг тил мускулларини машқ қилишга ўтилади. Уларни бўшаштиришда тил пастки жағ мускуллари билан ўзаро боғлиқ эканини ёддан чиқармаслик керак. Шунинг учун спастик кўтарилган тилнинг оғиз бўшлиғида пастга ҳаракати пастки жағнинг пастга қараб ҳаракати билан бирга қилинса, машқни бажариш бола учун осон кечади. Мактаб ёшидаги болаларга бундай машқлар ауто-тренинг кўринишида берилади, «мен тинчман, жуда бўшашганман, тилим оғзимда тинч ҳолатда. Пастки жағ пастга тушаётганда тилни ҳам секин пастга тушираман».

Агар бу усуллар етарлича ёрдам бермаса, тилнинг учига бир бўлак тоза дока ёки тоза, енгил бирор буюм қўйилади. Ҳосил бўлган тактил сезгилар болага тилнинг эркин ҳаракатига нимадир халақит бераётганини тушунтиришга, яъни спастик ҳолатни сезишга ёрдам беради. Шундан сўнг логопед логопедик зонд билан тилни енгил босиш ҳаракатларини қилади.

Кейинги ҳаракат тилни енгил ҳолда томонларга ҳаракат қилишидир. Логопед эҳтиёткорлик билан тилни тоза дока билан ушлаб, ритмик равишда томонларга тортади. Аста-секин логопеднинг ёрдами камайиб, бола машқни ўзи бажара бошлайди. Массаж, даволовчи жисмоний тарбия мутахассис томони-дан ўтказилади. Логопед ва ота-оналар шифокор назорати остида, гигиеник талабларга амал қилган ҳолда унинг элементларидан фойдаланишлари мумкин.

Оғизнинг ҳолатини назорат қилиш

Дизартрияда оғизнинг ҳолатини назорат қилмаслик ихтиёрий артикулятор ҳаракатларнинг ривожланишини қийинлаштиради. Дизартрияда, одатда, боланинг оғзи очик, сўлак оқиши кузатилади.

Олиб бориладиган ишлар 3 босқичга бўлинади.

Биринчи босқич – лаблар учун машқларда тактил сезгиларни боланинг оғзини пассив ёпиши билан биргаликда ривожлантириш. Асосий диққат боланинг оғзини ёпиш сезгиларига қаратилади, бола бу ҳолатларни ойна орқали кўриб туради.

Иккинчи босқич – пассив фаол йўллар орқали оғизни ёпиш. Оғзини ёпиш аввал бошни пастга эгиш ва оғзини очиш, бошни орқага ташлаш ҳолатида осон бажарилади. Ишнинг бошланғич босқичларида ушбу осонлаштирилган усуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мумкин.

Учинчи босқич – оғизни фаол очиш ва ёпиш машқлари сўз кўрсатмаси бўйича ўтказилади. Масалан, «Оғизни катта оч», «Лабларни чўччайтир», «Лабларни найча шаклига келтир ва аввалги ҳолатига қайтар».

Оғизнинг турли ҳаракати тасвирланган расмларга қараб машқларни бажариш. Машқлар аста-секин мураккаблашиб боради: боладан бўшаштирилган лаблар орқали пуфлаш, тебраниш ҳаракатларини бажариш сўралади.

Артикулятсион гимнастика

Артикулятсион гимнастикани ўтказишда тактил-пропротсептив стимулятсия, статик-динамик сезгиларни ривожлантириш, аниқ артикулятсион кинестезиялар муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг дастлабки босқичларида сақланган анализаторлардан (ешитиш, кўриш, тактил) мукамал равишда фойдаланиш орқали амалга оширилади. Машқлар кўзларни ёпиқ ҳолда боланинг диққатини пропротсептив сезишларга қаратиш орқали бажарилади. Артикулятсион гимнастика

дизартриянинг шакли ва артикулятсион аппаратнинг жароҳатланиш даражасига қараб дифференцияллаштирилади.

Нутқ мускуллари ҳаракатини ривожлантиришдан аввал юзнинг мимик мускуллари машқларидан фойдаланилади. Мактабгача ёшдан бошлаб болада мимиканинг ихтиёрий ва дифференцирланган ҳаракатлари ва ўз мимиқаси устидан назорат қилиш ривожлантирилади. Боланинг сўзли кўрсатма бўйича кўзини очиш ва ёпишга, қошларини чимириш, лунжини шишириш, сўлагини ютиш, оғзини очиш ва ёпишга ўргатилади.

Юз ва лаб мускулларининг етарлича кучини ривожлантириш учун тоза рўмолча, найчадан фойдаланиб, махсус қаршилик машқларидан фойдаланилади. Бола найчани лаблари билан ушлаб, катта одам уни тортиб олишга ҳаракат қилса ҳам ушлаб туриши лозим.

Тилнинг артикулятсион гимнастикаси тилнинг учини пастки тишларнинг четларига фаол тегишини тарбиялашдан бошланади. Сўнгра тилнинг умумий, кам дифференцирланган ҳаракатлари аввал пассив кейин пассив-фаол ва фаол ҳаракатлари ривожлантирилади.

Тилнинг илдизи мускулларини ривожлантириш уларни махсус зонд орқали тил илдизини таъсирлаш йўли билан рефлектор равишда қисқартиришдан бошланади. Мустаҳкамлаш ихтиёрий йўталишдан фойдаланиб ўтказилади.

Артикулятсион моторикани ривожлантириш узвий равишда умумий ва махсус машқлардан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. Ўйинлар артикулятсион моторикани характери ва нуқсоннинг даражаси, боланинг ёшини эътиборга олган ҳолда танланилади.

Овозни ривожлантириш. Дизартрик болаларда овозни ривожлантириш ва коррексиялаш учун турли хил ортофоник машқлардан фойдаланилади, бу машқлар нафас фаолияти, фонотсия ва артикулятсияни ривожлантиришга йўналтирилган бўлади.

Овоз устида ишлаш артикулятсион гимнастика ва массаждан сўнг олиб борилади. Булар билан бирга яна бўйин мускулларини бўшаштирувчи, бошнинг ҳар томонлама ҳаракатини бажариш бўйича махсус машқлар, шу машқ билан бир вақтнинг ўзида *и-э-о-у-а* унли товушларни талаффуз этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Овозни коррексиялаш учун юмшоқ танглай ҳаракатини фаоллаштириш катта аҳамият касб этади. Бунинг учун сув томчиларини ютиш, йўталиш, эснаш имитатсияларини бажариш, каттиқ атакада «а» унлисини талаффуз этиш машқларини бажариш тавсия этилади. Ушбу машқлар ойна олдида ҳисоб остида ўтказилади. Қуйидаги усуллардан фойдаланилади: тилни орқа қисмини кўзғатиш ва тил ёрдамида танглайни тақиллатиш ҳаракатини бажариш; ихтиёрий ютиш ҳаракатини бажариш; бунда логопед томизғич билан ҳалқумнинг қарши деворига сув томизади, бу вақтда боланинг боши биров орқага эгилган бўлади.

Овоз ҳосил қилишда жар ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун оғизнинг очиш ва ёпиш, чайнаш имитатсияси машқларидан фойдаланилади.

Шунингдек, пастки жағни тушириш бўйича махсус машқлардан фойдаланилади. Логопед мускуллар бўшашганидан сўнг пастки жағни 1 – 1,5см пастга туширишга ёрдам беради (бола оғзини мустақил равишда ёпади).

Ҳаракатлар ҳажми ва суратини ихтиёрий назорат қилиш турли кўргазмали усуллардан фойдаланиб амалга оширилади (кудукқа челакнинг тушаётгани, арқонга борланган шарча тасвирланган расмлар ва ҳоказо). Сўнгра бу машқар сўз кўрсатмаси бўйича бир вақтнинг ўзида турли товушлар бирикмасини (дон-дон, пап-пап, кар-кар) талаффуз қилиш билан биргаликда бажарилади.

Танглай мускулларини мустаҳкамлаш учун уни бўшаштириш ва таранглашишни навбати билан алмаштириш машқларидан фойдаланилади. Болага эснаш ҳаракатининг тугашида «а» товуши талаффуз этиш, оғизнинг катта очик ҳолатида «а» товушини талаффуздан «п» товушига нафасни босим остида ушлаб туриб ўтилади. Боланинг диққати танглай ҳолатини сезишга қаратилади. Шунингдек, овоз кучи тембри ва баландлигини ривожлантириш машқларидан фойдаланилади. Масалан, ўнликлар бўйича овозни кучайтириб тўғри санаш ва овозни аста-секин пасайтириб тескарига санаш машқларидан фойдаланилади. Овоз тембри, баландлиги ва овоз интонациясини ривожлантиришда турли ўйинлар эртакларни ролларга бўлиб ўқиш, инстсенировкалар катта аҳамиятга эга.

Нутқий нафасни коррексиялаш. Нафас гимнастикаси умумий нафас машқларидан бошланади. Унинг асосий мақсади нафас ҳажмини ошириш ва унинг ритминини нормаллаштиришдир.

Боланинг оғзи ёпиқ ҳолда бурун тешикларини навбатма-навбат ёпиб нафас олишга ўргатилади. Нафас олишни чуқурлаштириш учун боланинг бурун тешиги ёнида «нафас елпиғичи» ҳосил қилинади.

Бурундан нафас чиқаришни ўрганиш бўйича машқлар ўтказилади. Болага оғзини очмасдан «чуқур нафас ол ва чўзиб бурун орқали чиқар» деб кўрсатма берилади.

Кейинги машқлар оғиздан нафас олишни ривожлантиришга қаратилади. Логопед боланинг бурнини ёпиб алоҳида унли товуш ёки бўғинларни талаффуз қилишни сўрашга қадар оғиздан нафас олиш таклиф қилинади.

Нутқий нафасни коррексиялашда «қаршилиқ машқларидан» ҳам фойдаланилади. Бола оғиздан нафас олади. Логопед нафас олишга қаршилиқ қилгандек, 1 – 2 секунд давомида қўлини боланинг кўкрагига қўяди. Бу анча чуқур ва тез нафас олишга ва узоқ нафас чиқаришга имкон яратади.

Нафас машқлари ҳар куни 5 – 10 минут давомида ўтказилади. Ушбу машқларни бажаришда нафас чиқариш вақтида логопед унли товушларнинг турли қаторини талаффуз қилади ва болани унга тақлид қилишга ундайди ва бунда овозни баландлигини ўзгартиради. Сўнгра болани ундош товушларни алоҳида ва унли товушлар билан биргаликда талаффуз қилишга ундайди.

Динамик ва статик нафас машқлари мавжуд.

Нафас машқларини ўтказишда боланинг толиқиб қолмаслигига елка ва бўйин мускулларини таранглаштирмаслигига аҳамият бериш лозим. Машқлар санок остида ёки мусиқа жўрлигида бажарилиши лозим.

Нафас машқлари овқатланишга қадар яхши шамоллатилган хонада ўтказилади.

Артикулятсион ҳаракат сезгилари ва артикулятсион праксисни ривожлантириш.

Ҳаракат-кинестетик боғланишларни ривожлантириш учун қуйидаги машқларни ўтказиш зарур.

Пастки жағни юқорига кўтариш ва пастга тушириш. Тилни юқори ва пастки милкларга теккизиш. Логопед машқларни аввал ойна олдида, сўнгра ойнасиз бажаради, боланинг кўзлари юмиқ, логопед у ёки бу ҳаракатларни бажаради, бола эса уларни номлайди.

Қуйидаги артикулятор сенсор схемада машқ қилиш зарур:

– лаблараро: лаблар пассив жипслашади ва шу ҳолатда ушлаб туриш. Боланинг диққати жипслашган лабларга қаратилади ва ундан лаблар ўртасидан уларнинг жипсловини бузиб пуфлаш таклиф қилинади;

– лаб-тиш аро: чап қўлни кўрсаткич бармоғи билан логопед боланинг юқори лабининг тепа тишларини кўрсатиб кўтаради, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғи билан пастки лабни юқори милкларигача кўтаради ва болага пуфлаш таклиф қилинади;

– тил-тиш аро: тил тишлар ўртасига қўйилади ва шу ҳолатда ушлаб турилади;

– тил-танглай: боланинг боши бирмунча орқага эгилади, тилнинг орқа қисми қаттиқ танглайга кўтарилади, боладан йўталиш ҳаракатларини бажариш сўралади ва диққати тил ҳамда танглай сезгиларига қаратилади.

Артикулятсион праксисни ривожлантиришда эрта бошланган логопедик иш, боланинг нутқий тажрибасини кенгайтириш ва бойитиш, махсус бўйин машқлари катта аҳамият касб этади.

Товушлар талаффузини коррексиялаш

Товушлар талаффузини тўғирлашда индивидуал ёндашиш тамойилидан фойдаланилади. Товушларни тўғрилаш ва нутққа қўйиш индивидуал танланади. Бир нечта товушлар устида ишлаш ишда изчилликни талаб этади. Тузатиш ишида биринчи навбатда артикулятсион жиҳатдан осон талаффуз этиладиган товушлар ёки тузатиш осон бўлган товушлар танлаб олинади. Бу товушлар; а, п, у, м, к, н, х, б, о, т, с, л. Ушбу товушлар устида ишлаш жараёнида уларни талаффуз нормасигача келтириш мумкин. Юқорида кўрсатилган товушлар устида ишлаш билан бир вақтда фонематик эшитувни ривожлантириш ва товушлар анализи малакаларини шакллантириш устида ҳам иш олиб борилади.

Артикулятсион бузилишларнинг оғир ҳолларида товушларни нутққа қўйиш махсус ёрдамни талаб этади. Бунда логопед кўриш, тактил-вибраторсион сезишдан фойдаланган ҳолда у ёки бу товушнинг талаффузи

учун зарур бўлган ҳаракатни бажаришни болага тушунтиради ва ёрдам беради. Масалан, анартрияда логопед «у» товуши артикулятсиясини ҳосил қилиш учун бола лабларига қўлини яқинлаштиради.

Товушларни нуктага қўйиш устида ишлаганда логопед аниқ бўлмаса ҳам товушни тўғри талаффуз даражасига яқинлаштириши лозим. Дастлабки вақтларда нормал талаффузга эришиш қийин. Бу вақтда боланинг ўхшаш товушларни ўзлаштириши, уларни фарқлаши жуда муҳимдир. Товушларни нормал талаффузига яқинлаштириш даражаси артикулятсион аппаратнинг жароҳатланиш даражаси билан аниқланади. Ҳар бир янги товуш устида ишлашда, унинг артикулятсион хусусиятларини ўрганиш зарурдир, яъни артикулятсиянинг асосий характерли белгилари, унинг бошқа товушлардан фарқли томони, артикулятсияни бошқалари билан солиштириш.

Мунтазам машқлар олиб борилиши товушни керакли артикулятсион тартибга яқинлаштиради ва тўлиқ товуш талаффузига ўтилади. Логопед секин-аста ўрганилаётган товушни аниқ ва турли талаффуз этишни талаб этиб боради.

Артикулятсион моторика ва товушларни нутқга қўйиш устида ишлашдан ташқари, фонематик эшитувни ривожлантириш учун ҳам мунтазам равишда иш олиб борилади. Бунда болалар унли товушлар қаторидан керакли унли товушларни, ундош товушлар қаторидан ундош товушларни ажратишга ва анализ қилишга ўрганадилар. Болалар ўрганадиган товушларни турли бўғинлар бирикмаларида қайтаришга, бўғин ва сўз ҳосил қилган товушларни айтиш, уларнинг кетма-кетлигини аниқлашга ўрганиб борилади.

Талаффуз машғулотларида артикулятсион аппарат аъзоларини ривожлантиришга қаратилган ишлар фронтал тарзда олиб борилади. Фойдаланиладиган машқлар болаларнинг индивидуал ривожланишлари нутқий ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинади. Бундан ташқари машғулотларда нафас машқлари ҳам олиб борилади. Машғулотларнинг асосий қисми ўрганилган товушни алоҳида ва бўғинлар бирикмасида талаффуз этишга, мустақкамлашга ажратилади. Логопед ўтилганларни бола қандай ўзлаштирганлигини доимо текшириб бормоғи лозим. Бунинг учун боладан у ёки бу товуш учун характерли бўлган артикулятсия аъзолари ҳолатини айтиб бериш ёки кўрсатиб бериш таклиф этилади, сўнг товушни алоҳида ва сўзларда талаффуз этиш сўралади. Товушлар устида олиб борилаётган машқлар кўрув ва тактил идрок этиш остида назорат қилиб борилади.

Бу даврда яна артикулятсион белгилар бўйича бир-бирига қарама-қарши қўйилган товушлар дифференцияси устида машқлар ўтказилади:

- 1) оғиз ва бурун товушлар дифференциатсияси (п-м);
- 2) бурунли товушлар гуруҳи ўртасида товушлар дифференциатсияси (м ва н);
- 3) дортловчи товушлар гуруҳида товушлар дифференциатсияси (к-х);
- 4) унли товушлар дифференциатсияси (а, у, о, у);
- 5) портловчи ва қоришиқ товушлар дифференциатсияси (т-с).

Бу машқлар жараёнида бошқа товушларни ўзлаштириш учун асос яратилади.

Эндиги даврда артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган товушлар устида иш олиб борилади. Бу жарангли шовқинли ундошлар, қоришиқ ва «р» товушидир. Бу даврда ишнинг муваффақиятли олиб борилишида фонематик эшитувнинг етарли ривожлантирилганлиги, товушлар анализ малакасининг бирмунча шаклланганлиги асосий рол ўйнайди. Болалар бу даврга келиб товушларни яхши ажрата оладилар. Болалар нутқ фаоллиги, товушлар анализ малакаси сезиларли даражада ошади.

«Р», «Ш», «Ж» товушларни болалар аниқ, яхши талаффуз қилишда қийналадилар. Лекин уларни фарқлашда қийинчиликлар кам кузатилади. Бу даврда ҳам товушлар дифференциатсияси устида ишлашга махсус вақт ажратилади. Бу вақтда с-з, ш-ж товушлар дифференциатсияси устида иш олиб борилади. Бунда болалар товушларни бир-биридан хатосиз ажратишга ўрганганликларига логопед ишонч ҳосил қилгач, товушларни бурун ва сўздаги ўринларини аниқлашга қаратилган машқларга ўтади. Товушларни тўғри талаффузи, фонематик эшитувни ривожлантириш, товушлар анализ малакасини шакллантириш устида олиб борилган муваффақиятли ишлар, дизартрик болаларнинг ёзувни ўзлаштиришлари учун асос бўлади.

Назорат саволлари:

1. Дизартрияга таъриф беринг. Унинг сабабларини айтинг.
2. Анартрия тушунчасини ёритиб беринг.
3. Дизартрия бўйича муаллифлар ишларидан мисоллар келтиринг.
4. Дизартрия шакллари айтинг.
5. Булбар ҳамда псевдобулбар дизартрия сабаблари, механизмини ёритинг ва уларни ўхшаш ва фарқли томонларини айтинг.
6. Қобикли ва қобик ости дизартриясини ёритиб беринг.
7. Дислалия ва дизартрияга қиёсий тавсиф беринг.
8. Дизартрия белгиларини очиб беринг.
9. Дизартрияни бартараф этишдаги биринчи босқичнинг мақсад ва вазифаларини айтинг.
10. Дизартрияни бартараф этишда иккинчи босқичнинг мақсад ва вазифаларини айтинг.
11. Махсус нутқ боғчаларига борганда дизартрик болалар нутқини кузатинг.

5-Мавзу: Алалия (2 соат)

Режа

- 5.1. Алалия, унинг сабаблари. Мотор алалия
- 5.2. Мотор алалияда коррекцион таъсир этиш тизими
- 5.3. Сенсор алалия
- 5.4. Сенсор алалияда коррекцион таъсир тизими

Таянч иборалар:

1. Алалия (грекча а – инкор қилиш, лалиа – нутқ сўзларидан) – эмбрионал, илк ривожланиш даврида боланинг бош мия пўстлоғидаги нутқ зонасининг органик жароҳатланиш натижасида нутқнинг ривожланмай қолиши.
2. Адекват (лотин. Адаекуатус – тенглаштирмақ) – тамоман муносиб тенглашмоқ.
3. Афферент – нерв тизимининг ташқи ва ички муҳим таассуротларидан олинган маълумотларни марказга етказувчи толалари тизими.
4. Вербал парафазия (пара – грек. Пҳасис – нутқ) – сўзларни бошқа сўзларга алмаштиришда намоён бўладиган нутқ бузилиши.
5. Гнозис (грек. Гносис – билиш) – предметларни, ҳодиса-воқеаларни, уларнинг маъно-мазмунини, моҳиятини билиш.
6. Гипенакузия – атрофдагилар учун бефарқ бўлган товушларга сезгирликнинг ошиши.
7. Дисфазия (дис – грек. пҳасис – нутқ) – келиб чиқишга кўра турлича бўлган берча нутқ камчиликларнинг умумий номи.
8. Кинестезия (кин. – грек. аестҳесис – сезги) – одам гавда қисмларининг турли ҳолатда бўлиши ёки улар ҳаракатининг фазода жойланишини сезиш. Бу ҳиссиётнинг келиб чиқишида ички рецепторлар (тери, кўрув ва вестубуляр) иштирок этади.
9. Коррелятсия (лотин. Соррелатио – ўзаро муносабат) – ўзаро муносабат, бир-бирига боғлиқлик (предметларни, органларни, тушунчаларни).
10. Латерализатсия – жуфт органларнинг ўнг ёки чап томоннинг устунлиги.
11. Логоррея (лого – грек. рҳоиа оқим, жараён) – тўхтовсиз сўзлар оқими, кўпинча кераксиз алоҳида сўзлар тўпламидан иборат бўлади.
12. Негативизм (лотин. Негативус инкор этилган) – баъзи бир психик касалликнинг бир симптоми.
13. Парафазия (пара – грек. пҳасис – нутқ) – нутқ бузилиши, қайсики бунда алоҳида товуш ёки сўз нотўғри қўлланилади.
14. Праксис – мақсадга йўналтирилган автоматлашган ҳаракат актларини бажариш қобилияти.
15. Тавтология (грек. таутология, тауто сўзидан – логос – сўз) – махсус ёки эҳтиётсизкорлик билан сўз бирикмаси, жумлалар таркибида

сўзлардан фойдаланиш, асосан бир ўзакли ҳамда маъноси ифода этилган ва бир хил товушларни қайтариш.

16. Элизия – сўз қисмларидаги товушларни тушириб қолдириш.

5.1. Алалия, унинг сабаблари. Мотор алалия

Алалия – боланинг она қорнида ёки дастлабки ривожланиш босқичида нутқ шаклланишига қадар бош мия қобиғи нутқ доирасининг органик жароҳатланиши оқибатида узлуксиз ривожланмай қолишдир.

“Алалия” атамаси (грекча а – йўқ, латинча далио – нутқ) таржимаси нутқнинг йўқлиги, нутқсизлик ҳолати – нутқ бузилишларига доир адабиётларда қадим замонлардан бери кузатилади. Махсус адабиётларда “алалия” атамасидан ташқари, шу нутқ нуқсонини англатувчи куйидаги атамалардан фойдаланганлар: “Туғма афазия”, “Онтогенетик афазия”, “Ривожланиш афазияси”, “Дисфазия”, “Нутқий ривожланиши сустлашуви”, “Нутқнинг конституционал орқада қолиши”, “Тилни эгаллашдаги камчиликлар” ва ҳ.к.

Алалиянинг тарқалганлиги ҳақида илмий асосланган маълумотлар йўқ. Маълумотларга кўра, алалия мактабгача ёшдаги болаларнинг бир фоизи, мактаб ёшидаги болаларнинг 0,6 – 0,2% фоизни ташкил этади. Ўртача ҳисобда, алалия аҳолининг 0,1 фоизиди кузатилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, алалия ўғил болаларда қизларга нисбатан 2 марта кўп учрайди.

АЛАЛИЯ САБАБЛАРИ

Алалияни ўрганишда узок вақт мобайнида унинг келиб чиқиш сабабларини турлича кўрсатганлар. Р. Коен /1888/, А. Гуттсмон /1924/, Э. Фрешельс /1931/, М. Зеeman /1962/ ва бошқаларнинг фикрича, алалия боланинг она қорнида ёки ривожланиш босқичида шамоллаш ёки алиментар–трофик моддалар алмашинувининг патологик жараёни натижасида келиб чиқади.

А. Трейтель /1901/ фикрича, алалия диққат ва хотирани етарли эмаслигининг натижасидир. А. Либман /1901/ алалияда нутқнинг тўлиқ эмаслигини интеллектуал етишмовчилик билан боғлайди. А. Ивинг /1963/ болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги асосида сўзнинг мотор образи йўқлигини мия бузилишларига боғлаб кўрсатади. М. Зеeman /1962/ таъкидлашича, нутқ бош мия марказларининг бузилишининг натижасида ривожланмайди.

Р. Лухзингер /1970/, М. Берри /1957/, М.Б. Эйдинова /1961/, В.А. Ковишков /1985/ ва бошқалар алалияни келиб чиқишида туғма бош мия травмалари ва чақалоқлар асфиксиясининг ролини белгиладилар. Туғруқ травмалари ва асфиксиялар бир қатор ҳолларда ҳомилалик патологиясининг оқибатидир. Бу сурункали кислород етишмовчилигини келтириб чиқаради ва нафас олиш марказлари функциясининг пасайишига олиб келади. Мия

тўқималари, биринчи навбатда филогенетик муносабатга нисбатан ёш, пўстлоқнинг учинчи қатлами кислород етишмовчилигига бирмунча сезгир ҳисобланади. Мия пўстлоғининг учинчи қатлами ассотсиатив алоқаларнинг мураккаб тизимини бошлаб беради. Бу тизим инсоннинг олий пўстлоқ функцияларининг шаклланишини, биринчи навбатда нутқ ва психикани таъминлайди.

Этиологик омиллар ичида етакчи ўринда ҳомиланинг энсефалит, менингит билан хасталаниши; ривожланиши учун номақбул шароит; ҳомиланинг заҳарланиши; ҳомила ёки илк ривожланиш даврида бош мия шикастлари; илк болалик даврида хасталанишлар натижасида бош миянинг зарарланиши ва бошқалар.

1. Ҳомиладорлик патологияси мия моддасининг диффуз жароҳатланишига олиб келади, туғриқ калла-мия травмалари ва чақалоқлар асфиксияси нисбатан локал бузилишларни келтириб чиқаради. Бош мия пўстлоқидаги турли соҳаларнинг жароҳатланиши, нутқий ва нутқий бўлмаган функционал тизим ривожланишидаги бузилишларни келтириб чиқаради. Е.М. Мастюкова (1981) нейроонтогенез нуқтайи назаридан алалияни характерлай туриб Шунинг кўрсатиб ўтади: ҳар қандай зарарли омилнинг туғруқгача ва туғруқдан сўнг эрта ёшларда таъсир кўрсатишида, қачонки бош мия пўстлоғи ҳали шаклланиш босқичида бўлади, локал нуқсоннинг мавжудлигини аниқ белгилаш қийин бўлади, чунки жароҳатланиш кўпинча тарқалган характерга эга бўлади.

С.С. Корсакова ва Н.И. Красногорский кузатишлари натижасида маълум бўлдики, алалия марказий асаб тизимини толиқиши, гипотрофияни келтириб чиқарувчи соматик касалликларни оқибатидир. Ю.А. Флоренская фикрича, алалия потогенезида рахит, илк болаликда овқатланиш ва уйқунинг бузилиши, нафас йўллари тез-тез хасталиги алоҳида ўрин тутаяди. Бу нуқтайи назарни барча муаллифлар ҳам тўғри деб баҳоламайди. Соматик касалликлар етакчи ҳисобланган асаб касалликларининг патологик таъсирини кучайтиради.

Айрим муаллифлар (Р. Коен, 1988; М. Зеeman 1961; Р. Лухзингер, А. Салей 1977 ва ҳ.к.) алалия этиологиясида наслий омил, оилавий мойиллик ҳолатларини алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Бироқ алалияни келиб чиқишида наслий омилларнинг таъсири адабиётларда ёритилмаган. Кўпчилик ҳолларда алалик бола анамнезида биргина эмас, балки патологик омилларнинг бутун бир мажмуи кузатилади.

МОТОР ЭКСПРЕССИВ АЛАЛИЯ

Мотор алалия – бу марказий характердаги органик бузилишлар натижаси ҳисобланиб, носоғлом неврологик кўриниш нутқнинг ривожланиш борасида жиддий орқада қолишга олиб келади.

Бу концепсия тарафдорлари нутқий шакланмаганликни мотор етишмовчилиги билан тушунтирадилар (Р. Коен, Г. Гуттсман, Р.А. Белова-Давид, Н.Н. Трауютт, В.К. Орфинская ва бошқалар).

Кўпчилик муаллифлар алалияни кинетик ёки кинестетик апраксия билан боғлайдилар ҳамда унинг эфферент ва афферент шакллари ажаб кўрсатади.

Афферент алалияда нутқ бузилишларининг механизмлари кинестетик апраксияга боғлиқ бўлса, эфферент алалияда эса — кинетик апраксияга боғлиқ (афазия аналогларига кўра). Апраксияни артикулятсиянинг турли бузилишларига кўра тушунтириш мумкин /товушлар талаффузи, сўзнинг товуш — бўғин тузилишининг бузилишлари/. Бироқ алалияда етакчи ўринда турадиган нутқ бузилишлари фақат мотор етишмовчиликлар натижаси эмас. Шунингдек, мотор етишмовчилик алалияли болаларнинг фақат ярмидагина кузатилади.

Психологик концептсияга кўра, мотор алалия механизмини психик жараёнларининг /тафаккур, хотира/, Шунингдек нутқий фаолиятнинг айрим босқичларининг ўзаро муносабати ташкил этади.

И.Т. Власенко, В.В. Юртайкиннинг (1981) таъкидлашича, бундай болаларнинг нутқий фаолиятини ташкил қилувчи структурали таркибий қисмлар орасида диссоциация аниқланган: бир хилларда операцион имкониятларнинг сақланганлиги ҳолатида мақсадли кўрсатмаларнинг шаклланмаганлиги мавжуд; бошқаларда — етарлича турғун мотивациянинг мавжудлигида фаолиятнинг операцион қаторида етишмовчилик мавжуддир.

Бу муаммога замонавий психолингвистик ёндашиш тил концептсиясида акс эттирилган /Йе.Ф. Соботович, В.А. Ковшиков, Б.М. Гриншпун, В.К. Воробьев ва ҳ.к.

В.А. Ковшиков, баён қилишнинг юзага келишида бирмунча сақланган маъно ва мотор даражасида, тилнинг баён қилиш операцияларининг шаклланмаганлиги алалиянинг бу шакли учун бузилишнинг маркази бўлиб ҳисобланади деб тахмин қилади. Бу алалияни асосан тил бузилишлари сифатида изоҳлашга асос бўлади. Мотор алалияда ибора ва матнларни тузиш бўйича нутқий ҳаракатларнинг шаклланмаганлиги, сўз бирикмаси, сўз танлашнинг шаклланмаганлиги билан уйғунлашган ички дастурлашнинг бузилиши ҳам кузатилади.

Е.Ф. Соботович (1985) фикрига кўра, мотор алалияда асосий камчиликни тилнинг белги шаклини эгаллашдаги, яъни нутқнинг юзага келиш жараёнида белгилардан фойдаланиш ва уларнинг мос келишидаги бузилишлари ташкил этади. Болаларда нутқнинг юзага келишида нутқий материални дастурлаш, танлаш, тавсифлаш операциялари шаклланмайди. Барча лектик-грамматик қурилиш аспектларида камчиликлар кузатилади: сўзни танлаш ва унинг кетма-кетлиги, баённинг товуш тузилиши ва ҳ.к. Бу эса психофизиологик механизмларнинг шаклланмаганлиги сифатида характерланади.

Алалияли болада тил белгилари тизимини эгаллаш имкониятининг чегараланганлиги сезилади. Баён қилишни юзага келтириш, безатиш операциялари шаклланмаган бўлади, хусусан, фонемаларни танлаш билан бир қаторда ички бўғинли ва бўғинлараро дастурлаш (яъни, артикулятор

дастур) ва чуқур-синтактик ва чуқур-семантик даражаларни амалга оширувчи операциялар, яъни ички нутқ даражаси бузилади.

Ишнинг нейрофизиологик жиҳати бош миянинг субстрата бузилишларини нутқнинг шаклланмаганлиги характери билан боғликлигини таҳлил қилади. Ишнинг психологик ва лингвистик жиҳати нутқий ва умумий психологик функцияларнинг ўзаро муносабати, яъни камчиликларнинг намоён бўлиши таркибида нутқий фаолиятнинг ҳолатини таҳлил қилади.

5.2. Мотор алалияда коррекцион таъсир этиш тизими

Алалия — тиббий психологик педагогик муаммо. Логопедия соҳасига, бола шахси ва нутқ ривожланишига йўналтирилган коррекцион таъсир усуллари ва тамойилларини аниқлаш киради.

Системали узоқ давом этувчи логопедик ишлар қатор ҳолларда болаларнинг нутқий мулоқоти учун етарли воситаларни беради, айрим ҳолларда эса — элементлар нутқнигина. Нутқий нуқсонни табиатига кўра бу муаммо мотор ва сенсор алалия кўринишига кўра дифференциал ҳал этилади.

Алалияда нутқ шаклланиши ҳар томонлама ёндашув, нутқни ривожланишига ёрдам берувчи ва билиш фаолиятининг яхшиланишига имкон берувчи нутқнинг барча функциялари ривожланишига эътиборни қаратади.

Нутқ ва шахсият устидан бир бутун ҳар томонлама тизимли иш олиб борилади. Бунда онтогенезда нутқий функциялар ривожланиши қонуниятлари ҳисобга олинади.

Тизимли логопедик иш нутқий ривожланишдаги узилишларни тўлдиришга ва махсус дастур бўйича мактаб таълимига тайёрлашга йўналтирилади ёки у мактаб таълимига қўшимча равишда параллел олиб борилади. Нутқий ривожланмаганликни бартараф этишни Шундай ташкил қилиш керакки, иш жараёнида мактаб вазифаларини ўзлаштиришга тайёргарлик юзага келсин. Самарали логопедик иш, агар у психоневролог (невропатолог, психиатр) томонидан ўтказиладиган фаол дори-дармон ва физиотерапевтик муолажалар фонида ҳар томонлама ўтказилсагина амалга ошади.

Иш жараёнида турли метод, усуллардан мужассамлашган ҳолда фойдаланилади. Боланинг нутқий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишнинг вазифа ва мазмуни аниқланади.

Олиб бориладиган ишлар нутқий фаолият механизмларини шакллантиришга қаратилади: мотив, алоқа боғлаш мақсади, баённинг ички дастури, унинг лектик-грамматик воситаларини танлаш грамматик тузилиши шакллантирилади.

Нутқий тажрибани бойитиш учун билимлардан онгли фойдаланиш укуви ривожлантирилади, нутқий операцияларни моделлаштиришни эгаллаш укуви орттирилади.

Майда қўл моторикаси ривожланишига эътибор қаратилади: чизик тортишга, бўяшга, штрихлашга ўргатилади, тугунчалар боғлашга, мозайкалар

ва геометрик материаллардан нақшлар чизиш ўргатилади ва ҳ.к. Агар болалар қўл бармоқлари ҳаракати ривожланишидан орқада қолса, у ҳолда нутқ ривожланишидан ҳам орқада қолишлиги исботланган. Қўл ҳаракатларини машқ қилдириш жараёнида нутқ ҳолати мукамаллашади.

Ишнинг бошланғич босқичларида нутқнинг психофизиологик асослари шакллантирилади, болада мулоқотга эҳтиёж ҳисси уйғотилади.

Болада мотивацион баён қилишнинг асосини шакллантириш, нутқий ва психик фаолликни ривожлантириш, тақлид фаолияти ва акс эттирувчи нутқ функцияларини шакллантириш муҳимдир.

Фаолият мотивини тарбиялаш ва баён қилиш дастурини ташкил қилиш муҳим база яратади; алалияли болаларда ўзи шакллана олмайдиган, нутқ ривожланиши учун воситалар қатори. Бу қаторларнинг асосийси, предикатив тизимни ривожлантириш ва грамматик қурилиш элементларини эгаллаш ҳисобланади.

Фақатгина нутқий бузилишларгина бартараф этилмай, нутқий бўлмаган камчиликлар бартараф этилади, таҳлил, таркиб жараёнлари ривожлантирилади, нутқий ривожланиш учун муҳим саналган диққат, идрок, умумлаштириш, таққослаш жараёнлари ҳам шакллантирилади. Бу буюмларни шакли, ранги катталигига кўра фарқлашга ва номлашга ўргатилади. Теварак-атрофга муносабати бўйича предмет ҳолатини ажратиш ва номлашга ўргатиш олиб борилади (тепада, ўртада ва ҳ.к.). Кўрув идроки ва фазовий солиштиришнинг шаклланмаганлигини бартараф этишда, вақт ва фазовий тасаввурларни шакллантиришда боланинг фазода фаол кўчиши билан, қайта сафланиш, йўналишли юриш ва ҳ.к. ли ўйинлардан фойдаланилади. Фигура деталларини фарқлаш бўйича иш олиб борилади. Кўп миқдордаги элементлари бўлган мураккаб фигуралар таҳлил қилинади, конструкторлаш қобилияти ва конструкцияларни фаҳмлаш ривожлантирилади. Анализ, синтез операциялари, нутқий бўлмаган материални умумлаштириш (солиштириш, таққослаш, ўхшатиш, предметларнинг ўхшашлиги ва фарқини ажратиш, белгилари бўйича таққослаш – ранг, катталик, шакл), ўрнатилган сабаб-оқибатнинг ўзаро муносабатлари нутқ шаклланиши учун муҳим шарт-шароит яратади.

Нутқни ривожлантириш учун ритмика ва логаритмика усулларида фойдаланиш самарали натижа беради. Мусиқа, сўз ва ҳаракатлар турли машқларда уйғунлашиб, ҳаракат ва нутқ-ҳаракат фаолиятини шакллантиради, болаларнинг ритмик, нутқий ва шахсият ривожланишидаги узилишларни тўлдиришни таъминлайди.

Нутқни ривожлантириш учун бола учун қулай даражадаги мулоқот амалиёти муҳимдир: мазмунли контекст билан бирлашмаган (саволларни тушуниш, уларга батафсил жавоб бериш) жумлалар билан, алоҳида сўзлар билан ўтказилувчи операциялар (кўрсат, қайтар, номла) бола учун эмотсионал ва семантик аҳамиятли бўлган вазиятлар фонидаги мазмунли контекст билан қўшилган иборали материал билан (ўйинчоқни сўраш, машғулоти турини танлаш ва ҳ.к.), таниш расмлар билан ўтказиладиган операциялар, диалогик сўнг монологик нутқдан фойдаланиб ўтказилувчи

ўйинлар билан ва ҳ.к. лар. Аста-секин лекцик-грамматик материал ҳажми ва мураккаблиги ошиб боради.

Нутқни тўғрилаш ишлари амалий предметли фаолият билан боғлиқ ва унга таянади. Бола ўз ҳаракатларини тушуниш шакллантирилади /мен ўтиряпман, чопаяпман, сакраяпман/. Бола нутқининг ривожланиши имкониятларига кўра, бажарилаётган иш юзасидан боғланган ва тўғри тушунтириш нутқи /ҳисобот/ ривожлантириб борилади.

Логопед болаларда фаол диққати, тушунишни тарбиялаб бориш билан биргаликда, боланинг жумлани охиригача эшитишга, лекцик-грамматик шаклларни тушунишга, савол моҳиятини тушунишга /Нима емоқдамиз? Нима билан емоқдамиз ва ва ҳ.к. ўргатиб боради.

Болаларда лекцик-грамматик шаклларни қўллаш, интонация устидан онгли кузатувчанлик тарбияланди, флексив муносабатларни тушуниш мустаҳкамланади, турли хил бирикмаларда сўзлар алоқаси, сўз ва грамматик структуралар кетма-кетлиги тарбияланади.

Иш жараёнига турли анализаторлар эшитиш, кўриш, тактил анализаторни жалб этиш муҳим. Бола буюм номини эшитиши, кузатиб кўриши, имо-ишора билан кўрсатиб бериши, номлаши зарур. Бунинг натижасида бола онгида қўшимча боғланишлар юзага келади, нутқий материал мустаҳкамланади.

Кўпгина анализаторлар фаолиятига таяниб, таққослаш ва қарама-қарши қўйишдан фойдаланилади. И.П. Павлов буларни дифференцировкалар шаклланишининг асосий услублари сифатида тавсия қилган. Ишда қўшимча таянч таҳлили ва ҳисобларидан фойдаланилади, шу жумладан, рамзийлик ва моделлаштириш.

Кўпинча ишнинг ўйин шаклидан фойдаланилади, чунки у қизиқишни уйғотади, мулоқотга эҳтиёж туғдиради, нутқий тақлидни, моториканинг ривожланишига ёрдам беради, таъсирнинг эмотсионаллигини таъминлайди, бироқ ўйинда ҳам бир қатор ҳолларда бундай болаларни махсус ўргатишга тўғри келади, чунки уларда ўйин ҳаракатлари шаклланмаган бўлиши мумкин.

Машғулотларнинг самарадорлиги кўргазмали қуролларнинг мавжудлиги ва улардан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Олиб борилаётган ишнинг босқичларидан қатъий назар, таъсир бутун нутқ тизимига қаратилади: луғатини аниқлаш ва бойитиш, фразали ва боғланган нутқни шакллантириш, товуш талаффузини коррекциялаш. Шунингдек, ҳар бир босқичнинг махсус вазифалари ва ўзига хос иш мазмуни аниқланади.

Биринчи босқичда олиб борилаётган ишлар қуйидагилар саналади: нутқий фаолликни тарбиялаш, пассив ва фаол луғатни шакллантириш. Диалог, содда, катта бўлмаган ҳикоя устида иш олиб борилади. Нутқий фаолиятнинг психофизиологик асослари ва вазиятли мулоқотнинг бирламчи кўникмалари шакллантирилади.

Иккинчи босқичда луғат ва жумла тузилишини мураккаблаштириш асосида фразали нутқи шакллантирилади.

Гаплардан фойдаланиш уларни грамматик жиҳозлаш, диалог ва ҳикоя устида иш олиб борилади.

Учинчи босқичда мустақил нутқни шакллантириш ишлари олиб борилади. Барча босқичларда нутқий фаолиятнинг ҳамма томонлари шакллантирилади.

5.3. Сенсор алалия

Сенсор алалиянинг асосий белгиси бош миянинг чап ярим юқори доирасининг жароҳатланиши билан боғлиқ, нутқ-эшитув анализатори ишининг натижаси бўлган нутқни тушунишидаги камчиликлар ҳисобланади. Бу эса нутқ қўзғатувчиларни таҳлил ва таркибий бузилишга, предмет ва товушли образ ўртасидаги боғлиқлигининг шаклланмаслигига олиб келади. Бола ўзига қаратилган нутқни эшитади, аммо тушунмайди.

Жарангли сўз таъсири остида юзага келувчи қўзғалиш, мия тўқималарининг ривожланмаганлиги сабабли бошқа анализаторларга тарқалмайди ва барча сўз билан боғлиқ мураккаб динамик структурага қўзғалмайди.

Сенсор алалияда бирламчи нутқий товуш таҳлилини амалга оширувчи нутқ эшитув анализаторининг илдизи (ГЭСхел ҳалқаси) фаолиятини оғир аналитик-синтетик бузилишлари кузатилади. Бундай болаларда фонематик идрок шаклланмайди, фонемалар дифференциаллашмайди ва сўз яхлит идрок эшитилмайди, акустик, гностик жараёнлар ривожланмайди ва нутқий товушларни идрок этиш қобиляти пасайган бўлади.

Сенсор алалия мотор алалияга нисбатан кам ўрганилган. Бу ҳолат маълум маънода сенсор алалияни амалиётда жуда кам ўрганиш билан боғлиқ. Сенсор алалияни мустақил нутқ бузилиши сифатида кўриниши ҳақида ҳозирги кунда ҳам айрим муаллифлар аниқ бир фикр айта олмайдилар.

Нутқий тушунишнинг етишмаслиги ёки йўқлигида, энг аввало, одамнинг эшитиш ҳолати ҳақида савол туғилади. Бир неча маротаба ўтказилган махсус тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпгина ҳолларда сенсор алалияли болаларда тонал (жисмоний) эшитувнинг сезиларсиз пасайиши мавжуд, бироқ у нутқий тушунишнинг ривожланишини тормозлаши учун унчалик жиддий эмас.

Н.Н. Трауготнинг маълумотларига кўра, маълум болалар 6 м узоқликда (бу нормал эшитишда ўртача баландликда нутқни идрок этишнинг меъёрий даражаси) ўзларига қаратилган нутқни тушунадилар, лекин эшитганларини маъносини тушунмайдилар, бу болаларда ақлий заифлик белгилари кузатилмайди. Тадқиқотчилар фикрига кўра, сенсор алалияда нутқ пасайишининг кузатилиши мумкин, лекин бу нутқий ривожланмаганликда асосий роль ўйнамайди.

Ю.А. Флоренскаянинг кўрсатишича сенсор алалияда (сенсор-акустик синдромида) акустик таъсирланмасликнинг алоҳида ҳолати ва эшитув функциясининг толиқиши мавжуд. Бу эшитув реакцияларининг турғун эмаслигига, эшитув дифференсацияларининг ҳосил бўлишидаги

қийинчиликларга, эшитув анализи ва синтезининг сифатсизлигига олиб келади.

Сенсор алалияда болаларни эшитиш қобилиятини текшириш жуда мураккабдир.

Махсус электроакустик аппаратида текширилганида, эшитувнинг турғун эмаслиги аниқланган: бир хил частотали ва баландликдаги сигналлар гоҳ идрок қилинади, гоҳ қилинмайди. Сенсор алалияда эшитув диққати ва идрокининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг секинлашгани турғун эмаслиги эшитиш ҳолатини тўғри баҳолашга тўсқинлик қилади. Ихтиёрий эшитув диққатида ҳам камчиликлар кузатилади: болалар эшитмайдилар, тез чарчайдилар, чалғийдилар, товуш оҳангига қизиқишни тез йўқотадилар ва ҳ.к.

Аудиометрик текширув, қачонки уни бир неча маротаба ўтказилса ва бола вазиятга кўникиб, вазифаларни тўғри тушуна бошласагина бирмунча асосли бўлади.

Боланинг эшитиш қобилияти ҳақида якуний хулосалар, фақатгина 8 – 10 текширишлардан олинган маълумотлар, аудиограммаларни таққослаш натижасида келтирилади.

Эшитув анализатори товуш ўтказиш функциясининг сақланган ҳолатида болаларда фазода товушни ўрнини билиш қобилиятининг йўқлиги аниқланади, эшитув хотирасининг бузилиши, товуш таъсирловчиларига лоқайдлик кузатилади. Тушуниш, қизиқиш ва жавоб олиш учун мурожаат қилинган сигнал (катталар нутқи) жуда заиф бўлиб чиқади. Диққатнинг уйғонмаслиги ва унинг тез толиқиши – етишмовчилик суръатидаги ўзига хос кўринишлардир.

Н.Н. Трауготт, С.И. Кайданова (1975) сенсор алалияли болаларда юқори частотали овозга эшитувнинг пасайиши ва тонал (нутқий бўлмаган) ҳамда нутқий эшитув бузилишининг ўзига хослигини кўрсатадилар: бола учун етарли баландликдаги товуш таъсирловчиларига шартли алоқалар ҳосил бўлиши болаларда қийинлашган.

Нормал ривожланишида тушуниш Шундан бошланади: идрок қилинаётган сўзларни фарқлаш содир бўлади, уларни таниш амалга ошади, бунда нерв алоқалари ишлаб чиқилади. Бунинг шарофати билан турли товуш бирикмалари сўзда боғланади. Товушлар сўзда маълум тартибда талаффуз қилинади ва идрок қилинади. Жаранглаш ва мазмун орасида алоқа ўрнатилади, алоқалар тизими ишланади. Кўрув, сезги ва бошқа ҳис-туйғулар билан товушлар комплекси ассотсиатсияси аста-секин юзага келади ва мустаҳкамланади.

Сенсор алалияда предмет (ҳаракат) ва уни таърифловчи сўз ўртасида боғлиқлик шаклланмайди. Бу ҳолатни тадқиқотчилар туташуви акупатия деб номлайдилар. Сенсор алалияда эшитувнинг сифатсизлигини тадқиқотчилар бош мия пўстлоғи тўқималарининг жароҳатланган ёки ривожланмаган ўчоқларининг катталиги билан, бола миясида тор ўчоқли характердаги жароҳатнинг йўқлиги билан тушунтирадилар.

Айрим ҳолларда сенсор алалиялик болалар асоссиз равишда кар ва заиф эшитувчилар учун мўлжалланган махсус муассасаларга юбориладилар. Н.Н. Трауготт (1940) махсус мактабларда 200 та кар ўқувчиларни текшириб, уларнинг ичидан 8 та нотўғри таснифланган сенсор алалиялик болаларни ажратиб кўрсатади.

Сенсор алалияда нутқни тушунишдаги бузилишлар, эшитиш пасайиши натижасида келиб чиқадиган камчиликлардан фарқ қилади. Кузатишларнинг кўрсатишича, одатда, заиф эшитувчилар идрокида турғун ва доимий камчилик кузатилади. Сенсор бузилишлар эса идрокнинг турғун бўлмаган бузилишлари билан фарқланади. Болалар бир хил баландликдаги нутқий сигналларни гоҳ эшитадилар, гоҳ эшитмайдилар. Бу боланинг кўзгалувчанлиги ёки тормозланганлигидан рухий фаоллиги, атроф-муҳит таъсири, текшириш пайтидаги шароит, сигналларни бериш усули ва қатор бошқа омиллар билан боғлиқ. Миянинг ривожланмаганлиги ёки эрта жароҳатланиши етилмаган мия тўқималари иш қобилятини пасайтиради. Бунда олий нерв жараёнлари нормал кечолмайди. Гоҳида болалар атрофдагилар нутқини эрталаб яхшироқ идрок этади – тунги уйқудан сўнг мия пўстлоғи иш функцияси юқори, кечга бориб толиқувчанликнинг ўсишига қараб нутқни тушуниш ёмонлашади. Бошқа ҳолларда болалар нутқни кечки пайт яхши идрок этадилар, кўринишидан, эрталаб тормозланиш тунги уйқудан сўнг ҳали ҳам ўз таъсирини кўрсатаётган бўлади, кечга бориб эса, машқларга қараб идрок бирмунча яхшиланади, мия тўқималари мисоли ишга киришади.

Мурожаат қилинган нутқ баландлигини кўтариш заиф эшитувчи болалар тушунишини яхшилайти ва сенсор алалияли болаларда қайта самарага эришилади. 1. Ҳаддан ташқари кучли таъсирловчилар бош мия пўстлоғида ҳаддан ташқари ҳимояловчи тормозланишни келтириб чиқаради ва бунда тўқималарнинг ривожланмаганлиги функционал блокада ҳолатига тушади, тормозланувчи жараён ошади, тўқималар фаолиятдан ўчади. Сенсор етишмовчиликка эга болалар, одатда, бирмунча секин, тинч нутқни шовқинли, баланд нутқга қараганда яхшироқ идрок қиладилар. Эшитиш аппаратларидан фойдаланиш заиф эшитувчилар идрокини яхшилайти ва сенсор алалияда идрокнинг яхшиланишига олиб келмайди.

Сенсор алалияли болалар эшитуви ҳақида бир хил фикрлар бўлмаса ҳам, алоҳида тадқиқотчиларда шу нарса ўрнатилган: частотанинг барча диапазонларида эшитувнинг сезиларсиз пасайиши, эшитув диққати ва идрокининг юқори даражада толиқиши кузатилади.

Сенсор алалияда идрок қилиш имконияти товуш таъсирловчиларининг кириш темпи, улар орасидаги интервалнинг борлиги, товушлар сифатига (идрок учун кўрсатилувчи) боғлиқдир. Тоза овозлар, одатда, ёмонроқ идрок қилинади.

Сенсор алалияда заиф эшитувчилардан фарқли равишда гипер акузиялар кузатилади (гипер акузия – атрофидагилар учун бефарқ бўлган товушларга сезгирликнинг ошиши). Масалан, чакиллаб томаётган сув овози, эшик ғирчиллаши ва ҳ.к. Заиф эшитувчи болалар бу сигналларни идрок

этмайдилар. Толиқиш, таъсирланиш, психик бузилиш, юқори неврозик ҳолатидан ташқари соғлом одамлар бундай товушларни эшитадилар, бироқ уларга бепарво қарайдилар, уларга таъсирланмайдилар. Сенсор алалияли болалар бундай товушларни кескин идрок қилади, уларга салбий реакция кўрсатадилар: безовталадилар, йиғлайдилар, кулоқ ва бош оғриғидан шикоят қиладилар ва ҳ.к.лар. Бу болада эшитувнинг сақланганлиги ортиқча гувоҳ бўлади ва одатланмаган жаранглашлар гоҳида мия пўстлоғининг етилмаган тўқималари учун ҳаддан ташқари кучли таъсирловчи бўлишининг кўрсаткичидир. Гоҳида исталган баландликдаги нотаниш товушларга сенсор алалияли болалар бутунлай таъсирланмайдилар.

Сенсор алалияли болалар алоҳида бўғинларни, товуш бирикмаларини, сўз ва қисқа ибораларни махсус ўргатишсиз спонтан такрорлаши мумкин, чунончи уларни такрорлаш турғун бўлмаса ҳам. Оғир даражадаги эшитиши бузилган болалар атроф-муҳитдан сўз ва ибораларни мустақил оддий ололмайдилар. Сенсор алалияда товушларга тақлид қилиш доимий эмас ва кўп ҳолда вазиятга боғлиқ бўлади. Сенсор бузилиш болаларнинг предмет ва унинг номи орасидаги алоқани ҳосил қилолмаслиги, улар томонидан эшитилган ва талаффуз этилган сўзларнинг предметли нисбати шаклланмаганлиги билан характерланади. Боланинг пассив луғати турғун эмас ва фаол луғатдан сезиларли орқада қолади. Кўпинча бола исталган вазиятда предметни номлайди ва фақат танланган маълум шароитларда унинг номини билиб олади. Эшитуви бузилган болаларда махсус таълим натижасида сўз ва предмет ўртасидаги алоқа тез ўрнатилади ва бу алоқа турғундир.

Заиф эшитувчи ва сенсор алалияли болаларнинг овози турличадир. Заиф эшитувчи болалар овози жарангдор эмас, овоз баландлиги ва оҳанги ҳиссий маъно касб этмайди. Сенсор алалияда эса овоз меъёрада бўлиб, товуш ва сўзларни меъёрий оҳанг ва модулятсияга кўра баён этадилар.

Заиф эшитувчи болалар сенсор алалияли болаларга нисбатан мулоқотга тез кирадилар. Юқорида келтирилган ва бошқа белгилар болалардаги нутқ бузилишларни тўғри таснифлаш имконини беради, тўғри ташхис эса коррекцион тарбиявий таъсир тизимида самарали методик воситаларни тўғри танлаш имконини беради.

5.4. Сенсор алалияда коррекцион таъсир тизими

Сенсор алалияда логопедик таъсир нутқ таркибининг онгли таҳлилини тарбиялаш, фонематик идрокни ривожлантиришга, нутқ таркибини тушунишга қаратилган бўлади.

Сенсор алалияли болаларни ўқитишда, фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган, товуш ва морфологик таҳлилни ва нутқнинг мазмун томонини шакллантиришга йўналтирилган махсус усуллар қўлланилади. Бунда тушунишнинг, ўз нутқининг, билиш фаолиятининг ривожланмаганлиги даражаси, бола шахсиятининг умумий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Бола нутқий фаолиятининг барча томонларига кетма-кет системали таъсири коррекцион ишнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Иш, фақат шифокор томонидан, МНС фаолиятини нормаллаштирувчи, бош мия пўстлоғи тўқималари етилишини рағбатловчи махсус муолажалар ўтказилгандагина самарали бўлади.

Коррекцион ишларни бошлашдан аввал бола ҳаётининг шароити, уни ўраб турган муҳит, яқин одамлар, ўйинчоқлари билан танишиш, қизиқиш ва имкониятлари доирасини аниқлаш олиб бориладиган иш дастурини ва мулоқотга киритиш йўллари белгилаш керак.

Оилада қўлланилувчи болага қаратилган мурожаатлар ҳажми ва характери аниқланади. Ўқитувчи ва ота-оналар ўзгармайдиган кўринишда машғулотда, ҳам боланинг уйдаги кундалик – маиший характерга эга аниқ ифодаланган (стандартлашган) кўрсатма-истаклар рўйхатини тузадилар. Унинг нутқсиз характерга эга товушларга бўлган зехн даражаси, бутунлай жимлик ва шовқин шароитларида аниқланади. Дастлаб нутқий мулоқот чегараланади, боланинг тартибсиз нутқи тормозланади.

Иш боланинг нутқий тартибни ташкил этишдан бошланади. Бола учун дам олиш соатлари ва кунлари жорий этилади. Кундалик ҳаётида овозли аппаратлар олиб ташланади (телевизор, радио ва ҳ.к.). Авайловчи товушли режим яратилади, нутқий ва нутқсиз сигналлар кириши чегараланади. Фрешелс бола атрофида фақат жимжитлик яратилмай, балки кўрув очлиги вазиятини ҳам яратишни тавсия қилган: расмларни, ўйинчоқларни кўрсатмаслик ва ҳ.к. Фақат Шундай тинчлантириш асосида ишга киришиш мумкин, бу боланинг товушларга зехнлилигини оширишга ёрдам беради. Аста-секин диққат, идрок ҳолати аниқланади, сўнг уларни ривожлантириш, кенгайтиришга қаратилган ишлар олиб борилади.

Ишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: теварак-атрофидаги товушларга, нутқий товушларга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларга тақлид қилишга эҳтиёж, хоҳиш ва имкониятини ривожлантириш, нутқий ва нутқий бўлмаган товушларни фарқлаш.

Умумпедагогик иш, асосий фаолият кўринишларини олиб боровчи нутқининг психофизиологик асосларини шакллантиришга, ихтиёрий диққатни, кўрув ва акустик кўрсатмалар ҳамда дифференсацияларни ривожлантиришга йўналтирилган. Иш нутқий товушлардан бошланмайди, нутқсиз характерга эга товушлар, шовқинларни фарқлашдан бошланади. Бироқ бу, бола етарлича уюшган ва унда элементар диққатни тўплай олиш қобилияти бўлса, унумли фаолият имконияти тарбияланган тақдирдагина мумкин бўлади.

Болаларнинг диққати ва иш қобилиятини ривожлантириш учун турли қўлланмалардан фойдаланилади: кесма расмлар, таёқчалар (ҳисоб таёқчаларидан геометрик шаклларни ясаш), предметларни ранги, шакли ҳажмига кўра таснифлаш. Боланинг етарлича уюшганлигида, диққатини тўплай олишида, фаолиятнинг элементар кўринишлари шаклланишида товушларни идрок қилиш бўйича олиб бориладиган иш мумкин ҳисобланади.

Кўрув тақлидчанлиги асосидаги фаолиятни ривожлантиришга диққат қаратилади, вазифалар мураккаблиги аста-секин ўсиб боради. Вазифаларни нутқий шарҳлаш олиб ташланади, чунки ривожланишнинг бу босқичида бола ўзига қаратилган нутқни тушунмайди.

Фаолиятни тарбиялаш ва уни назорат қилиш асосида, нутқий фаолиятни йўналтирилган шаклланиш бўйича иш олиб борилади: мулоқот эҳтиёжини ривожлантириш, унинг мотивацион асосларини ривожлантириш. Болани нутқда диққатни жамлашга ўргатадилар, фонематик идрокни кенгайтирадилар ва аниқлайдилар.

Бола диққати, тақлидчанлиги ва иш қобилияти етарли ривожланишида, бир қатор турли характерга эга, уюшмаган товушларни фарқлашга ўргатишга ўтилади. Бунда бирмунча қўпол дифференсацияларни тарбиялаш билан бирмунча ёрқин, кучли ифодаланган жаранглишлардан бошланади: ҳамёндаги тангалар жаранги, стакандаги қаламлар тақиллаши ва ҳ.к. Аста-секин бирмунча паст, шиддатсиз, ўзаро бирмунча яқин товушларни фарқлашга ўтилади: силлиқ қоғоз шовқини, қутидаги гугурт чўпларининг шитирлаши ва ҳ.к. Яъни, бирмунча нозик акустик дифференсацияларни тарбиялашга аста-секин ўтиб борилади.

Овоз чиқарувчи ўйинчоқ ва асбоблар сигналидан фойдаланилади. Боланинг ўйинчоқни қўлида ушлаб туриши, жаранглашида вибрацияни сезиши фойдалидир. Аввал у педагог у ёки бу товушни қандай келтириб чиқараётганини кузатади, уларни ўзи келтириб чиқаришга уринади. Сўнг логопед имо-ишора билан болага кўзини ёпишни ёки ўгирилиб туришни таклиф қилади (овоз чиқарувчи предметларни ширма, экран ортига жойлаштириши мумкин) ва бола фақат жаранги бўйича мос келувчи предметларни-товушлар манбасини фарқлаши лозим.

Ишда чапак чалишдан, оёқни полга уриб тапиллатишдан, столни тақиллатишдан фойдаланмаслик керак, чунки бундай ҳолларда жаранглаш идрок қилинмай, тебраниш, суяк ўтказувчанлигидан вибрация идрок қилинади.

Аста-секин товушлар, шовқинлар қатори мураккаблашиб боради ва турли хил бўлади. Унга янги товушлар, аввал узоқ ва бир-бирига ўхшамайдиган, сўнг нозик акустик ишни талаб қилувчи бирмунча яқин товушлар киритилади. Боланинг эшитув майдони шиндай кенгайтирилади ва яхшиланади. Бу ишнинг муваффақиятига қараб шовқинли қаторга кучли нутқий товушлар қўшилади (а, р, у, ва ҳ.к.), бу предмет ёки ҳодиса билан боғланади. Агар бола тез толиқса чалғувчан, жуда таъсирчан, нотинч бўлиб қолади, эснашни бошлайди, иш ўзининг самарасини йўқотади. Болага дам бериш ёки фаолият кўринишини ўзгартириш лозим. Бундай машқлар бутун иш давомида ўтказилади, бироқ ҳар бир машғулотда акустик юкламанинг катъий меъёрини ўрнатиш лозим. Бир машғулотда бундай машқларга бир неча маротаба қайтиш мақсадга мувофиқдир, бироқ боланинг толиқиб қолишига йўл қўймасдан бир маротаба жуда чегараланган миқдорда ўтказиш лозим. Фаол эшитув диққатининг ҳажми секин кўпаяди.

Бу иш билан параллел, боланинг фаолияти, иш қобилияти, хулқини нормаллаштиришга йўналтирилган тарбиявий таъсир давом эттирилади: уни тўғри ўтиришга, кўришга, нусха олишга, нутқсиз кўрсатмаларга бўйсунушга, бажарган ишига педагогнинг реакциясини (маъқуллади ёки маъқулламади) ҳисобга олишга, бошланган ишни охирига етказишга ва шу кабиларга ўргатадилар. Акустик диққат ва идрок, хотирани, предметли-амалий фаолиятни, кунтлиликнинг ривожланишига қараб яхшиланади.

Бола томонидан ўзлаштирилаётган, нутқий бўлмаган товушлардан ажратилаётган, фарқланаётган ҳар бир товуш маълум аниқ вазият, ҳаракат, расм, предмет билан боғланиб, унинг белгисига айланади. Ишнинг бошланғич босқичларида предмет ва овоз ўртасида шартли боғланишни шакллантириш мақсадида эквивалент сўзлар, товуш мажмуи ишлаб чиқилади (р-самолёт овози, ирилаётган ит, мў-сигир ва ҳ.к.).

Маълум микдордаги товушларнинг дифференциациясидан сўнг, аниқ предмет ёки ҳаракат билан боғлиқ бўғинларни фарқлашга ўтилади. Иккита унли, унли ва ундош товушларнинг бирга келишига кўра бўғинлар танланади-уа, ау, ам, со, очик бўғинлар ма, па, на, та ва ҳ.к. Бола сўзларни фарқлашга қаратилган машғулотларда аввал бир-бирида маъноси, айтилиши жарангдорлигига кўра кескин фарқ қиладиган сўзлар танланади. Бола идрок этаётган ҳар бир сўз ҳаракат, кўрув, тактил равишда мустаҳкамланади.

Кўриш, ойнали назорат, юздан ўқиш кенг қўлланилади. Бола идрок қилувчи биринчи сўзлар ўзгармас оҳанг билан талаффуз қилинади. Алоҳида оҳанг ва унга таяниш болага мулоқотда мўлжал ола билишга ёрдам беради, нутқга оҳанг бериш болага қилинган мурожаат мазмунини аниқлашда етакчи таянч ҳисобланади. Пассив луғатни тўплаш устида режали иш олиб борилади, бир вақтнинг ўзида ўз нутқи ривожлантирилади.

Номи бўйича бола расмларни кўрсатади, ҳаракатларни бажаришни кўрсатиб беради. 1. Ҳаракатлар комплекси ўрганилади. Бола аста-секин аввал педагогнинг нутқий назорати остида ўрганган тартиби бўйича бажаради, сўнг айрим-айрим, ҳар ерига одатланади: “қўлни кўтар, ёнга ...”.

1. Ҳиссий – ўйин жараёни давомида товушларга қизиқиш тарбияланади. Бола бу жараён давомида товуш табиатини аниқлаш, товуш келаётган жойни аниқлаш, беркитилган овозли ўйинчоқни топиш, товуш сигналини кучи, давомийлигини аниқлашга, маълум товушларга нисбатан реакция кўрсатишга ўрганиб боради.

Бола тушунадиган сўзларни жамлашда, бола бир вақтнинг ўзида шу сўзни эшитиши, кўриши (расм), предметни ушлаб кўриши ва талаффуз этиши алоҳида ўрин тутди. Сўз ва предмет ўртасидаги боғлиқлик эшитув ва кўрув сезгиларини бир неча маротаба таққослаб кўрилганидагина амалга оширилади. Болаларни кўрган, эшитганлари устида ҳайратга солишдан кўра, қизиқишларини кучайтириш, ҳайрон қолдириш ва ҳ.к. лар муҳим саналади. Агар бола улар билан ишлай олиш имкониятига эга бўлса, у ҳолда нафақат предмет номлари, балки улар ҳақидаги тасаввурлар ҳам осон шаклланади. Сўзни тушунчага айлантириш учун сўз билан умумлаштирувчи аҳамият

касб этиш учун оддий такрорлашдан ташқари имкониёча, кўп шартли алоқаларни, кўпинча ҳаракатли алоқаларни ишлаб чиқиш муҳимдир.

Предметли амалий фаолият давомида болалар нутқий инструкция асосида предмет билан кўпгина топшириқларни бажариш кўникма, малакасини эгаллайдилар: сутни ич, сутни пиёлага қуй, сутни пуфлаб совут ва ҳ.к. 1. Ҳаракат билан ифодаланган юқоридагига ўхшаш сўзлар она тилининг грамматик андозаларини эгаллашга ёрдам беради.

Имкониятга қараб, болани эрта сўз бирикмалари ва ибораларни идрок қилишга ўргатадилар. Одатда, дастлабкилари стандартлашган бўлади: сўз ўзгармаган оҳанг билан маълум тартибда талаффуз этилади. Болага мурожаат қилинувчи кўрсатмалар кундалик-маиший характерга эгадир. Аввал у фақат бир кишини тушунишга одатланади, сўнг боланинг ўсувчи имкониятларига қараб бу ишга унинг атрофидаги катталар жалб этилади.

Ибора ўз-ўзидан тушунилмайдиган, боланинг нерв тизимига бирмунча умумий таъсир этишнинг бир қисми сингари тушунилади. Ибораларни тушуниш аввал фақат вазиятли, маълум деталларга боғлиқ бўлади, шу сабабли сўз тартибини ўзгартиради. Ибораларни гапиришда оҳанг тавсия этилмайди.

Бола қуйидагиларга ўхшаш нутқий буйруқларни тушунишга ўргатилади: “ешикни оч”, “рўмолни ол”, “китобни олиб кел”, “стулга ўтир” ва ҳ.к. Юқорида келтирилган нутқий буйруқларга ўхшаш буйруқларни тушунишга ўргатиш ишларида болага мужассам кўрув-образли-ҳаракатли вазиятни нутқ билан боғлаган ҳолда тушунишда имо-ишора, мимикалардан фойдаланилади.

Идрок қилиш имконияти секин ривожланади, тушуниш кўрув ва тактил-вибратсия анализатори томонидан тайёрланганидан сўнг мумкин бўлади: фонатсияда овоз бойламларини сезиш ва ҳ.к.

Аста-секин эшитув ва ҳаракат дифференсациялари аниқланади, боланинг ўз нутқи ва тушуниши тарбияланади. Дастлаб акустик ноаниқликлар йўқолади, кейинроқ ўз нутқидаги хатолар барҳам топади. Фонематик идрок, нозик акустик дифференсациялар ривожланишига қараб, ўз нутқини шакллантириш мумкин бўлади. Бутун иш мобайнида асосий урғу болада нутқни онгли анализ ва синтез қилишни тарбиялашга берилади.

Н.И. Жинкин (1972) бола билан биргаликда сўзларни қайтариш ва ёдлаш ўрнига, уни турли фикрловчи мисолларда қўллашга, онгли танлашни амалга оширишни тавсия этади. Предметли-нутқий комбинатсиялардан самарали фойдаланилгандан сўнг, ҳикоя ва қайта ҳикоя қилиш ишлари олиб борилади.

Болада мантиқий, грамматик ва мавзуларга оид сўзлар гуруҳини тушуниш шакллантирилади. Масалан, идиш-товоқлар; уй жиҳозлари; қўлни ювиш; совун, сочиқ, сув, ювмоқ, артмоқ ва ҳ.к. Аста-секин мураккаблашувчи ибораларни тушуниш, деталлашган вазифалар, кўрсатмалар, ўз нутқий ва атрофдагилар нутқи таркибини онгли таҳлил қилиш устида иш олиб борилади. Боланинг ибораларни охиригача эшитишга, мазмунига кира олишга, импульсив ҳаракат қилмай, кўпинча, бирламчи нотўғри таассуротларга қараб ҳаракат қилмасликка ўргатадилар. Бола томонидан

нутқни тушуниш узоқ вақтгача вазият, боланинг умумий ҳолати, машғулотдаги ҳиссий кайфияти ва турли омилларга боғлиқ бўлади.

Предметларни умумлаштириш малакаси эгаллангач, уларни аниқлаштириш жараёни кечади, ранг-қизил, оқ; мазаси – ширин, нордон ва ҳоказо. Шунингдек, грамматик конструкцияларни тушунишни таъминловчи аниқ акустик дифференцировкалар (ешитиш-кўрсатиш) шакллантирилади. Болада атрофдагилар нутқига диққат, ўз нутқини назорат қилиш, унга танқидий ёндашиш тарбияланиб борилади.

Бола атроф-муҳитдаги товушларга янада кўпроқ қулоқ сола бошлайди, уларга қизиқади, тақлид қилади. Бу кўпинча ҳаётининг сокин вақтларига тўғри келади, масалан, эрталаб уйғонганида.

Бирмунча енгил ҳолларда бола жарангланиши бўйича яқин, бир фонема билан фарқланувчи сўзларни дифференсациялашга, бир хил урғули, бир хил таянчли сўз бирикмалари билан, турли миқдордаги бўғинлари билан сўзларни фарқлашга ўрганади, сўзларда товуш кетма-кетлигини аниқлашга ўрганади.

Сўз ва гаплар бола томонидан уларни қўллаш орқали, мулоқотда мос келувчи вазиятни яратиш жараёнида мустаҳкамланади. Эшитиши ва ўзи такрорлаб гапиришида, товушлар дифференсацияси ва идрокни мукамаллашувига йўналтирилган турли машқлар қўлланилади.

Эшитилган ҳикоя мазмунини, ибора, сўзни бола тўғри тушундими ёки йўқми доимо текширилади. Шу мақсадда турли хил расмлар, сўз ва гапларнинг график схемаси, нутқнинг тузилиши ва товуш таркибини мустаҳкамлаш учун рангли фишкаралардан фойдаланилади, рамзлар ёрдамида сўзнинг морфологик аҳамиятини ўзгариши, гап тузилишининг ўзгариши кўрсатиб берилади.

Сенсор алалияли болаларни саводга ўргатиш мумкин, лекин уларнинг ўқиш ва ёзишларида хатолар кузатилади. Саводга болалар имкон қадар эрта ўргатишлари керак. Саводга ўргатиш орқали болалар тушунчаларини кенгайтириш, аниқлашга, лексик-грамматик ва фонетик тараққиётлари ривожлантирилади.

Сенсор алалияли болаларни саводга ўргатишда товуш-харф йўли самарали ҳисобланмайди. Бу йўл товуш, бўғин, сўз ва гап билан боғлиқ боланинг аналитик-синтетик фаолиятига таянади. Саводга ўргатишда глобал ўқиш йўли самаралидир. Ўқишни эгаллаб у ўзининг артикуляцион ва акустик имкониятларини кенгайтиради, Шундан сўнггина идрок қилинувчи ва талаффуз қилинувчи нутқ билан чуқур аналитик-синтетик иш олиб бориш давом эттирилади.

Болаларда айрим товушлар йўқ бўлган ҳолларда ҳам болаларни саводга ўргатадилар. Муаллифларнинг таъкидлашича, бу саводга ўргатиш учун тўсик бўла олмайди.

Товуш, бўғин, сўзни эшитиб бола бўғин, сўзли жадвал ёки ҳарфни кўрсатади, кесма ҳарфлардан бўғин, сўз тузади. Секин-аста болада фонема, графема ва артикулемалар ўртасида боғлиқлик шаклланади.

Сенсор алалияти бутунлай бартараф этиш имконияти тадқиқотчиларни иккилантиради. Кечиши етарли аниқланмаган, у бир қатор омилларга боғлиқ: эшитув сезгирлигининг ҳолати, ўтказилган даволаш вақти ва характери, коррекцион-тарбиявий таъсир, боланинг ёши ва ақлий ривожланиши ва ҳ.к.

Бузилишнинг кўп турлилиги кузатилади, хусусан, кўп ҳолларда тушуниш ва шахсий нутқнинг илгари ривожланиши кузатилса ҳам, кечиши ҳақида ишонч билан гапириш қийин.

Ишнинг дастлабки босқичларида ва бирмунча оғир ҳолларда, бола билан узоқ системали иш олиб бориш натижасида ишда муваффақиятга эришилади. Иш кўпинча, якка, айрим ҳолларда болаларга фаол нутқий амалиётни ташкил қилиш керак бўлганда кичик гуруҳлар тузиб олиб борилади. Махсуслаштирилган статсионар шароитидаги коррекцион ишда нуқсоннинг қисман компенсацияланиши тезроқ амалга ошади. Бундай болалар билан ишлаш мураккаб, турли ҳолатларда турли натижалар беради. А.Г. Ипполитова фикрича, боланинг бутунлай нутқсизлиги ва тушунмаслигининг энг оғир ҳолларида, ишнинг дастлабки 3 – 4 ойида 8 – 10 та сўзни тушунишга эришиш мумкин, бироқ 2 – 4 тагина сўз фаол луғатида пайдо бўлади. Агар натижа кам бўлса, ишлаш мақсадга мувофиқми деган савол туғилади. Бироқ М.Йе. Хваттсев иш аҳамиятини таъкидлай туриб Шундай дейди: “Тушунмайдиган ва гапирмайдиган бола учун 1 – 2 та сўз, нормал ривожланувчи бола учун 1000 та сўздек кўпдир”.

Сенсор алалияти болалар алоҳида муассасаларида кам, улар билан контактга киришиш қийин, хулқи ўзига хос, интеллекти қоида бўйича пасайган. Шунга боғлиқ иш темпи секинлашган, паузалар узоқ давомли, машғулотлар муддати бола ҳолатига боғлиқ равишда турли хилдир – 3 – 5 дақиқадан 20 – 30 дақиқача, кунига 2 – 3 марта, махсуслашган статсионар ва махсус болалар боғчасида, кейинчалик амбулатор ишда 20 – 30 дақиқа шуғулланади қўшимча ҳар кунги мустақкамловчи уй иши билан бирга.

Сенсор алалияти болаларнинг айримлари оғир нутқ нуқсонларига болалар учун мўлжалланган нутқ мактабларида ёки ёрдамчи мактабларида (логопед билан шуғулланилади) ўқитиладилар.

Сенсор алалияти ташхис қилиш мураккаб бўлиб, кўп ҳолларда тахминий ташхис қўйилади.

Сенсор алалияти болаларни янада ўрганиш ва улар билан коррекцион тарбиявий ишнинг яхлит, бир бутун тизимини яратиш – логопедия назарияси ва амалиётининг долзарб муаммосидир.

Назорат саволлари:

1. Алалияти нутқ бузилишига таъриф беринг.
2. Алалияти келтириб чиқарувчи сабабларни айтинг.
3. Алалиятнинг қандай шакллари бор?
4. Мотор алалияти ёритиб беринг.
5. Сенсор алалияти ёритиб беринг.
6. Алалиятнинг таснифни ёритиб беринг.

7. Алалияли болалар нутқини текшириш бўйича қандай ишлар олиб борилади?

8. Алалияни ўрганишнинг асосий аспекти бўйича муаллифлар ишларини айтиб беринг.

9. Алалияли болалар билан қар болаларга қиёсий тавсиф беринг.

10. Алалия ва дизартрия нутқ камчилигидаги артикуляцион аппарат ҳаракатидаги камчиликларни қиёсланг.

11. Мотор алалияни бартараф этишдаги логопедик иш тизимини ёритиб беринг.

12. Сенсор алалияни бартараф этишдаги логопедик иш тизимини ёритиб беринг.

13. Сенсор алалияли болаларнинг нутқий ва психолого-педагогик хусусиятларининг ўзига хослигини ёритинг.

14. Алалияли болаларни саводга ўргатишда намоён бўладиган қийинчиликларнинг ўзига хослигини ёритиб беринг.

15. Алалияли болаларда нутқ фаоллигини ривожлантириш учун ўйин машқларини танланг. Логопедик ишнинг турли босқичларида ундан фойдаланиш имкониятларини кўрсатинг.

16. Махсус муассасаларга борганда алалияли болалар нутқини барча машғулотларда кузатинг ва таҳлил қилинг.

6-Мавзу: Афазия (2 соат)

Режа

- 6.1. Афазия. Афферент мотор афазия
- 6.2. Эфферент мотор афазия
- 6.3. Афазияда нутқни тиклаш методикаси

Таянч иборалар:

1. Аграмматизм-(грекча а-инкор қилиш, бўлақларга ажратилмайдиган сўзидан). Тилнинг грамматик қурилишини ўзлаштира олмаслик, грамматик формаларнинг аҳамиятини тушунмаслик, гап туза олмаслик натижасида юзага келадиган нутқ бузилиши
2. Аграфия-(грекча а-инкор қилиш, графҳо-ёзаман сўзларидан) ёзув жараёнининг шаклланмаганлиги.
3. Акустик агнозия-нутқ товушларини ажрата олиши қобилиятининг йўқлиги.
4. Алексия-(грекча а инкор этиш, лего-ўқийман сўзларидан) ўқиш жараёнининг шаклланмаганлиги, ўқиш жараёнини бутунлай ўзлаштира олмаслик.
5. Апраксия -одат бўлган ҳаракатларнинг бузилишига апраксия дейилади. Апраксияга учраган бемор ҳеч қандай ҳатто энг оддий ҳаракатларни дам ўзгаларнинг ёрдамисиз бажаролмайди.
6. Афазия-(грекча а инкор этиш, рҳасис-нутқ; сўзларидан)-бош миyanинг локал жароҳатланиши натижасида рўй берадиган нутқнинг тўла ёки қисман йўқолиши.
7. Динамика-ўсиш, ўзгариш, ҳаракат.
8. Жаргонофазия-(француз-жаргон жаргон грек. пҳасес нутқ)-сўзлар тўплами, қандайдир тушунарсиз тилдаги нутқни тасаввур этиш.
9. Имперессив нутқ-(лот. Импрессия-таассурот сўзидан)-импрессив нутқ, ўзгалар нутқини идрок қилиш, тушунишга асослаган нутқ тури.
10. Контекст-нутқ ёки асарнинг тугал фикр англатувчи парчаси.
11. Литерал парафазия-парафазия тури, бунда керакли товушларни (ёки ҳарфлар) бошқа товушларга (ёки ҳарфларга) алмаш-тирилиши кузатилади.
12. Логорея-нутқий фаоллик кўрсатиш сифатида боғланмаган нутқий оқим; сенсор бузилишларда кузатилади.
13. Параграфия-(пара грекча ггарбо- ёзиш) ёзув бузилиши. Бунда алоҳида сўз ёки ҳарфларни нотўғри ёзиш, бир ҳарфни бошқа ҳарфларга алмаштириш.
14. Персеверация-(лот. Персеверо-қатъий тураман сўзидан). Айни бир сўз, ибораларни қайта-қайта такрорлаш. Персеверация ўқиш, ёзишда ва баъзи бир афазия турларида ҳам кузатилади.
15. Праксис-беҳосдан, эркин, равишда мақсадларни амалга оширадиган одатий ҳаракатлардир.
16. Экспрессив нутқ-(ехпрессио-ифодалаш сўзидан)-фикрни ўзгаларга баён этиш. Мотор алалия, мотор афазия, дизартрияда экспрессив нутқ

биринчи навбатда бузилган бўлади.

17. Эхолалия-(эхо-садо, лалия-нутқ)-ўзгалар гапини онгсиз равишда бир неча марта такрорлаш. Эхолалия бош миyanинг органик жароҳатланиши натижасида пайдо бўлган бир қанча касалликларда кузатилади.

6.1. Афазия. Афферент мотор афазия

Афазия-нутқнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши, у одатда бош миyanинг локал жароҳатланиши натижасида юзага келади.

Афазияни келтириб чиқарувчи сабабларга қуйидагиларни киритиш мумкин: миyада қон айланишининг бузилиши (ишемия, геморрагиялар), бош миyа жароҳатлари, ўсмалар қамда бош миyanинг инфекцион касалликлари. қон томир тизимидаги бузилишлари, касалликлари сабабли афазия кўпроқ катталарда юз беради. қон томир тизимидаги бош миyа қон томирларининг ёрилиши натижасида юз берувчи аневризм, тромбоемболия, ревматизм натижасида пайдо бўладиган юрак пароклари, миyа-қобик жароҳатлари ўсмирлар ва ёшларда қам кузатилади.

Афферент мотор афазия

Афферент мотор афазия, марказий ёки Роланда эгатидан орқада жойлашган, бош миyа пўстлоғи постмарказий ва тепа бўлимларининг иккиламчи соҳалари зарарланиши натижасида келиб чиқади. Постмарказий ва тепа бўлимларнинг иккиламчи соҳаси бирламчи соҳалар билан узвий боғлиқ. Улар учун (бирламчи соҳа) аниқ соматотопик қурилиш характерлидир. қарама-қарши пастки томондан импульсларни олиб келувчи нерв толалари, бу соҳанинг юқори бўлимларига жойлашади, юқори томондан импульсларни олиб келувчи нерв толалари ўрта бўлимда, юз, лаб, тил, ҳалқумдан келувчи импульслар пастки постмарказий бўлимларга жойлашади. Бундай проекция геометрик тамойил бўйича қурилмай, балки функционал тамойил бўйича қурилгандир: у ёки бу фоал органнинг, периферик тактил-кинестетик рецепторларининг у ёки бу соҳаси қанча кўп аҳамиятга эга бўлса, у ёки бу ҳаракат сигменти шунчалик кўп даражада эркинликка эга: бўғим, бармоқ панжалари, тил, лаблар ва ҳ.к., шунингдек, пўтслоқнинг соматотопик проекциясида унинг ваколатхонаси катта майдонга эга бўлади. Товуш артикуляциясида иштирок этувчи органларнинг соматотопик проекцияси, нутқ бўйича доминант чап ярим шарда маълум миқдорда кўпроқ ифодаланган.

Маълумки, ҳар бир нутқий товуш бир онлик уланиш ёки узилиш билан талаффуз қилинади. Демак, у ёки бу фонемани ҳосил қилишда симультан, мужассам иштирок этувчи иккиламчи майдонлар, бирламчи проекцион майдонлар билан боғлиқдир. Бирок, «м» ва «н» товушлари талаффузида лаб ва тилнинг туташ жойи «б» ва «п», «д» ва «т» товушларига қараганда камроқ таранглашади ва бу ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайди. Жарангсиз «к» ва «т» фонемаларини талаффуз қилишда туташ жой бирмунча таранглашади, аммо бунда овоз бурмалари таранглашмаган ҳолатда бўлади. Фонемаларнинг бундай нозик дифференциал кинестетик белгиларини аниқлашдаги

кийинчиликлар, афферент мотор афазияда кўпол аграфиялар, алексиялар, нутқни тушунишнинг бузилиши келиб чиқиши ҳолатларида тушунтирилади.

Экспрессив нутқнинг бузилиши. А.Р.Лурия (1969, 1975) афферент мотор афазиянинг икки варианты мавжудлигини таъкидлайди. Биринчиси, артикуляцион аппаратнинг турли органлари ҳаракатини фазовий, симультан синтези бузилиши ва камчиликнинг яққол ифодаланишида вазиятли нутқнинг бутунлай йўқолиши билан характерланади. Иккинчи вариант, клиникада «ўтказувчи афазия» номини олган, нутқнинг бошқа ихтиёрий кўринишларида ва такрорлаш, номлашнинг кўпол бузилишида вазиятли, клишесимон¹ нутқнинг маълум даражада сақланганлиги билан фарқланади. Афферент мотор афазиянинг бу варианты кўпинча, артикуляция усуллари фарқлаб танлаш ва сўз таркибига кирувчи товуш ва бўғин комплексларини симультан синтезининг бузилиши билан характерланади.

Афферент мотор афазиянинг биринчи вариантыда артикуляцион аппаратнинг яққол ифодаланган апраксияси, спонтал нутқнинг бутунлай йўқолишига олиб келиши мумкин. Товушларни ихтиёрий такрорлашга уринишлар лаб ва тилнинг тартибсиз ҳаракатларига, литерал (товуш) алмашинувига олиб келади. Логопед артикуляциясига беморнинг тикилиб қараши ё усулни, ё артикуляция органини топишгагина олиб келади, бу товушларнинг аралашувини вужудга келтиради м-п-б, н-д-т-л, и-с, о-у ва бошқалар. Бу товушлар талаффузда артикуляцион органлар тутатиши даражасини кинестетик баҳолашнинг бузилиши билан тушунтирилади.

Бирмунча сўнгги босқичларда беморлар «тол»сўзини «дол», «лол» сингари талаффуз қиладилар, яъни бир фонематик парадигма бошқаси билан алмаштирилади.

Афферент мотор афазия учун мураккаб бўғинлар тузилишини тахлил қилишдаги қийинчиликлар характерлидир. Беморлар ёпиқ бўғинни иккита очик бўғинга бўладилар, бўғинда кетма-кет келган ундошларни бўладилар, ундош товушларни тушириб қолдирадилар. Шу сабабли «мактаб» «қулф», «стол» сўзлари «ма-кь-ть-аб», «кь-у-лъ-фь» «сь-то-лъ» каби жаранглайди ва ҳ.к.

Нутқ талаффуз томонининг тикланишига қараб, нутқий баён қилишнинг синтагматик томони сақланганлиги аниқланади. Айрим ҳолларда, енгил артикуляцион товушлар қолиши мумкин, булар айрим ҳолларда дизартрияни (артикуляцион аппарат апраксияси оқибати сифатидаги псевдодизартрия), бошқа ҳолларда, оҳанг ўзгаришида ифодаланмайдиган, балки сўзларни талаффуз қилишдаги сунъийлик ва секинлашганликда, жаранглиларнинг сўниши ва кам учрайдиган литерал парафазияларда, юмшоқ ундошларнинг йўқолишида ифодаланувчи енгил хорижий акцентни эслатади.

Тушунишнинг бузилиши. Афферент афазияда травма ёки инсультдан сўнг илк босқичда нутқни тушунишнинг кўпол бузилиши кузатилиши мумкин. Тушуниш жараёнида кинестетик назорат муҳим роль ўйнайди.

¹ клише-қоғозга тушуриш учун устига расм чизилган металл, тош ёки ёғоч

Афферент мотор афазияли беморларда, нутқни маълум миқдорда тушунмаслик даври узоқ давом этмайди (инсультдан сўнг бир кундан бир неча кунгача), сўнг уларда вазиятли сўзлашув нутқини тушуниш тезда тикланади, шунингдек алоҳида сўзлар аҳамиятини тушуниш, мураккаб бўлмаган кўрсатмаларни бажариш имконияти ҳам тикланади.

Беморларда тушунишнинг бузилиши ўзига хос хусусиятлари узоқ вақт кузатилади. Улар иккиламчи фонематик эшитув бузилишида кузатилади. Афферент мотор афазияда, ўрни ва артикуляцион усули бўйича умумий белгиларга эга товушлар бор бўлган сўзларни эшитиб, таниб олишда қийинчиликлар туғилади (лаб-лаб: *б-м-п*, тил олди: *д-л-т-н*; сонор оралик; *н-х-ш*, ва ҳ.к.).

Фонематик таҳлилнинг бундай қийинчиликлари, сўзлашув нутқида сўзларнинг фонематик фарқининг кўплиги билан яхлит компенсацияланади ва уларни тушунишга имкон беради, аммо беморлар ёзувида ўз аксини топади. Сўзни тушунишнинг бузилиши шу ҳолда ёмонлашадики, агар бемор уни гапиришга уриниб кўрса, яъни бирламчи бузилган кинестетик назоратни «уйғотиб юборса» тушуниш ёмонлашади.

Афферент мотор афазияда, нутқни эшитиб нотўғри идрок қилишга олиб келувчи артикулятор бузилишлар билан бир қаторда, турли хил мураккаб фазовий муносабатларни етказувчи, тилнинг лексик воситаларини тушунишдаги қийинчиликлар ҳам кузатилади.

Тушунишда маълум бир қийинчиликларни кўпроқ қўшимчалари билан феъллар келтириб чиқаради. Булар макон белгисидан ташқари, кўп маънолилиги билан фарқ қилади. Кўчма келишикларда қўлланувчи шахсий олмошлар аҳамиятини тушуниш алоҳида қийинчилик туғдиради. Бу уларда предмет нисбатининг йўқлиги, турли хил фазовий йўналганликнинг мавжудлиги, фонематик ўзгаришларнинг кўплиги билан тушунтирилади.

Қоидага биноан, афферент мотор афазияда конструктив-фазовий апраксия кузатилади, иккинчи вариантида эса, фазовий дезориентация кузатилади. Кейингиси, беморлар томонидан нутқни ёмон тушуниш ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштиради: масалан, беморлар китоб жавонидан китоб, альбом ва бошқа предметни танлашда жуда қийналадилар.

Афферент мотор афазияда тушунишнинг бузилиши мураккаблик ва кўп турлилик хусусияти, кундалик нутқда вазиятларнинг кўплиги, аниқлиги билан компенсацияланади ва уларда нутқни тушунишнинг нисбатан сақланганлик кўринишини яратади.

Ўқиш ва ёзувнинг бузилиши. Афферент мотор афазияда ўқиш ва ёзув бузилишининг даражаси, артикуляцион аппарат апраксияси оғирлигига боғлиқ. Бутун артикуляцион аппаратнинг кўпол апраксиясида ўқиш ва ёзув бирмунча кўпол бузилади. Ўқиш ва ёзувнинг тикланиши уни бартараф этиш билан бир вақтда олиб борилади. Ички ўқишнинг тикланиши ёзма нутқнинг тикланишидан илгарилаб кетиши мумкин. Диктовка остида сўзларни ёзишда, предметларни ёзма номлашда, ёзма мулоқотга уринишда барча артикуляцион қийинчиликлар ўз аксини кўрсатади, яъни кўпгина литерал параграфиялар пайдо бўлади. Улар унли ва ундош фонемалар аралашувини (ўрни ва

артикуляцияси бўйича яқин) акс эттиради, ундошлар (сонорлар) тушириб қолдирилади.

Афферент мотор афазиянинг иккинчи вариантыда беморлар сўзда ҳарф тартибини қийинчилик билан сақлайдилар, уларни ойнали акс эттирадилар (ойна-найо, даво-вода), унлиларни тушириб қолдирадилар ёки аввал барча ундошларни ёзадилар, сўнг унлиларни ёзадилар, чунки уларда қоидага кўра, сўзда шу товушнинг борлиги ҳақидаги тасаввурлар сақланган бўлади, масалан, ё ҳарфини «ҳаёт» сўзида ташлаб кетиб, «т» товуши устига бемор икки нукта қўяди.

Айрим ҳолларда, қўпол афферент мотор афазияда, оғзаки нутқнинг бутунлай йўқлиги ва ёзма нутқнинг маълум миқдорда сақланганлиги ўртасида диссоциация кузатилади. Бу ҳолда ёзма нутқ атрофдагилар билан мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилади. Ёзма нутқнинг бундай сақланганлиги, асосан апраксиянинг фақат ҳалқум ва ҳиқилдоқда мавжудлиги билан тушунтирилади. (Н.И.Жинкин, 1958).

Ўқиш ва ёзувнинг тикланишига қараб литерал параграфиялар сони қисқаради.

Афферент мотор афазиянинг иккинчи варианты, чап ярим шарнинг тепа бўлимлари зарарланганида, яширин чапақайликка эга кишилар учун характерлидир.

6.2. Эфферент мотор афазия

Бир текис, маромли ҳаракатлар, бош мия пўстлоғи мотор олди соҳаларида амалга оширилади.

Қатъий бўйсуниб қонунига мувофиқ гапда сўзларнинг, сўзда бўғин ва товушларнинг синтагматик занжири ҳосил бўлади: «ҳовли» ёки «боғча» сўзида товушлар тартиби айнан шундай бўлиши лозим, бошқача бўлиши мумкин эмас; гапда сифат ёки кўмакчи, феъл ёки равишдан олдин тутолмайди ва ҳ.к.

Эфферент мотор афазия, чап ўрта мия артериясининг олдинги шоҳлари зарарланиши натижасида келиб чиқади. У одатдагидек, ҳаракат дастурини ўзлаштириш ва амалга оширишдаги қийинчиликларда намоён бўлувчи кинетик апраксия билан бирга кузатилади.(27-расм)

Экспрессив нутқ бузилиши

Қўпол эфферент мотор афазияда, бош мия қон айланишининг бузилишидан сўнг илк босқичда шахсий нутқ бутунлай бўлмаслиги мумкин.

Афазиянинг бу шаклида артикуляцион аппарат апраксияси алоҳида товушларни такрорлашда эмас, балки товуш ёки бўғин серияларини такрорлаш қобилятини йўқотишда ўз аксини кўрсатади. Бемор уларни кўп маротаба такрорлайди, товуш ёки бўғинларнинг икки сериясини такрорлаш илтимос қилинса, товуш талаффузи актида ҳеч қийналмай аввалги товуш ёки бўғин қаторидаги товушларни персервациялайди. Бу эфферент мотор

афазиянинг энг мураккаб вариантыдир. Бунда номлаш функцияси бутунлай йўқолади, биринчи бўғин айтиб юборилганда эса ё уни автоматизацияланиб тугаши, ё айнан шундай бўғиндан бошланувчи бошқа сўзга ўтиб кетиш ҳолати юзага келади. Масалан, предметли расмларни номлаётган беморга «қо» бўғинини айтиб юборсангиз, «қовун» сўзи ўрнига «қовок», «қоғоз», «қошиқ» ва ҳ.к. ларни талаффуз қилади.

Алоҳида сўзлар артикуляциясининг инертлиги оқибатида, бўғинни олдиндаги сўзга ўтказишга асосланувчи контаминация ҳолати кузатилиши мумкин: «қошпоқ» (қошиқ, қалпоқ).

Эфферент мотор афазиянинг бошқа вариантыда, нутқ ва мулоқотнинг спонтан тикланишида кўпинча яққол ифодаланган экспрессив аграмматизм шаклланади: беморлар феълларни ташлаб ўтадилар, кўшимчаларни, кўмакчиларни, от флексийларини қийинчилик билан қўллайдилар-«телеграф услуби» каби ном олган аграмматизм намоён бўлади. Бу ички нутқнинг предикатив¹ функцияси бузилиши оқибатида юзага келади. Бирмунча ҳолатларда феъллар гап охирига ўтиб қоладилар. Масалан, «Кўлдаги воқеа» сюжетли расмлар серияси бўйича ҳикояда қуйидагича матн баён қилинган: «Бу бола.... бола ва мана кўл ва кема ва бола, қандай эди... ..сувга йиқилиш ва кемани у ерга чақириш узоқ ... Ва бола ўқувчи ботинкасини ечиши керак.... чақиради ҳалигидекёрдам беринглар...»

Эффект мотор афазиянинг учинчи вариантыда унчалик кўпол аграмматизмлар кузатилмайди, лекин сўзларни танлашда ҳаддан ташқари инертлик намоён бўлади, баён қилиш жараёнида узоқ паузалар, персервациялар, вербал парафазиялар кузатилади, сўзлар чўзиб талаффуз қилинади.

Нутқий жараёнлар кечишининг инертлиги келтириб чиқарган узоқ паузалар, ташқи кўринишидан семантик афазия учун характерли бўлган амнестик қийинчиликларни эслатади, бироқ уларнинг негизида лексик воситаларни танлашнинг инертлиги ётади. Сўзларни танлаш бошқарувининг бузилиши вербал парафазияларга олиб келади.

Ва ниҳоят, эфферент мотор афазиянинг шундай вариантлари ҳам учраб турадики, бунда бир бўғинни бошқаси билан оҳангдор, равон қисмида алмаштириш билангина нутқ бузилиши юзага келади. Бундай беморлар нутқи грамматик жиҳатдан тўғри тузилади, аммо нутқнинг ритмик оҳанг томонининг бузилиши туфайли нафақат урғули бўғинларни ажратиш бузилади, балки психологик предикатнинг оҳанги, ифодалилиги ҳам бузилади, яъни мантиқий урғу нима устига тушса, у ҳам бузилади. Афферент мотор афазиядан фарқли равишда, эфферент мотор афазияда бўғинларнинг товуш тузилиши соддалашмайди, бузилмайди, бироқ ўзининг оҳангдорлигини йўқотади, чўзилувчан, монотон бўлиб қолади.

Эфферент мотор афазияли беморларнинг оғзаки нутқи учун литерал парафазиялар характерли эмас, аммо улар ёзма нутқда кўплаб учрайди.

¹ предикативлик-кесимлилик, кесим бўлиб келган (грамматика соҳасида), предикат-(фалсафа тушунчаси)-муҳокама предмети-субъектни аниқловчи мантиқий тушунча.

Ўқиш ва ёзувнинг бузилиши. Афферент мотор афазияда яққол намоён бўлган аграфиялар кузатилади: сўз ёки иборани бир неча маротаба бўғинлаб такрорлаганларидан сўнггина ёзадилар. Бирмунча оғир кўринишларда сўзни тўғри такрорлашда ҳам, нафақат уни ёзиш, балки ажратиб қўйилган кесма ҳарфларда тузиб бериш имкони ҳам бўлмайди. Ҳатто жуда қисқа сўз ҳарфларини ҳам тўғри қўйиб беролмайдилар, ҳарфларнинг тўғри тартиби қийинчилик билан ўрнатилади. Кўпинча беморлар керакли ҳарфни топа олмайдилар. Бирмунча енгил ҳолатларда беморлар сўзни эшитиб ёзишлари мумкин, бунда кетма-кет келган ундошларда унли ёки ундошларни тушуриб қолдирадилар, ҳарф ёки бўғинлар ўрнини ўзгартирадилар, масалан, «копток» сўзи-кпток, копок каби ёзилади. Кўпинча, аввалги сўз бўғинини қўшиб ёзиш, айнан бир бўғинни бир-икки такрор ёзиш «кузатилади: «машина»-«машишина» «лавлаг»-«лалавлаг» ва ҳ. к.

Серияли расмлар бўйича мустақил матн тузишда (тикланишнинг сўнгги этапларида), аграмматизмлар намоён бўлади. Аграмматизмлар гапда сўзларни мувофиқлаштиришдаги қийинчиликларда ўз аксини топган. Флексийлар келишлар сингари аралаштирилади.

Эфферент мотор афазияли беморларнинг ёзма нутқидаги аграмматизмлар катта қийинчилик билан бартараф этилади.

Бирмунча кўпол ҳолларда ўқиш топишмоқли характерга эга бўлади. Улар учун у ёки бу ёзилган сўзни кўрсатиш қулай.

Ўқиш ва ёзувнинг бундай кўпол бузилиши, сўзнинг товуш-ҳарф таркибини дастурлаш қобилиятининг бузилишига асосланади.

«Телеграф услубда» ўқиш, диктовка остида от ва қисқа ибораларни ёзиш, кейинчалик эса предмет номларини мустақил ёзиш сақланган бўлиши мумкин, аммо ибораларни мустақил, ёзма, грамматик тўғри тузиш имкони бўлмайди. Бирмунча енгил ҳолатларда, алоҳида сўз ва қисқа гапларни ўқиш мумкин бўлади, аммо ўқилганни, айниқса мураккаб синтактик тузилишга эга гапларни тушуниш қийинлашади. Нутқнинг фақат ритмик-оҳанг компоненти бузилганда ёзма нутқ ва ўқиш сақланган ҳолда қолади.

Тушунишнинг бузилиши

Эфферент мотор афазияда тушунишнинг бузилиши негизида барча нутқий фаолият кўринишларининг инерт кечиши ётади ва ички нутқнинг предикатив функцияси ва «тил сезгиси» деб номланувчи бузилишлар намоён бўлади.

Кўпол эфферент афазияда персервациялар оддий кўрсатмаларни бажаришдаёқ намоён бўлади.

Агар талаффуз қилинаётган сўзлар орасида катта паузалар қилинса, тананинг алоҳида қисмларини кўрсатиш қулай бўлади. Бироқ расм, тана ёки юз қисмларини кўрсатиш бўйича вазифалар темпининг биров бўлса ҳам тезлашувида дарҳол персервациялар келиб чиқади. Қайта илтимос қилинганда предметли расмларни кўрсатиш беморлар учун катта қийинчилик туғдиради. Нутқ-эшитув хотираси иккиламчи бузилади, серияли предметли расмларни кўрсатиш қийинлашади, 10 тадан 3 ёки 4 расмни кўрсатишда аввалги вазифалар персервацияланади.

Эфферент мотор афазияда грамматик жиҳатдан тўғри ва нотўғри тузилган баёнлар эшитиш жараёнида фарқланмайди.

Афазиянинг бу шаклида метафора, мақолларнинг кўчма маъноси ёмон тушунилади. Бу баён қилишнинг яширин маъносига қийинчилик билан ўтиш натижасидир (А.Р.Лурия 1975). Шунингдек, кўп маъноли сўзларни тушунишнинг бузилиши кузатилади. Бу сўзнинг аниқ лексик аҳамиятидан бошқасига ўтишдаги қийинчиликда ҳам ўз аксини кўрсатади.

6.3. Афазияда нутқни тиклаш методикаси

Реабилитация таълим тамойил ва методлари

Реабилитацион таълимнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш унинг аниқ илмий тамойилларини шакллантириш имконини берди. Тикловчи тамойиллари ҳақидаги масала ниҳоятда муҳимдир. Тўғри ишлаб чиқилган тамойиллар-самарали реабилитация гаровидир. Тамойилларни шартли равишда психофизиологик, психологик ва психолого-педагогик кабиларга ажратиш мумкин.

А). Психофизиологик тамойиллар.

1. Дефектний таснифлаш тамойили реабилитацион таълимни амалга оширишга киришишдан аввал батафсил нейропсихологик анализ ўтказишни тақозо этади.

2. Иккинчи муҳим тамойил-сақланиб қолган (зарарланмаган) анализатор системаларни реабилитацион таълим сифатида қўллаш тамойили.

3. Учинчи тамойил-янги функционал тизимларни яратиш тамойили.

4. Тўртинчи тамойил-реабилитацион таълимда психик функцияларнинг, шу жумладан, нутқнинг турли ташкилий даражаларга таяниш тамойили.

5. Бешинчи тамойил-реабилитацион таълимда инсоннинг бутун психик соҳасига, шунингдек сақланиб қолган психик жараёнларга таяниш тамойили.

6. Назорат тамойили П.К. Анохин, Н.А.Бернштейн ва А.Р.Лурия томонидан изоҳланиб бўлиб, у доимий қатор алоқанинг бўлишини билдиради.

Б). Психологик тамойиллар:

1. Касал шахснинг ҳисобга олиш тамойили, реабилитацион таълимда касал инсоннинг индивидуаллигини инобатга олиш зарурлигини англатади.

2. Касалда сақланиб қолган фаолият шаклларига таяниш тамойили, реабилитацион таълимда бузилган нутқий фаолиятни тиклаш учун сақланиб қолган бошқа фаоллар шакллари ишга солишни англатади.

3. Касалнинг фаолиятига таяниш тамойили, реабилитацион таълимида касал инсон фаолиятининг ҳар хил турларидан комплекс фойдаланишни англатади.

4. Касал фаолиятини ташкил этиш тамойили реабилитацион таълимида касалнинг ўз фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни англатади.

5. Дастурлаштирилган таълим тамойили реабилитацион таълимда кетма-кет бажариладиган ва бузилган психик функцияни тиклаш имконини

берадиган операцияларни ўз ичига оловчи дастурнинг ишлаб чиқилишининг зарурлигини англатади.

6. Дефектга тизимли равишда таъсир кўрсатиш тамойили бузилган нутққа бошқа психик функцияларга таяниб туриб таъсир кўрсатишни англатади.

7. Инсоннинг ижтимоий табиатини ҳисобга олиш тамойили психик функцияларнинг шаклланишида ижтимоий омиллар муҳим ўрин тутиши ҳисобга олиб, касалга таъсир кўрсатишда ижтимоий муҳит таъсирининг барча имкониятларидан ўринли фойдаланиш зарурлигини англатади.

В). Психолого-педагогик тамойиллар.

1. Оддийдан мураккабга бориш тамойили, касал билан ишлашда қўлланадиган дидактик материал мураккаблик даражасига эътибор бериш зарурлигини англатади.

2. Материал ҳажми ва хилма-хиллигининг даражаси тамойили, касал билан ишлашда кичик ҳажмдаги ва хилма-хил бўлган материалдан фойдаланишни англатади.

3. Вербал материалнинг мураккаблиги тамойили, касал билан ишлашда қўлланувчи материалнинг фонетик мураккаблиги, бутун матнларнинг, улардаги сўзлар, жумлаларнинг узунлигини, умуман касал учун объектив ва субъектив лексикани ҳисобга олишни англатади.

4. Материалнинг эмоционал томони тамойили, қўлланаётган вербал ва новербал материалнинг касалларга ижобий эмоционал таъсир кўрсатишини, уларда ижобий эмоцияларни уйғотишини ва стимуллаштирилишини асабий ҳолатдан чиқаришини таъминлайдиган бўлишини тақозо этади.

Юқорида тилга олинган реабилитацион таълим тамойиллари унинг илмий асоси бўлиб, амалиётда қўлланувчи афазияни тузатиш методларига бир қатор талабларни қўяди. Бу талаблар қуйидагилардан иборат.

Биринчи талаб: афазия туфайли бузилган нутқни тиклашга қаратилган таълим методларининг нутқни бузилиш механизмига адекват бўлиши.

Иккинчи талаб: методларнинг тўғридан-тўғри эмас, балки дефектга айланма тарзда таъсир кўрсатиши.

Учинчи талаб: методларнинг тизимлилиги, яъни методларнинг бири-биридан изоляцияланган эмас балки системали бўлиши. Методлар тизими дефектга хусусий методлар каби бир томонлама таъсир этиш ва дефектни қисман тузатиш мақсадини эмас, балки дефектга кўп томонлама таъсир кўрсатиш орқали функцияни бир бутун фаолият сифатида тиклаш мақсадини кўзлайди.

Реабилитацион ишнинг муваффақиятли кечиши учун, шунингдек, айрим ташкилий масалаларни, машғулотларга қўйиладиган талабаларни инobatга олиш зарур. Булар қуйидагилардан иборат.

1. Вақтни (машғулот давомийлигини) ҳисобга олиш. Машғулот давомийлиги ҳолати ва касалликнинг кечишига, шунингдек, касал шахсининг хусусиятларига боғлиқ. Касалликнинг дастлабки босқичида

машғулот вақти 15-20 минутдан ошмайди. Касаллик барқарор кечганда машғулотни бир соатгача давом эттириш мумкин.

2. Касалнинг иш қобилияти ва толиқувчанлигини ҳисобга олиш. Машғулот давомида 1-2 та 3-5 минутлик паузалар бўлиши керак. Бунда-фаолдан олиш (муסיқа жўрлигида қўлларни ҳаракатлантириш қўшиқ айтиш ва ҳ.к.) ёки пассив дам олиш (муסיқа эшитиш)ни амалга ошириш мумкин.

3. Касалнинг кайфиятини ҳисобга олиш. Машғулотлар режасини оператив ўзгартира олишни тақозо этади.

4. Машғулотнинг ташкилий шаклни ҳисобга олиш. Машғулотлар ҳар хил шаклларда, касал фаолиятнинг ҳар хил турларини ўз ичига олган ҳолда ўтказилиши лозим.

5. Машғулотлар ўтказишда қулайликларни ҳисобга олиш. Машғулотларни ўтказишда жим-житликни таъминлаш, касал диққатини чалғитувчи нарсаларга йўл қўймаслик, хонанинг қулай бўлиши ҳисобга олиниши керак.

Афферент мотор афазияни бартараф этишда коррекцион-педагогик ишлар

Афферент мотор афазия афазиянинг оғир шаклларида ҳисобланиб, 3-5 йиллар давомида мунтазам олиб борилган логопедик ишлар орқалигина ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Афазиянинг бу шаклида нафақат чуқур артикулятор бузилишлар кузатилибгина қолмай, балки аграфия, турли даражадаги оғирликда алексия, импрессив аграмматизмлар ҳам яққол кўзга ташланади.

Коррекцион-педагогик машғулотларнинг мақсади сўзлашнинг артикуляцион кинестетик базасини тиклаш, аграфияни бартараф этиш, кенг қўламдаги оғзаки ва ёзма баён қилишнинг кўникмаларини вужудга келтиришдир. Коррекцион-педагогик машғулотларнинг асосий вазифаси - кинестетик гнозис ва праксисни бартараф этишдир.

Логопедик ишнинг аниқ вазифалари ва усулларини логопед нутқ бузилишининг оғирлик даражасига қараб аниқлайди.

Яққол кўзга ташланадиган афферент мотор афазиянинг бартараф этишнинг бошланғич даврида коррекцион педагогик ишлар қуйидаги режа бўйича олиб борилди:

1. Нутқнинг талаффуз томонини тиклаш;
2. Нутқнинг тушунишдаги бузилишини бартараф этиш;
3. Ўқиш ва ёзувнинг аналитик элементини тиклаш.

Касалликнинг ўрта оғир даражасида коррекцион педагогик иш артикуляцион малакаларини мустаҳкамлаш, литерал парафазияни бартараф этиш, экспрессив нутқни ривожлантириш, мураккаб бўғинли сўзларнинг талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш, экспрессив ва импрессив аграмматизм ҳамда сўзларни ёзишдаги параграфияларни бартараф этиш.

Касалликнинг енгил даражасида коррекцион-педагогик иш мураккаб бўғинли сўзлар талаффузида артикулятор қийинчиликларини, аграмматизм элементларини бартараф этиш ва касалларни ўқиш ёки иш жойларига қайтаришга тайёрлаш.

Афазиянинг бу шаклида коррекцион-педагогик иш усулларини танлаш нутқ орқали мулоқотнинг кодлайдиган парадигматик бўлимининг бузилиш даражасига боғлиқ. Бу даражани нейрopsихологик текшириш орқали аниқланади. Масалан, импрессив аграмматизмнинг чуқур кўринишида намоён бўлиши бош миё қуйи қисмида каттагина жароҳатлар борлигидан далолат беради ва натижада логопед ўз ишида бош миё қуйи қисмининг вазифаларига суяна олмайди. Агар логопед ўз ишининг бузилган артикулятор қийинчиликларини тиклашда сўз пайдо қилиш орқали эмас, балки кўриш ва эшитиш назорати орқали бошласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Касалларда тикланишнинг резидуаль-даврида ўқиш ва ёзиш бузилишлари кузатилади. Шунинг учун беморларга товушларни эшитишга ўргатиш, маълум товушларни сўз бошида, ўртасида ва охирида аниқлаш, эшитиш асосида ҳарфлар ёки сўзларни ёздориш аҳамият касб этади. Бундай ишларни олиб борилмаслик беморларда ўқиш ва ёзишнинг тикланишини кечиктиради.

Логопед беморлар билан ишлаш жараёнида уларда аниқ нутқ эмболи «на-на-на», «ти-ти», «ана», «мана» мавжуд бўлгандагина кўриш ва эшитиш имитация усулларида фойдаланади. Бу усуллар кўпинча ҳикилдоқ ва овоз бойламларини апраксияси, ҳамда артикуляцион аппаратнинг тотал апраксиясида қўлланилади. Ушбу усулларни қўллаш жараёнида ойна, зондлар ва бошқа логопедик асбоблардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Чунки булар беморнинг эркин ҳарорат даражасини ошириб, уларнинг артикуляцион қийинчиликларни чуқурлаштиради. Артикуляцион апраксия кўп ҳолларда ораль (нутқсиз) апраксия билан кузатилади, бунда беморлар пуфлай, туфлай олмайдилар, лозим бўлганда тилини чиқариб кўрсата олмайди, лунжларини шишира олмайдилар. Бундай ҳолларда у ёки бу товушлар устида ишлашдан аввал беморларга тил, лаб, лунж, юмшоқ танглай ҳаракатини оширувчи ҳаракатларни бажариш таклиф этилади.

Беморлар у, о, и каби унли товушларни талаффуз қилишга ҳаракат қилганларида, ёки ундош товушларни талаффуз қилишда овозсиз нафас чиқарадилар, ёки тил, лаб билан ноаниқ бўлган товушлар чиқарадилар. Логопед беморларни маъносиз артикуляциялардан озод қилиб ўйноқи ва имитацион машқларга жалб қилиш мақсадида улардан тиш оғригандагидек инграшни, гуёки совуқ қотган қўлларга пуфлашни ва шу каби ўйин тарзидаги машқларни бажаришни таклиф этади. Булар ўз ўрнида беморларга қандайдир маънога эга бўлган орал ва артикуляцион ҳаракатларни бажаришга ундайди.

Артикуляцион органларда апраксия турли даражада бўлиши мумкин. Шунинг учун беморларда товушларни ҳосил қилиш осон талаффуз этиладиган лаб ёки тил олди товушларидан иш бошлаш тавсия этилади. Чунки ишнинг бошланғич даврида литерал парафазия кучли бўлади. Машғулот бир-бирига контраст бўлган а ва у унли товушларни нутққа

қўйишдан бошланади. Сўнг *м* ва *в* товушлари устида иш олиб борилади. Жарангли товушлар жарангсиз товушларга қараганда сустроқ ҳосил бўлади. *М* ва *в* товушлар бу ҳолатларни юмшатишга ёрдам беради.

Соф афферент мотор афазия жуда кам учрайди. Бундай беморларда бир товушдан иккинчи товушга ўтишда қийинчиликлар бўлади. Дастлабки 2-3 машғулотда *а*, *у*, *м* товушларидан ташкил топган бўғин ва сўзларни қайта-қайта ўқиш лозим. *Ам-ам*, *ау-уа*, *ау*, *уа*, *ам*, *ум* бўғинларини «амма» сўзларини қайта-қайта ўқиш бир товушдан иккинчисига ўтиш имкониятларини кучайтиради. Логопед биринчи машғулотдаёқ бундай машқлар кейинги ишларга ёрдам беришини беморларга тушунтириши лозим.

«*В*» тошуши билан бир вақтнинг ўзида «*О*» товуши ҳосил қилинади. Бу товушлар «*А*» ва «*У*» товушларига қарама-қарши қўйилиб, кўпинча «*у*» товуши билан аралшиб кетади. Ушбу товушларни дифференциацияси нафақат шу товушларни эшитиб идрок этиш билан чегараланмасдан балки кўрув орқали ҳам идрок этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Товушлар сўзлар орқали мустаҳкамланади.

4,5-машғулотларда жарангсиз тил олди ундош «*т*» товуш ҳосил қилинади. Товуш «*та-та*», «*тут*», «*ти-ти*», бўғин ва сўзлар орқали мустаҳкамланади. Сўзлардан дастлаб содда, оддий гаплар тузилади. Бемор сўзларни талаффуз қилишда қийналадилар. Бу вақтда сўзларни бўғинлаб талаффуз этиш тавсия этилади.

Кейинги товуш «*т*» товушга контраст бўлган «*с*» товуши устида ишлаш. «*С*» товуши нутққа қўйилгандан сўнг «*сут*», «*сув*», *су*ст» каби сўзлар устида ишланади. Бу сўзларни талаффуз қилишда бемор артикуляцион қийинчиликларни енгиши лозим.

Кейинги машғулотларда бемор нутқига янги товушлар билан биргаликда шу товушлар иштирок этган сўзлар ва сўзлар ёрдамида тузилган гаплар киритилади. Машғулотларда имкони борича ёпиқ бўғинлар, ёпиқ бўғинли сўзларни талаффузига эътибор бермоқ лозим.

Н,к,й,п,л,е,ш,д товушларини нутққа қўйиш билан қуйидаги сўзларни талаффузи устида ишлашни ташкил этиш лозим. Бу сўзлар: *сон*, *сут*, *су*ст, *нон*, *кўк*, *кўл*, *йўл*, *йилт*, *пок*, *кўп*, *лента*, *лахм*, *тош*, *мош*, *қош*, *дарз*, *дарахт*, *стол*, *стул*, *сомон*, *машина*...

Бемор юқорида келтирилган сўзлар ёрдамида жумлалар тузишлари ва ҳар бир сўзни аниқ тўғри талаффуз қилишлари лозим. Сўзларни талаффуз қилишда қийналсалар, сўзларни бўғинлаб талаффуз қилишлари мумкин.

Баъзи ҳолларда логопед «*К*» товушини ҳосил қилишда қийинчиликларга учрайди. Бу қийинчиликлар айниқса шу товуш билан бошланадиган сўзларда яққол сезилади. Бу қийинчиликнинг асосий сабаби шундаки, «*К*» товушини ҳосил қилишда бу товушдан олдин «*И*» товуши келадиган бўғинларни ҳосил қилмоқ лозим. Чунки бу товушлар талаффузида ҳикилдоқ тепага кўтарилади ва «*И*» дан «*К*» га ўтаётганда тил орқа қисмининг танглайга нисбатан интилиши осонлашади.

Беморлар кўпинча «*К*» товушини «*Т*» товуши билан алмаштирадилар. Беморни бу ноқулайликдан озод қилиш учун унга «*К*» товуши ҳосил

килинаётганда тилнинг илдизи юқори танглайга ёпишишини ҳис этишлари лозим.

А, У, М, Т, И, В, С, Э, Н, К, П, Л, Е, Ш товушларни ўзлаштириш жараёнида артикуляцион аппаратнинг апраксияси енгилади.

Логопед товушларни ҳосил қилишда бошқа тартибга риоя қилса ҳам бўлади, аммо қуйидаги икки шартнинг бажарилиши лозимлигини унутмаслик керак:

1. Бир вақтнинг ўзида бир артикуляцион гуруҳга мансуб товушларни ҳосил қилиш мумкин эмас.

2. Товушлар сўзларга киритилаётганда ва сўзлардан гаплар ҳосил қилинаётганда, бош келишиқдаги отлардан қочмоқ лозим ва бу сўзлар беморларнинг атрофдаги кишилар билан мулоқотда бўлишида фойдаланадиган келишиқларда талаффуз қилиниши лозим.

Кўриш ва эшитиш имитацияси услубини тадбиқ қилиш кўп ҳолларда узоққа чўзилмайди. Артикуляцион аппарат апраксияси енгилиб бориши билан кундалиқ ҳаётга оид сўз ва гапларни талаффуз қилишга ўргатилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, товуш талаффузини тиклаш жараёни зудлик билан олиб борилса, дудуқланишга ўхшаган нутқ бузилиши ривожланиши мумкин. Бундай беморлар билан ишлаганда бошланғич машғулотларданок сўз ва бўғин оҳангдорлигини уларга ҳис эттириш ҳамда нутқ билан ҳамоҳанг нафас олиш машқларини ўтказмоқ лозим.

Баъзи ҳолларда лаб апраксияси чуқур сезилган беморларда нисбатан ўқиш ва ёзиш қобилияти сақланиб қолган бўлади. Бундай беморларда товуш ҳосил қилинганда уларга аввал ичида ўқитилиб, сўнгра шивирлаб ва ниҳоят овоз чиқариб ўқитиш лозим. Чунки овоз ҳосил қилиш жараёнида иложи борица беморларнинг барча имкониятларини ишга солмоқ лозим. Бу ҳолларда нутқни тиклаш сонор ва сирғалувчи товушлардан ташкил топган сўзларни талаффуз қилиш ҳисобига амалга оширилади. Бемор томонидан овозсиз, шивирлаб талаффуз қилинган тил олди ва тил орқа товушлардан ташкил топган сўз ва гапларни талаффуз қилиш уни лаб товушларни талаффуз қилишга тайёрлаб боради.

Амалда бунга қуйидагича эришилади. Логопед ўқиш ва ёзиш хусусияти сақланиб қолган беморга баланд овоз билан ўқишдан ташқари ичида ўқиш ва шивирлаб ўқиш ҳам мумкинлигини уқтиради. Аксарият одамлар бунини яхши биладилар, чунки ҳар қандай одам талаффузи мушкул бўлган сўзларни ўқиганда ёки ёзганда уни ичида қайтаради. Беморга тил олди ва тил орқа ундош товушлардан ташкил топган сўзларни қайта-қайта такрорлаш таклиф қилинади. Бемор бу сўзларни кўчиради, ичида ўқийди ва қайталаб талаффуз қилади. Логопед шу вақтда артикуляцион аппарат фаолияти ошишини кузатиб туради, агар бу фаолият зўрайиши кузатилмаса, «қаттиқроқ», «баландроқ», «кўркмасдан» кабилар билан уни рағбатлантириб туради. Бир вақтнинг ўзида логопед бемор билан бирга шивирлаб сўзларни қайтариб туради.

Нуктанинг чизиқли синтагматик тарафдан сақланиши муносабати билан артикуляцион қийинчиликлар асосан эркин қайтаришда, айтиш ва овоз

чиқариб ўқишда кузатилиши мумкин. Бош мия қуйи қисми остининг бўлаклари кенг жароҳатланганда кинестетик алексия юзага келади ва натижада ичида ўқиш ва кўчириб ёзиш хусусиятлари бирмунча бузилади. Бундай ҳолларда логопедга характери жиҳатдан кўриш ва эшитиш имитацияси усулига ўхшаш ўзга бир усулни қўллашга тўғри келади. Ҳарфларнинг устига шу товушларнинг артикуляциясини белгилайдиган ишоралар, масалан, аъзоларнинг портловчи -«х», сирғалиш-«қ», вибрация-«~», бемор ҳарфлар устига белгиларга таяниб товушларни эшитиш, уларни сўз таркибидан ажратиб олиш ва ўқишга ўрганади. Афазиянинг бу шаклида товушларни ўзлаштириш тартиби оддий афферент афазиясиникидан бирмунча фарқ қилади. Аввал портловчи ундош товушлар эгалланади. Логопед беморга товушлар пайдо бўлишига қараб турли давомийликка эга эканлигини тушунтиради. Масалан, М, П-портловчи; С-сирғалувчи; аффрикатлар эса мураккаб товушлардир.

Агар бемор сўзни талаффуз қилаётганда адашса, логопед ундан баланд товушда талаффуз қилишни талаб қилмаслиги керак. Беморни сўз шивирлаб талаффуз қилганда ҳам тўғри айтилганига ишонтирмоқ лозим. Бу беморнинг машғулотдан диққинафас бўлишини бартараф этиб, машғулотдан машғулотга тобора қизиқтириб сўзларни эркин кўркмасдан ва тўғри талаффуз қилишни таъминлайди. Беморга айниқса бўғинларга бўлинган сўзларни ўқиш ва логопед томонидан ўқилган сўзларни тинглаш катта ёрдам беради.

Афферент мотор афазия енгил даражада намоён бўлганда дефектларни енгил учун расмларга қараб баён ёзиш, бадий асарларнинг сюжетини оғзаки ва ёзма баён қилиш, шеър ўқиш, қарама-қарши товушли бўғинларни ўқиш, кетма-кет келган ундош товушли сўзларни ўқиш, беморнинг касбий луғатидаги сўзларни ўқиш кабиларда фойдаланилади.

Одатда афферент мотор афазияда беморларда экспрессив нутқни программалаштирувчи олд нутқ бўлимларининг сақланиши натижасида мавжуд деб ҳисобланади, лекин нутқнинг артикуляр томони бурилиши кенг баён қилиш имкониятини чеклаб қўйгандек бўлади. Ҳатто «тоза», ўрта даражадаги афферент мотор афазия ҳолларида ҳам сўзларни танлаш, фазовий абстракция билан боғлиқ бўлган келишиклардан фойдаланиш қийинчиликлари тез-тез учраб туради.

Логопед диалог нутқини тиклагандан сўнг монолог нутқни тиклашга ўтади. Бундан асосий мақсад беморда кенг оғзаки ва ёзма баён қилишни ривожлантиришдир. Аферент мотор афазияли беморлар расмга қараб гап тузишни нисбатан тезроқ ўрганиб оладилар. Логопед сўз таркибини товуш-харф анализи ўрнатилгач, беморни расмга қараб оғзаки гап тузишдан ёзмасига ўтади. Артикуляцион аппарат апракцияси кўпол кўринишда бўлганда оғзаки нутқ ёзма нутққа оқсоқланади. Бундай ҳолларда ёзма нутқ оғзаки нутқнинг тикланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Оғзаки ва ёзма нутқда сифатдошлардан, феъллардан, келишиклардан фойдаланишда қийналиш каби параграмматизмлар учрайди. Бунинг олдини олиш учун беморда ҳам нутқ пайдо бўлмаган вақтдаёқ унга феълларнинг,

ўриндошларнинг, сифатдошларнинг маъноси ва улардан қандай қилиб фойдаланиш тушунтирилади.

Афферент мотор афазияси билан хасталанган одатда фантазияни, юмор хиссиётини сақлаб қолган бўладилар ва булар ёзишда ва сўнгра оғзаки баён қилишда яққол сезилиб туради.

Ўқиш ва ёзишни тиклаш

Коррекцион-педагогик ишнинг резедуал даражасида нутқни ва ёзишни тиклаш биринчи машғулотдаёқ артикуляр қийинчиликларни енгитдан бошланади. Ҳар бир товуш, сўз ва гап бемор томонидан аввал логопед ёрдамида ва у билан бирга, кейин эса мустақил ўқилади. Ўқиш ва ёзишни тиклашда диктант орқали сўзлар, сўз бирикмалари ва кичик гапларни ёзишга жуда катта эътибор берилади.

Афферент мотор афазиясининг қўпол шаклида сўзларнинг товуш-харф анализини тиклашда қирқма харфлардан фойдаланилади, сўзларда тушиб қолган харфларнинг ўрнини бемор тўлатади.

Тиклашнинг бош босқичларида ва ундан кейинроқ беморга диктантлар ёздирилади. Бу диктантлар бемор аввалдан ўқиб ўзлаштириб олган сўзлардан ташкил топади, чунки артикуляр бузилишлари яққол бўлган беморлар нутқни эслаб қолиш хотирасида кўп таркибли бўғинларни, сўзларни эслаб қолиши қийин.

Тушунишни тиклаш

Афферент мотор афазиясида тушуниш бузилишларини енгит нутқ бузилишлари, ўқиш ва ёзиш бузилишларининг даражасига боғлиқ. Экспрессив нутқнинг қўпол бузилишларида асосий диққат иккиламчи бузилган фонематик эшитишнинг тикланишига, фазовий ориентациянинг тикланишига, кўмакдош, сифатдош, шахсий ўриндошларнинг келишикларининг аҳамиятини аниқлашга, элементар антоним ва синонимларни англашга қаратилади. Иккиламчи бузилган фонематик эшитишни тиклаш бемор диққатини артикуляция усули бўйича бир-бирига яқин товушларга жалб қилиш, бу товушлардан бошланадиган сўзларни эшитиш орқали амалга оширилади.

Кейинги босқичларда ўқиш ва ёзиш тиклана бориши билан синоним, омонимлар ташлаб кетилган гаплардаги сўзларни ўрнига қўйишдан фойдаланилади.

Бундан кейинги босқичларда ўқиш ва ёзишга асосланиб импрессив аграматизм бартараф этилади. Бемор ўзидан чап ва ўнгда, тепада ва пастда жойлашган предметларга нисбатан ўша предметнинг жойлашишини ифодалаб беради. Аввал бир фазовий гуруҳ (масалан, горизонтал), кейин бошқа фазовий гуруҳ (масалан, вертикал)га тегишли расмлар изоҳлаб берилади. Логопед дафтарда уч ёки тўртта предметнинг расмини чизиб, марказий предметга нисбатан бошқа предметлар қандай жойлашганини

изоҳлаб боришни таклиф қилади. бемор уларнинг жойлашишига қараб гап тузади. Шахсий ўриндошларни англашнинг бузилиши гуруҳ машғулотларида бартараф қилинади.

Ҳикоя қилиш қобилиятини тиклаш

Олд нутқ бўлимлари сақланганлиги учун афферент мотор афазияли беморларнинг экспрессив нутқи қисман сақланган бўлади. Шунга қарамай нутқнинг артикуляцион томони қўпол бузилганлиги учун ёйиқ талаффузи чегараланган бўлади. Афферент мотор афазияда акустико-гностик сенсор афазия каби ёйиқ талаффузнинг қийинчиликлари сўзнинг бўғин ва товуш таркиби ҳақидаги тасаввурларнинг ноаниқлиги билан боғлиқдир. Шу муносабат билан сўз таркибининг товуш-ҳарф томонини тиклаш ва артикуляцион қийинчиликларни бартараф этиш билан бирга беморда предметлар, ҳаракат ва хусусиятларни номлаш имконияти ҳам шакллантирилади. Бунда беморларнинг луғат, айниқса сюжетли расмлар асосида жумлалар тузиш орқали кенгайиб боради. Лекин вазиятли нутқ грамматик ва лексик таркиби томонидан камбағал бўлади.

Беморлар касалликнинг резидуал даврида атрофдагилар уларни мимика ва имо-ишоралари, ички нутқида сақланган, алоҳида қийинчилик билан талаффуз этадиган сўзлари (муомалада беморлар уларни қўллашмайди) орқали тушунишаётганлигига «кўникиб» қоладилар.

Ситуатив-сўзлашув нутқини тиклаш коррекцион-педагогик ишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Товушлар талаффузини тиклаш ва уларни алоқага керак бўладиган сўзларга киритиш асосий ишлардан бири ҳисоланади. Кўпинча беморлар 12-16 та ҳосил бўлган товушлар ёрдамида қайта такрорлаш орқали алоқа учун керак сўзларни, ноаниқ бўлса-да, талаффуз этишга ўрганадилар-ҲОЗИР, ЯХШИ, ЭРТАГА, КЕЧА, ҚАЧОН, НИМАГА, ҚОҲЛАЙМАН ва ҳоказо.

Диалогик нутқдан ташқари логопед монологик нутқни ҳам шакллантиради. Унинг асосий мақсади-ёйиқ оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш. Бемор жумлаларни тузишни серияли, сюжетли расмлар асосида ўрганади.

Сўз таркибининг товуш-ҳарф анализини шакллантириш билан бирга логопед жумлаларни ёзма тузишга ҳам ўргатади.

Артикуляцион аппаратнинг қўпол апраксиясида оғзаки нутқ ёзма нутқдан орқада қолиши мумкин. Бундай ҳолларда ёзма нутқ оғзаки нутққа асос бўлиши мумкин.

Эфферент мотор афазияни бартараф этишда коррекцион педагогик иш

Мотор эфферент афазияда коррекцион педагогик ишнинг асосий вазифалари бу сўзнинг товуш ва бўғин тузилишидаги бузилишларни енгиш, тилнинг сезгирлигини тиклаш, сўзларни тўғри танлашга ўргатиш, аграмматизм, алексия, аграфияни тузатиш ҳамда оғзаки ва ёзма баён этиш тизимини тиклаш.

«Олдинги» мотор эфферент ва динамик афазияларда коррекцион-педагогик иш сақланган парадигматик тизимга ҳамда логопед томонидан ташқаридан киритилган нутқий баён этиш дастури ва тузумларига таянилади.

Бу дастур ва тузумлар сўзнинг бўғин тузилишини режалаштиришдан бошлаб, жумла ва матнларни режалаштиришни, тузишни тиклаш билан тугатилади.

Айнан ташқаридан киритилган воситаларгина мотор эфферент афазик беморларга бир бўғин ёки сўздан бошқаларига ўтишда, персеверация, эхолалияни енгишда, сўз, жумлаларга кирувчи бўғинларни танлашдаги қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Нутқнинг талаффуз томонини тузатиш сўзнинг ритмик-бўғинли тизимини, унинг кинетик оҳангдорлигини тиклашдан бошланади.

Жуда кўпол мотор эфферент афазия билан ўқиш ва ёзишнинг тотал бузилишларида иш товушларни бўғинларга қўшишдан бошланади. Бунда бемор нафақат логопед кетидан бўғинларни бир неча марта таклид қилиб такрорлайди, балки бир йўла уларни қирқма алифбедаги ҳарфларни қўйиб чиқади. Сўнг ўзлаштирилган асосий бўғинлардан содда гаплар тузади. Масалан: *лола, китоб, бола, қалам* ва ҳоказолар. Сўзнинг турли схемалари тузилади, сўзнинг бўғин структураси вазнли тарзда танланади.

Кейин маълум вазнли (ритмик) структура бўйича сўзларни автоматлаштириш ишлари бошланади. Бунинг учун беморга устун шаклида ёзилган бир хил бўғинлардан тузилган сўзларни ўқиш тавсия этилади. Аста-секин сўзнинг бўғин структураси мураккаблашиб боради. Аввал бемор логопед ёрдамида, сўнг мустақил бўғинларга ажратилган сўзларни ўқийди. Сўзда бўғин ва товушлар қаторини ажратиш мақсадида сўз таркиби кўргазмали тасвирланади (масалан, кўк чизик билан бутун сўз, қизил билан-бўғинлар ҳамда яшил билан-ҳарфлар белгиланади). Аввал бемор бу схемани логопед ёрдамида, сўнг мустақил амалга оширади.

Сўзнинг товуш ва бўғин тузилишини тиклаш билан бирга жумлаларни нутқни тиклаш ишлари ҳам бошланади. Жумлаларни нутқни тузатиш тилнинг сезгирлигини тиклаш, шеър, мақол, маталлардаги қофияни илғаб олишдан бошланади.

Айниқса, мақол ва маталларнинг феълли қофиялари жуда фойдалидир: *«Нима эксанг, шуни ўрасан», «Хурмат қилсанг, хурмат кўрасан»* ва ҳоказо. Ташқи нутқни тиклашда асосий аҳамият артикуляцион ҳаракатчанликни оширишга қаратилади. Ҳаракат кўникмаларини шакллантириш жараёнида алоҳида импульслар синтезланади, бир бутунликка йиғилади ва «кинетик тузумни» ёки «кинетик оҳангни» ташкил этади. Шунинг учун беморга бир бутун динамик нутқий боғланишларни олиш учун биргина сўзни айтиш кифоядир. Масалан, матал ва мақоллардаги бир-бири автоматик равишда алмаштирадиган сўзни олиш мумкин. Айнан мана шундай динамик боғланишларни ишлаб чиқиш ҳаракат кўникмаларини шаклланишига ёрдам беради. Бу эса бир қатор машқларни автоматлаштириш натижасида юзага келади.

Бемор билан ишлаганда бир қанча сюжетли ва предметли расмлар кўрсатилади, ҳамда улар билан ўйинлар ўтказилади. Масалан, расмда тасвирланган *«Бола мактабга кетяпти»* жумласига логопед олдин *«мактабга»* сўзига диққатни жалб этади, сўнг йўналтирувчи саволлар ёрдамида *«кетяпти»* сўзига ўтади. Ҳазил саволлар ёрдамида логопед

беморни саволни эшитишга ва унга эмоционал жавоб беришга ўргатади. Масалан, логопед сўрайди: *Бола мактабга учиб кетяптими? Балки бола мактабга машинада кетаётгандир? Яхшилаб қарангчи, балки бу боламас, кампирдир?... Бу саволларга беморлар эмоционал тарзда жавоб берадилар:* «Йўқ, бу кампир эмас, бола-ку», «у машинада эмас», «у учмаяпти, юряпти». Логопед предметли расмлар кўрсатиб, беморга яна ҳазил тарзида саволлар беради, ўйин ўтказди. Бунда саволлар предметнинг нима учун кераклиги, у билан нима қилиш мумкинлиги, масалан ейиш (бунинг учун ювиш, қайнатиш кераклиги ва ҳоказо), шу предметнинг хусусиятлари ҳақида берилади.

Эфферент мотор афазияда феълларни тўғри танлашга ўргатиш учун фақатгина иборалардан фойдаланиш ёрдам бермайди. Самарали натижага эришиш учун логопед аниқ ифодали пантомимолардан фойдаланиши лозим. Масалан, содда сюжетли расм асосида логопед беморга жумла тузишга ёрдам беради: «*Мана бу аёл бир бўлак газлама олиб, қизига кўйлак...*» (логопед аниқ тикиш пайтидаги қўлнинг ҳаракатини кўрсатиб беради). «*У қайчини олиб, газламани...*» (логопед яна газламани қирқиш пайтидаги қўлнинг ҳаракатини кўрсатиб беради). Ҳаракатни бундай жонли кўрсатиб бериш усули беморга керакли феълларни топишларини осонлаштиради.

Кейин логопед бир кўринишдаги жумлани турли сўзлар билан тугатиш вазифасини беради. Масалан: *мен нонуштага* (мураббо, нон, қаймоқ ва ҳоказо) *едим*. Мен...(шифокорни, яқин дўстимни, кенжа қизимни) *кутяпман*. Бериладиган вазифалар расмга таянган ҳолда ўтказилади (бемор жумла тузаяпти: «*Бола ўқияпти, чизаяпти, ёзяпти, сузаяпти, югурияпти*» ва ҳоказо). Олдин логопед ўзи расмларга жумла тузади, кейин гапларнинг турли схемаларига таянган ҳолда тегишли саволлар орқали талаффуз этишга кизиқтиради. Схемалар бир қанча бўлиши мумкин. Ҳар бир гап бўлагига савол берилади: *ким? нима қиляпти? нима билан? қаерда?*-схема бўйича: «эга+кесим+тўлдирувчи» ва ҳоказо. Кейинчалик бу ёйиқ схема қисқартирилади. Яъни ёзиб чиқилган бўлаклар бўш тўртбурчак ёки шакллар билан алмаштирилади.

Беморларга бундай синтактик схемани бериш уларни жумлани қисмларга бўлишга ва сўзлардан мазмунли, грамматик бутунликни ҳосил қилишга ўргатади. Гапда феълни аниқлаш мақсадида схемада у рангли қалам билан белгиланади. Аста-секин ташқарида берилаётган таянчлар қисқартирилади, беморнинг фаоллиги оширилади: сўзлардаги бўғинларни ажратиб турувчи ёрдамчи чизиқлар схемалар билан алмаштирилади. Феъллардан иборат бўлган луғатни бойитиш учун бир қанча феълга битта эга ёки бир қанча отга битта феъл топиш керак бўлади. Шу билан бирга логопед бемордан битта буюм билан нималар қилса бўлади ёки бир буюмнинг бошқа буюм ёки ҳаракатлар билан боғлиқлигини сўрайди. Масалан: пичоқни тозалайдилар, ўткирлайдилар, пичоқ билан кесадилар ва ҳоказо.

Логопед томонидан режалаштирилган биринчи оғзаки матнлар кун тартиби ҳақида баён қилишдан иборат бўлади: «*Мен турдим, ювиндим, тишларимни ювдим...*» ва ҳоказо. Бу ҳикоялар кун давомида ўзгаришларга қараб тўлдирилади. Аввал бемор ўзи ҳақида ўтган замонда гапирди. Кейин

келаси замоннинг турли шакллари ўзлаштирган ҳолда келажакка режа тузади: «*Мен ўқийман*», «*Мен гапираман*», «*Мен яхши гапираман*» ва ҳоказо. Машғулотлар давомида ўзлаштириладиган сўзлар беморни атрофдагилар билан мулоқотга киришишга имкон бериши керак.

Ўқиш ва ёзувни тиклаш

Кўпол эфферент мотор афазияда ўқиш ва ёзув ҳам бутунлай бузилган бўлиши мумкин. Шунинг учун беморга алоҳида (индивидуал) расмли алифбе ишлаб чиқилади. Бунда ҳар бир ҳарфга керакли расм ёки беморга таниш сўз танланади, масалан: *а-«айиқ»*, *б-«буви»*,

в-«Васила» ва ҳоказо. Таниш сўзлардан фойдаланган ҳолда бемор алифбедан бўғин ва сўз тузиш учун керакли ҳарфни топади. Қирқма алифбе ёрдамида бўғинларни ёнма-ён қўйиб сўзлар яшаш мумкин. Аввал сўзлар бир бўғинли, кейин икки, уч ва ҳоказо бўғинли бўлади.

Кўп беморларда ўнг томонлама гемипарез кузатилади. Шунинг учун уларни аввал чап қўл билан ёзма ҳарфларни, кейин сўз ва жумлаларни ёзишга ўргатилади.

Кейинчалик кўпол эфферент мотор афазик беморларга расмлар тагида берилган содда сўзларда туширилган унли ва ундош ҳарфларни тўлдириш вазифаси берилади. Ўйналтирувчи саволлар, бўғинлар таҳлили ёрдамида сўз таркибидаги товуш-ҳарфлар таҳлил қилинади. Бемор қирқма алифбедан сўз ясайди ва уни дафтарига кўчиради.

Товуш-ҳарфли таҳлилни ўзлаштиргандан кейин логопед енгил жумлалардан иборат бўлган эшитиш диктантини беради. Бунда бемор ҳар бир сўзни товушлар бўйича ўзи айтиб чиқиши, қийин сўзларни эса қирқма алифбедан териб чиқиши лозим.

Охирги босқичларда беморларга содда кроссвордларни ечишни, битта узун сўздан бир нечта қисқа сўзлар тузишни, енгиллаштирилган нутқий ўйинлар ўйнашни таклиф этиш мумкин.

Кўпол бузилган эфферент мотор афазияда ўқитишни тиклаш беморларга сўз ва жумлаларни глобал ўқитишдан бошланади. Бунда ўқилган сўзлар тегишли предмет ёки сюжетли расмлар тагига қўйилади, ёки мазмун жиҳатидан ўзаро боғлиқ сўз танланади. Масалан, бемор бирор давлат номини ўқийди ва унинг пойтахтини топади (Тошкент-Ўзбекистон, Париж-Франция, Лондон-Англия ва ҳоказо).

Ўқитишни тиклаш сўзнинг товуш-ҳарфли таркибини анализини тиклаш билан биргаликда ҳатто бир оз олдироққа олиб борилади. Аввал бемор содда матнлардаги сўзларни бўғинлаб ўқийди, кейинчалик улар мураккаблаштирилади.

Тушунишни тиклаш

Кўпол эфферент мотор афазияда нутқни тушунишни тиклаш эшитув гидрокини тарбиялаш, берилган саволдан асосий мантиқли сўзни ажратишга ўргатишдан бошланади. Масалан, «*уй*» расмини кўрсатиб, бемордан «*Бу столми?*», «*Бу қаламми?*» деб сўралади. Айнан шундай саволлар нутқсиз

беморларда нуткий диққатни «уйғотиш» мумкин. Ҳатто биринчи сўзларига ҳам сабаб бўлади: «*Бўмаган гап!*», «*Кўйсангизчи*».

Эшитиш идрокини тиклаш мақсадида логопед беморга расмлар кўрсатади ва сўрайди: *Қошиқ қаерда чизилган? Қошиқни кўрсатинг ёки: Бизга овқат ейдиган нарсани кўрсатинг.* Бу вазифалар беморнинг тил сезгирлигини тикланишига сабаб бўлади. Кейинроқ у ёки бу буюмни бошқа бир предметнинг устига, тагига, ёнига қўйиш вазифаси берилади. Бунда мантикий урғу предмет ёки кўмакчига тушиши керак. Интонация ёки мантикий урғу ёрдамида логопед бошқа турдаги вазифаларга ўтади: қошиқни қўйинг, қошиқни солинг, қошиқни орқасига ўгириб қўйинг ва ҳоказо.

«Нутқ сезгирлигини» тиклашда беморларга грамматик жиҳатдан тўғри ва нотўғри жумлаларни эшитишга бериш муҳим аҳамиятга эга. Олдиндан логопед беморга қайси конструкциялар грамматик қонун-қоидаларга мувофиқлигини ва қайсилари тўғри келмаслигини, нотўғрилигини тушунтиради. Сўнг бир жумла берилади ва шу жумла ёрдамида бемор қолган гапларни тўғри ёки нотўғрилигини аниқлайди. Масалан, «*копток стул тагида*» ва «*копток стулга тагида*», «*копток стулда тагида*». Бу турдаги машқлар беморнинг импрессив аграмматизм бузилишларини тиклашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, логопед эфферент мотор афазияда илк болалик давридан босқичма-босқич ривожланиши лозим бўлган бош мия пўстлоқ функциясини тиклаб боради. Бунда бўғинлардан сўзларни ташкил этиш, «нутқ сезгирлиги», гаплардаги элементар сўзларни боғлаш устида ишланади. Эфферент мотор афазияда бузилган барча функциялар тикланганидан сўнг логопед ташқаридан киритган қизиқтирувчи, рағбатлантирувчи усулларни қўллайдилар. Сўзнинг биринчи товушини айтиш, иборалардан фойдаланиш, қирқма алифбе, бўғинлаб ўқиш, турли схемалар ва саволлар бериш.

Назорат саволлари:

1. Афазия нутқ бузилишига таъриф беринг.
2. Афазия шакллари айтинг ва ҳар бирига қисқача таъриф беринг.
3. Мотор афазияда логопедик ишлар қайси йўналишларни ўз ичига олади?
4. Афферент мотор афазияда олиб бориладиган коррекцион-педагогик машғулотларнинг асосий мақсадини ёритинг.
5. Афферент мотор афазияни енгил даражасида коррекцион-педагогик ишлар нималарни ўз ичига қамраб олади?
6. Афферент мотор афазияни ўрта оғир ва оғир даражасида коррекцион-педагогик иш мазмунини ёритинг.
7. Афферент мотор афазияда ўқиш ва ёзишни тиклаш ишларини баён этинг.
8. Мотор эфферент афазияда коррекцион-педагогик ишнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
9. Мотор эфферент афазияда ўқиш ва ёзишни тиклаш ишлари нималардан иборат?

10. Мотор эфферент афазияда тушунишни тиклаш ишлари нималардан иборат?

7-Мавзу: Фонетик – фонематик нутқ бузилиши (2 соат)

Режа

7.1. Болаларда фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этиш

7.2. Коррекцион ишнинг биринчи, иккинчи, учинчи даврларида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни

Таянч иборалар:

фонетик-фонематик нутқ, коррекция, компенсация, нутқий фаолият.

7.1. Болаларда фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этиш

Нутқнинг фонетик-фонематик томондан ривожланмаганлиги - бу товушларни талаффуз этиш ва идрок қилиш жараёнидаги камчиликлар натижасида болаларда она тилидаги товушларни талаффуз қилиш тизими шаклланишининг бузилишидир.

Бундай нутқ камчилигида нутқнинг идрок ва талаффуз қилиш нуқсонларига асосланган фонетик-фонематик томонининг бузилиши биринчи ўринда туради. Шу билан бирга баъзи болаларда лексика-грамматик тараққиётида яққол ифодаланмаган орқада қолиш ҳоллари ҳам кузатилиши мумкин. Бу тоифадаги болаларга хос хусусият артикуляцион ёки акустик белгиларига кўра фарқ қиладиган товушларнинг шаклланиш жараёнининг тугалланмаган бўлишидир. Бу ҳолда бола нутқида дифференциацияланмаган товушлар бўлиши товушларни алмаштириш, нутқда уларни қўлламаслик, қўплаб товушларни бузиб талаффуз қилиш, шунингдек товушларни эшитишга кўра Этарли фарқламаслик кузатилади.

Мактабгача тарбия муассасаларида нутқ камчиликларига эга бўлган болаларни тарбиялаш болалар боғчаси тарбия дастурига мувофиқ ташкил қилинади. Фонетик- фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар оммавий турдаги мактабгача тарбия муассасаларнинг мактабга тайёрлов гуруҳларига мўлжалланган билим, кўникма ва малакалар ҳажмини ўзлаштиришлари керак.

Фонетик-фонематик жиҳатдан нутқ ривожланмаган болалар гуруҳларига олиб келинган болалар 10 ой ичида умумтаълим мактабида муваффақиятли билим олиш учун зарур бўлган асосий топшириқлар, кўникма ва малакалар ҳажмини ўзлаштириб олишлари лозим.

Нутқ фаолиятининг айрим томонларини ривожлантиришга қўйиладиган талабларни аниқлаш мақсадида қуйидаги махсус ишлар амалга оширилади:

- талаффуз малакаларини шакллантириш;
- фонематик идрокни ривожлантириш;
- товуш анализ ва синтези кўникмаларини ривожлантириш.

Тузатувчи таълимнинг мақсади: болаларда умумий ва нутқ камчиликларини тузатиш ҳамда болаларнинг нутқий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган махсус логопедик метод ва усулларни қўллаш йўли билан боланинг ёшига мувофиқ луғат бойлиги ва мустақил нутқ билан бирга тўғри, аниқ, равион нутқни тарбиялаш.

Тузатилган нутқий материал устида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- болаларда сўзнинг морфологик таркибига ва сўзларнинг ўзгаришга эътиборни жалб этиш ҳамда сўзларнинг гапда боғланишини ривожлантириш;
- болаларда оддийёйиқ ва қўшма гапларни тўғри тузиш, мустақил нутқда турли конструкциядаги гапларни қўллаш кўникмаларини тарбиялаш;
- мустақил нутқни ривожлантириш:
- луғатини бойитиш:
- талаффузини тўғрилаш асосида саводга ўргатиш:
- ихтиёрий диққат ва хотирани ривожлантириш.

Қуйида биз фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этиш бўйича М. Аюпова (1992) томонидан тавсия этилган логопедик иш тизими билан танишамиз.

Фонетик- фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этиш бўйича олиб бориладиган коррекцион иш тизими шартли равишда 3 даврга бўлинади. Уларнинг ҳар бирининг мазмуни ва ҳажми жиҳатидан фарқ қилган ҳолда бир-бирига боғлиқ ҳамдир. Коррекцион логопедик ишнинг олдинги даври кейинги даврдаги иш мазмунини ўзлаштириб олишга болаларни тайёрлайди.

7.2. Коррекцион ишнинг биринчи, иккинчи, учинчи давларида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни

Коррекцион ишнинг биринчи даврида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни

Фонетик – фонематик нутқ ривожланмаганлигини бартараф этишда олиб бориладиган коррекцион ишнинг биринчи даврини тайёрлов даври деб ҳам номлаш мумкин. Бу даврда олиб бориладиган ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади: артикулятсион аппарат ҳаракатчанлигини ривожлантириш ; тўғри талаффуз қилинадиган товушларни аниқлаш; товушларни нутққа қўйиш; эшитув идрокини ривожлантириш, товушлар дифференциатсияси устида ишлаш сўз ва бўғин ичидан товушни ажратиш.

Нутқнинг товуш томони шаклланишида фақатгина артикулятор моториканинг эфферент звеносининг шаклланганлиги эмас, балки нутқий сезгилар- кинестезиялар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Н.И Жинкин қайтиш реакциясининг бўлмаслиги нутқий органлар ҳаракати машқлари учун тажриба тўпланишини тўхтади деб таъкидлаган. Қайтиш реакцияларининг (кинестезия) кучайиши нутқнинг ўзлаштиришни тезлаштиради ва Энгиллаштиради.

Ҳаракат – кинестетик алоқаларни ривожлантириш учун товуш талаффузи вақтида артикулятор органлар ҳолатини аниқловчи махсус машқлар бажартирилади. Машқларни бажариш жараёнида болаларнинг диққати доимо кинестетик сезгиларга қаратилади.

Артикулятор ҳаракатларнинг кинестетик асосини шакллантириш турли хил машқларни бажариш жараёнида амалга оширилади, лаблар ҳолатини аниқлаш, тил учи тор ва кенглигини ажратиш ва .х.к.

Артикулятор аппарат ҳаракатчанлигини шакллантириш бўйича логопедик ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Артикулятор моторикани ривожлантиришга ҳаракатлар ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилган, артикулятор аппарат органлари ҳаракатчанлигини, кучини, аниқ ҳаракатини, артикулятор органни керакли ҳолатда ушлаб тура олиш кўникмаларини ривожлантиришга оид статик машқлар.

2. Бир вақтда ва кетма – кет бажарилаётган ҳаракатлар жараёнида динамик координатсияни ривожлантирувчи машқлар

Артикулятор ҳаракатлар статикасини ривожлантириш, ҳаракатларни такрорлаш ва қайта тиклаш жараёнида амалга оширилади.

Артикулятор ҳаракатларни ривожлантириш ўйин («Ширин мураббо», футбол») шаклида олиб борилиб, моторика бузилишининг характери ва даражасини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Артикулятор моторикани ривожлантирувчи машқлар бир вақтнинг ўзида ҳаракатнинг кинетик ва кинестетик асосида таъсир қилишни эътиборга олган бўлиб, шу жумладан ҳаракатларнинг статик ва динамик координатсиясига, ҳаракатларнинг турли даражаларини шакллантириш ва мураккаблаштиришга ҳам қаратилгандир.

Артикулятор моториканинг ривожланиши товуш талаффузидаги камчиликларни коррекциялаш учун аҳамиятлидир. Бу ишнинг асосий вазифаси артикулятор органлар сезгисини ва ҳаракатчанлигини яхшилаш; тил ва лабларнинг ихтиёрий ҳаракатларини мукамаллаштиришдан иборат.

Моторикани ривожлантириш артикулятор гимнастика кўринишда ўтказилади. Унинг мақсади артикулятор ҳаракатларнинг ҳар бир элементини қайта ишлашдан иборат бўлади.

Нутқ аппарат моторикасини ривожлантириш ва тўғри артикуляторияни тарбиялаш ишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- статик ва динамик машқлар;
- артикулятор аппарат ҳаракатчанлик кучини, ҳаракатлар аниқлигини ривожлантириш;
- нутқ аппарат мускулларидаги тарангликни йўқотиш.
- ҳаракатларнинг нормал темпини тарбиялаш.

Биринчи даврнинг асосий вазифалардан яна бири товушларни нутққа қўйиш, болаларда бузилган артикулятор тузумларни коррекциялашдир.

Товушларни нутққа қўйиш индивидуал машғулот давомида, ҳар бир болага 10 – 15 минут ажратилган ҳолда олиб борилади. Ҳар бир аниқ ҳолатда товушларни нутқга қўйиш усуллари танланади. Уларни танлашда бола

шахсига, талаффуздаги камчилик хусусиятларига, нутқ хусусиятларига эътибор берилиши лозим.

Товушни нутққа қўйиш бўйича олиб бориладиган ишни режалаштирилар экан, логопедик ишни ва товушни нутққа қўйиш қоидаларини кетма-кетлигини ҳисобга олиш зарур. Асосий диққат эътибор товуш артикулятсиясини онгли равишда мустаҳкамлашга қаратилиб, болалар тил, лаблар, тишлар қай ҳолатда турганлигини кўрсатиб ва айтиб бера олишлари керак. Болалар диққати кўпроқ товушлар артикулятсиясига қаратилади. Коррекциялаш усуллари артикулятсион аппарат тузилиши ва функциясини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Товушларни нутққа қўйишда таклид, механик ва аралаш усулидан фойдаланилади.

П, Б, Д, Т, В, Ф, К, Г товушларини нутққа қўйишда тушунтириш, таклид усулидан, с, з, ш, ж, ч, р товушларини нутққа қўйишда таклид ва механик усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Нутқнинг фонетик -фонематик ривожланмаганлигини коррекциялаш аналитик-синтетик машқларни мураккаблаштирувчи тизим орқали логопедияда қабул қилинган усулларни қўллаш билан олиб борилади. Бунда болаларни нутқ органлари артикулятсиясига онгли ёндошишга, ўз талаффузини назорат қилишга, нутққа қўйилган товушларнигина эмас, балки нутқдаги барча товушларни аниқ ва тўғри талаффуз этишга, товушларни ҳосил бўлиш ўрни ва жарангдорлигига кўра таснифлаб беришга ўргатиш лозим. Бундай тайёргарлик ишларидан сўнг болаларда товуш анализи операциясини шакллантиришга, яъни бўғин ва сўзларда товушларни ажрата билишга ўргатилади.

Коррекцион ишнинг II даврида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни

Коррекцион таълимнинг ИИ даврида товушларни нутққа қўйиш давом эттирилади, нутққа қўйилган товушларни нутқда мустаҳкамлаш; эшитиш гидрокини ривожлантириш; товуш анализи ва синтезини шакллантириш: а) сўзда товуш ўрнини топиш (сўз бошида, ўртасида, охирида); б) сўзларда товушлар сони ва кетма-кетлигини аниқлаш; нутқнинг лектик грамматик томонини бойитиш ва ривожлантириш бўйича логопедик иш олиб борилади.

Ушбу даврда ҳам товушларни нутққа қўйиш ишлари давом эттирилди. Товушларни нутқда мустаҳкамлашга болалар товушларни тўғри ва аниқ талаффуз қила олганларидан сўнг ўтилади.

Товушларни нутқда мустаҳкамлаш учун турли хил иш турларидан фойдаланилади: керакли товуш иштирок этган бўғинлар, бўғин бирикмалари, сўз, жумлаларни логопед кетидан қайтариш; расмлар бўйича сўзларни мустақил талаффуз этиш; берилган товушга сўз ўйлаб топиш; ўқилган матнни қайта ҳикоя қилиб бериш, керакли товушни ўз ичига олган топишмоқ, тез айтиш, мақол, кичик-кичик матн ва шеърларни айтиб бериш.

Товушлар дифференциатсияси устида иш олиб бориш ИИ даврининг асосий вазифаларидандир. Логопедик иш кўриш, эшитиш, тактил вибратор ва кинестетик назоратга таянган ҳолда олиб борилади.

Фонематик идрокни ривожлантириш болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Фонематик идрокни ривожлантириш ишлари товуш анализини шакллантириш билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Фонематик идрокни ривожлантириш ишларида қуйидаги машқлардан фойдаланилади:

- нуткий бўлмаган товушларни ажратиш;
- товушлар қаторидан маълум товушларни ажратиш (акустик ва артикулятор белгилари ўзаро яқин бўлади);
- сўз таркибидан маълум товушни ажратиш (товуш таркиби жиҳатидан яқин ва узоқ бўлган товушлар);
- берилган товушга сўз ўйлаб топиш;
- битта товуш билан фарқ қилувчи бўғинлар қаторини қайтариш;
- берилган маълум товушга расм танлаш;
- нутқта тўғри талаффуз қилинадиган сўзлардан ўзлаштирилган товушларни мустаҳкамлаш;
- сўз таркибидаги алоҳида товушларни эшита билиш.

Бу ва яна бошқа вазифалар, машғулотлар давомида мақсадга кўра такрорланади. Таълимий машғулотларни ўйин кўринишида ўтказиш тавсия этилади. Ҳар бир ўйин бошқа вазифаларни яъни: сўзлар, гаплар ва мустақил нутқта товушларни тўғри талаффузини мустаҳкамлашни кўзлаган ҳолда ўтказилади.

Ўйинлар нутқта товушларни мустаҳкамлаш ва аниқлаш, фонематик идрокни ривожлантиришга хизмат қилади. Машғулот давомида “Топчи нимани овози”, “Овоз қайердан келяпти”, “Сўздаги товушни топ”, “Ким кўпроқ сўз топади”, “Расмларни эслаб қол” каби ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Аниқ кинестетик ва эшитиш сезгиларига таянган ҳолда олиб борилган товуш анализи ва синтезига оид машқлар ўз навбатида нутқ товушларини ўзлаштиришга, ўз талаффузи устида мустақил назорат кўникмаларини тарбиялашга, дисграфия ва дислексияни олдини олишга ёрдам беради.

Коррекцион ишнинг III даврида олиб бориладиган логопедик ишлар мазмуни

Коррекцион таълимнинг учинчи даврини асосий вазифалари қуйидагилар:

- нутққа қўйилган барча товушларни мустаҳкамлаш;
- товуш анализи малакаларини мустаҳкамлаш;
- нутқнинг лектик грамматик томонини такомиллаштириш.

Коррекцион таълимнинг сўнгги даврнинг мақсади нуткий мулоқот шароитида фонематик идрок ва тўғри товуш талаффузи кўникмаларини

мустаҳкамлашдир. Бу ишда мустақил нутқда фақатгина товушларни тўғри талаффузини шакллантирибгина қолмай, балки болаларнинг луғатини бойитиш, нутқининг грамматик тузилишини такомиллаштириш, нутқнинг темпи ва мелодикинтатсион томонини ривожлантириш, такомиллаштиришга оид машғулотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Коррекцион таълимнинг учинчи даврида болаларда товуш анализи малакаларини шакллантиришга оид коррекцион ишлар давом эттирилади. Бунда иш ҳаракатнинг қуйидаги алгоритмидан фойдаланилади: сўздаги товушларни баланд овозда такрорлаб, тўғри талаффуз қилиш; сўздаги ҳар бир товушни эшитиш ва уни қўшни товушдан ажрата билиш; сўздаги товушларни навбат билан айтиш, фиксатсия йўли билан сўзлардаги товушларнинг сони ва кетма- кетлигини аниқлаш.

Сўзнинг товуш таркибига оид анализ ишлари ҳар бир болага индивидуал ёндошилган ҳолда олиб борилади.

Логопедик машғулотларда алоҳида операцияларни бажариш билан бирга нутқий материалнинг анализ ва синтези билан боғлиқ ҳамма ақлий иш ҳаракатлар тизими қайта ишланади.

Болаларда бажарилган иш ҳаракатлар алгоритмининг аста секин шакллантириб ва мустаҳкамлаб бориб, аввал логопед раҳбарлигида сўнгра боланинг ўзини сўз, бўғин, товушнинг анализ- синтез қила олишини мустақил назорат қилишга ва ўз ишини баҳолашга ўргатилади.

Коррекцион таълимнинг муҳим вазифаларидан бири оппозицион ва тўғри талаффузига эришилган товушлар дифференциатсиясига оид машғулотлар ҳисобланади. Ушбу машғулотларда артикулятсион ва акустик белгилари жиҳатидан ўхшаш товушлар дифференциатсиясига оид турли усуллар қўлланилади. Машғулотларда болалар диққати, хотира, тафаккур операциялари (анализ, синтез, солиштириш, умумлаштириш), назорат ва ўз- ўзини назорат қилиш, мустақилликни ривожлантирувчи ишлар олиб борилади.

Тарбиячи билан олиб бориладиган машғулотларда болаларнинг атрофдаги предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар ҳосил қилиш ва уларни бир тизимга солиш, табиий ва ижтимоий ҳодисалар билан таништириш билан бир вақтда болаларнинг луғат бойлиги кенгайтирилади, сўзлашув ва хикоя нутқи ривожлантирилади.

Шундай қилиб, болалар нутқи турли йўллар билан ривожлантириб борилади, лекин бир мақсадни- таълим ва тарбия бериш жараёнида болаларнинг нутқий тараққиётдан камчиликларни йўқотиш ва уни мактабда кўникма ва малакалар олишга тайёрлашни кўзда тутати.

Ишни ташкил этиш

Махсус гуруҳларда логопеднинг хужжатлари.

Логопедик иш жараёнининг тўғри ташкил этилганлиги мақсади нутқ камчиликларини тўғриладан иборат бўлган тузатиш ишининг сифати билан белгиланади.

Ишни тўғри ташкил этишда қуйидагилар кўзда тутилади: болаларни ўз вақтида текшириш, машғулотлар жадвалини тўғри тузиш, ҳар бир бола билан

олиб бориладиган индивидуал ишни умумий режага мувофик ражалаштириш, фронтал машғулотларни олиб боришда уларни зарур жиҳозлар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланиши ва гуруҳ тарбиячиси билан логопеднинг биргаликдаги ишлари.

Логопедик текшириш

Гуруҳга қабул қилинган болалар мукамал логопедик текширувдан ўтказилади.

Болаларни текшириш учун логопед ўқув йилнинг иккита биринчи ҳафталарини ажратади. Кейинчалик текширув натижалари машғулотлар вақтида болани кузатиш натижалари билан тўлдирилиши мумкин. Шу билан бир вақтда талаффузни тузатиш устида иш бошланади ҳамда режага мувофик фронтал машғулотлар олиб борилади, бу ҳақда куйида баён этилади.

Текшириш махсус “Нутқ картаси”да кўрсатилган режа асосида ўтказилади.

Нутқ картаси

Боланинг гуруҳга келган вақти

Исми, фамилияси.....

Ёши

Уй адреси

Қайси боғча томонидан юборилган (№, вақти, адреси)

Ота-она шикояти

Нутқ шаклланиши ҳақидаги

маълумот.....

Умумий моторикасининг ҳолати.....

Эшитиши.....

Боланинг умумий ривожланиши.....

Диққати, иш қобилияти

Нутқнинг умумий томонлари (суръати, овози, артикулятсияси, нафас олиши)

Артикулятсион аппаратининг ҳолати (тузилиши, ҳаракатланиши)

Товушлар талаффузи ва фарқланиши.....

Нутқнинг товуш составли анализи ва синтези

Мураккаб бўғин составли сўзларнинг талаффузи

Нутқнинг грамматик қурилиши

Луғати

Логопедик текширувни тугатиб, индивидуал иш режасини тузгандан сўнг логопед тарбиячига ҳар бир боланинг нутқи шаклланишидаги асосий камчиликларни айтиб ва кўрсатиб беради (нутқ картасига мувофиқ), айниқса нутқи шаклланишида оғир камчиликларга эга бўлган болалар билан ўтиладиган тузатувчи таълим мазмуни устида тўлиқ тўхталиб ўтади. Логопед таълимнинг турли даврларида алоҳида болалар нутқига талаблар белгилайди.

Шу билан бирга ҳар бир тарбиячи болаларнинг товушлар талаффузидаги камчиликларни эшитиши, нутқ бузилишларини аниқ тасаввур қилиши, товушларнинг нутққа қўйишнинг асосий усулларини эгаллаган бўлиши, болаларнинг нутқини кузатиш ҳамда машғуллот ва машғуллотлардан ташқари вақтларда уларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузатиш учун қайси болада қандай товушларни нутқга қўйиш, мустахкамлаш ёки дифференциатсиялаш зарурлигини билиши керак.

Назорат саволлари:

1. Фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигига таъриф беринг.
2. Фонетик фонематик нутқ камчиликларига эга бўлган болалар нутқига тавсиф беринг.
3. Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган логопедик тузатиш ишлари мазмунини очиб беринг
«Махсус болалар боғчасига борганда болалар нутқини кузатинг.
4. Махсус болалар боғчасига борганда логопеднинг ҳужжатлари билан яқиндан танишинг.
5. Фонетик- фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқини текшириш учун дидактик материаллар тайёрланг. Нутқ картаси билан яқиндан танишинг.
6. Ота-оналар билан ўтказиладиган семинар режасини тузинг.
7. Махсус боғчада логопед машғуллотини кузатинг ва таҳлил қилинг.

8-Мавзу: Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар (2 соат)

Режа

- 8.1. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги сабаблари
- 8.2. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини бартараф этишда коррекцион-педагогик иш тизими
- 8.3. Ўқитишнинг иккинчи босқичи – дастлабки сўз шакллари
- 8.4. Ўқитишнинг учинчи босқичи – икки таркибли гап
- 8.5. Ўқитишнинг тўртинчи босқичи – бир нечта сўзлардан иборат гаплар

Таянч иборалар:

1. Аморф – (грекча аморхос) – турланмайдиган сўзлар
2. Аффект – (лат.аффестус – ҳолат) – ҳис-ҳаяжоннинг кучли кўзғалиши, эмотсионал ҳолат.
3. Аффектив нутқ – ҳис-ҳаяжонли нутқ.
4. Дизонтогенез – организм индивидуал ривожланишининг бузилиши. Бу атама кўпинча она қорнидаги давр (ембрионал давр) ёки гўдаклик давридаги бузилишларни ифодалашда қўлланилади.
5. Энсефалопатия – бош мия тўқимасида дистрофик ўзгаришлар юзага келиши билан ўтадиган касалликлар.

8.1. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги сабаблари

Педагогик фан сифатида логопедияда «нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги» тушунчаси, эшитиш ва интеллект нормида бўлган болаларда барча нутқ кампонентларининг шаклланиши бузилиши билан характерланувчи нутқ камчилигига нисбатан қўлланилади.

«Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигида нутқнинг кечроқ пайдо бўлиши, луғатнинг камбағаллиги, аграмматизм, талаффуз камчиликлари кузатилади.»

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги тушунчаси бола нутқи ривожланишининг аниқ ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, ўзининг этиологияси бўйича нутқ ривожланмаганлигининг турли хил кўринишларига ягона педагогик ёндашув имконияти ҳақидаги илғор нуқтаи назарга асосланади.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги термини нутқ ривожланиши бузилишига ғоят чуқур ёндашувни ифодалайди ва уни таҳлил қилиш педагог зиммасидадир. Бундай ёндошув мутахассисдан катта умумбиологик ва тиббий малакани талаб қилувчи, нуқсон тузилишини патогенетик жиҳатдан таҳлил қилишни талаб қилмайди.

Бироқ педагог-логопед учун ким билан ишлаши, тўлиқ ривожланмаганлик қай йўсинда пайдо бўлгани, нутқ ривожланиши темпига қўшилиб келувчи неврологик бузилишлар, генетик белгилар, психик фаолият ва бола шахсининг хусусиятлари, дори-дармонли даволанишнинг бор ёки йўқлиги ва бошқа омилларнинг қандай таъсир этиши маълум аҳамиятга эга.

Булар педагогнинг шифокор билан биргаликдаги иши жараёнидагина аниқланиши ва таҳлил қилиниши мумкин.

Нутқ маълум бир биологик шарт-шароитлар мавжудлигида ва энг аввало марказий нерв тузилишнинг нормал ривожланиши ва ишлашида юзага келади. Бироқ нутқ муҳим ижтимоий функция ҳисобланади. Шу сабабли унинг ривожланиши учун биологик шарт-шароитларнинг ўзигина Этарли эмас, у боланинг катталар билан мулоқотга киришиши жараёнида юзага келади. Бунда боланинг ҳиссий жиҳатдан яқин кишиси билан (онаси) мулоқоти Этакчи аҳамиятга эгадир. Мулоқот эҳтиёжи боланинг атрофдаги одамлар билан алоқага киришиши жараёнида шаклланади. У бола ҳаётининг дастлабки икки ойида, унинг бирламчи органик талаблари ва янги тассуротларга эҳтиёжи негизида юзага келади. Мулоқот воситалари ичида экспрессив-мимика, предметли-ҳаракат ва нутқий воситалар ажратилади.

Бола ҳаётининг биринчи йилини нутқгача бўлган давр деб номлаймиз. Бунда катталар билан мулоқот экспрессив-мимика ва предметли-ҳаракат воситалари ёрдамида амалга оширилади. Айнан шу даврда болада жисмоний объект товушларига қараганда инсон овози товушларини турғун, танлаб таъсирланиши шаклланади. М.И. Лисина бу ҳолатни жажжи одамчанинг муҳим эҳтиёжларини ифодалаши – мулоқотдаги эҳтиёжлари сифатида баҳолайди.

Бола нутқининг юзага келиши ва ривожланишида мулоқотнинг ҳал қилувчи ролини госпитализм текширувлари исботлайди. Рағбатлантирувчи инсоний муҳит (оила, болалар гуруҳи ва ҳ.к.) дан болани ажратиб қўйиш деприватсион вазият сифатида ўрганилади. Бу вазият боланинг психик ривожланишига секинлаштирувчи омил сифатида таъсир қилади. Агар бу вазият узоқ давом этса психик деприватсия ҳолати юзага келади.

Нутқ ривожланишига, айниқса ҳиссий деприватсия ёмон таъсир кўрсатади. Бунда бола туғилганидан бошлаб унинг аффектив эҳтиёжлари (суйиш, эркалаш, яхши кўриш) қондирилмайди. Бундай вазият кўпинча ота-оналари спиртли ичимликлар ичувчи, онаси йўқ oilаларда, бола туғилиши билан тарбияга суи қараладиган болалар уйида тарбияланиши оқибатида вужудга келади.

Л.С. Виготский томонидан боланинг психик ва ривожланишида таълим ва тарбиянинг Этакчи роли ҳақидаги фикр илгари сурилган. Айни вақтда нейрофизиологик тадқиқотлар туфайли бу фикр ривожланди ва тасдиқланди. Бола миясига қанчалик кўп доимий ва хилма-хил ахборотлар оқими келса, марказий нерв тизимининг функционал ва анатомик жиҳатдан Этилиши шунчалик тез содир бўлади. Алоҳида функционал тизимлар ривожланишини тезлаштириш имконияти муаммоси ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бироқ, келаётган ахборот оқими боланинг ёши, жисмоний ва психик ҳолатига мос равишда бўлишини ҳисобга олиш лозим, чунки ҳар қандай ортиқча юклашлар марказий нерв тизими ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги сабаблари. Боланинг она қорнида ривожланиши, туғруқ (туғруқ травмаси, асфиксия) ва ҳаётининг дастлабки

йилларида таъсир кўрсатувчи турли хил зарарли омиллар нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигига олиб келиши мумкин

Нутқий камчилик тузилиши ва компенсация жараёнлари кўп ҳолларда мия зарарланиши қачон рўй берганлиги билан аниқланади. Бир бутун мия ривожланиши аномалиясининг характери маълум миқдорда жароҳатланиш муддатига боғлиқлиги ҳозирги кунда исботланган. Турли хил зарарли омиллар (инфекция, интоксикация ва бошқалар) таъсири остида бош миянинг бирмунча оғир зарарланиши, одатда эрта эмбриогенез даврида юзага келади. Тахминларга кўра, ҳомиладорликнинг 3-4 ойларида бош миянинг зарарланиши (нерв тўқималарининг энг кўп ажралиш даври), бош мия тузилишининг бирмунча кенгроқ ўзгаришларини юзага келтиради. У ёки бу зарарли омилнинг таъсири даврида нерв тизимининг қайси бўлимлари бирмунча жадал ривожланишига боғлиқ равишда ривожланмаганлик кўпроқ ҳаракат, сенор, нутқий ёки интеллектуал функцияларга тааллуқли бўлади. Ҳомиладорликнинг кечиши давомидаги доимий ноқулай шарт-шароитлар туфайли, бирмунча яққол ифодаланган алоҳида мия тузилмалари билан бирга бир бутун яхлит мия ривожланмаганлиги ҳам кузатилади. Бу мураккаб нуқсонларнинг юзага келишига (масалан, олигофрениянинг мотор алалия билан уйғунлашуви) асос бўлиб хизмат қилади.

Мия ривожланмаганлиги ёки зарарланишини келтириб чиқарувчи сабаблар ичида ҳомиладорлик даврида онанинг инфекциялари ёки интоксикациялари, токсикозлар, туғруқ травмаси, асфиксия, резус-омил бўйича она ва ҳомила қонининг мос келмаслиги, марказий нерв тизими касалликлари (нейроинфекциялар) ва бола ҳаётининг дастлабки йилларида бош мия травмалари бирмунча кўп учрайди.

Ҳомиладорлик даврида алкогол ва никотинни истеъмол қилиш ҳам боланинг жисмоний ва нерв психик ривожланишида камчиликларга олиб келади. Бу камчиликларнинг кўп учрайдиган кўринишларидан бири нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ҳисобланади. Алкоголли синдромда болалар кам вазнли туғилдилар, жисмоний ва психик ривожланишдан орқада қоладилар. Бундан ташқари турғун бўй ва вазн Этишмовчилиги, кўкрак қафаси деформатсияси, микротсефал ёки (камроқ) гидротсефал калла суяги, калта бўйин, юқори ва пастки жағ ривожланмаганлиги, баланд чуқур, тор танглай, тор ва калта кўз ёриқлари ва бошқа бир қатор белгилар кузатилади. Бу белгилар турли хил кўрув, эшитув ва ҳоказо нуқсонлар билан уйғунлашиб келиши мумкин. Бундай болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ҳаракат қўзғалувчанлиги, аффектив қўзғалувчанлик ва ҳаддан ташқари паст ақлий иш қобилияти синдромлари билан уйғунлашади. Бундай болаларни эрта аниқлаш, уларни ичкиликбоз ота – оналаридан ажратиш тиббий, тарбиявий ва логопедик ишни тўғри ташкил қилиш болалардаги нутқий ва интеллектуал ривожланмаганликни олдини олишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бола миясининг нутқ зоналарига зарарли омилнинг нутқ шаклланиб бўлганидан сўнг таъсир кўрсатиши ҳолларида афазия юзага келиши мумкин.

Нутқ бузилишлари, шу жумладан нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг юзага келишида наслий омиллар алоҳида ўрин тутади. Бундай ҳолларда

нутқий нуқсон ҳатто аҳамиятсиз туюлган зарарли омиллар таъсири остида ҳам юзага келиши мумкин.

Берилган маълумотларга асосланиб, нутқ тўлиқ ривожланмаганлигини келтириб чиқарувчи этиологик омилларнинг мураккаблиги ва кўп шакллилиги ҳақида умумий хулосага келиш мумкин.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлиги этиологияси ва патогенези турли-тумандир, аммо клиник нуқтаи назардан қараганда марказий нерв системасининг эрта органик зарарланиши билан боғлиқ нутқ тўлиқ ривожланмаганлиги гуруҳи бирмунча муҳим аҳамиятга эга.

Жароҳатланиш вақтига боғлиқ равишда ҳомиладорлик патологияси, туғруқ травмаси билан (миянинг интранатал жароҳатланиши) боғлиқ марказий нерв тизими бузилишлари ва бола туғилганидан сўнг инфекциялар ва травмалар таъсири натижасида юзага келувчи постнатал зарарланишларга ажратилади.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги этиологиясида перинатал энсефалопатия-ҳомиладорлик даври сингари туғруқ даврида ҳам зарарли омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида юзага келувчи мия зарарланиши, алоҳида ўрин тутади.

Агар перинатал энсефалопатиянинг сабаби миянинг бачадон гипоксияси ва туғруқ асфиксияси ҳисобига кислород билан туйинмаганлиги бўлса, у гипоксик энсефалопатия деб; агар механик туғма шикастланиш бўлса – травматик энсефалопатия деб; агар иккала омил биргаликда келса – гипоксик-травматик энсефалопатия деб аталади. Агарда миянинг шикастланиши она ва бола қони резус –омили ёки гуруҳи тўғри келмаганлиги ҳисобига марказий нерв тизимининг токсик зарарланиши туфайли бўлса – бу билирубин энсефалопатия деб аталади. Нутқ тўлиқ ривожланмаганлиги, одатда миянинг резидуал – органик зарарланиши оқибати ҳисобланади. Уни нерв-психик касалликларда учрайдиган (эпилепсия, шизафрения ва бошқалар) нутқ ривожланиши бузилишларидан фарқлаш лозим.

Марказий нерв тизимининг резидуал-органик жароҳатланишида икки асосий турдаги бузилишлар ажратилади: дизонтогенетик-маълум структуралар ва физиологик тизимнинг ривожланмаганлиги ёки улар шаклланишининг муддатидан орқада қолиши оқибати сифатидаги бузилиш: бундай бузилишларга нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги мисол бўла олади; энсефалопатик-марказий нерв тизими у ёки бу тузилишининг зарарланиши оқибати сифатидаги бузилиш, бу бузилишларга нутқий ва ҳаракат камчиликлари, шунингдек бошқа камчиликлар, масалан, дизартрия, болалар тсеребрал фалажи, гидротсефалия ва бошқалар мисол бўла олади.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг клиник кўринишлари. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни махсус текшириш бу камчиликнинг турли хил клиник кўринишлари мавжудлигини кўрсатди. Уларни шартли равишда уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳдаги болаларда фақатгина нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги белгиларини кўриш мумкин. Уларда нерв-психик

фаолият бузилишлари кузатилмайди. Бу нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг мураккаб бўлмаган шакли ҳисобланади. Бу болаларда марказий нерв тизимининг ўчоқли зарарланиши учрамайди. Уларнинг анамнезида хомиладорликнинг кечиши ёки туғруқ пайтида яққол – ифодаланган камчиликларнинг кўрсатилмаганлигини кўриш мумкин. Оналар билан тўлиқ суҳбат ўтказилганда текишрилувчиларнинг фақат учдан биридагина хомиладорликнинг иккинчи ярмида Энгил таксикозлар ёки туғруқ пайтида қисқа муддатли асфиксия бўлиб ўтганлиги аниқланган. Бундай болалар соматик жиҳатдан заиф, турли касалликларга мойил бўладилар.

Бу гуруҳдаги болаларда парез ва параличларнинг йўқлиги, яққол ифодаланган пўстлоқ ости ва мияча бузилишларининг учрамаслиги, уларда нутқ-ҳаракат анализаторининг бирламчи (ядроли) зоналари сақланиб қолганлигига гувоҳлик беради. Бундай майда неврологик фаолият бузилишларида асосан мушаклар тонусида, майда қўл бармоқларининг дифференциал ҳаракатлари шаклланишида, кинестетик ва динамик праксис шаклланишида бузилишлар учрайди. Бу асосан нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг дизонтогенетик турига оиддир.

Мактабгача ёшдаги болаларда яққол ифодаланган нерв-психик бузилишларнинг учрамаслигига қарамай, бу гуруҳ болалари узоқ муддатли коррекцион-логопедик ишга, кейинчалик эса махсус ўқитиш йўналишига муҳтож бўладилар. Тажрибаларнинг кўрсатишича, яққол ифодаланмаган нутқ камчилигига эга болаларни оммавий мактабга ўқишга юбориш, уларда иккиламчи невротик ва неврозга оид камчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Иккинчи гуруҳдаги болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги бир қатор неврологик ва психо-патологик синдромлар билан бирга кечади. Бу тсеребрал-органик генездеги нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг мураккаб туридир. Бунда дизонтогенетик-энсефалопатик бузилишларнинг симптомо комплекси ўрин олган.

Иккинчи гуруҳ болаларини неврологик жиҳатдан пухта текшириш жараёнида яққол ифодаланувчи неврологик симптоматика аниқланади. Бу симптоматика марказий нерв тизими шаклланишининг кечикиши ҳақидагина гувоҳлик бермай, балки алоҳида мия тузилмаларининг Энгил зарарланиши ҳақида ҳам гувоҳлик беради. Қуйидагилар иккинчи гуруҳ болаларининг неврологик синдромлари ичида бирмунча кўп учрайди:

1. Гипертензион-гидротсефал синдром-калла суяги ички босимининг ошиши синдроми. Бунда бош ўлчамининг катталашуви, пешона дўнгалагининг бўртиб туриши, чакка соҳаларида вена қон томирларининг кенгайиши кузатилади. Бу синдром энг аввало ақлий иш қобилиятининг бузилишида ихтиёрий фаолият ва болалар хулқ-атворида, шунингдек, фаолиятнинг исталган туридан тез толиқиш ва зерикишда, юқори даражадаги кўзғолувчанликда, таъсирланувчанликда, ҳаракатчанликда намоён бўлади. Айрим ҳолларда, телбанамолик ва беғамлик кўринишлари билан кўтаринки-эйфорик кайфият кузатилади. Бундай болалар иссиқ, дим ҳавога чидамсиз бўлиб, бош оғриқлари ва бош айланишларидан шикоят қиладилар.

2. Тсеребрастеник синдром-юқори даражадаги нерв-психик толиқиш, ҳиссий турғунсизлик, фаол диққат, хотира функцияларининг бузилиши кўринишларида намоён бўлади. Айрим ҳолларда бу синдром гиперкўзғалувчанлик-умумий ҳиссий ва ҳаракат нотинчлиги белгилари-кўринишлари билан: бошқа ҳолларда-тормозланганлик, ланжлик, пассивликнинг устунлиги билан уйғунлашиб келади.

3. Ҳаракат бузилиши синдромлари мушаклар тонусининг ўзгариши, Энгил гели ва монопарезлар, якқол ифодаланмаган мувозанат ва ҳаракатлар координатсияси бузилишлари, қўл бармоқлари дифференцирланган моторикасининг Этарли эмаслиги, умумий ва орал праксиснинг шаклланмаганлиги билан характерланади. Бундай болаларда кўпинча Энгил дизартрия кўринишларига асос бўлувчи Энгил парезлар, алоҳида тил мушакларининг мажбурий ҳаракатлари кўринишидаги артикулятсион моторика бузилишлари кузатилади.

Клиник ва психолго-педагогик текиширишлар, бу гуруҳ болаларида билиш фаолиятининг характерли камчиликлари мавжудлигини кўрсатди. Бундай болаларнинг олий психик фаолиятларини текшириш жараёни, уларда алоҳида гнозис, праксис кўринишларининг Ўчоқли Этишмовчили мавжудлигини кўрсатди. Бу нейропсихологик ва электро энсефалографик тарқиқотларда тасдиқланган. Хусусан, геометрик шакллардан нусха олишдаги, расм чизишдаги ўзига хос қийинчиликлар, кўрув-фазовий гнозиснинг шаклланмаганлигини кўрсатади.

Бу гуруҳдаги кўпгина болалар умумий мотор камчилиги билан фарқ қиладилар, улар бир ҳаракат туридан иккинчисига қийинчилик билан ўтадилар. У ёки бу ҳаракатли вазифаларни автоматик тарзда бажара олмайдилар ва ҳаттоки оддий ритмларни ҳам амалга оширолмайдилар. Умумий ва орал праксиснинг бузилиши, бундай болалар учун характерлидир.

Кўрсатилган бузилишлар одатда фонематик идрок бузилиши билан уйғунлашади.

Бундай болаларда ҳиссий-иродавий соҳанинг шаклланмаганлиги ақлий иш қобилиятининг пастлиги, ҳиссий лабиллик, гоҳида ҳаракат кўзғалувчанлиги, юқори аффектив кўзғалиш, кўпинча телбанамо қилиқлар ва эйфория тури бўйича кўтаринки кайфият устунлиги ҳолати билан биргаликда намоён бўлади.

Уларнинг айримлари учун аксинча, юқори даражадаги тормозланганлик, ишончсизлик, сустлик, мустақил эмаслик характерлидир. Бу болалар одатда ланж, ташшаббуссиз, кам ҳаракат бўладилар. Уларнинг фаолияти самарасиз характерга эгадир.

Бу гуруҳ болалари учун миқдор муносабатларини тушуниш, сон ва натурал сон қаторлари ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш бирмунча мураккабдир. Бундай болаларнинг математикани ўзлаштиришларида якқол ифодаланган ва турғун қийинчиликлар кузатилади.

Учинчи гуруҳ болаларида клиник жиҳатдан мотор алалия каби белгиланувчи, бирмунча ўзига хос ва турғун нутқ ривожланмаганлиги кузатилади. Бир қатор хорижий муаллифлар терминологияси бўйича нутқ

патологиясининг бу шакли «ривожланиш афазияси» ёки «туғма афазия» сингари номланади. Бу термин катталардаги мотор афазияга анологик ҳолда вужудга келган. «Катталардаги мотор афазия сингари, болалардаги нутқ патологиясининг бундай шаклида ҳам бош мия пўстлоқ нутқий зоналарининг зарарланиши (ёки ривожланмаганлиги) кузатилади ва бунда биринчи навбатда брока зонаси зарарланади» – бу тахминга асосланиб мултифлар юқоридаги терминни киритганлар. Катталардаги афазиядан фарқли равишда (шаклланган нутқнинг йўқолиши), алалияда бош мия нутқ зоналарининг эрта зарарланиши (нутққача бўлган даврда) натижасида нутқ ривожланмай қолади. Адабиётларда мотор алалияда миянинг ўчоғли жароҳатлари муаммоси кенг муҳокама қилинган.

Мотор алалияда мураккаб дизонтогенетик-энцефалопатик бузилишлар кузатилади. Қуйидагилар мотор аламининг характерли белгилари ҳисобланади: барча нутқ компонентларининг шаклланиши- фонематик, лектик, синтактик, морфологик, нутқ фаолиятининг барча кўринишлари ва барча оғзаки ва ёзма нутқ шакллари ривожланмаган бўлади.

Сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича мотор алалияли болаларда одатда артикулятор имкониятлар Этарли бўлади: нутқий бўлмаган артикулятсияни бажара оладилар, бундан ташқари кўпгина товушларни, ҳаттоки алоҳида ва бўғинларда тўғри талаффуз қилиш ҳолатидадирлар. Бироқ мотор алалияли болаларнинг фарқли хусусиятларидан бири шуки, улар бу имкониятларини сўзларни талаффуз қилишда амалга оширолмайдилар. Шу сабабли мотор алалия учун сўзларнинг бўғин тузилиши шаклланмаганлиги, ҳатто яхши таниш бўлган сўзларни фаоллаштиришдаги қийинчиликлар характерли белгилардан бири ҳисобланади. Этарлича бой пассив луғатга эга ҳолда, болалар предметларни, расмларни номлашга, алоҳида сўзларни логопед ортидан такрорлашга (айниқса мураккаб бўғинли сўзларни) қийналадилар. Сўзларнинг бўғин таркиби асосан товуш ва бўғинларни тушириб қолдириш, ўрнини алмаштириш, бошқа бўғинлар ёки товушлар билан алмаштириш ҳисобига бузилади. Катталар афазиясини эслатувчи ҳолат юзага келади. Литерал (ҳарфли), вербал (сўзли) парафазиялар (алмаштиришлар) кузатилади. Бу алмаштиришларнинг характерли белгиси, улар турли хил турғун эмасдир.

Мотор алалияли болалар учун ҳаддан ташқари паст нутқий фаоллик хосдир. Бунда бола интеллекти қанчалик юқори даражада бўлса ва ўз нутқига танқидий қараш кучли бўлса, у ҳолда атрофдагилар билан мимика ва имо-ишора ёрдамида мулоқат қилишнинг иккиламчи компенсатор шакли яққолроқ ифодаланган бўлади.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини Р.Е. Левина (1961) уч даража билан белгилайди: нутқий алоқа воситаларининг умуман йўқ бўлишидан то фонетик-фонематик ва лектик-грамматик жиҳатдан ривожланмаганлик элементларига эга бўлган мукамал нутқ бузилишигача.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг 1 даражаси нутқнинг бўлмаслиги билан характерланади. Бундай болалар нутқсиз болалардир. 4-6 ёшдаги бундай болаларнинг луғат бойлиги камбағал, ноаниқ бўлади. Нутқий товушга

таклид қилиш, товушлар комплекси билан чегараланган бўлади. Нарса ва ходисаларни фарқ қилмаган ҳолда ифодалаш, сўзларнинг кўп маънога эга бўлиши характерли хусусият ҳисобланади: «ту-ту»-машина, паровоз, самалёт, қайиқ; «так»-йиқилди, тушуриб юборди, синдирди, бузди. Бу болаларнинг пассив луғати актив луғатига нисбатан анча бойроқ лекин нутқни тушуниш пасайган бўлади, улар кўп сўзларнинг маъносини тушунмайдилар. Товушлар талаффузида турғунлик бўлмайди, товушлар бири-бири билан алмаштирилади, фонематик ўқув бузилган бўлади. Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг бу даражасига эга бўлган болалар учун товушлар анализи бўйича берилган топшириқлар тушунарсиз бўлади.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг 2 даражаси-дастлабки кенг қўлланадиган одатдаги нутқнинг бўлиши билан характерланади. Болалар оддий жумлалардан фойдалана биладилар, маълум луғат бойлигига эга бўладилар. Улар нарсалар, ходисалар, алоҳида белгилар номини ажрата оладилар. Лекин бундай болаларда нутқнинг қўпол даражада ривожланмаганлиги яққол ифодаланган бўлади. Улар икки-уч сўздан иборат гаплардан фойдаланадилар. Луғат бойлиги шу ёшга мос келадиган нормадан кам бўлади. Умумлаштирувчи сўзларни (мебел,кийим, сабзавотлар, мевалар ва бошқалар) билмаслик кузатилади. Ҳаракат, белгисини билдирувчи сўзлардан фойдаланишда қийинчиликлар кузатилади, предмет номини ва бошқа белгиларини билмайдилар. Келишиқ формаларини чалкаштирадилар, феъл сонини от сонига мослаштира олмайдилар.

Нутқнинг фонетик томони шу ёшга мос келувчи нормадан орқада қолади. Шундай камчиликка эга бўлган болалар бўғинлар ўрнини алмаштирадилар, ундошлар кетма-кет келганда товушни қисқартирадилар.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг 3 даражаси- нутқда лектик-грамматик ва фонетик-фонематик жиҳатдан ривожланмаганлик элементлари кузатилади. Болалар нутққа эга бўлган ҳолда кишилар билан алоқа боғлай оладилар, лекин буни ота-она (тарбиячи) иштирокида, уларнинг муайян тушунтиришлари ёрдамида бажарадилар. Бундай болалар учун эркин ҳолда алоқада бўлиш жуда қийин. Товушларни талаффуз қилишда уларни бири-биридан ажрата олмаслик, товушлар гуруҳини артикулатсия жиҳатидан осонроқ бўлган товушларга алмаштириш баъзи ҳолларда товушларни бузиб талаффуз қилиш бу болалар учун характерлидир. Луғат ҳам нормадан орқада қолган бўлади, луғат бойлиги анализида лектик ҳолатларнинг ўзига хослиги кўринади. Текширишда гапларни, гапларда сўзларни охиригача гапирмаслик каби турғун грамматик хатолар кузатилади. Кўпчилик ҳолларда улар қўшимча қўшилиш билан сўз маъносининг ўзгаришини тушуниб етмайдилар.

8.2. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини бартараф этишда коррекцион-педагогик иш тизими

Ўқитишнинг биринчи босқичи бир сўздан ва морф-ўзак сўздан иборат гаплар

Логопедик таъсир кўрсатишнинг асосий вазифаси-исталган товушнинг номаён бўлиши шаклида болаларнинг тақлидий нутқни фаолиятини ҳосил қилиш, нутқни тушуниш ҳажмини кенгайтиришдан иборат.

Бу босқич гапирмайдиган болалар билан олиб бориловчи логопедик иш учун мўлжалланган. Бундай болаларнинг фаол нутқи алоҳида сўзлардан иборат: болага яқин таниш кишиларни номлаш, товуш тақлиди, сўз қисмларидан иборат («да» ёки «дада», «бо» ёки «бобо», «би-би»-машина ва хоказолар).

Гапирмайдиган болаларда, қоидага кўра катталар сўзига тақлид қилиш эҳтиёжи хали бўлмайди. Агар нутқий тақлид фаолияти мавжуд бўлса, у ҳолда бу жараён икки-уч нотўғри артикулятсияланувчи товушлардан тузилган бўғин камплекслари орқали амалга оширилади: ундош+унли ёки аксинча унли+ундош.

Гапирмайдиган болаларнинг фаол луғатида айрим ҳолларда 5-10 та, баъзида эса 25-27 та сўз бирликлари бўлади. Нутқ ривожланиши мобайнида бола томонидан фақат шундай алоҳида сўзлардан фойдаланиш даври сўз-гап ёки бир сўздан иборат гап даври деб номланади.

Бир сўздан иборат гаплар нутқнинг нормал шаклланиши жараёнидаги сингари нутқ ривожланиши бузилишининг барча шаклларида ҳам болалар нутқи ривожланишининг бошланғич нуктаси ҳисобланади.

Бир сўздан ва аморф сўзлардан иборат гаплар даврида нутқни тушуниш даражаси турлича бўлиши мумкин: боланинг ўзига қаратилган оддий илтимосларни қийинчилик билан тушунувчи энг паст даражадан сўзларнинг алоҳида грамматик шакллари аҳамиятини тушунишгача, масалан, отларнинг бирлик ва кўплик шакллари фарқлашга қийналадилар. Айрим гапирмайдиган болалар содда кўмакчили конструкциялар маъносини тушунадилар. Бунга икки предметнинг фазовий муносабатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин: қути ичида, қути устида, қути остида қути ёнида.

Баъзи бир болалар етарлича пассив луғатга эга бўладилар, улар ота-онаси, логопед ва бошқалар илтимосига кўра оғзаки фойдаланган, етарлича мураккаб ва турли хил топшириқларни бажариш қобилиятига эгадирлар. Бундай болалар ҳақида ота-оналари одатда шундай дейдилар: «Ҳамма нарсани тушунадилар, бироқ гапирмайдилар». Айрим болаларда нутқни тушуниш жуда чегараланган бўлади.

Болаларнинг нутқни яхши тушуниши ва етарли даражада пассив луғатга эга эканлиги ҳақида тасаввур туғилганда ҳам қўшимча текширувлар орқали шу ёшдаги соғлом болаларга нисбатан нутқни тушунишнинг чегараланганлигини аниқлашга эришилади.

Агар гапирмайдиган болаларнинг нутқни тушуниши даражаси паст бўлса, у ҳолда логопедик ишни биринчи навбатда нутқни тушунишни кенгайтиришдан бошлаш лозим. Логопедия амалиётидан маълумки, нутқни етарлича яхши тушуниш туфайлигина бола гапира бошлаши мумкин. Агар нутқни тушуниш даражаси бирмунча юқори бўлса, исталмаган товуш нутқ кўринишларини ҳосил қилиш вазифаси биринчи ўринга чиқади.

Гапирмайдиган болалар билан олиб бориловчи логопедик ишга умумий тавсиялар. Машғулотларни имкон қадар кичик гуруҳларда (3 кишидан ошмаган) ўтказиш лозим. етакчи машғулот шакли ўйиндир. Машғулотлар айниқса ишнинг дастлабки босқичларида новербол топшириқлар билан таъминланган бўлиши зарур. Логопедик таъсирида айнан бир сўз материалини қўп маротаба такрорлаш ва гапирмайдиган бола билан бевосита ҳиссий алоқа ўрнатиш зарурий шароит ҳисобланади.

Бу босқичда бола нутқининг ҳар қандай кўринишни рағбатлантириш муҳим. Болани бирон нарса айтишга ёки такрорлашга мажбурлаш керак эмас. Айт, такрорла каби сўзлардан фойдаланмаслик керак, чунки болада бу илтимосларга негатив таъсирланиш юзага келади.

Бу сўзларни мос келувчи саволларга ёки сўзларга алмаштириш фойдалидир (ўйлаб кўрчи, топ-чи). Ёки бир томонлама диалог ҳам фойдадан ҳоли эмас, бунда катта одам ҳам савол беради, ҳам ўзи жавоб беради. Бола томонидан ҳозиргина талаффуз этилган товуш тақлидини бир-икки такрорлаш ҳам яхши натижа беради. Масалан; бола билан ўйинчоқни жавон олдига бориб, ҳайратомуз сўралади: «Қарачи, бу ерда ким пайдо бўлди? Улоқча?!» Улоқчани томоша қила туриб, бир неча маротаба улоқча овозини имитатсия қилиш лозим: «Ме-ме-ме». Улоқчанинг бурни, қулоғи, думчасини болага кўрсата туриб, логопед қизиқсиниб сўрайди. «Улоқча қандай йиғлашини сен биласанми?» Боладан исталган товуш реакциясини олиш зарур.

Бироқ, аморф – ўзак сўзларни (бола томонидан яратилувчи) масалан, кучук сўзи ўрнига – «чу» ёки сичқон сўзи ўрнига – «чи» сўзларини болалар ортидан такрорлаш мумкин эмас. Болалар фақат тўғри талаффуз қилинувчи сўз ва гапларни эшитишлари лозим.

Нутқни тушунишни ривожлантириш

Логопедик таъсирнинг асосий вазифаси пассив луғат бойлигини тўлдиришдан иборат. Болаларга ўйинчоқлари, тана аъзолари, кийим-кечаклари, жониворлар, алоҳида предмет ва ҳодисалар номлари ва шу кабиларнинг номларини эслаб қолиш тақлиф этилади.

Пассив феъл луғати боланинг ўзи томонидан амалга оширилувчи хатти-ҳаракатлар номидан иборат бўлиши лозим (ўтирибди, юрибди, кийиняпти ва ҳоказо). Бундан ташқари ўзига яқин кишилар бажараётган хатти-ҳаракат номларини ҳам билиши лозим, аммо бу луғат фақат боланинг бевосита бир неча маротаба ўзи кузатган хатти-ҳаракатлар номи билангина чегараланиши мумкин. Шуни эсда тутиш лозимки, нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларда пассив феъл луғати пассив предмет луғатидан бирмунча кам бўлиши мумкин. Шу сабабли агар болалар предмет номларини билса, у ҳолда имкон қадар тезроқ уларни ҳаракат номларини тушунишга, шунингдек содир этилаётган ҳаракатлар юзасидан берилаётган саволларни тушунишга ўргатиш зарур: қайерда? қаяққа? нима? нимга? қайердан? ким учун?

Нутқни тушунишни ривожлантиришнинг дастлабки босқичларида болалардан алоҳида сўзларни тушунишнинг аниқлиги талаб қилинмайди, шу сабабли қайерга-қайердан, оч-ёп ва ҳоказо сингари сўзларни фарқлаш вазифаси биринчи ўринга қўйилмайди. Қайерда? кимга? ва шу каби саволларни тушунишга ўргатиш жараёнида болалар дастлаб бу сўзларнинг турлича товуш ифодасига таянмайдилар, балки саволнинг кенг нутқий матнига таянадилар. Бунинг учун логопед саволида болаларга яхши таниш бўлган «ёрдам берувчи» сўз бўлиши керак. Шундан сўнггина болалар бу саволларни яхши тушунишга ўрганадилар. Секин-аста саволлардан барча «ёрдам берувчи» сўзлар олиб ташланади. Шу сабабли логопед дастлаб жарангланиши бўйича ўхшаш сўроқ сўзлар билан бирга турли хил предмет ва ҳаракатлар номини қўллайди, масалан: қайердан олдинг? (китоб) аммо қайерга қўйдинг?, кимга бердинг? Худди шундай қўғирчокни кийинтириш (кийинмаган бўлса), эшикни ёпиш (очиқ бўлса) илтимос қилинади, аммо бола олдига икки ҳаракатдан бирини танлаб бажариш масаласи қўйилмайди, масалан: қошиқни ол-қошиқ билан ол. Логопедик ишнинг кейинги босқичларида сўроқ сўзлари бир хил феълларда қўлланилади: қайерга келдинг? қайердан келдинг? ва ҳоказо.

Ўзига қаратилган нутқни (нормал эшитиш ва бирламчи сақланган интеллектда) ёмон тушунувчи гапирмайдиган болалар билан олиб бориловчи логопедик иш вазиятни кўп маротаба такрорлаб гапиришдан бошланади.

Катта одам вазиятдан фойдаланиб бола олган предметларни, бажарган ҳаракатини, боланинг ҳис қилган ҳиссиётларини (совуқ, иссиқ ва ҳ.к.) номлайди.

Катта одам 2-4 сўздан иборат қисқа гаплар билан орасида паузалар қилиб, айнан бир сўз бирикмасини 2-3 маротаба такрорлайди. Номланувчи предметларнинг турлича ўзаро муносабатини акс эттирувчи сўзлар ҳар хил грамматик шаклларда бир неча маротаба такрорланади. Барча сўзлар бўғинларга бўлинмай табиий оҳангда гапирилади, аммо чўзиб талаффуз қилинувчи унлилар ўз ҳолича гапирилади. Логопеднинг бутун нутқи болага қаратилган саволлар билан бойитилган бўлиши лозим. Болада фаол луғатида мавжуд нутқий воситалар ёрдамида катталар билан мулоқот қилиш эҳтиёжини туғдириш зарур.

Боланинг ушлаган, силаган, қўрган предметлари номини эшитган, ўзи бажарган ҳаракатлари номини кўп маротаба эшитганидан сўнг, боладан таниш предметни олиб келиш ёки шу предмет билан боғлиқ бирон бир ҳаракатни бажаришни илтимос қилиш мумкин. Агар бола бу илтимосларни тушунмаса логопеднинг ўзи предметни олади ва унинг номини яна бир маротаба такрорлайди.

Гапирмайдиган болалар билан ишлашда, бундай болаларнинг пассив луғатини чалғитувчи сўзлар билан тўлдириш тавсия этилмайди.

Машғулотни ўтказишда ўйинчоқлар, кийим-кечак, озиқ-овқат ва шу кабилар кўргазмали материал бўлиб хизмат қилади.

Нутқий тақлидни фаоллаштириш

Нутқсиз болалар билан олиб борилувчи логопедик ишда катталар сўзига тақлид қилиш эҳтиёжини туғдириш масъулиятли вазифа ҳисобланади. Тақлидий нутқий реакциялар ҳар қандай товуш комплексларида ифодаланиши мумкин. Шу сабабли логопед шундай бир шароитни яратиши зарурки, бунда болада айнан бир товуш бирикмасини талаффуз қилиш (такрорлаш) истаги пайдо бўлиши лозим. Чунончи, логопед илтимосига кўра бола ҳайвонлар ва қушлар овозига тақлид қилади: «мў-мў», «ку-ку», «чи-чи» ва ҳоказо.

Нутқ ривожланишининг бу даврида болалар ўйинчоқларни, таниш предметларни, ҳаракатларни, ўз истаклари ва муносабатларини ўзларига қулай товуш шаклида номлашлари мумкин.

Бу даврдан «сакраб ўтиб кетишга» уриниш нотўғри бўларди. Бирок болаларнинг автоном нутқини кенгайтириш шарт эмас. Дастлабки имкониятдаёқ сўз комбинатсияларига ўтиш муҳим. Бунда болада ҳеч бўлмаганда сўзларнинг айрим қисмларини тақлид бўйича амалга ошириш зарур.

Болалар нутқини фаоллаштириш ёки нутқий тақлидни ҳосил қилиш боланинг амалий фаолияти ўйин, кўргазмали вазият билан узвий боғлиқ бўлиши лозим. Бунга турли хил, аммо зарурий шарт шароитларда эришилади: бола билан ҳиссий алоқага киришишда, нутқни тушунишнинг маълум даражасида, диққат турғунлигида, тақлид мотиватсиясининг мавжудлигида кўп нарса ўйинларнинг қанчалик қизиқарли ташкил қилинишига, гапирмайдиган болаларнинг ижобий ҳиссиётларига қанчалик чуқур таъсир этишга, логопеднинг қай даражада ижодкорлигига боғлиқдир.

Тақлидий нутқий фаолиятни фаоллаштиришда керакли натижага эришиш учун тақлидни ривожлантиришни умуман олганда «Мен каби бажар» дан бошлаш керак. Болаларни предмет билан бажарилувчи ҳаракатларга, қўл, оёқ, бош ҳаракатларига тақлид қилишга ўргатиш лозим. Логопед ўзи ва болаларнинг хатти-ҳаракатларини сўзлар билан, агар иложи бўлса шеърӣй шаклда тўлдириб туради.

Қўл панжалари ҳаракатларига тақлид қилишни ривожлантиришга айниқса жиддий ёндашиш тавсия этилади(майда қўл моторикаси ривожлантирилмайди, балки қўл ҳаракатларига тақлид ривожлантирилади).

Логопедик ишнинг якуни

Оғзаки нутқни шакллантириш босқичида олиб бориладиган логопедик иш якунида болалар пассив луғатларида предмет ва ҳаракатларни уларнинг сўз белгиси билан таққослашга ўрганишлари лозим. Болаларнинг пассив луғати қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Бола доимий кўрувчи предмет номлари.
2. Ўзи ёки таниш кишилари бажарган хатти-ҳаракатлар номлари.
3. Айрим ҳолатлар номлари (иссиқ, совуқ, илиқ)

Болаларда катталар сўзига тақлид қилиш эҳтиёжини пайдо қилиш зарур. Сўз тақлиди фаолияти катталар томонидан ҳеч қандай тузатиш киритилмай, исталган нутқ-товушларда ифодаланиб намоён бўлади.

8.3. Ўқитишнинг иккинчи босқичи – дастлабки сўз шакллари

Логопедик таъсир кўрсатишнинг асосий вазифалари:

1. Болаларни қуйидаги турдаги икки сўзли гапларни тўғри тузишга ўргатиш: мурожаат + буйруқ (буйруқ майлидаги феъл билан ифодаланган), буйруқ+предмет номи (тушум келишигидаги от)
2. Айрим кундалик сўз бирикмаларини ёдлатиш.
3. Сўзнинг урғули бўғинини талаффуз қилиш.
4. Ўзгалар нутқини тушуниш ҳажмини кенгайтириш.

Бу босқич баён қилишда (гапда) икки-учта, баъзан тўртта аморф сўзларни ҳеч бир грамматик боғловчиларсиз боғлаш имконияти мавжуд болалар билан логопедик иш олиб боришга мўлжалланган. Болаларнинг аморф сўзлари бир-икки, камдан-кам уч бўғиндан, шунингдек сўз товуш тақлидидан иборат бўлади.

Сўз бойлиги миқдори ва аморф гаплар ҳажми тарли хил бўлиши мумкин, аммо ушбу даврнинг характерли белгиси – сўз ўзгартириш қобилиятининг бутунлай йўқлигидан иборат. Болалар ўз нутқларида атрофдагилар нутқидан ўзлаштирилган, «асосланган» шаклдаги сўзларни қўллайдилар. Масалан, барча келишик шакллари ўрнида бош келишик, бирликдаги шакл қўлланилади. Бирмунча нутқи ривожланган болаларда гоҳида айнан бир сўзнинг икки шаклини учратамиз. Масалан: машинани «дит» деб номлайди, аммо нимада кетяпмиз? Саволига «дитта» деб жавоб беради. Бу даврда нутқ ҳолати синтактик конструкцияларининг бутунлай йўқлиги билан характерланади. Дарак гапларни тузишда ҳаракат номлари ё бутунлай бўлмайди ёки инфинитив-императив шаклларда ва унинг фрагментлари билан ифодаланади ёки «туғалланмаган» аниқлик феълида акс эттирилади. Бола нутқида сўзлар – ҳаракат номлари қанчалик кўп бўлса, унинг ривожланиши даражаси шунчалик юқори бўлади.

Айрим ҳолларда, сўз ўзгартиришнинг тўла шаклланмаганлиги ҳолатида ҳам грамматик жиҳатдан тўғри тузилган сўз бирикмалари учраши мумкин.

Айрим болалар кўпроқ бир сўздан ёки икки сўздан иборат гаплардан фойдаланишни давом эттирадилар, бошқалари эса тўрт ва ундан ортиқ сўзли гаплар ҳажмини ва луғат бойлигини кенгайтирадилар. Эслатиб ўтамизки, нормада 3 ва ундан ортиқ сўзлардан тузилган гаплар грамматик жиҳатдан тўлдирилмай қолиши мумкин эмас

Агар нутқнинг нормал ривожланиши учун оҳангни жуда эрта ва ниҳоятда аниқ амалга ошириш характерли хусусият ҳисобланса (бу ҳолатда сўздаги урғу ўрнини жуда эрта ўзлаштириш мумкин), у ҳолда ривожланмаган болалар нутқи бўғин элизияси деб номланувчи, сўзлардаги бўғинлар миқдорини қисқартириш билан тўлиб тошади.

Нутқ тузилиши ритмиклигини идрок қила олмаслик болани сўзнинг ритмик-оҳанг томонини қийинчилик билан ўзлаштиришига олиб келади. Бунинг натижасида сўз узоқ вақтга қадар ўзининг бўғинма-бўғин ифодасини топа олмайди.

Кейинчалик айрим болалар шеърларни қийинчилик билан ёдлайдилар, чунки улар шеърини шаклнинг ритм ва қофиясини пайқай олмайдилар.

Кўпдан буён маълумки, ўрганилаётган нутқий ривожланиш даражасидаги болаларнинг турли бўғин тузилмасига эга сўзларни талаффуз қилиш қобилияти, сўзларни гапга бирлаштириш имконияти билан узвий боғлиқдир. Икки, сўнгра уч сўзни жумла (хатто аморф-ўзак сўзлардан иборат) пайдо бўлгани заҳоти, тақлид бўйича аввал икки, сўнг уч бўғинли сўзларни талаффуз қилиш имконияти юзага келади, масалан: Машина сўзи-«мосина», «осина», «посина».

Қоидаги кўра, қўлланувчи сўзларнинг фонетик таркиби эрта нутқ онтогенезидаги товушлар билан чегараланган булади, аммо нутқ ривожланишининг бу босқичида нормага қараганда уларнинг тўплами камбағалроқдир.

Сўз ўзгартиришни қўллай олмайдиган болалар билан олиб бориладиган логопедия ишининг асосий шартларидан бири нутқнинг мазмун томонини ривожлантиришга ёрдам берувчи тадбирлар ўтказишдир. Экспрессив нутққа болага тушунари ва унинг имперессив нутқида мавжуд бўлган нарсалар ўтказилади.

Нутқни тушунишни ривожлантириш

Нутқ ривожланишининг бу даражасида нутқни тушуниш кўпинча ноаниқлиги билан характерланади.

Болаларнинг предмет миқдорини (кўп-кам-битта), катталикини (катта-кичик), таъми (ширин-шўр), шунингдек предметларнинг фазовий жойлашувини (агар бу предметлар бола учун одатдаги жойларида турса) фарқлашга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Агар бола кўп билан ранг ёки катталикини уларнинг сўзли белгиси билан таққослай олмаса у ҳолда ранг номларини эслаб қолиш бўйича ишни бирмунча кейинги муддатларга қолдириб предметларни ранги ёки катталиги бўйича солиштириш билан чегараланиш керак.

Болаларни, айрим от ва феълларнинг бирлик ва кўпликдаги грамматик шакллари фарқлашга ўргатишга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Бироқ, бундай вазифалар фақатгина уларда предмет миқдори ҳақидаги тасаввурлари шаклландангани мумкин эканлигини билиш лозим; битта-кўп.

Дастлабки сўз шакллари шакллантириш

Катталар сўзига тақлид қилиш эҳтиёжи пайдо бўлганидан сўнг, болалардан урғули бўғинли талаффуз қилишга, сўнгра бир-икки-уч бўғинли сўзларнинг оҳанг-ритмик суръатига эришишга уриниш зарур (бола сўзнинг

товуш таркибини тахминан талаффуз қилиши мумкин). Болаларнинг бир гапда икки сўзни бирлаштириш ўқувини эгаллаши нутқ ривожланишида муҳим ютуқ ҳисобланади, масалан «коптокни бер».

Болалар ўз истакларини имо-ишоралар, аморф сўзлар ёки буйруқ феълидаги бош келишиқда, ўзгармайдиган отларда ифодалашга ўрганишлари лозим. Баъзи болалар тавсия қилинган феълларнинг бўғин тузилишини дарҳол эгаллаб ололмасликларини ёдда тутиш лозим. Шу сабабли дастлаб фақат урғули бўғинни талаффуз қилиш лозим, аммо кейинчалик минимум даражада икки бўғин талаффуз қилинади.

Нутқ ривожланишининг бу босқичида товуш талаффузини тўғрилаш тавсия этилмайди. Логопед болаларнинг талаффуз имкониятларига эътиборсиз қараши мумкин.

Бироқ, нутқ шаклланишининг маълум бир босқичларида биз қайси товушларга аҳамият бермаслигимизга бефарқ эмасмиз. М,п (б) ,м(г) ундошлари ҳосил бўлиш жойига кўра бошқа ундошлар билан аралашмаганлиги мақсадга мувофиқдир (бирок шарт эмас) масалан «к» товуши билан барча ундош товушлар юмшоқ ва қаттиққа, жарангли ва жарангсизга фарқланмай қолиши мумкин.

Барча тил-танглай олди ундошлари (ш, ж, ч, щ) битта умумий фрикатив товуш, масалан, юмшоқ «с» билан аралашishi мумкин. Сирғалувчи ва шовқинлиларни кўпол равишда аралаштириш ҳам рухсат этилади. Сонорларнинг йўқлиги қонуният ҳисобланади. Аммо нутқни тиклашнинг шу босқичида ёқ «й» товушининг мавжудлигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Бу товушни ой, ай, эй дифтонглариға тақлид қилиш асосида осонгина келтириб чиқариш мумкин.

Агар нутқнинг товуш бузилишлари мураккаб ва бола ҳеч бўлмаганда товушларнинг тахминий артикулятсиясини ҳам эгаллай олмаган бўлса, у ҳолда логопедик иш сўзларни ритмик-охангли талаффуз қилиш базасидан бошлаш лозим. Болалар оханг мусиқий сурати сақланган муҳим сўзларнинг айрим захираси билан қисқа фразали нутқни эгаллаганидан сўнг товуш талаффузи коррексияси бўйича иш бошланади. Уч ёшли болалар билан бу ишни «чуғурлаш сўзлари» материали устида бошлаш мақсадга мувофиқдир. Қуйидаги логопедик усуллардан фойдаланиш тавсия этилади: предметлар ёки предметли расмларни номлаш; предметни олиш, бериш, узатиш ва хоказоларни илтимос қилиш; предмет ёки унинг тасвири ҳақида логопед бошлаган жумлаларни тугаллаш; ҳаракатларни буйруқ шаклида номлаш. Болалар томонидан ўзлаштирилган сўзларни кўп маротаба гапириш муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

Логопедик иш якуни

Оғзаки нутқни шакллантириш бўйича иккинчи босқичдаги логопедик ишда болалар тушум келишиқли от+бирлиқдаги буйруқ-майли феъли туридаги икки сўздан иборат гапларни синтактик ва грамматик жиҳатдан тўғри тузишға; айрим сўзларнинг бош ва тушум келишиғида ажратиб

қўллашни; алоҳида феъллар инфинитиви + модаллик равишларини қўллай туриб, ўз истакларини ифода этишни ўрганишлари лозим.

Болалар ёдлаган сўзларда урғу ўрнини ўзлаштиришлари, икки, иложи бўлса уч бўғинли сўзларнинг ритмик оҳанг тузилишини амалга ошира олишлари лозим. Товуш талаффузи устида ишлаш жараёнида қуйидаги ундош товушлар билан чегараланиш мумкин: п (б), м, т (д), н, к (г) х ва и товуши. Агар товуш талаффузи қўпол бузилганича қолаверса, у ҳолда сўзнинг ритмик-оҳанг тузилмаси билан чегараланиш мумкин. Нутқни тушунишда болалар предметларни уларнинг функцияси билан таққослаши, асосий белгилари бўйича таниш предметларни кўрсатиши, логопед томонидан сюжетли расмлар деталларига қўйилган кўчирма келишикли саволларга кўрсата олиш ёки қулай сўз шаклида жавоб бера олишлари лозим.

8.4. Ўқитишнинг учинчи босқичи – икки таркибли гап

Логопедик таъсирнинг асосий вазифалари:

1. Қуйидаги турдаги гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузишга болаларни ўргатиш: бош келишиқдаги от+мувофиқлаштирилган 3 шахс ҳозирги замон феъли.

2. Урғули ва урғусиз унлиларни тўғри талаффуз қилиш билан бирга з бўғинли сўзларнинг ритмик – бўғин тузилмасини амалга ошириш.

3. Нутқни тушунишда сўзларнинг грамматик шаклларини фарқлаш бўйича олиб борилган ишни давом эттириш .

Бу босқич гап ҳажми 2-3 сўзга кўпайган болалар билан ишлаш учун мўлжалланган. Бу босқичда фаол луғат янги кундалик – сўзлашув сўзлари билан тўлдирилади, аммо бу сўзлар кўпинча аниқ тушунчали нисбатга эга бўлмайди ва ноаниқ маънода қўлланилади. Хусусан, болалар предмет номларини ҳаракат номлари билан ва аксинча адаштирадилар. Айрим предмет номлари ўхшаш вазият бўйича бошқалари билан алмаштирилади: палто – кўйлак, қалпоқ – телпак ва хоказо. Айнан бир сўз билан доимий ўхшаш белгиларга эга ва аксинча бўлган турли хил предметлар номланади. Айнан бир предметни турли хил вазиятларда бола турлича номлаши мумкин. Ақлий ривожланиш даражаси қанчалик паст бўлса, сўзларнинг асосий маъносини қўпол аралаштириш шунчалик баланд бўлади.

Нутқ ривожланишининг бу даврида ўтган даврлар хусусиятлари ҳам кузатилади: сўзлар полисомияси, сўзларнинг ўзаро грамматик боғлиқлигининг йўқлиги, уч бўғинли сўзларда бўғинлар элизияси, товуш талаффузининг шаклланмаганлиги.

Аниқлик майлидаги феълларда 3-шахс флекцийларини тўғри қўллаш ҳолларини онда-сонда учраши бу босқичнинг бошқа босқичлардан фарқ килувчи янги сифати ҳисобланади.

Айниқса, логопеднинг нима қияпти? Саволига ўхшаш, ҳозирги замон 3-шахсдаги феълларни қўллаш укувининг пайдо бўлишини ижобий ҳодиса деб тан олиш мумкин.

Нутқий ривожланишнинг бу босқичида болалар айнан бир лектик негизли турли хил флексийларни қўллашни бошлайдилар. Кўпинча сўз қўшимчалари она тили нормаларига мос келмайди. Морфемалар бўйича ажратилган нутқий материалдан боланинг фойдаланиш ҳолати унинг кераклигича ривожланганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бироқ, болалар томонидан қўлланувчи кўпгина гапларда ҳали ҳам сўзлар грамматик жиҳатдан боғланмай қолади. Кўпгина ҳаракат номларини болалар феъл билан алмаштирадилар: олиш, оляпти; емоқ, еяпти; турмоқ, туряпти;

Пайдо бўлган ҳаракат номлари кўпинча инфинитив шаклда буйрук майлида қўлланилади.

Бу даврнинг характерли белгиси – болалар томонидан ҳаракат номларининг бутунлай тушириб қолдирилиши ҳисобланади ва уларнинг спонтан нутқларида қуйидагича гап конструкциялари устунлик қилади:

1. Феъл тушириб қолдирилган гаплар, масалан:

А) Субъект + ҳаракат объекти

Б) Субъект + ҳаракат жойи

2. Ҳозирги замон феъли ўрнига инфинитив қўлланладиган гаплар.

Феълларнинг императив – инфинитив шаклини ёки уларнинг асосини ноқонуний қўллаш ривожланмаган нутқда узоқ муддат сақланади. Ҳаракатга чорловчи сўз шакллари ёки таъқиқларни болалар кўпинча ўзига қаратилган нутқ каби эшитади, сўнгра уни ҳеч қандай ўзгартиришларсиз ўзининг шахсий баёнларида қўллайдилар.

Тўғри тузилган грамматик стереотипларнинг пайдо бўлиши билан аграмматик конструкциялар «сиқиб чиқарилмайди» ва янги ўзлаштирилган сўзлардан гаплар тузиш эски намуна бўйича давом этаверади.

Болалар томонидан қўлланувчи сўзлар товуш муносабатига кўра шаклланмаганлигича қолади: тил учини юқорига кўтаришни талаб қилувчи нутқ товушлари бўлмайди, ундош товушлар кетма-кетлиги йўқ бўлади, кўп болалар товуш ўрнини ўрната олмайдилар. Бундан ташқари товушлар артикуляцион усулига кўра аралаштирилади. Бироқ, кўпгина болалар урғули ва урғусиз бўғинларни тўғри ажратиш билан бирга уч бўғинли сўзлар тузилишини амалга ошира оладилар. Тўрт бўғинли сўзларда болалар бўғинларни тушириб қолдирадилар. Товуш талаффузи қанчалик яхши шаклланса, бир қатор унлиларнинг бошқа қатор унлилар билан аралашиб кетиши (ҳосил бўлиши ўрнига кўра) ҳолати камаяди. Сўзлараро грамматик алоқанинг йўқлиги, сўзларнинг ритмик-бўғин тузилишининг бузилиши ва товушларнинг аралашиб кетиши ва қўпол бузилиши бундай болалар нутқини ҳаддан ташқари автономлаштиради. Бу нутқ уларга тўлиқ мулоқот вазифаси бўлиб хизмат қилолмайди.

Шу билан бирга айнан бир сўзнинг морфологик ажратилган шаклларининг дастлабки белгилари болалар нутқида пайдо бўлса, бунини «нутқий танглик» сифатида характерлаш мумкин. (ухлаш, ухла, ухлади, ухладилар) Шу дақиқадан бошлаб нутқий ривожланиш динамикаси турли болаларда турлича бўлиши мумкин: баъзилар фразали нутқни тез

ўзлаштирадilar, бошқаларда бу узоқка чўзилади ва логопедик ишда буни эътиборга олиш керак.

Нутқни тушунишни ривожлантириш

Тавсия қилинувчи вазифалар болаларни сўзларнинг айрим грамматик шакллари фарқлашга, шунингдек жаранглаши бўйича яқин ёки предметли вазият билан ўхшаш сўзларни фарқлашга ўргатишга қаратилади. Дастлаб болалар тушунишда логопед саволининг нутқий контекстидан мўлжал оладилар. Болалар қийинчиликсиз барча топшириқларни тушунишни ва бажаришни ўрганиб олганларидан сўнг, логопед секин-аста барча ёрдам берувчи сўзларни олиб ташлаши мумкин ва болага сўзнинг алоҳида қисмларидаги турлича жарангланишга таяниб мўлжал олиш имкониятини беради. Агар болаларда сўзларнинг грамматик шакллари фарқлаш қобилияти аниқланса, бундай кетма-кетликнинг зарурати бўлмайди.

Икки бўғинли содда гапларни шакллантириш

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигида, нутқ ривожланишининг дастлабки босқичларида болаларни предмет ва унинг ҳаракати ўртасидаги грамматик алоқани ўрнатишга ўргатиш биринчи даражали аҳамиятга эга. Шу сабабли болаларни икки сўздан иборат гаплар тузишга ўргатиш зарур. Бу гапларда от-эга бош келишик, бирликда, феъл – кесим эса 3 шахс, бирликда, ҳозирги замон буйруқ майлида қўлланилиши лозим.

Дастлаб 2 шахс бирликда, буйруқ майлидаги феълларини такрорлаш тавсия қилинади.

Бошланғич даврида шундай феъллар бериладик, бунда аниқлик майли, 3 шахс бирликдаги шаклларнинг ҳосил бўлишида негиз ўзгармайди ёки ўзгаришлар сезиларсиз ва бола учун қулай бўлади. Феълларини бундай танлашда «д» товушни «ўстириш» содир бўлади: бер-берди, ол-олди, кўр-кўрди.

Ишланаётган гапдан олдиндан ҳаракат объекти олиб ташланади, чунки боланинг асосий диққатини феълга қаратиш лозим. Бунга сабаб бола феълларни гоҳ тушириб қолдиради, гоҳ эгага мослаштира олмайди.

Эга ва кесимли гапларнинг бундай чегараланган ҳажми сунъий кўринади, чунки сўзлашув нутқида бундай конструкциялар кам учрайди. Бундан ташқари, кўпгина болалар уч ва ундан ортиқ сўздан иборат гаплардан фойдаланишлари мумкин. Шундай бўлса ҳам, диққат аввал эга ва кесимнинг грамматик боғлиқлигига қаратилиши, сўнгра эса гаплар ҳажмини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Содда, кенг тарқалмаган гапларни шакллантириш бўйича ишни сўзларнинг бўғин таркибини шакллантириш ва товуш талаффузини шакллантириш бўйича олиб бориладиган иш элементлари билан бирга олиб бориш мумкин. Айрим болаларда товуш талаффузининг шакланмаганлиги яққол кўринади. Товуш талаффузини тўғрилаш бўйича олиб бориловчи муддатидан илгариги логопедик иш баъзи болаларда нутқий негативизмни

келтириб чиқаради, чунки нутқ ривожланишининг бу даражасида улар аниқ артикуляцион тузилмаларни эгаллаш ҳолатида бўлмайдилар. Иложи бўлса сўзларда бўғинларнинг оҳанг-ритмик суръати сақланиши керак. Агар сўзнинг уч бўғинли таркиби болаги мураккаблик қилса, икки бўғинлилар билан чегараланиш мумкин. Бу босқичда товуш талаффузида турли хил камчиликлар кузатилади.

Сўзларнинг бўғин таркибини шакллантириш

Она тилини ўзлаштиришнинг турли босқичларида сўзларнинг бўғин таркиби устида олиб борилувчи иш турлари мураккаблашиб, ўзгаради. Дастлаб логопед боладан сўз қисми сингари бўғинга ҳеч қандай онгли муносабатни талаб қилмайди. Болалар сўзларни англамаган ҳолда бўғинга бўладилар ва бўлиш жараёни сўзларни аниқ бўғинлаб гапиришга асосланиб амалга оширилади. Бунда гапириш такт остида қўлни столга ритмик ҳаракатли уриб туриш билан боғланади. Бу ҳолда бўғинлар миқдори бир вақтнинг ўзида ҳаракатлари билан ритмик тарзда уйғунлашади. Бундан ташқари болага алоҳида қоғоз бўлаклари кўринишдаги бўғиннинг кўрув таянчи берилади. Логопед болага сўзларнинг узун ёки қисқа бўлишини тушунтиради. Сўз қанча узун бўлса, бўғин ҳам кўп бўлишини – қоғоз бўлакларини кетма-кет бир чизикда териб кўрсатади. Ҳар бир бўғин (қоғоз) орасини очиб, нечта бўғин бўлса шунча «чапак чалиб» ёки такт бериб бўғинларни аниқлаштиради.

Сўнгра логопед бола диққатини қисқа сўзларга қаратади: гул (бир қоғоз бўлагига бир чапак) боғ нон.

Кейинроқ логопед болага сўзнинг ҳар бир бўғинига қанчадан чапак чалганига қараб, бу сўзнинг узун ёки қисқалигини айтиб беришни таклиф қилади. Таққослаш учун бир бўғинли ва уч-тўрт бўғинли сўзлар берилади.

Логопед болага сўзни бўғинлаб талаффуз қилиш билан бир вақтнинг ўзида ҳар бир бўғинга қўл ҳаракатлари билан такт бериб туришни ўргатади.

Товуш талаффузини шакллантириш

Товуш талаффузи устида олиб бориладиган иш сўзнинг бўғин таркиби устидаги иш билан узвий боғлиқ. Нутқ ривожланишининг паст даражасига эга болалар учун нутқнинг алоҳида товушларини ажратиш ва уларни алоҳида маъно бирлиги сифатида англаш мураккабдир. «Она тилидаги товушлар ва уларнинг уйғунлашувини ўзлаштириш, сўзларни ўзлаштириш воситаси орқали амалга оширилади: фақат товушларнинг барқарор комплекси сингари сўзлар ўзлаштирилади.

Нутқ ривожланишнинг бу даражасида болага сўзлардан алоҳида товушларни ажратиш, сўзнинг товуш таркибини оғзаки таҳлил қилиш таклиф қилинади. Бундай фаолият боладан сўзнинг товуш томонига онгли муносабатда бўлишни талаб қилади. Кичик ёшли болаларга бу жараён

мураккаблик қилади. Нутқ тикланишининг бу босқичида жарангли ундошларнинг жарангсизланиши, юмшоқ ундош товушларнинг мос келувчи қаттиқ товушларга аралаштирилиши ёки алмаштирилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бўғинли машқлар эҳтиёткорлик билан берилади, чунки 3-4 ёшли болалар учун бўғин ҳеч нимани билдирмайди. Ҳар қалай бўғинли машқларсиз ҳам бўлмайди, шунинг учун уларни ўйин шаклида ўтказиш лозим.

Логопедик иш якуни

Учинчи босқич охирларига келиб болалар эга ва ҳозирги замон, аниқлик майли, 3 шахс бирлик ва кўпликдаги кесимни мослаштиришни ўрганишлари лозим. Бундай кундалик сўзлашув феълларининг захираси кўп бўлмайди, аммо улардан айримларини болалар бир неча шаклларда тўғри қўллашлари лозим: инфинитивда, ҳозирги замон, 3-шахс, бирлик ва кўпликдаги буйруқ ва аниқлик майлида.

Сузларнинг бўғин таркиби устидаги иш болаларнинг икки-уч бўғинли сўзларнинг ритмик-бўғинли суръатини ўзлаштиришлари билан якунланади. Нутқни тушуниш сўзларнинг айрим грамматик шаклларини, мураккаб бўлмаган ҳикояларни, қисқа эртакларни ўз ичига олади.

8.5. Ўқитишнинг тўртинчи босқичи – бир нечта сўзлардан иборат гаплар

Логопедик таъсир кўрсатишнинг асосий вазифалари:

1. 3-5 сўздан иборат гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузишга ўргатиш.

2. Айрим от ва феълларни дастлабки мустақил равишда сўз ўзгартиришга ўргатиш.

3. Мустақил нутқнинг оддий кўникмаларини шакллантириш.

Бу босқич 3-4 сўздан иборат гаплар туза олувчи болалар билан ишлашга мўлжалланган. Болалар нутқида эга (шахс ёки предмет номи) кесими (феъли) мос келган гаплар кузатилади.

Болаларнинг фаол луғати предмет белгиларини билдирувчи сўзлар, равишлар билан тўлиб боради, аммо энди пайдо бўлган сифатлар аграмматик қўлланилади. Сўзлар маъносининг ноаниқлиги характерли ҳолдир: ҳаракат номлари предмет номлари билан алмаштирилади, айрим ҳаракат номлари ўхшаш вазият бўйича бошқалари билан алмаштирилади (ёзаяпти-чизаяпти) кўпинча «қияпти» феъли кўпгина ҳаракатлар номи ўрнига қўлланади: «қизча қор қияпти» (қизча қор ўйнаяпти) «бола гул қияпти» (бола гул экяпти). Бироқ ўтган босқичларда гапдаги сўзлар ўзаро боғланган бўлса, бу босқичда гапдаги ролига боғлиқ равишда сўз шаклини ўзгартириш қобилияти пайдо бўлади. Шунга кўра от ва феълларда флекцийлар пайдо бўлади. Бу

флексийлар айрим ҳолларда тил нормаларига мос келади. Аммо кўп ҳолларда флексийлардан нотўғри фойдаланилади.

Кўпинча от шакли дастлабки ҳолатида қолади, масалан «қаЕрга келдинг» саволига бола «боғча» деб жавоб беради.

Болаларнинг аниқлик майлидаги феълларни ҳаракат субъекти билан мослаштира олишларига қарамай, улар нутқида аниқлик майли ўрнига инфинитив ва буйруқ майли ёки бу шаклларнинг асоси қўлланилган гаплар кўп кузатилади. Кўпинча, эга ва 3 шахс кўпликдаги кесимни мослашда қийинчилик туғилади.

Нутқ ривожланишнинг бу даражасини ўзига хос қонуниятларини эгаллашнинг бошланиши сифатида характерлаш мумкин. Кузатишларнинг кўрсатишича нутқ ривожланмаганлигининг оғир даражасида болалар гапнинг синтактик таркибини ўзлаштира олмайдилар.

Энгилроқ нутқ камчилигида келишик қўшимчаларини аралаштириш кузатилади.

Эслатиб ўтамизки, нутқнинг нормал ривожланишида беш ёшга келиб турлаш қоидалари тамомила ўзлаштирилиб олинади ва сон жиҳатдан устунлик қилувчи қўшимчалар илгарироқ ўзлаштирилади ва кўпинча кам қўлланиувчи қўшимчалар ўрнида ҳам пайдо бўлади. Масалан, отлар учун болалар нутқидаги «хукмрон» қўшимчалар қуйидагилардир: – ни (тушум келишиги), – да (ўрин пайт келишиги) – дан (чиқиш келишиги), – нинг (қаратқич келишиги)

Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, бола «хукмрон» шаклларнинг ўзини ҳам бир вақтнинг ўзида ўзлаштирмайди: масалан, кўпликдаги қаратқич келишига жуда қийинчилик билан ўзлаштирилади.

Ривожланишнинг бу босқичида болалар айрим кўмакчилардан нотўғри бўлсада фойдалана бошлайдилар: «коптокда ўйнаш» (копток билан ўйнаш), «челак олдидан» (челак ичидан).

Мураккаблашган нутқ шаклларида ва мураккаблашган нутқий материалларда, масалан бирон нарсани айтиб бериш ёки хикоя қилишга уриниш жараёнида аграмматизмлар миқдори ортади.

Нутқ ривожланишининг бу даврида, айрим болаларда гап тузиш укувининг ривожланишга нисбатан сўзнинг бўғин таркибини ўзлаштириш кечикади. Бундай ҳолларда болалар нутқида грамматик жиҳатдан флексийлар тўғри қўлланган сўзли гаплар ва сўз бирикмалари пайдо бўлади, аммо сўзларнинг бўғин таркиби бузилади.

Лекин бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Бунда бола сўзнинг бўғин таркибини осон ўзлаштиради, гапнинг грамматик тузишни ривожланиши эса кечикади.

Нутқ ривожланмаганлигида нутқнинг товуш томонини ўзлаштириш секин ва ўзига хос кечади. Болалар ҳосил бўлган товушларни ҳосил бўлиш ўрни ва артикулятсия усулига кўра ўзаро алмаштирадилар. Болаларда товуш талаффузи камчиликлари турлича намоён бўлади ва товуш талаффузи коррексиясида буни ҳисобга олиш лозим. Баъзи болаларда она тилидаги товушларни ўзлаштириш жараёни нормал болаларга нисбатан олганда

секинлашгандек туюлади. Бошқа болаларда фонемаларни ўзлаштириш, соғлом болалар ўзлаштиришининг кетма-кетлигига мутлақо мос келмайди.

Бир товушни бошқаси билан алмаштириш бу даврнинг характерли хусусиятидир. Кўпчилик болалар барча ундошларни жарангсизлантирадilar.

«й» товушнинг йўқлиги, товуш талаффузининг кенг тарқалган бузилишлари ичига киради.

Нутқни тушунишни ривожлантириш

Иккинчи ва учинчи ўқитиш босқичларида тавсия қилинган, нутқни тушунишни ривожлантириш бўйича вазифалар такрорланади. Болаларнинг от ва феълларнинг грамматик иакллари, отларнинг келишик кўшимчаларини, предметларнинг айрим белгиларини тушунишга эътибор қаратилади.

Бир нечта сўздан иборат гапларни шакллантириш

Тўртинчи босқичдаги логопедик иш, болаларнинг 3-5 сўздан иборат гаплар тузишни ўрганишларига қаратилган. Бунда болалар фонетик жиҳатдан тўғри, «хукмрон» кўшимчалар ёрдамида сўзлар ўртасидаги боғлиқликни ифода этишга ўрганишлари зарур. Келишikli кўмакчилардан тузилган конструкцияларда болалар барча кўмакчиларни тушириб қолдиришлари мумкин (талаффуз қилмайдilar). Саволлар ёрдамида логопед гапдаги сўзлар тартибини тўғрилайди, сўнгра гап тузишда боланинг феълни тушуриб қолдирмаслигини ва уни отга мос ҳолда сон ва шахсда керакли шаклда қўллаштини кузатиб туради.

Тўртинчи босқичдан бошлаб болаларга сўз ўзгартириш қоидаларини ўргатиш бошланади ва бу логопедик ишнинг кейинги босқичларида ҳам давом этади.

От ва феълларнинг грамматик шакллари шакллантириш фақатгина маълум сўз шакллари қайта ишлаш орқали амалга оширилмайди, балки кўшимча равишда айнан бир сўзнинг турли шакллари таққослаш устида ҳам иш олиб борилади.

Айнан бир сўз турли сўз бирикмаларида қанчалик кўп шаклга кирса, болалар томонидан грамматик мезонларни ва она тилидаги бир бутун грамматик тизимли ўзлаштириш самаралироқ кечади. Бироқ бундай таққослаш учун маълум луғат бойлиги ва грамматик таққослашнинг маълум кетма-кетлиги бўлиши зарур.

Нутқ онтогенезидан келиб чиқиб, маълум сўзлар захираси тўплангандан сўнгина сўз қоидаларини жадал равишда ўзлаштиришни бошлаш тавсия этилади: предмет номлари 100-150 сўздан кам бўлмаслиги ва ҳаракат номлари 40-50 сўз атрофида бўлиши зарур. Болалар диққати сўзнинг охирига қаратилади. Сўз ўзгартириш бўйича ишни шундай сузларда ўтказиш мақсадга мувофиқ: Бундай сўзлар ўзининг оханг-ритмик сурътини сақлаб қолиши, яъни ўзгарган сўзда бўгин миқдори сақланиб қолиши лозим. Бундан

ташқари дастлаб фақат сўз ўзгартиришнинг продуктив шакллари қўлланилади.

Агар топшириқ бажаришнинг биринчи босқичларида болаларнинг бир сўздан иборат жавобларига рухсат этилса, кейинги босқичларда боладан бутун гапни (синтактик стереотипдаги) унинг тўғри грамматик тузилиши билан гапириб бериши талаб қилинади. Шунинг эса тутиш лозимки, нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар учун феълга боғлиқ сўзни грамматик тўғри тузиш мураккаблик қилади.

Болалар номойиш килинган ҳаракатлар, сюжетли расмлар, саволларга батафсил жавоблар бўйича гапларни қанча кўп тузсалар содда гапларнинг грамматик тузилишини тезроқ ўзлаштирадilar. Шу сабабли машғулотларда ҳар қандай предметли вазиятлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Чунки бу вазиятларда Ким? Нима? Нима килипти? Нима билан? Қайерда? Қайерга? ва ҳоказо саволлар бериш мумкин.

Машғулотларда кўмакчи, сифат, равиш ва олмошлар устида ишланмайди, чунинчи нутқнинг бу қисмлари болаларнинг фаол нутқида ўз ўрнига эга бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Кўмакчили конструкцияларда боладан фақат сўз охирини (флекцийни) тўғри тузиш талаб қилинади, кўмакчиларнинг ўзи эса бундай болаларда тушириб қолдирилиши ёки нотўғри қўлланилиши мумкин.

Бутун логопедик иш жараёнида товуш талаффузига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Она тили фонетикасини шакллантириш товуш ўзлаштиришнинг кетма-кетликдаги табиий-физиологик жараёни сингари ташкил қилиниши зарур. Шу сабабли биринчи навбатда лаб-лабли п, б, м, юмшоқ тил олди т, д, н, сонор л товушларга эътибор қаратилади. Сирғалувчи, шовқинли, аффрикат товушлар ўрнини мос келувчи бирон товуш вақтинчалик эгаллаб туриши мумкин. Энг сўнггида «р» товуши устида ишланади.

Бу босқичда артикулятсияни тайёрлаш мақсадида бир қатор артикулятсион машқларни ўтказиш тавсия қилинади.

Грамматик сўз шакллари таққослаш

Юқорида таъкидлаганимиздек фаол луғатда Этарли миқдорда предмет номлари (отлар 100-150 дан ортиқ) ва ҳаракат номлари (феъллар 40-50 дан ортиқ) мавжуд бўлса, турли хил шакллари таққослашга киришиш мумкин. Логопед бутун нутқий материални ҳар бир боланинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда танлайди. Олиб борилган иш якунида болалар бирлик ва кўплик кўшимчаларини қўллаш орқали отларни ўзгартиришни билишлари лозим, шунингдек қуйидаги феъл шакллари захирасига эга бўлишлари лозим:

1. 2 шахс бирликдаги буйруқ майли.
2. Ҳозирги замон хабар майли (1-2-3 шахс бирликда; 3-1 шахс кўпликда)
3. Ўтган замон, 3 шахс бирлик ва кўпликда (Бу босқичда бажарилган ҳаракатлар замон бўйича таққосланмайди)

Феълларни танлашда асосларни навбатма-навбат ўзгартиришни ҳисобга олиш лозим. Бундай ўзгартиришлар турғун ўзлаштирилмаса, фақат ўзлаштириш учун қулай шакллар олинади.

Сўзнинг бўғин таркиби ва товуш талаффузини шакллантириш

Сўзнинг бўғин таркиби устидаги ишни мураккаблаштира туриб, логопед ишланаётган сўзлар қаторига кетма-кет келган ундошли сўзлар киритилади.

Сўзларни бўғинга бўлишда морфемаларнинг тўкнашуви содир бўлиши шартлигини тушунтириш тавсия қилинади, масалан: ко-пток (коп-ток), болға (бол-ға)

Артикулятсион машқлар кетма-кетли ундош товушларни гапириш машқлари билан алмаштирилади, аммо бу машқларга бола тўғри талаффуз қилувчи товушлар киритилади. Кетма-кетли ундош товушлар ишланганидан сўнг сўзларга киритилади ва албатти бўғинлаб тўғри талаффуз қилдирилади.

Ёдлаш учун икки қаторли шеърлар

Қоидага кўра, нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар шеърларни, айниқса, тўрт ва ундан ортиқ қаторли шеърларни эслаб қололмайдилар. Шу сабабли ишни икки қаторли шеърларни ёдлашдан бошлаш керак.

Икки қаторли шеърларни ёдлаш предметли ёки содда сюжетли расмларга мажбурий таянган ҳолда ўтказилади. Логопед матнни, шеърга мос расмларни ўзи танлайди. Шеърни ёдлашда унинг мазмуни болага тушунарли бўлаётганига ишонч ҳосил қилиш лозим, бунинг учун расмларга мос саволлар берилади. Масалан, сюжетли расм бўйича «Шов-шув этади ариқ, Карим экади тариқ» шеърида қуйидагича саволлар бериш мумкин: «Карим нима экди? Ким тариқ экади?»

Кичик ҳикоялар

Агар болалар саволларга жавоб беришни, номойиш қилинган ҳаракатлар ва содда сюжетли расмлар бўйича гаплар тузишни, икки қаторли шеърлардан бир нечтасини ёдлашни ўргансалар, уларга ҳикоя элементларини ўргатишни бошлаш тавсия қилинади. Бунинг натижасида болалар кичик ҳикоя мазмунини бир нечта гаплар билан Ўтказишга ўрганишлари лозим. Бироқ, луғат бойлигининг камбағаллиги ва нутқ грамматик тизимининг шаклланмаганлиги туфайли боғланган нутқ мустақил вазифага ажратилмайди.

Тавсия этилган кичик ҳикоялар, шунингдек уларга қаратилган машқлар болага минимум даражадаги нутқ воситаларини ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Логопед кичик ҳикояни 2-3 маротаба ўқийди (ёки гапириб беради) гоҳида ҳикояда иштирок этувчи шахс ёки предметларни расмларда намоиш қилади. Сўнг логопед матнга оид саволлар ва машқлар беради. Топшириқлар ҳар бир боланинг нутқий имкониятларига мос ҳолда танланади. Педагогнинг ихтиёрига кўра барча матнлар қайта ўзгартирилиши мумкин.

Логопеднинг иш якуни

Тўртинчи босқичда кўзда тутилган логопедик иш, болалар томонидан элементар сўзлашув-маиший нутқни эгаллашга йўналтирилган. Болалар нутқи коммуникатив функцияга эга бўлиши лозим.

Болалар бирлик ва кўпликдаги барча келишиклар доирасида отларни турлашни, алоҳида яхши таниш феълларни сон ва шахс бўйича ўзгартиришни билишлари зарур. Уч бўғинли ва айрим тўрт бўғинли сўзларнинг бўғин таркиби ўзлаштирилиши лозим. Товуш муносабати бўйича сирғалувчи, шовқинли, аффрикат, сонор товушлар шаклланмаган ҳолда қолиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Нутқнинг турли ривожланмаганлигига таъриф беринг.
2. 1- даражали нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигига эга бўлган болаларнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг ва улар нутқига тавсиф беринг.
3. 2- ва 3- даражали НТРга эга бўлган болалар нутқини таққосланг ва уларга тавсиф беринг.
4. НТРнинг клиник кўринишларини айтиб беринг.
5. Кичик мактабгача ёшдаги НТР ва нутқий ривожланиш темпининг секинлашувини дифференциал ташхис қилиб беринг.
6. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ва олигофренияни дифференциал ташхис қилинг.
7. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ва рухий ривожланишнинг сустлашувини дифференциал ташхис қилинг.
8. НТР бартараф этишда коррекцион педагогик иш тизимини босқичлар бўйича ёритиб беринг.
9. НТР болалар нутқини текшириш учун дидактик материаллар тайёрланг. Нутқ картаси билан яқиндан танишинг.
10. Махсус болалар нутқ боғчасига борганда нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқини кузатинг.
11. Махсус болалар нутқ боғчасида логопед машғулотини кузатинг ва таҳлил қилинг.

9-Мавзу: Ёзма нутқдаги камчиликлар (2 соат)

Режа

- 9.1. Дислексия, унинг таснифи
- 9.2. Дисграфия ёзув жараёнининг психофизиологик қурилиши
- 9.3. Ўқиш ва ёзувида камчилиги бўлган болаларни текшириш
- 9.4. Ёзма нутқ камчиликларини бартараф этишда олиб бориладиган логопедик ишлар методикаси

Таянч иборалар:

1. Аграматизм – (грекча а-инкор қилиш, бўлақларга ажратилмайдиган сўзидан) – тилнинг грамматик қурилишини ўзлаштира олмаслик, грамматик формаларнинг аҳамиятини тушунмаслик, гап туза олмаслик натижасида юзага келадиган нутқ бузилиши.
2. Аграфия (грекча а-инкор қилиш, дранво-ёзмамон сўзларидан) ёзув жараёнининг шаклланмаганлиги.
3. Лекция (грекча а-инкор этиш, лед ўқийман сўзларидан) ўқиш жараёнининг шаклланмаганлиги.
4. Дисграфия (грекча дис-бузилиш маъносини билдирувчи юклама) ёзув жараёнининг бузилиши.
5. Дислексия грекча дис-бузилиш маъносини билдирувчи юклама, ўқиш жараёнининг бузилиши.

9.1. Дислексия, унинг таснифи

Нутқ – фикр баён қилиш воситаси бўлиб, оғзаки ва ёзма шаклда ифодаланади. Тафаккур нутқ ёрдамида рўй бериб, шу туфайли кишилар бир-бирлари билан алоқа боғлайдилар.

Оғзаки нутқ пауза, урғу, интонация ва товушлар орқали тингловчига бориб Этса, ёзма нутқ, ҳарф ва сўзларнинг маълум қонуният асосида ўзаро бирикуви, тиниш белгилари, ҳар хил ажатишлар, гапларни грамматик жиҳатдан аниқ ва товушлар баён қилиш орқали Этиб боради. Оғзаки нутқнинг ёзма нутқдан яна бир фарқи шуки, оғзаки нутқни эшитамиз, ёзма нутқни кўрамиз ва ўқиймиз. Ёзма нутқ мураккаб жараён бўлиб, у кўп вақт меҳнат талаб қилади. Синтаксис жиҳатдан қараганда ёзма нутқ энг тўлиқ ва мукамал нутқдир. Бу нутқ ихтиёрий фикримизни ифодалаб беришнинг энг яхши воситасидир. Ёзма нутқ оғзаки нутқ асосида ривожланади. Оғзаки нутқ ҳаётда кишилар билан муносабатда бўлиш, уларга тақлид қилиш йўли билан ривожланиб, боладан махсус ўқиш ва ўрганишни талаб этмайди. Ёзма нутқ эса ҳарфлар ва белгилар ёрдами билан товушлар, сўзлар, гапларни кўз билан идрок қилишга, қўл билан ёзишга мўлжалланган нутқдир.

Ҳозирги замон адабиётларида ўқиш бузилишлари "алекция" ва "дислексия" терминлари билан юритилади. Алекция термини ўқиш жараёнининг йўқлигини, дислексия термини эса ўқиш жараёнини қисман бузилишини билдиради.

Ўқиш бузилишлари болалар орасида кенг тарқалган. Муаллифларнинг берган маълумотига кўра Европа мамлакатларида ақли нормал болалар орасида дислексия 10% ташкил этар экан. Р. Беккер маълумотига кўра эса, оммавий мактаб бошланғич синф болаларида ўқиш бузилишлари 3% оғир нутқ камчилигига эга бўлган болалар мактабида эса 22 % ни ташкил этар экан. Р.И. Лалаева маълумотига кўра, ёрдамчи мактабларининг ўқувчиларида ўқиш бузилишлари 62 % ташкил этади. А.Н. Корнева маълумоти бўйича 7-8 ёшли ўқувчилар орасида 4,8% дислексия кузатилган. Оғир нутқ камчилигига эга бўлган болалар ва психик ривожланиши ортда қолган болалар мактаби ўқувчиларининг 20-50% да дислексия аниқланган. Дислексия ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан 4,5 баравар кўп учрар экан.

Дислексия – бу марказий психик функциянинг шаклланмаганлиги ва катъий характердаги хатоларнинг қайтарилиши билан боғлиқ бўлган ўқиш жараёнининг қисман бузилиши.

Дислексиянинг алоҳида ўзи мустақил нутқ нуқсони сифатида камдан-кам учрайди. Дислексия белгилари қуйидагичадир:

1. Ҳарфларни эсда сақлай олмаслик, уларни бир-бири билан алмаштириб ўқиш; ҳарфларни бўғинларга бириктира олмаслик;
2. Ҳарф ва бўғинларни қайта – қайта такрорлаш, тушириб кетиш, ўрнини алмаштириш натижасида маънони тушунмай, нотўғри секин ўқиш;
3. Сўз қисмларини, бўғинларни, қўшимчаларни бошқа ҳарф, бўғин ёки сўзлар билан алмаштириш;
4. Тиниш белгилари, паузаларга риоя қилмаслик; сўз ўртасида тўхтаб, паузалар қилиб, биринчи сўзнинг иккинчи қисмини кейинги сўзнинг биринчи қисми билан қўшиб ўқиб кетиш.

Ўқиш бу нутқ фаолиятининг товушлар талаффузи ва идроки билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир туридир. Психологияга доир адабиётларда ўқиш механизмларига, биринчидан сўзнинг ўқилиши, яъни график томони ва айтилиши ўртасидаги боғланиш, иккинчидан, ўқилган сўзнинг маъносини тушуниш, яъни онгли ўқиш киради, деб таъкидланади. Ўқиш малакалари мукаммал бўлиши учун ўқиш жараёнининг иккала томонини ҳам бир-бирига пайваста қилиб, баравар шакллантириб, олиб борилиш керак. Акс ҳолда материални тушуниб, онгли ўқишни таъминлаб булмайди. Юқорида кўрсатилган дислексиянинг белгилари кўпроқ ўқиш техникаси билан боғлиқ бўлсада, буларнинг ҳаммаси онгли ўқишга таъсир кўрсатади.

Дислексия жараёнида болаларда кўпинча оғзаки нутқнинг бузилиши ҳам кузатилади. Адабиётларда дислексиядаги оғзаки нутқ бузилишининг турли хил турлари кўрсатилган бўлиб, булар:

1. Нутқнинг темпи ва ритмининг бузилиши (дудуқланиш, жуда тез нутқ).
2. Нутқ пайдо бўлишининг кечикиши.
3. Вербал функциянинг яхши ривожланмаганлиги (сўзларни нотўғри ишлатилиши).
4. Оғзаки нутқнинг грамматик тузилишининг бузилиши.

5. Товуш талаффузининг бузилиши.

6. Фонематик ривожланишнинг бузилиши.

Дислексиянинг келиб чиқишида нутқ ривожланишининг кечикиши кўп аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда дислексияда нутқнинг ривожланишининг кечикиши кузатилади. Баъзи ҳолларда бу қолоқлик Энгил бўлади (нутқ 2 ёшдан кейин пайдо бўлганда) бошқа ҳолларда нутқнинг ривожланишининг кечикиши кўпол тарзда яъни нутқ 4 ёш ва ундан кейинги ёшларда пайдо бўлганда. Дислексияли болаларда товуш талаффузининг бузилганлиги луғатининг камбағаллиги, сўзларни нотўғри ишлатганида кузатилади. Улар жумлаларни грамматик жиҳатдан тўғри туза олмайдилар. Сўзларни ишлатишда хатоларга йўл қўядилар.

Р.Е. Левинанинг фикрича, оғзаки нутқ ва ўқиш бузилишлари асосида фонематик системанинг бир шаклга тушмаганлиги ётади. Ўқишга ўргатишнинг дастлабки, босқичларида болаларда нутқнинг фонетик-фонематик томони ривожланмаганлиги, нутқий умумлаштиришларнинг нотўғрилиги кузатилади. Бу сўзнинг товуш анализини қийинлаштиришади. Ҳарфларни ўзлаштирмаслик, график белгиларини ўзлаштиридаги заифликдан эмас, балки товушларни умумлаштиришни бир маромга тушмаганлигидан келиб чиқади. Агар ҳарф-товуш билан умумлаштирилмаса уни ўзлаштириш механик характерда бўлади. Бола тўғри талаффуз этган товушларни ҳарф билан аниқ умумлатира олади. Агарда товушни ёмон эшитса нотўғри талаффуз этса ёки бошқа товушга алмаштира унда шу товушга мос товушни идрок этиш қийин кечади. Ҳарфни ўзлаштирмаслик фонематик идрокни яхши ривожланмасликдан келиб чиқади. Шундай қилиб, агар болада фонематик идрок яхши ривожланган бўлса, унда ҳарф ҳақида тушунча ҳам секин ривожланади (А.Ананев, Р.Е. Левина).

Бу болаларда товушларни бўғинларга бирлаштиришда ҳам қийинчиликлар кузатилади. Сидирғасига ўқишни ўзлаштириши учун бола ҳарфни фақатгина ўзига мос товуш билан умумлаштириши керак. Бундан ташқари у шу товушни умумий талаффузини қилиш керак. Бўғинларни сидирғасига талаффузи этиш мазмунни олдиндан билишга ёрдам беради. Товушларни бўғинда бирлашиши бу биринчи навбатда уларни оғзаки нутқдаги талаффуз билан боғлиқ. Агар болада товуш сўзнинг товуш ҳарф таркиби ҳақидаги билимлари аниқ бўлмаса товуш бўғин образларининг умумлашуви қийинлашади.

Ўқишнинг бузилиши нутқнинг лектик, грамматик ривожланишининг этарли эмаслиги билан ҳам боғланади. Бунга кўра ўқишда сўзларни алмаштириш фақат уларнинг фонетик ўхшашлиги нотўғри талаффуз ёки айрим товушларни ажрата олмаслик билан эмас, балки гапнинг синтактик боғланишлардаги қийинчиликлар билан кузатилади. Бу ҳолларда морфологик анализ қийинлашган бўлади. Нутқнинг грамматик тузилиши ривожланмаганлиги сўзнинг морфологик структурасини этарли идрок этмаганидан келиб чиқади.

Бунда болаларда ўқиш жараёнида аграматизмлар кузатилади.

Луғатнинг чекланганлиги ва грамматик умумлаштиришнинг Этарли ривожланганлиги ўқиётган нарсани тушунишида қийинчилик келтиради, чунки ўқиётган нарсани тушуниш бола нутқини қай даражада ривожланганлиги, сўзни тушириш, сўз ва гапларнинг боғланишларини тушуниш орқали руёбга чиқади.

Шунинг учун ўқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиришнинг асосий жараёнлари қуйидагилар: оғзаки нутқни, унинг фонетик-фонематик томонини (талаффуз, фонемаларни эшитишда ажратиш, фонематик анализ ва синтез), лексик-грамматик анализ ва синтезни, лексик-грамматик тузилишини, фазовий тасаввурни, кўрув анализ синтези ва мнестисни шакллантиришдир.

Дислексия таснифи

Дислексияни таснифлаш асосида турли мезонлар ётади: ўқиш бузилишининг пайдо бўлиши, ўқиш бузилишларининг ифодаланиш даражалари (Р. Беккер), ўқиш актида иштирок этувчи анализатор фаолиятининг бузилиши (О.А. Токарёва) у ёки бу психик функцияларнинг бузилиши (М.Е. Хватсев, Р.В. Левина ва бошқалар), ўқиш жараёни операцияларининг ҳисобга олиш (Р.И. Лалаева).

Ўқиш бузилишлари пайдо бўлишига кўра икки турга ажратилади: литерал – ҳарфларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар ёки қобилятсизликни намоён бўлиши, вербал – сўзларни ўқишдаги қийинчилиги билан намоён бўлади.

Р. Беккер ўқиш бузилишларининг турлари жуда кўплигини қайд қилади ва уларни қуйидаги турларга гуруҳлаш мумкин деб ҳисоблайди: туғма сўз кўрлиги, дислексия, брадилекция, легастения, ўқишнинг туғма заифлиги. Ушбу тасниф асосида дислексия *патогенизи* ва унинг намоён бўлиши даражалари ётади.

О.А. Токарёва ўқиш бузилишлари таснифини бирламчи бузилган анализаторлар билан боғлаб кўрсатади (ешитиш, кўриш ёки ҳаракат) ва шунга асосланган ҳолда дислексияни қуйидаги шакллари ажратади: акустик, оптик ва мотор.

Ўқиш жараёни операцияларининг бузилишининг ҳисобга олиб Р.И. Лалаева дислексияни қуйидаги шакллари ажратади: фонематик, семантик, аграмматик, мнестик, оптик, тактик.

Фонематик дислексия – фонематик система функциясининг ривожланмаганлиги билан боғлиқдир.

Фонематик система функциясининг шакланмаганлигини ҳисбога олиб, фонематик дислексияни икки шаклга ажратиш мумкин.

Биринчи шакл – ўқишнинг бузилиши фонематик идрокни ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Бунда ҳарфларни ўзлаштиришда бир қатор қийинчиликлар пайдо бўлади. Шунингдек акустик ва артикулятор жихатдан ўхшаш товушлар (б-п, д-т, с-ш, ж-ш) алмаштирилади.

Иккинчи шакл – ўқишнинг бузилиши фонематик анализ функциясининг ривожланмаганлигидан келиб чиқади.

Дислексиянинг бу шаклида ўқишда қуйидаги хатолар кузатилади: харфлаб ўқиш, сўзнинг товуш-бўғин тузилишининг бузилиши.

Семантик дислексия – техник жиҳатдан тўғри ўқилган сўз, гап, текст мазмунининг тушунишни бузилиши билан характерланади. Бунда бола ўқиган сўзига мос расмни кўрсата олмайди. Ўқиган текст юзасидан берилган саволларга жавоб бера олмайди.

Аграмматик дислексия – нутқнинг грамматик томони ҳамда морфологик ва синтактик умумлаштиришнинг ривожланмаганлиги оқибатидир.

Мнестик дислексия – ҳамма харфларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларда намоён бўлади. Мнестик дислексия товуш ва харф ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ва нутқий хотиранинг бузилиши натижасида келиб чиқади.

Оптик дислексия – график жиҳатдан ўхшаш харфларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар натижасида келиб чиқади.

Тактил дислексия – кўр болаларда кузатилади. Унинг асосида Брайл алифбосидаги харфларни тактил қабул қилиш орқали ажратишдаги қийинчиликлар ётади.

М.В. Хватсев дислексияни қуйидагича тасниф қилади: фонематик, оптик, семантик ва менстик. Унинг фикрича, болаларда кўпроқ фонематик ва оптик дислексия кузатиладиган экан.

Фонематик дислексияда болалар 2-4 йил давомида ҳам тўғри ўқишни ўргана олмайдилар. Улар айрим харфларни жуда қийинчилик билан ўзлаштирадиганлар ва уларни бўғинларга, сўзларга қўшиб ўқий олмайдилар. Бошқалар баъзи харфларни қийинчиликсиз ўзлаштирадиганлар, лекин бўғин ва сўзларни ўқиш жараёнида кўп хатоликларга йўл қўядилар. Буни муаллиф фонематик эшитувни яхши ривожланмаганлиги деб кўрсатади.

Болалар ўқиш жараёнида товушларни аниқ талаффуз қилмайдилар ва ўхшаш товушларни бир-биридан ажрата олмайдилар.

Оптик дислексия болалар ёзилиши жиҳатдан ўхшаш харфларни алмаштирадиганлар. Болаларда кўрув анализ синтези ва фазовий тасаввурлар бузилган бўлади. Оптик дислексияда болалар шакли ва ёзилиши билан ўхшаш харфларни алмаштирадиганлар.

Харф элементларини фазода жойлашувига кўра ўхшаш харфлар алмаштирилади.

Мнестик дислексия харф ва товуш ўртасидаги боғланишни ривожланмаганлиги ёки бузилиши билан характерланади.

Семантик дислексия техник жиҳатдан тўғри ўқилган текст маъноси тушунарсиз бўлиши билан характерланади.

9.2. Дисграфия ёзув жараёнининг психофизиологик қурилиши

Дисграфия – бу ёзув жараёнининг қисман ўзига хос бузилишидир. Ёзув ызида нутқ фаолиятининг мураккаб шаклини, кып даражали жараёнини акс

эттиради. Унда турли хил анализаторлар: нутқни эшитиш, нутқни ҳаракатга келтириш, кириш, умумий ҳаракатлантириш анализаторлари иштирок этади. Ёзув жараёнида улар орасида яқиндан боғланиш ва ўзаро алоқадорлик ўрнатилади. Бу жараённинг тузилиши ёзув малакаларини ўзлаштириш босқичига, ёзувнинг мақсади ва хусусиятига боғлиқдир. Ёзув оғзаки нутқ жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлади, ҳамда унинг юқори даражали ривожланиши асосида амалга ошади.

Катта ёшлиларнинг ёзуви автоматлашган ҳисобланади ва ёзув малакаларини ўзлаштириб олаётган боланинг ёзуви характерида фарқ қилади. Чунончи, катта ёшдагилар ёзуви аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият ҳисобланади ва унинг асосий мақсади онгдаги фикрни баён этиш ёки уни қайд қилишдан иборат бўлади. Катта ёшлиларни ёзуви ўзининг бир бутунлиги, бир-бирининг боғлиқлиги билан тавсияланади ва у синтетик жараён ҳисобланади. Бунда сўзнинг график образи алоҳида элемент (харф) лар билан эмас, балки бир бутун сифатида талаффуз этилади. Сўз ягона мотор акти орқали юзага келади. Ёзув автоматик тарзда амалга ошади ва иккита назорат: кинестетик ва кўриш назоратидан ўтади.

Ёзув жараёнининг операциялари.

Қўлнинг автоматлашган ҳаракати оғзаки нутқдан ёзма нутққа ўтишдек мураккаб жараённинг сўнгги босқичи ҳисобланади. Бундан олдин ана шу сўнгги босқичга ҳозирлик кўришдан иборат мураккаб жараён амалга ошади.

Ёзув жараёни кўп даражали қурилишга эга бўлиб, кўп миқдорли операцияларни ўз ичига олади. Бундай операциялар катта кишиларда қисқа, ёпиқ характерда бўлади. Ёзув малакаларини эгаллаганда бу операциялар очиқ кўринишли бўлади.

А.Р. Лурия "Ёзув психофизиологияси ҳақида очерклар" номли китобида ёзувнинг қуйидаги операцияларини ажратиб кўрсатади.

Ёзув ҳиссиётларининг уйғониши, сабаб ва вазифалардан бошланади. Киши ўзининг фикрларини қайд этиш мақсадида, ахборотларни маълум муддатгача сақлаш, уларни бошқа шахсга Этказиб бериш, кимнидир ҳаракатга ундаш ва ҳоказолар учун ёзаётганини билади. Инсон ёзма баён мазмуни режасини, фикр дастурини, фикрларининг изчиллигини хаёлан тузади. Бунда бошланғич фикр гапнинг маълум қурилмасига боғлиқ бўлади. Хат битиш жараёнида ёзаётган киши жумланинг ёзилиши тартибига риоя қилиши, ёзилган ва навбатдаги ёзиладиган сўзларга қараб мўлжал олиши керак. Ёзилиши керак бўлган ҳар бир гап сўзларга бўлинади, шундай экан ёзувдаги сўзлар орасида маълум бир чегараланиш бўлади.

Сўзнинг товуш тузилишини таҳлил этиш ёзув жараёнининг энг мураккаб операцияларидан бири ҳисобланади. Сўзни тўғри ёзиш учун унинг товуш тузилишини, давомийлигини ва ҳар бир товушнинг ўрнини аниқлаш лозим. Сўзнинг товуш таҳлили нутқни эшитиш ва ҳаракатга келтириш анализаторларнинг биргаликдаги фаолияти орқали амалга оширилади. Товушларнинг характери ва уларнинг сўздаги изчиллигини аниқлашда

баланд, паст ва ички талаффуз катта ўрин тутди. Талаффузнинг ўзув жараёнидаги ўрни ҳақида кўпгина тадқиқотчилар фикр билдиришган. Масалан, Л.К. Назарова 1 синф болалари билан қуйидагича тажриба ўтказган. Тажрибанинг биринчи босқичида уларга ўзиш учун таниш бўлган матн берилади. Иккинчи босқичида уларга талаффуз этилмаган, мазмуни қийин матн берилади: болалар ўзув жараёнида кичкина тилчаларини тишлаб олишди ёки оғизларини очишди. Бундай пайтлар улар оддий хат ўзишдагига нисбатан кўпроқ хатога йўл қўйишди.

Ўзув малакаларини эгаллашнинг дастлабки босқичида талаффуз этишнинг роли катта бўлади. У товуш характерини аниқлашга, уни ўхшаш товушлардан фарқлашга, товушларнинг сўздаги изчиллигини белгилашга ёрдам беради.

Навбатдаги операция – сўздан ажратиб олинган фонемаларнинг ҳарфнинг муайян кўриш образи билан ҳамоханг келиши ҳисобланади. Бу бошқа товушлардан, айниқса ўхшаш ҳарфли товушлардан табақалашган ҳолда фарқланиши керак. Ўзилиши бўйича ўхшаш ҳарфларни аниқ фарқлаш учун кўриш анализи ва синтези, фазовий тасаввурларининг Этарли даражада шаклланганлиги талаб этилади. Ҳарфларни таҳлил қилиш ва қиёслаш эса 1 – синф ўқувчиси учун оддий вазифа эмас.

Кейин ўзув жараёнининг мотор операцияси – қўл ҳаракатлари орқали ҳарфлар шаклини акс эттиришга киришилади. Қўл ҳаракатлари билан биргаликда кинестик назорат ҳам амалга оширилади. Ҳарф ва сўзларнинг ўзилиш меъёрига қараб, кинестик назорат кўриш ва ўзилганларни ўқиш билан мутсаҳкамланади. Ўзув жараёни нутқли ва нутқсиз вазифалар: товушларни эшитишда ажратиш, уларни тўғри талаффуз этиш, тил анализи ва синтези, нутқнинг лектик грамматик жиҳатдан шакллангани, кўриш анализи ва синтези, атрофлича тасаввур қилишнинг Этарли даражада шакллангани асосида амалга ошади.

Кўрсатилган вазифалардан бирортасининг шаклланмай қолиши ўзув кўникмаларини эгаллаш жараёнининг бузилишига, дисграфиянинг вужудга келишига сабабчи бўлиши мумкин.

Дисграфия ўзув жараёнининг нормадан оширувчи амалга олий психик фаолиятининг ривожланмай қолиши (сўзилиши) билан боғлиқ бўлади.

Ўзувнинг бузилишини белгилашда асосан қуйидаги атамалардан фойдаланилади: дисграфия, аграфия, дизорфография, эволюцион дисграфия (бу сўнгги атама болалардаги ўқиш малакасини эгаллаб олиш жараёнининг бузилганлигини белгилаш учун қўлланади).

Ўқиш ва ўзишдаги бузилишлар бир-бирига ўхшаш бўлади.

Ўзуви бузилган болаларда кўпгина олий психик функциялар: қобилиятининг таҳлили ва синтези, фазовий тасаввурлар, нутқ товушларини кўриш-эшитиш орқали фарқлаш, фонематик ҳамда бўғинли анализ ва синтез қилиш, гапни сўзларга ажратиш, нутқнинг лектик-грамматик тузилиши, хотира, диққат-эътибор суксессив ва симултан жараёнларининг, эмотсионал-иродавий соҳанинг шаклланганлиги кузатилади.

Логопедик адабиётларда дисграфиянинг психолингвистик нуктаи назардан ўрганиш Этарлича кўрсатилмаган. Бу жиҳат ёзувнинг бузилиш механизмини ёзма нутқ операциялари (А.А. Леонтева фикрича): боғланишли матнни ички режалаштириш, алоҳида гапни ички режалаштириш, гапни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш, фонемаларни танлаш операцияси, сўзларни фонематик жиҳатдан таҳлил қилиш ва бошқалар (Е.М. Гопиченко, Э.Ф. Соботович)нинг заифлашуви сифатида ўрганади.

Дисграфияни тавсифлаш турли хил меъёрлар: анализаторлар психик фаолиятларнинг бузилганлиги, ёзув операциясининг шаклланмаганлигини ҳисобга олиш асосида амалга оширилади.

О.А. Токарёва дисграфиянинг 3 турини: акустик, оптик, мотор дисграфияларни ажратиб кўрсатади.

Акустик дисграфияда эшитиш қобилятининг табақалашмагани, товушни анализ ва синтез қилишнинг Этарли жаражада ривожланмагани кузатилади. Бунда товуш ва артикулятсион жиҳатдан ўхшаш ҳарфлар ўрнини алмаштириш, аралаштириш ва баъзи бир ҳарфларни тушириб қолдириш, шунингдек товушни нотўғри талаффузда эшитишнинг ёзувда қайд қилиниш ҳоллари кузатилади.

Оптик дисграфия куриш орқали тасаввур эшитишнинг мутсацкам эмаслиги билан боғлиқдир. Бунда киши маълум ҳарфларни англамайди, бу ҳарфлар талаффуздаги товушга мос келмайди. Ҳарфлар турли пайтларда ҳар хил қабул қилинади. Кўриш қобилятининг нотекислиги оқибатида улар ёзувида аралаш-қуралаш бўлади. Оптик дисграфиянинг оғир ҳолатларида сўзларни ёзиш мумкин бўлмай қолади. Қатор ҳолларда, айниқса чапақай кишиларда ҳарфларни қийшиқ ёзиш кузатилади. Бунда сўз, ҳарф, ҳарф элементлари ўнгдан чапга қараб қийшайган бўлади.

Мотор дисграфия. Кўлнинг ёзув пайтида қийин ҳаракатга келиши, мотор образларидаги алоқаларнинг, сўзларнинг, сўзларнинг товуш ва кўриш образлари билан биргаликдаги бузилиши унга хосдир.

Ёзув жараёнини психик ва психолингвистик жиҳатдан ўрганиш шундан далолат берадики, у турли даражадаги операциялар: семантик, тилга оид, сенсомотор операцияларни ўз ичига оладиган нутқ фаолиятининг мураккаб шакли ҳисобланади. Шу муносабат билан дисграфияни анализаторлар даражаларининг бузилгани асосида турларга ажратиш ҳозирги пайтгача тўлиқ исботланмаган.

Дисграфиянинг М.Е. Хватсев томонидан турларга ажратилгани ҳам ҳозирги кунда ёзувнинг бузилгани ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилмаяпти.

Дисграфиянинг шундай таснивлари кўпроқ асосланган ҳисобланадики, унинг асосида ёзув жараёнидаги муайян операцияларининг шаклланмагани ётади. (Бу таснивлар А.И. Гертсенномидаги ЛДПИ логопедия кафедрасининг ходимлари томонидан ишлаб чиқилган). Унга асосан дисграфиянинг қуйидаги турлари ажратилади: артикулятор – акустик дисграфия, фонематик идрок (фонемаларнинг табақаланиши), бузилиши асосидаги дисграфия тил таҳлили ва синтез бузилиши асосидаги дисграфия шунингдек грамматик, оптик дисграфиялар.

1. Артикулятор-акустик дисграфия кўпроқ М.Е. Хватсев томонидан кўрсатилган оғзаки нутқнинг заифлашуви натижасида пайдо бўлган дисграфияга ўхшашдир. Бу, М.Е. Хватсевнинг таъбирига кўра, "ёзувдаги тили чучуклик" ҳисобланади. Бола сўзларни қандай талаффуз қилса, ўшандай ёзади. Унинг асосида нотўғри талаффузнинг ёзувда акс этиши, сўзларни нотўғри айтиб такрорлаш ётади. Бола гапириш жараёнида товушларни нотўғри талаффуз қилишга таянган ҳолда ўзининг нуқсонли талаффузини ёзувда акс эттиради.

Артикулятор – акустик дисграфия оғзаки нутқда товушларни алмаштириш ва тушириб қолдиришга мувофиқ, ҳарфларни алмаштириш ва тушириб қолдиришда намоён бўлади. У кўпинча дисграфия, ринолалия ва полиморф кўринишдаги дислалия пайтида кузатилади. Баъзан оғзаки нутқ тўғри бўлгани ҳолда ёзувда ҳарфлар ўрнини алмаштириш ҳоллари сақланиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатда ички нутқ пайтида тўғри артикулятсияга Этарли даражада таяниб бўлмайди, ҳолбуки, товушларнинг аниқ кинестик образлари ҳам шаклланмаган бўлади. Лекин товушлар алмаштириш ва тушириб қолдириш ёзувда доим ҳам акс этавермайди. Бу қатор ҳолларда сақланган функциялар ҳисобига (масалан: эшитишнинг аниқ табақаланган фонематик функцияларнинг аниқ шакллангани ҳисобига) юз беради.

2. Фонематик идрок (фонемаларнинг табақаланиши)нинг бузилиши асосидаги дисграфия.

Фонетик жиҳатдан яқин товушларга мувофиқ ҳарфларнинг алмашилишида намоён бўлади. Бундай пайтда товушлар оғзаки нутқда тўғри талаффуз этилади. Кўпинча қуйидаги товушларни англатувчи ҳарфлар: шовқинли, жарангли ва жарангсиз товушлар, улар таркибига кирувчи аффикатлар (ч-т, ч-ш) алмаштирилади. Дисграфиянинг бундай тури ундош товушларни хатда нотўғри баён этиш орқали вужудга келади.

Фонематик идрокнинг бузилиши асосида вужудга келадиган дисграфия сенсор алалия ва афазия пайтида кўпроқ намоён бўлади. Оғир ҳолатларда узоқ артикулятор ва акустик товушларни (л-к, б-в, п-н) англатадиган ҳарфларнинг ўрни алмаштирилади. Бундай пайтда аралаш ҳарфларга мувофиқ товушлар талаффузи меъёрли ҳисобланади.

Бундай турдаги дисграфиянинг механизмлари ҳақида ягона фикрга келинмаган. Бу, ўз навбатида, фонематик идрок жараёнининг мураккаблиги билан боғлиқдир.

3. Тил анализи ва синтези бузилиши асосидаги дисграфия. Унинг ўзида тил анализи ва синтезининг турли кўринишлардаги бузилиш: гапнинг сўзларга бўлиниши фонематик ҳамда бўғинли анализ ва синтез ётади. Тил анализи ва синтезининг ривожланмай қолиши ёзувда сўз ва гаплар тузилишининг бузилишда намоён бўлади. Фонематик анализ, тил анализининг энг мураккаб формаси ҳисобланади. Унинг оқибатида сўзнинг товуш-ҳарф тузилиши бузилади.

Унга қуйидаги хатоликлар хосдир: сўзларни ўқишда ундошларни тушириб қолдириш (диктант – "дикат", "шамол" – "амол"); унлиларни тушириб қолдириш (китоб – "ктоб", доска – "дска"); ҳарфларнинг ўрнини

алмаштириш (ручка-урчка, олма-омла); ортикча ҳарфларни қўшиш (доска-досика), бўғинларни тушириб қолдириш, ўрнини алмаштириш, қўшиш (машина – манаши) ва ҳоказолар.

Ёзув жараёнини тўғри ўзлаштириш учун болада фонематик анализ нафақат ташқи нутқ режаси, балки ҳаммасидан бурун ички режада, тасаввур бўйича шаклланган бўлиши лозим.

Фонематик анализ ва синтезнинг шаклланмагани оқибатида ёзувнинг бузилиши хусусидаги маълумотлар Р.Е. Левина, Н.А. Никашина, Д.И. Орлова, Г.В. Чиркиналарнинг илмий-тадқиқот ишларида атрофлича кўрсатилган.

4. Аграмматик дисграфия (бу ҳақидаги маълумотлар Р.Е. Левина, И.К. Колповская, Р.И. Лалаева, С.Б. Яковлеваларнинг илмий ишларида атрофлича тавсифланган). У нутқнинг грамматик тузилиши: морфологик синтактик умумлаштиришнинг ривожланмаганлиги билан боғлангандир. Дисграфиянинг бундай тури сўз, сўз бирикмалари, гап ва матн даражасида намоён бўлиши мумкин. У кенг миқёсли симптокомплекс лексико-грамматик ривожланмасликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу дисграфия дизартрия, алалия, ақли заиф болаларда кузатилади.

Боғланишли нутқ жараёнида болалар гаплар орасидаги логик ва тилга оид боғланишни таъминлашда анча қийналадилар. Гапларнинг изчиллиги баён этилаётган воқеаларнинг изчиллигига мос келмайди, айрим гаплар ўртасида тилга оид ва грамматик боғланишлар бузилади.

Гап даражасига эга бўлган ёзув жараёнидаги аграмматизмлар сўзнинг морфологик тузилишнинг бузилишида, сўз қўшимчаларини ёзишда келишиқ қўшимчаларини алмаштиришда, гаплар қурилишини бузишда; ўрин ҳол келишигини алмаштиришда намоён бўлади.

5. Оптик дисграфия – кўриш гнозиси, анализ ва синтез, атрофлича тасаввур этишнинг ривожланмагани билан боғланади ҳамда у ёзувда ҳарфларни нотўғри ёзиш ва уларнинг ўрнини алмаштиришда намоён бўлади.

Бунда кўпроқ график жиҳатдан ўхшаш қўл ёзма ҳарфлар ўрни алмашади. Унга қуйидагилар киради: бир хил элементлардан ташкил топган, лекан ҳар хил кўринишда тузилган ҳарфлар (в-д, т-ш); бир хил элементларни ўз ичига олган, лекин қўшимча элементлар билан бир-биридан фарқ қиладиган ҳарфлар (и-ш, п-т, х-ж, л-м); ойнавон ҳарфлар (с-э, з-э); бир хил элемент билан боғланадиган ҳарфларни элементларини тушириб қолидириш (ау-а); ортикча элемент қўшиб ёзиш (ш-) ва нотўғри жойлаштирилган элементли ҳарфлар (х – сс, м-нн).

Литерал дисграфия пайтида ҳатто боғланишсиз ҳарфларни топиш ва талаффуз этиш ҳам бузилади. Вербал дисграфия пайтида изоляциялашган ҳарфлар тўғри талаффуз этилади, лекин ёзувда улар бузилади, оптик тавсифдаги ҳарфлар ўрни алмашади. Оптик дисграфияга тескари ёзувлар ҳам киради, булар кўпинча чапақай кишиларда, шунингдек миянинг органик яллиғланиш ҳолларида учрайди.

9.3. Ўқиш ва ёзувида камчилиги бўлган болаларни текшириш

Ёзма нутқнинг текширишдан асосий мақсад – ўқиш ва ёзув бузилишларини механизми, симптоматикаси, этиологиясини аниқлашдир. Текшириш жараёнида бузилиш даражаси, характери, бузилиш турлари аниқланади ҳамда логопедик-тузатиш йўлланмаси белгиланади.

Текшириш жараёнида боланинг кўриш қобилияти, эшитиш ҳолати, марказий нерв системаси, билиш фаолиятлари ҳисобга олинади.

Текшириш қуйидаги асосий тамойилларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади: комплекслилик тамойили, системалилик тамойили, патогенетик тамойили, фаолияти, шахсияти, ривожланиш тамойили.

Ўқиш ва ёзув камчилигига эга бўлган болаларни текшириш схемаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади.

1. Анкетага оид маълумотлар ва тиббий-педагогик ҳужжатларни ўрганиш.

2. Анамнез.

3. Артикулятсион аппаратнинг периферик бўлимининг тузилиши.

4. Нутқ моторикаси.

5. Эшитиш қобилияти.

6. Товушлар талаффузи ҳолати.

7. Фонематик анализ, синтез ва тасаввур ҳолати.

8. Фонематик идрок (товушларни фарқ қила олиш).

9. Луғат бойлиги ва нутқнинг грамматик тузилиши хусусиятлари.

10. Нутқнинг динамик томони хусусиятлари.

11. Кўриш қобилияти: биологик кўриш, кўриш гнозис, мнезис, кўриш анализ ва синтези, фазовий тасаввурлар.

12. Ўқиш жараёнининг ҳолати (бўғини, сўз, гап, турли кўринишдаги текстларни ўқиш); ўқиш тезлиги ва усуллари (ҳарфлаб, бўғинлаб, сўз-фразага ўқиш).

13. Ёзувнинг турли кўринишдаги ҳолати (кўчириб ёзиш, диктовка остида ёзиш, баён ва иншо ёзиш).

Логопедик хулосада ўқиш ва ёзувдаги камчиликларни даражалари ва турлари ҳамда унинг оғзаки нутқ билан боғлиқлиги кўрсатилади.

Ўқиш ва ёзув бузилишларини олдини олиш

Ўқиш ва ёзув бузилишларини олдини олиш мактабгача ёшда ўтказилади. Бу ишлар айниқса нутқда камчилиги бўлган болалар, руҳий ривожланишида тўхталиш бўлган, ақли заиф ва бошқа аномал болалар билан ўқтазишни тақозо қилади. Бунда олиб бориладиган асосий ишлар фазовий кўриш функциясини, диққат, хотира, аналитик-синтетик фаолият, тил анализ-синтезини шакллантириш, нутқнинг лектик, грамматик томонини ривожлантириш ва оғзаки нутқ камчиликларини бартараф этишдан иборатдир.

9.4. Ёзма нутқ камчиликларини бартараф этишда олиб бориладиган логопедик ишлар методикаси

Ўқиш ва ёзув бузилишларининг механизми кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшашдир, шунинг учун уларни бартараф этиш юзасидан олиб бориладиган логопедик-тузатиш ишлари методикаси ҳам ўхшаш бўлади.

Фонематик дислексия, артикулятор – акустик дисграфия ва фонемаларнинг бузилиши асосидаги дисграфияни бартараф этишда фонематик идрокни (товушлар дифференциациясини) ривожлантириш.

Товушлар дифференциациясини аниқлаш ва мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган логопедик ишлар турли анализаторларга (нутқ эшитув, нутқ ҳаракат ва кўрув) таянган ҳолда олиб борилади.

Товушларнинг бир-биридан фарқлаш устида олиб бориладиган ишнинг муваффақиятли бўлиши фонематик анализ ва синтезни ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Алмаштириладиган товушларни бир-биридан фарқлаш устида олиб бориладиган логопедик ишлар 2 босқични ўз ичига олади:

Биринчи босқич – тайёргарлик (алмаштирилаётган ҳар бир товуш устида ишлаш).

Иккинчи босқич – алмаштирилаётган товушларни эшитиш ва талаффуз жиҳатдан фарқлаш.

Биринчи даврда алмаштирилаётган ҳар бир товушнинг талаффуз ва эшитиш образининг кетма-кетлиги аниқланади. Олиб бориладиган иш режалари куйидагилардан иборат: кўриш, эшитиш, тактил идрок этиш, кинестетик сезиш орқали товушларни жарангдорлиги ва артикуляциясини аниқлаш; бўғинларда товушларни ажратиш; сўзларда товушнинг ўрнини (бошида-ўртасида-охирида) аниқлаш; товушларни сўздаги кетма-кетлигини аниқлаш (товуш санок бўйича нечанчи ўринда, қайси товушдан кейин келаяпти, ўзидан олдин қайси товуш турибди); гап, матнларда товуш ўрнини аниқлаш.

Иккинчи босқичда алмаштириладиган товушларни талаффуз ва эшитиш жиҳатдан қиёслаш ишлари олиб борилади. Бунда ҳам олиб бориладиган иш биринчи босқичдагидек бўлиб, ҳар бир товуш эшитиш ва талаффуз жиҳатдан аниқланади. Асосий мақсад уларни бир-биридан фарқлашдир, шунинг учун нутқий материалга алмаштирилаётган товушлар иштирок этган сўзлар танлаб олинади.

Дисграфияни бартараф этишда ёзув машқлари катта ўрин тутди.

Артикулятор – акустик дисграфияни бартараф этишда аввал товушлар талаффузидаги камчиликларни тўғрилаш лозимдир. Ишнинг бошланғич даврида товушларни айтиб такрорламаслик тавсия этилади, чунки бу ҳолатда ёзувда хатоликларга йўл қўйилишига олиб келиши мумкин.

Дисграфия ва фонематик дислексияни бартараф этишда тилнинг анализ ва синтез томонини ривожлантириш.

Гапда сўзнинг сони, кетма-кетлиги ва ўрнини аниқлаш қобилиятини куйидаги топшириқларни бажариш орқали шакллантириш мумкин:

1. Сюжетли расмлар асосида гап тузиш ва гапдаги сўзлар сонини аниқлаш.
2. Маълум сўзларни сон бўйича ўйлаб топиш.
3. Сўзлар сонини кўпайтириб, гапни кенгайтириш.
4. Гапда сўзлар ўрнини аниқлаш (кўрсатилган сўз нечанчи ўринда турибди).
5. Маълум сондаги сўз иштирок этган гапларни матндан ажратиш.
6. Гапда нечта сўз бўлса, шунини кўрсатувчи сонни кўрсатиш.

Бўғин анализ ва синтезини ривожлантириш

Бўғин анализ ва синтезини ривожлантириш устида ишларини ёрдамчи усуллардан фойдаланишдан бошлаш лозим. Бўғин анализини шакллантиришда қуйидаги ёрдамчи воситалар таклиф қилинади, масалан, сўзларни бўғинларга ажратганда қарсак чалиш ва сўздаги бўғин сонини айтиш.

Нутқда бўғин анализини ривожлантириш жараёни сўзларда унли товушларни ажратиш ҳамда бўғинларга ажратишнинг асосий қоидаларини ўзлаштиришга асосий эътибор берилади: сўз неча унли товушдан иборат бўлса, унда шунча бўғин бўлади. Сўзни бўғинларга бўлишда унли товушларга таяниш ўқиш ва ёзувда унли товушларни тушириб қолдириш, унлиларни ўқиш каби хатоларнинг олдини олиш ва бартараф этишга имконият беради.

Унли товушлар асосида сўзларда бўғин таркибини аниқлаш малакасини шакллантириш учун унли ва ундош товушлар дифференциацияси ҳамда нутқда унли товушларни ажратиш бўйича дастлабки ишларни олиб бориш зарур.

Унли ва ундош товушлар ҳақида, уларни фарқлашнинг (улар артикуляция усули ва жарангдорлиги бўйича фарқлаш) асосий белгилари ҳақида тасаввурлар ҳосил қилинди. Мустаҳкамлаш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш тавсия этилади: логопед унли товушларни талаффуз этганда болалар қизил, ундош товушларни талаффуз этганда кўк байроқчани кўтардилар.

Кейинчалик унли товушларни бўғин ва сўзларда ажратиш бўйича иш олиб борилади. Бунинг учун аввал бир бўғинли сўзлар (уй, ой, нон, нок, от) таклиф этилади. Болалар сўзларда унли товуш ва унинг ўрнини (сўз бошида, ўртасида, охирида) аниқлайдилар. Бунинг учун сўзнинг график схемасидан фойдаланиш мумкин. Болалар унли товушнинг сўздаги ўрнига қараб схеманинг боши, ўртаси, охирида белги-айланача қўядилар:



Кейин икки ва уч бўғинли сўзлар устида иш олиб борилади. Бунинг учун қуйидаги топшириқларни бериш тавсия этилади:

1. Сўздаги унли товушларни айтиш. Бунинг учун талаффуз этилиши ёзилишидан фарқ қилмайдиган сўзлар.

2. Берилган сўзда фақат унлиларни ёзиш (олма – О ____ А).

3. Унли товушларни ажратиш ва шу товушга тааллуқли ҳарфларни топиш.

4. Берилган унли товушларга тааллуқли расмларни ажратиш.

Бўғинларда анализ ва синтезни мустаҳкамлаш учун қуйидаги топшириқларни бериш мумкин:

1. Сўзларни бўғинларга бўлиб қайтариш. Бўғинлар сонини санаш.

2. Айтилган сўзлардаги бўғин сонини аниқлаш ва шу сонга тааллуқли рақамни кўрсатиш.

3. Номланган расмларни икки қаторга бўғинлар сонига қараб ажратиш. Айтилишида 2 ва 3 бўғиндан иборат расмлар (анор, анжир, олхўри) тавсия этилади.

4. Номаланган расмлардан биринчи бўғинни ажратиш ва уни ёзиш, сўнг ажратилган бўғинларни бириктириб сўзлар, гаплар тузиш ва ҳосил бўлган сўз ва гапларни ўқиш. Масалан: "олтин", "малина", "радио", "кесак", "табиат". Берилган сўзларнинг биринчи бўғинларини бириктирилганда қуйидаги сўзлар ҳосил бўлади: олма, ракета.

5. Сўзларда тушуриб қолдирилган бўғинни расмлар ёрдамида аниқлаш.

ар ____; ____ лос; ка ____; ол ____ ри.

6. Тартибсиз берилган бўғинлардан сўз тузиш (тар, ги, ки, бе, вуз, лам, тоб, ци).

7. Гаплардаги маълум сондаги бўғинли сўзларни ажратиш.

Фонематик анализ ва синтезни ривожлантириш

"Фонематик анализ" атамаси билан ҳам оддий, ҳамда мураккаб шаклдаги товушлар анализини белгилайдилар. Оддий шаклдаги кўриниш бу сўзлар таркибидаги товушларни ажратишдир. В.К. Орфинский маълумотида кўра, бу шакл мактабгача ёшдаги болаларда пайдо бўлади. Мураккаб шаклдаги кўриниш бу сўзлардаги биринчи ва охириги товушларни ажратиб олиш ва товуш ўрнини (сўз бошида, ўртасида, охирида) аниқлашдан иборат. Энг мураккаб кўриниш, бу сўзларда товушлар кетма-кетлиги, товушлар сони, бошқа товушларга нисбатан ўрнини (қайси товушдан кейин келяпти, ўзидан олдин ва кейин қайси товуш келяпти) аниқлашдир.

Товушлар анализининг бу шакли махсус ўқитиш жараёнида амалга оширилади.

Фонематик анализ ва синтезни ривожлантиришда олиб бориладиган логопедик ишларда товуш анализининг кўрсатилган шакллари онтогенезда шаклланиши изчиллигини ҳисобга олиш лозим.

Олиб бориладиган иш қуйидаги даврларни ўз ичига олади:

1 давр – фонематик анализ ва синтезни ёрдамчи воситалар ва ҳаракатлар асосида шакллантириш.

Иш дастлабки ёрдамчи воситалар: сўзнинг график схемаси ва фишкалар ёрдамида ўтказилади.

2 давр – нутқда товуш анализини шакллантириш. Бунда сўз айтилади сўнг сўздан биринчи, иккинчи, учинчи ва бошқа товушлар аниқланади ҳамда улар сони белгиланади.

3 давр – фонематик анализни ақлий фаолиятида шакллантириш. Ўқувчилар сўзларни номламай ва эшитиб идрок этмай фақат тасаввур асосида товушлар сони ва кетма-кетлигини аниқлайдилар.

Назорат саволлари:

1. Дислексия атамаси, симптоматикаси, механизм ва таснифи бўйича ҳозирги замон нуқтаи назариядан қандай қарашлар мавжуд.
2. Дислексия таселифини ёритинг.
3. Ёзув жараёни психофизиологик жараёни нималардан иборат?
4. Ёзув жараёни операцияларини ёритиб беринг.
5. Дислексия ва дисграфия шаклларини ёритиб беринг.
6. Дислексия ва дисграфияни бартараф этишда тил анализи ва синтезини ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишларни айтиб беринг.

10-Мавзу: Дудукланиш. Нутқ тезлиги ва равонлигини пай тортишиши билан бузилиши (6 соат)

Режа

- 10.1. Дудукланиш, сабаблари ва унинг аломатлари
- 10.2. Дудукланишни бартараф этишга атрофлича ёндашиш
- 10.3. Дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган логопедик машғулотларнинг дидактик асослари
- 10.4. Алоҳида машғулотнинг структура қисмлари (тузилиш қисмлари)
- 10.5. Мактабгача ёшдаги дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишлар методикаси

Таянч иборалар:

1. Аутоген – (грекча ауто – ўзи) – мустақил ривожланиш.
2. Аутосугestia (ауто+лотин. сугГЭСтia – ишонтириш) – ўз-ўзини ишонтириш.
3. ГетеросугГЭСтia – (гетеро+лотин. сугГЭСтia – ишонтириш) – бошқа шахс орқали ишонтириш.
4. Дудукланиш – нутқнинг темп ва равонлигининг бузилиши.
5. Психотерапия – (грекча псйче – жон, тҳерапеia – даволаш сўзларидан) – беморларга психик таъсир кўрсатиш ёрдамида даволаш. Нутқ камчиликларини бартараф этишда психотерапияда тушунтириш, ишонтириш, гипноздан фойдаланилади.
6. СугГЭСтia – (лотинча сугГЭСтia) – психотерапиянинг махсус методи – ишонтириш.

10.1. Дудукланиш, сабаблари ва унинг аломатлари

Дудукланиш – бу нутқ аппарати мускулларининг тортишиш натижасида нутқнинг суръат-оҳангининг бузилишидир.

Дудукланиш муаммосини нутқ бузилишлари ҳақидаги таълимотнинг ривожланиши тарихида энг қадимийларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Унинг моҳиятини турлича талқин қилиш фаннинг ривожланиши ва муаллифларнинг бундай нутқ бузилишларига қандай нуқтаи назардан ёндашганликлари ва ёндашаётганлиги даражаси билан боғлиқдир.

Дудукланиш сабаблари

Бунгача Хд. Лагузен (1838) ҳам бесамаралик, уят, кўркув, ғазаб, даҳшатга тушиш, бошнинг қаттиқ лат Эйиши, оғир касалланиш, ота-онанинг нотўғри нутқига тақлид қилишни дудукланиш сабабларига қўшган эди. И.А. Сикорский (1989) нинг биринчи бўлиб таъкидлашича, дудукланиш болалар ёшига хосдир. Чунки бу даврда нутқ ривожланиши тугалланмаган бўлади. У ирсиятга муҳим аҳамият берди, бунда нимжон болаларда нутқ механизмлари мувозанатини бузадиган бошқача руҳий ва биологик сабабларни (кўркув, лат Эйиш, юқумли касалликлар, тақлид қилиш) шартли

равишда ҳисобга олди. Г.Д. Неткачёв (1909) дудукланиш сабабларини боланинг оилада нотўғри услубда тарбияланишидан қидирди ва қаттиққўллик билан ҳамда эркалатиб тарбиялаш зарарли деб ҳисоблади.

Чет эллик тадқиқотчилар дудукланишнинг келиб чиқиш сабаблари болаларни нотўғри тарбиялаш, деб кўрсатадилар (А. Шервен, 1908); юқумли касалликларнинг оқибатида аъзоларнинг астенизатсиялашуви (А. Гутсман, 1910); тили чучуклик, тақлид қилиш, инфекция, йиқилиш, қўрқиш, ўқитиш пайтидаги чапақайлик деб белгилашди (Т. Беифшер, 1912; Э. Фрешелс, 1931).

Шундай қилиб, дудукланиш этиологиясида экзоген ва эндоген омилларнинг жами қайд қилинади (В.А. Гиляровский, М.Е. Хватсев, И.А. Власова, Н.И. Красногорский, Н.И. Тяпугин, М. Зеeman ва бошқалар).

Ҳозирги вақтда дудукланиш сабабларини икки гуруҳга: мойиллик сабаби («негиз»га) ва келтириб чиқарувчи сабабга («туртки»га) ажратиш мумкин. Бунда айрим этнологик омиллар дудукланишни ривожлантириши ва уни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Мойиллик сабабларига қуйидагилар киради:

ота-оналарнинг невропатик касалланиши (марказий нерв системасининг фаолиятини бўшаштирувчи ёки издан чиқарувчи нерв касалликлари, юқумли ва жисмоний касалликлар);

дудукланувчининг ўзидаги невропатик хусусиятлар (тунги қўрқув, энурез, кучли қўзғалувчанлик, ҳис-ҳаяжонли зўриқиш);

конституционал мойиллик (вегетатив нерв системасининг касалланиши ва олий нерв фаолиятининг жуда ҳам нозиклиги, унинг руҳий шикастланишга алоҳида дучор бўлиши);

наслий бузилиш (дудукланиш нутқ аппаратининг туғма заифлиги асосида ривожланади, у авлоддан-авлодга ретсессив аломат тарзида ўтиб бориши мумкин). Агар ташқи муҳит дудукланишга салбий таъсир кўрсатса, экзоген омилларнинг таъсирини эътиборга олиш лозим;

бош миянинг турли даврлардаги ривожланишида, кўплаб салбий омиллар таъсирида шикастланиши: она қорнидаги ва туғма жароҳатланиш, асфиксия; постнатал – юқумли касалликлар, турли хил болалар касалликларидаги жароҳатли ва трофик-алмашинув бузилишлар.

Кўрсатилган сабаблар жисмоний ва руҳий соҳаларда турли хил патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Нутқ ривожланишининг кечикишига, нутқнинг заифлашувига олиб келади ва дудукланишнинг ривожланишига имкон беради.

Номувофиқ шартларга қуйидагилар киради:

Болаларнинг жисмоний заифлиги; мия фаолиятининг ёшга боғлиқ хусусиятлари бош мия катта яримшари асосан боланинг беш ёшга Эtgанида шаклланади, айнан шу ёшда бош мия фаолиятидаги функционал ассиметрия юзага келади. Онтогенетик жihatдан ўта табақалашган ва кеч Этилган нутқ функцияси, айниқса, нозик ва заиф бўлади. Шу билан бирга, ўғил болалардаги нутқ функциясининг қиз болалардагига нисбатан кеч ривожланиши улардаги нерв системасининг заифлашувига сабаб бўлади;

нутқнинг жадал ривожланиши (3–4 ёшда), бунда унинг коммуникатив, идрок этиш ва мувофиқлаштирувчи фаолиятлари катталар билан бўладиган мулоқот таъсири остида тез ривожланади. Бу даврда кўпгина болаларда бўғин ва сўзларни такрорлаш (интеграция) кузатилади. У физиологик характерга эгадир;

боланинг яширин, рухий сиқилиши, атрофдагилар билан салбий муносабатлар асосида тез таъсирланиш; муҳим талаблар ва уни англаш даражаси ўртасидаги зиддият;

Бола ва катталар ўртасидаги **ижобий эмотсионал алоқаларнинг нотўқислиги**. Ҳиссиётли (эмотсионал) зўриқиш пайдо бўлади, у сиртдан кўпинча дудуқланиш билан ниҳояланади;

ҳаракат, оҳанг ҳисси, мимик-артикуляр фаолият ривожланишидаги Этишмовчилик.

Айтиб ўтилган у ёки бу қулай шартлар мавжуд бўлгани ҳолда қандайдир миқдорда фавқулодда ташқи омил (қўзғатувчи)нинг бўлиши нерв бузилиши ва дудуқланишни юзага келтириш учун Этарлидир.

Келтириб чиқарувчи сабаблар гуруҳида анатомик-физиологик, рухий ва сотсиал сабабларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Анатомик-физиологик сабаблар: энсефалитик оқибатлари бўлган жисмоний касалликлар; жароҳатлар – она қорнидаги, туғилиш пайтидаги, кўпинча асфиксия билан, миянинг чайқалиб лат Эйиши; миянинг органик бузилиши, бу пайтда ҳаракатни мувофиқлаштирувчи қобик ости механизмлари яллиғланиши мумкин; заҳарланиш ва марказий нутқ аппаратини заифлаштирувчи бошқа касалликлар натижасида нерв системасининг тамоман издан чиқиши ёки ўта чарчаши: қизамиқ, терлама, гижжалар, айниқса, кўкйўтал, ички секретсия алмашинув касалликлари, бурун, ҳалқум, ҳиқилдоқ касалликлари, дислалия, дизартриянинг ва нутқ тўлиқ ривожланмаганлиги ҳолларидаги товуш талаффузи аппаратининг мукамал ривожланмаганлиги.

Рухий ва сотсиал сабаблари: қисқа муддатли – бир лаҳзалик – рухий шикаст (кўрқув, ваҳимага тушиш); узоқ вақт таъсир кўрсатадиган рухий шикаст, бунда қуйидаги ҳолда кўринадиган нотўғри оила тарбияси тушунилади: тантиқлик, буйруққа асосланган тарбия, бир хил бўлмаган тарбия, «намунали» бола тарбияси; сурункали зиддиятли кечинмалар, рухий зўриқиш ёки ҳал этилмаган, умумий ғов бўлувчи зиддиятли вазиятлар кўринишидаги узоқ муддатли салбий ҳиссиётлар; руҳан жуда оғир эзилиш; ўткир самарасиз таъсирни келтириб чиқарадиган кучли, беҳосдан пайдо бўлувчи изтироблар; ваҳимали ва ўта шодланиш ҳолати;

нутқнинг болаликда нотўғри шаклланиши; нафас олиш давомидаги нутқ, тез гапириш, товуш талаффузининг бузилиши, ота-оналарнинг тез, нотекис нутқи, кичик ёшдаги болаларни ҳаддан ортиқ нутқ материаллари билан зўриқтириш, нутқ материали ва фикр-тафаккурнинг (мавҳум тушунчалар, жумлаларнинг мураккаб қурилиши) бола ёшидаги номувофик тарзда мураккаблиги; полиглоссия: эрта ёшда бирданига турли хил тилларни билиш одатда қандайдир бир тилдаги дудуқланишни келтириб чиқаради; дудуқланувчиларга таклид қилиш. Бундай руҳий индуксия иккита шаклга ажралади: сушт – бола дудуқланадиган кишининг нутқини тинглаб, беихтиёр дудуқлана бошлайди, фаол – у дудуқ кишига таклид қилади; чапақайликдан ўнақайликка ўргатиш, доимо эслатиш, тартибга чақириш боланинг олий нерв фаолиятини издан чиқариши ва дудуқланишни келтириб чиқариш билан бирга, невротик ва психопатик ҳолатларга олиб келиши мумкин; ўқитувчининг болага нотўғри муносабатда бўлиши; ҳаддан ортиқ қаттиққўллик, шафқатсизлик дудуқланишнинг юзага келиши учун туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Дудуқланиш аломатлари

Рус тадқиқотчилари дудуқланишнинг турлича тиббий кўринишларидаги физиологик ва руҳий кўринишларни аниқлаб, физиологик характердаги заифлашувни бирламчи ҳисоблашмоқда.

Физиологик заифлашувлар асосида дудуқланувчи шахснинг руҳий хусусиятлари шаклланади, бу дудуқланишни янада чуқурлаштиради. Руҳий ўзгаришлар кўпинча биринчи даражали аҳамият касб этади.

Дудуқланишнинг дастлабки тўлиқ аломатлари И.А. Сикорскийнинг «Дудуқланиш» (1989) номли илмий ишида кўрсатиб берилган эди. Кишиларнинг турлича ёш давларидаги дудуқланишнинг юзага келишини М.Е. Хватсев, М. Зеeman, Э. Фрешелс, В.А. Гиляровский, Н.П. Тяпугин, С.С. Ляпидевский ва бошқа кўпчилик олимлар ўрганишди. Ҳозирги даврда аломатларнинг бир-бирига ўзаро яқин муносабатда бўлган иккита гуруҳи ажратилади: биологик (физиологик) ва сотсиал (психологик).

Физиологик аломатларига нутқнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи аъзоларнинг тортишиши, МНС (марказий нерв системаси) ва жисмоний саломатлигининг, умумий ва нутқ ҳаракатларининг бузилиши киради. Психик аломатларга – нутқда тутилиш ва ҳис-ҳаяжонли нутқнинг бошқа бузилишлари, нутқда қайд қилиш феномени, логофобиялар, найранг ишлатиш ва бошқа руҳий жиҳатлар киради.

Нутқ акти жараёнидаги мускул тортишиши дудуқланишнинг асосий ташқи аломатлари саналади. Аслида мускул тортишиш уч хил бўлади: клоник, тоник ва аралаш. Клоник мускул тортишиш вақтида товуш бўғин ёки сўз бир неча маротаба такрорланади. (о-о-о-лма, па-па-па-парта, нон-нон-нон). Тоник мускул тортишиш вақтида эса, сўз бошида тўхталиш рўй беради ва тутилиб гапирувчи бир товушдан, бўғиндан ва сўздан иккинчи товушга, бўғинга ва сўзга ўтолмайди, узок тўхталиб қолади. (...ол...ма, п...арта, ...н..он). Учинчи

тури аралаш – клоно-тоник ёки тоно-клоник мускул тортишиши кузатилади. Одатда бундай тортишишлар билан барча нафас – товуш – артикулятсион аппарат издан чиқади, зеро унинг ҳаракати бутун ишлаётган марказий нерв системаси орқали бошқарилади ва нутқ жараёнида ажралмаган бир бутун аъзо сифатида ишлайди. Мавжуд пай тортишишининг устунлигига қараб нутқнинг у ёки бу органлари: нафас олиш, овоз пайчаларида ва артикулятсион аппаратида жойлашади.

Дудуқланиш пайтидаги нафас олишнинг бузилиши учта шаклга ажралади: экспиратор (тортишишли нафас чиқариш), инспиратор (тортишишли нафас олиш, баъзида хириллалаш билан) ва респиратор (тортишишли нафас олиш ва нафас чиқариш, кўп ҳолларда сўзларнинг бўлиниши билан). Овоз пайчалари аппаратидаги пай тортишиши куйидаги тарзда характерланади: бирлашган (тортишиб бирлашган, товуш бурмалари ўз вақтида ёзилиб кетмайди – товуш бирданигау, ёхуд клоник ёки чўзиқли тортишиш юзага келади – маъраш тусида узилиш («о-о-олим») ёки турткига хос унли товуш («ооо») ҳосил бўлади); ажралишган (товуш тирқиши очик қолади – бу ҳолда бутунлай сукут сақлаш ёки шивирлаган нутқ кузатилади); вокалга оид, бу болаларга хосдир (дастлаб И.А. Сикорский аниқлаган). Болалар сўзда унлиларни чўзиб талаффуз қиладилар.

Артикулятсион аппаратда ушбу тортишишлар фарқ қилинади – лабга оид, тилга оид ва юмшоқ танглайга оид. Улар кўпинча портловчи ундош товуш (қ, к, ғ, г, б, п, т, д) ни талаффуз қилишда тез намоён бўлади. Бинобарин, энг мураккаб товушларнинг фонетик табиати билан боғлиқ қийинчиликлардан ташқари, грамматик омиллар – иборадаги сўз ҳолати, матннинг тузилиши ва бошқалар ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда баённинг мазмунини ҳисобга олиш лозим, зеро, дудуқланиш талаффуз қилинаётган сўзнинг семантик ва ҳиссиётли мураккаблашувига яраша кучаяди: киши яхши маълум бўлган нарсани баён қилишдан кўра баҳс ва мунозаралар қилиш чоғида кўпроқ дудуқланади. Ўқувчилар яхши тайёрланган ўқув материални айтиб беришда камроқ дудуқланадилар. Нутқ ритми дудуқланишнинг тезлиги борасида муҳим аҳамият касб этади.

Дудуқланадиган болаларнинг ҳаяжонли нутқида фонетик – фонематик ва лектик-грамматик бузилишлар кўзга ташланади. Мактабгача тарбия ёшидаги дудуқланадиган болалардаги фонетик-фонематик бузилишлар 60,7%, кичик ёшли ўқувчилар орасида 43,1%, ўрта ёшлиларда 14,9% ва юқори синф ўқувчиларида 13,1%ни ташкил қилади. Мактабгача тарбия ёшидаги дудуқланувчи болалар орасида сўз талаффузининг бузилишидан ташқари, хасталикнинг 34 фоизи нутқ ривожланишидан, сўзнинг юзага келиш муддатидан, иборали нутқнинг шаклланишидан четга оғиш сифатида қайд қилинади.

Талаффуздаги урғу, интонация, ритм бузилади. Нутқ асосланмаган паузалар, қайтариқлар билан узилиб-узилиб чиқади, жарангдорлик ва талаффуз суръати, товуш кучи, баландлиги ва ширадорлиги дудуқланувчининг нутқий мақсади, эмотсионал ҳолати билан боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Дудукланиш тутиб қолишининг беқарор тезлигини ўрганиш тўғри нутқнинг сақланиб қолган қисми ҳақидаги, сақланиб қолган нутқнинг нутқ фаолиятидаги ва нутқ вазиятидаги турли даражали мураккабликларига боғлиқ равишдаги кўрсаткичини белгилаш тўғрисидаги тушунчаларни асослаш учун имконият яратади. Сақланган нутқ даражасини аниқлаш логопедик ишнинг ҳар бир босқичидаги асосий тузатиш вазифалари учун муҳим аҳамият касб этади.

Дудукланишнинг пайдо бўлишига умумий ва нутқ моторикасининг турлича бузилишлари хосдир. Улар зўраки (нутқий тортишишлар, пай, бўйин, юздаги учишлар) ва ихтиёрий тутиб қолиш тарзида бўлиши мумкин. Дудукланувчилар ўзларининг қийин нутқини ниқоблаш ёки Энгиллаштириш мақсадида бундай ҳаракатлардан фойдаланадилар.

Умумий ҳаракатлантирувчи зўриқиш, ҳаракатларнинг сиқиклиги ёки ҳаракатлантирувчи кучдаги безовталиқ, тўхтаб қолиш, йўналишнинг издан чиқиши ёки бўшашувчанлик, ўзгарувчанлик ҳам тез-тез кўзга ташланиб туради. Айрим тадқиқотчилар дудукланишнинг амбидекстрия (чапақайлик) билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтадилар.

XX аср бошларидаёқ Т. Гепфнер ва Э. Френелс таъкидлашича, «дудукланишнинг спетсифик асоси» шундай психик асоски, унинг асосида нутқнинг заифлашувини идрок этиш пайдо бўлади. Кейинроқ Ф. Штоккерт, Ю.А.Флоренская, М.И.Пайкин, М.Е.Хватсев, А.М.Смирнова, Н.А.Власова, Н.И. Жинкин ва бошқалар ҳам дудукланувчининг ўз нуқсонига бўлган эътибори бу нуқсонни кучайтирувчи рол ўйнашини қайд қилишган.

Ўзининг нотўқислигини ҳис этиш невротик касалликнинг ривожланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Хасталанган киши ўзининг касаллик аломатларига қанчалик кўп эътибор берса, у шунчалик зўрайиб бораверади. Натижада шундай оғир аҳвол пайдо бўладики, бемор ундан сира кутила олмайди, касаллик аломати унинг эътиборини чулғаб олади. Бунинг оқибатида аломатлар янада ривожланади ва беморнинг эътиборини ўзига яна ҳам кўпроқ жалб этади. Н.И. Жинкин дудукланишни нутқнинг ўз-ўзидан бошқарилувининг бузилиши сифатида қараб чиқар экан, шундай таъкидлайди, нутқнинг акс ҳолини сақлашга уриниш қанчалик кучли бўлса ва талаффуз қанчалик нотўқис деб баҳоланса, нутқнинг ўз-ўзидан бошқарилуви шунчалик даражада бузилаверади. Бу ҳолат бир неча қайталанишидан сўнг патологик шартли рефлексга айланади ва тез-тез намоён бўлади, бу ҳолат энди нутқ бошланишидан олдин вужудга келади. Бу тциркуляр жараёнга айланади.

Дудукланиш муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар нуқсонга эътиборни жалб этиш тушунчаси борасида турлича қарашларни келтирадилар: диққат эътиборнинг алоҳида хусусияти (ўжарлик бошловчилик, хиралик, эътиборнинг жамланганлиги), нуқсонни идрок этиш, у ҳақида тасаввурга эга бўлиш, унга нисбатан турлича ҳиссиётли муносабатда бўлиш (ташвишланиш, хавотирланиш, кўрқувга тушиш).

Турли ёшдаги дудукланувчилар билан ишлаш тажрибасига ва психологиядаги системали ёндашувнинг умумий принципларига таяниб,

эътиборни жалб этиш ҳодисаси пайдо бўлиш ва ривожланишининг рухий моделини рухий жараёнларнинг ўзаро интеграл муносабатлари, дудукланувчилардаги ҳолати, хусусияти ва таъсир қилиши нуқтаи назаридан тассаввур этиш мумкин. Дудукланувчилар ва эркин гапирувчилар орасидаги фарқ у ёки бу фаолиятнинг маҳсулдорлик даражасига қараб эмас, балки унинг қандай ўтиб бориш хусусиятида ифодаланади. Дудукланувчи болалардаги нуқсонга нисбатан биринчи марта беихтиёр ҳис-ҳаяжонли йўналишда эътибор беришдан бошлаб болада унга нисбатан ўз муносабати шаклланади. Бу эса дудукланишга қарши мустақил бесамара курашдаги ҳиссий ташвишланиш ҳамда иродавий куч-ғайрат (ҳаракат ва ишлар) билан боғланган бўлади.

Эътиборни жалб этиш ҳодисаси тушунчасини мазкур ҳолда қуйидагича таърифлаш мумкин: бу дудукланган одамнинг барча рухий фаолиятида объектив мавжуд нутқий нуқсон (нутқий тортишиш)нинг акс этишидир. Бу нутқий қийинчиликлар (ёки ҳалал, тўсқинлик) ва у билан боғлиқ нохушликлар, ўзгарувчан ва рухий жараёнлар, дудукланувчининг ҳолати ва хусусияти, унинг сотсиал муҳит билан ўзаро муносабатларида юзага келадиган воқеалар ҳақидаги маълумотларни олиш ва қайта ишлаш жараёнларининг натижасидир.

Нуқсонда қайд қилмайдиган турли даражаларнинг ҳақиқий мураккаблигини ифодаловчи меъёрларни топиш муҳимдир. Бундай меъёр сифатида дудукланувчининг ўз нуқсонига нисбатан ҳис-ҳаяжонли муносабати борасидаги учта вариантдан (бефарқ, ўртача-босиқ, умидсиз-мушкул) ва уларга қарши иродавий куч-ғайрат сарфлашнинг учта вариантыдан (уларнинг йўқлиги, борлиги ва мияга ўрнашиб қоладиган хатти-ҳаракат ва ҳолатга ўтиши) фойдаланиш мумкин. Шулар муносабати билан дудукланадиган кишиларни уч гуруҳга ажратиш учун «касалликка диққатни жалб қилиш» атамасининг киритилиши ўринлидир:

1. Касалликка диққатни жалб қилишнинг нолинчи даражаси: болалар гуё ўз нуқсонини сезмагандай, у ҳақда ўйламайдилар ва ташвишланмайдилар. Тортиниш, ўзининг нотўғри нутқи хусусида ўйлаш, нуқсонни бартараф этиш учун ҳеч қандай уринишлар бўлмайди.

2. Касалликка диққатнинг жалб қилишнинг мўътадил даражаси: юқори синф ўқувчилари ва ўсмирлар ўз нуқсонидан ташвишланадилар, ундан уяладилар, дудукланишни яширишади, турлича хийла ишлатишга ҳаракат қиладилар, атрофдагилар билан камроқ муносабатда бўлишга уринадилар. Улар ўзларининг дудукланишларини биладилар, унинг кетидан қатор ноқулайликларни бошдан кечирадилар, камчиликларини ниқоблашга ҳаракат қиладилар.

3. Касалликка диққатни жалб қилишни яққол ифодаланган даражаси: дудукланувчиларда нуқсон борасидаги ташвишланиш ўзининг нотўқислигини доимий чуқур ҳис этишга айланади, бунда ҳар бир ҳаракат нутқий нотўқислик тушунчаси орқали таҳлил этилади. Улар кўпроқ ўсмирлардир. Улар ўз диққатларини нутқий камчиликларига йўналтирадилар, дудукланишдан чуқур ташвиш чекадилар, улар учун

касалликка эътибор бериш, касалликдан шубҳаланиш, гапиришдан олдин ваҳимага тушиш, одамлардан, вазиятлар ва бошқалардан гумонсираш хосдир.

Дудукланувчиларнинг ўз нуқсонига эътиборни қаратиш ҳодисасини ўрганиш қуйидагиларни аниқлаш учун имкон яратди.

1. Дикқатни жалб қилиш нуқсоннинг тузилишини ва уни бартараф қилиш самарадорлигини мураккаблаштирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

2. Унинг болалар ёшига (ёки дудукланиш стажига) тўғридан-тўғри боғлиқлик томони бор. Бу атроф муҳитдаги нохуш омилларни борлиги рухий фаолиятнинг болалар шахси шаклланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланиши ва мураккаблашуви, нерв ва эндокрен системасидаги силжиш-ларнинг пубертат даврига боғлиқ ҳолда пайдо бўлиши билан тушунтирилади.

3. Мотор бузилишларининг мураккаб характери билан боғлиқлик ҳам эътироф этилади. Тонусга оид тортишув баъзан дудукланувчининг ўз касаллиги билан кўрашишга ўриниш деб қаралиши мумкин. Дудукланувчилардаги мотор бузилишининг хусусияти одатда, боланинг нуқсонга нисбатан ҳиссиётли муносабатда бўлиши билан боғланган бўлади.

4. Дудукланадиган болалар билан олиб бориладиган логопедик ишларнинг самарадорлиги уларнинг нуқсонга эътиборини жалб қилишидаги турлича даражалар билан боғлиқ бўлади: нуқсонга дикқатни жалб қилиш қанчалик кўп бўлса, логопедик ишлар натижаси шунчалик кам бўлади ва аксинча.

Нутқий нуқсонни англаш, ундан кутилиш ёки уни ниқоблаш учун бўладиган самарасиз уринишлар уларда турли хил рухий хусусиятлар: заифлик, ҳимоясизлик, кўрқоқлик, тортинчоқлик, таъсирчанлик ва шу кабиларни пайдо қилади.

Ҳозирги даврда дудукланувчиларнинг фақат ўзига хос рухий хусусиятларини чуқур ўрганишга эмас, балки улар логопедик иш олиб боришнинг рухий – терапевтик йўналишини белгилаш учун бу аломат гуруҳларини компелктлаш борасида ҳам ҳаракат қилинмоқда.

Бола ўсадиган, тарбияланадиган сотсиал муҳитнинг яхши ёки ёмонлигига, шунингдек, унинг ахлоқий жиҳатларига боғлиқ ҳолда рухий кўринишлар турли даражаларда бўлиши, шахснинг ўжар рухий ҳолатига ўтиши, мустаҳкамланиши мумкин. Бу кўринишлар ўз навбатида дудукланувчининг умуман рухий хусусиятини белгилайди. Нутқдаги қийинчиликларни ниқоблашга бўлган уринишлар дудукланадиган кишиларда турли хил нутқли ва нутқсиз хийлаларни келтириб чиқарадики, булар умумий ҳаракат жараёнида (қўл, оёқ, тана, бош билан ҳаракат қилишда) кузатилади, нутқ ҳаракатида эса (тил учини, пастки лабни тишлаш, лабни ялаш, чапиллатиш, товушларни овоз чиқармай артикулятсиялаш ва бошқалар) ёрдамчи товушлар уларнинг бирга кўшилиши ёки сўзлар: **э, и, хм, ха, шу** ва бошқалар кўринишида ҳам зоҳир бўлади.

Дудукланиш учта даражага ажралади: Энгил дудукланиш – киши асабийлашган ҳолатида ёки тез гапираётганида дудукланади. Бундай пайтда

тутилиб қолишлар тезда бартараф этилади, дудукланувчилар ўз нуқсонидан уялмаган ҳолда гапирадилар; ўртача дудукланиш – киши тинч, одатдаги вазиятда осон гапиради ва кам дудукланади; ҳис-ҳаяжонли ҳолатда кучли дудукланиш юзага келади: оғир дудукланиш – киши бутун нутқи давомида, доимий чалғитувчи ҳаракатлар қилиш билан дудукланади.

Дудукланиш давом этишига кўра қуйидаги турларга ажратилади: доимий – дудукланиш пайдо бўлгач, турли нутқ шакллари ва вазиятларида бевосита намоён бўлади: тўлқинсимон – дудукланиш гоҳ кучаяди, гоҳ камаяди, лекин бутунлай йўқолмайди; қайталанувчи – дудукланиш йўқолиб яна пайдо бўлади, яъни қайталаниш юзага келади, узоқ муддатли эркин тутилишсиз нутқдан сўнг дудукланиш қайта пайдо бўлади.

10.2. Дудукланишни бартараф этишга атрофлича ёндашиш

Дудукланишни бартараф этишга замонавий ёндашишнинг қарор топишидан олдин нуқсонни йўқотишдаги турли усул ва системаларни бўйича изланиш юзасидан ишлар олиб борилди. Дудукланишни бартараф этиш методикаларининг кўплиги ва Этарли даражада самарали эмаслиги унинг кўринишларининг мураккаблиги ва унинг табиати ҳақидаги билимлар даражасининг Этарли эмаслиги билан тушунтирилади.

Дудукланишни бартараф этишнинг амалдаги усуллари, воситалари ва методларини ўрганишда уларнинг дудукланувчига таклиф этилган таъсир воситалари (тиббий ёки педагогик) хусусиятларини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи ҳолатда – бу даволаш тадбирлари (терапевтик, жарроҳлик, ортопедик, психо-терапевтик), иккинчисида педагогик (дидактик) тадбирлар ва учинчисида – дудукланувчига даволаш ва педагогик жараёнларни турли ҳолатда кўшиб олиб борган ҳолда таъсир этиш.

Дудукланишни бартараф этишнинг терапевтик воситалари турлича даража ва шаклларда, қадимдан бошлаб (Гиппократ, Аристотел, Тселс, Гален, Ибн Сино, Меркуриалес, Кленке, Лихтингер ва бошқ.) барча даврларда қўлланиб келинган. Терапевтик воситалар дудукланишни даволашда ягона ҳисобланмай, балки уни маълум даражада тўлдириб келган.

Дудукланишни даволашнинг жарроҳлик методи эрамининг И асридан XIX аср ўрталарига қадар, то унинг бесамаралилиги ва хавфлилиги ҳақидаги фикрлар тасдиқлангунча (Антилл, Бонне, Диффенбах, Дионис, Пети, Фабритсий, Эгинский ва бошқадар) қўлланган. У дудукланишни артикулятсия аъзоларининг патологик тузилиши ёки тил мускулларининг нотўқис иннервацияси сифатида тушунилиши натижасида вужудга келган.

Механик мосламаларни ортопедик мақсадларда қўллаш Демосфенга бориб тақалади, у ўзининг дудукланишини даволаш учун ғайриоддий предметларни (денгиз тошчаларини) нутқ машғулоти пайтида тил остида сақлаган ва бу яхши самара берган. Кейинчалик мутахассислар дудукланишни даволаш пайтида турли хил механик мосламалардан фойдаланишган. Масалан, Интар–тил вилкасини, Коломба –тил қисқичи ва лаб кашагини, Эрведи-Шегуан – иккала тиш қатори учун копланани,

Кленке—тил остига қўйиладиган ёй шаклидаги ёғоч пластинкани, Меркел — пастки тишларга қўйиладиган кит мўйлабидан тайёрланган скобани қўллашган ва ҳоказо. Ортопедик воситалар дудуқланишни даволашда ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган.

Психотерапевтик таъсирлар. Дудуқланишга невротик заифлашув сифатидаги қарашларнинг пайдо бўлиши билан айрим муаллифлар уни психотерапевтик таъсир орқали бартараф қилишга биринчи даражали аҳамият бера бошладилар (Бертран, Лубманн, Лагузен, Меркел, Неткачёв, Фрешелс, Шултесс ва бошқ.). Руҳий йўналиш тарафдорлари дудуқланиш замирида биринчи галда руҳий хасталикни кўрдилар, шу сабаб дудуқланувчига таъсир кўрсатиш воситаларини танлашда бу воситаларнинг унинг руҳиятига қандай таъсир қилишини ҳисобга олдилар.

Дидактик усуллар. Дудуқланувчиларда тўғри нутқни дидактик усулда тарбиялаш тарафдорлари ҳам нутқнинг айрим элементларини, ҳам умуман нутқни қамраб олувчи турли хил ва секин-аста мураккаблашадиган нутқий машғулотлар системасини тавсия этишди (Андрее, Гимиллер, Гутсман, Денгардт, Итар, Коен, Куссмаул, Ли).

Педагогик-даволаш тадбирлар системаси И. А. Сикорский (1889) ва унинг шогирди И. К. Хмелевский (1897) тавсияларини дудуқланувчиларга педагогик-даволаш орқали таъсир кўрсатиш системасини аниқлашга доир дастлабки ўринишлардан деб ҳисоблаш мумкин. И. А. Сикорский дудуқланишни даволашда қўйидагиларга эътибор берган: а) нутқ гимнастикаси (нафас олиш, товуш, артикулятсия, нутқнинг турли кўринишлари учун машғулотлар тартиби); б) психо-терапевтик даволаш (касалга яхши шарт-шароит яратиш, нутқ машғулотларини аста-секиндан мураккаблаштириб бориш, бемор кайфиятига таъсир этиш ва ҳоказо); в) дори-дармонлар орқали ва динамик тарзда даволаш (дори-дармонлар, физиотерапия, ҳаракат машқлари).

Рус физиологлари—И. М. Сеченов, И. П. Павлов уларнинг издошлари яратган илмий тадқиқотларига таяниб, рус олимлари ва амалиётчи-мутахассислари дудуқланишни бартараф этишдаги аввалги ишлаб чиқилган андазобозликка барҳам бердилар, уларнинг энг яхшиларини, самаралиларини танлаб олдилар ва дудуқланишни тугатишга атрофлича ёндошиш йўллариини белгиладилар. В. А. Гиляровский, Ю. А. Флоренская, Ф. А. Рау, Н. П. Тяпугин, М. Э. Хватсев, Н. А. Власова, М. И. Пайкин, В. С. Кочергина, М. С. Лебединский, С. С. Ляпидевский, В. И. Селиверстов ва бошқалар ўзларининг тадқиқотлари ва амалий фаолиятлари билан дудуқланишни бартараф этишга атрофлича тиббий-педагогик ёндашишнинг ривожланишига ёрдам бердилар.

Дудуқланишни бартараф этишга замонавий атрофлича ёндашув деганда дудуқланувчи руҳий-жисмоний ҳолатининг турлича томонларига турли мутахассисларнинг ҳар хил восита ва усуллари билан педагогик-даволаш орқали таъсир этиши тушунилади. Педагогик-даволаш тадбирлари микёсига даволаш дори-дармонлари ва тадбирлари, даволаш физкултураси, психотерапия, логопедик машғулотлар, логопедик ритмика, тарбиявий тадбирлар киради. Улардан кўзланган мақсад — пай тортишиши ва товуш

заифлашувига, нафас олиш, ҳаракат ва нутқ билан бирга кечадиган хасталикларни бартараф этиш ёки Энгиллаштириш; асаб системасини ва умуман бутун организмни соғломлаштириш ва мустаҳкамлаш; болани ўз нутқий нуқсонига нисбатан нотўғри муносабатда бўлишдан, рухий тушкунликдан халос этиш, унинг шахсияти ва ҳуқ-атворини қайта тарбиялаш, дудуқланувчи шахснинг сотсиал жиҳатларини соддалаштириш ва мувофиқлаштиришдан иборат.

Барча педагогик-даволаш мажмуини дудуқланувчиларга таъсир этиш хусусиятига қараб шартли равишда иккита гуруҳга ажратиш мумкин: даволаш-соғломлаштириш ва педагогик тузатиш. Тиббиётчи олиб борадиган даволаш-соғломлаштириш ишлари қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади дудуқланувчининг асаб системаси ва жисмоний ҳолатини мустаҳкамлаш ҳамда соғломлаштириш; уларнинг рухий-жисмоний ҳолатидаги оғиш ва патологик кўринишларни бартараф этиш ва даволаш (нутқ тортишиши, вегетатив асаб системасининг заифлашуви, вегетатив асаб системаси бузилиши ва бошқаларни Энгиллаштириш ёки тугатиш).

Логопед олиб борадиган педагогик-тузатиш ишлар қуйидаги асосий вазифаларни ўзида мужассамлаштиради; дудуқланувчи нутқидаги нуқсонлар (нотўғри нутқни қайта тарбиялаш) ва рухий нотўқис жиҳатларини бартараф этиш. Логопед ўз услуби ва воситаларини дудуқланувчига таъсир этишда қўллай биладиган зарур мутахассисларнинг (тиббиётчилар, тарбиячилар, оҳангшунос, ЛФК бўйича инструктор, мусиқачи ва бошқалар) ҳамкорликдаги тиббий-педагогик ишини ташкил этади.

Д а в о л а ш-соғломлаштириш ишларига қуйидагилар киради: даволаш учун қулай шароит яратиш, кун тартиби ва овқатланиш тартибини ташкил этиш, чиниқтирувчи тадбирлар, даволовчи жисмоний тарбия, дори-дармон орқали даволаш ва психотерапия.

И. М. Сеченовнинг кўрсатишича, инсон вужуди ва унинг фаолияти илмий тушунчасига унга таъсир кўрсатувчи воситалар ҳам киради, зеро, ташқи таъсирларсиз организмнинг бўлиши мумкин эмас. Ташқи муҳит организмнинг шаклланиши ва ривожланишида, шунингдек касалликнинг пайдо бўлиши ва ўз навбатида, бартараф этилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Дудуқланадиган бола учун ихтисослаштирилган муассасалар шароитида тинч ва шу билан бирга жўшқин, қувноқ кайфиятни яратиш зарур; унинг эътиборини ўз нуқсони ҳақидаги ташвишли фикрлардан халос этиш керак.

Болада яхши кайфият, тетиклик, ўзининг тузалиб кетишига нисбатан ишонч уйғотиш муҳимдир. Фаолият турларини мунтазам равишда алмаштириб туриш, муайян ҳаёт тарзи ҳам алоҳида аҳамият касб этади, зеро, бу усуллар дудуқланувчи бола асаб системасининг юқори бўлимлари ва барча аъзоларини ишини нормаллаштиради ва Энгиллаштиради.

Кун тартибини тузишда дам олиш учун Этарлича вақт ажратишни назарда тутиш муҳимдир. Шу мақсадда мактаб ёшидаги болалар учун ўқув жараёнини Энгиллаштириш, унга берилган вазифаларни бажариш вақтида

тез-тез танаффус қилиш, уларни синфдан ташқари ишлар, уй юмушлари ва бошқалар билан зўриқтирмаслик керак.

Фаолият турининг хилма-хиллиги ҳам болалар учун муҳим аҳамият касб этади, бу уларда қизиқиш уйғотади. Қўзғалувчан ва ҳаракатчан болалар учун тинч, шовқинсиз машғулотлар, ўйинлар танлаб олинади. Суст ҳаракатли болаларни фаоллаштириш, уларда мустақилликни ривожлантириш лозим.

Мактаб ёшида бўлмаган дудуқланувчи боланинг кун тартибида уйқу учун ўрта ҳисобда кечаси 10–11 соат ва кундўзи 2 соат, мактаб ёшидаги бола учун кечаси 8–9 соат ва кундўзи 1,5–2 соат вақт ажратилган бўлиши керак. Овқатланиш уйқудан 1,5–2 соат олдинга мўлжалланади. Акс ҳолда уйқу пайтида бош мия қобиғи асаб катаклари қувватининг тикланиши секинлик билан кечади. Дудуқланувчи боланинг овқати сервитамин бўлишига кўпроқ эътибор бериш зарур. Витаминлар барча фермент системаларининг биологик катализаторлари сифатида олий асаб фаолиятига, организмнинг реактив қуввати ва иммунологик ҳолатига яхши таъсир кўрсатади.

Дудуқланувчи бола кун тартибига чиниқтирувчи тадбирлар ҳам киритилади. Кундалик сайрлар, очик ҳаводаги ўйинлар, спорт машғулотлари асаб системасини мустаҳкамлайди, кўтаринки руҳни яратади, ҳаво ванналари юрак-томир системаларига ҳам фаол таъсир этади, унинг ишлашини мўътадиллаштиради.

Бола танаъзоларининг чиниқиши учун устидан сув қуйиш, артиниш, душ қабул қилиш ва чўмилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Чиниқишнинг турли хиллари шифокор томонидан боланинг саломатлиги ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, яқка тартибда қатъий белгиланади.

Даволовчи жисмоний тарбия ва жисмоний машғулотлар мушак системасини ривожлантириб, муҳим ҳаётий аъзолар –ўпка ва юрак ишини такомиллаштиради, моддалар алмашинувини кучайтиради. Улар боланинг қуввати ва маънавий руҳининг мустаҳкамланишини таъминлайди, эпчил ва аниқ ҳаракатларни ривожлантиради, ҳаракатдаги чекланганлик ёки аксинча тўхтаб қолишдан халос бўлишга ёрдам беради, интизомлилик ва батартибликнинг тарбияланишини таъминлайди.

Буларнинг барчаси дудуқланувчи бола нутқ аъзоларининг яхши ишлаши учун зарур шарт-шароитлар бўлиб ҳисобланади ва унда тўғри нутқ кўникмаларини ҳосил қилишга яхши таъсир кўрсатади. Жисмоний машқлар дудуқланадиган болалар учун даволаш аҳамиятини касб этади.

Дудуқланувчи болаларга мўлжалланган даволаш муассасаларида умумий жисмоний машқлардан ташқари махсус тузатиш машқлари ҳам ўтказилади. Бу машқлар даволовчи жисмоний тарбия (ДЖТ) машғулотларида олиб борилади.

Дудуқланувчиларни дори-дармонлар билан даволаш марказий ва вегетатив асаб системаси фаолиятини мўтадиллаштириш, нутқий ҳаракат воситалари ишини мувофиқлаштириш, тортишишларни бартараф этиш, умуман, танаъзоларини соғломлаштириш вазифаларини ўз ичига олади.

В. С. Кочергинанинг кузатишича, дори-дармонлар билан даволашнинг тутадиган ўрни дудукланувчиларнинг ёши билан ҳамоҳанг равишда ошиб боради. Бу қўшимча нутқий нуқсонларнинг пайдо бўлиши оқибатида дудукланишни даволашнинг мураккаблашуви билан тушунтирилади. Кейин вужудга келадиган нуқсонлар эса пубертат кўчишлар ва сўзнинг тутган ўрнининг сотсиал муносабатлар омили сифатида кучайиши билан боғлиқдир.

Психотерапия дудукланишни даволаш кўламида муҳим ўрин эгаллайди. Психотерапиянинг асосий вазифаси – дудукланувчининг руҳини соғломлаштиришдан иборат бўлиб, у 1) мукамал шахсни камол топтириш; 2) ўз нуқсони ва сотсиал муҳитга нисбатан соғлом қарашларни тарбиялаш; 3) кичик сотсиал муҳитга таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Психотерапия дудукланувчи шахсига билвосита ва тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Билвосита психотерапия деганда вазият, теваарак-атрофдаги табиат, жамоа, хизмат кўрсатувчи ходимлар муносабати, кун тартиби, ўйин ва бошқалар тушунилади. Бевосита психотерапия – тушунтириш, ишонтириш, кўниктириш ва ўқитиш кўринишида сўз орқали даволовчи таъсир кўрсатиш. Замонавий психотерапияда сўз орқали таъсир этишнинг иккита асосий тури бор: 1) осилена (Дюбуа бўйича) ёки тушунтирувчи (В. М. Бехтерев бўйича) психотерапия; 2) сугГЭСтив терапия, бунда бедор ҳолида, уйкуда ишонтириш (гипноз)ни ва ўз-ўзини ишонтириш (аутоген машқи)ни ажратиб кўрсатилади.

Тўғри психотерапия якка тартибда ва жамоа иштирокидаги махсус суҳбатдан ташкил топади. У ўзида логик жиҳатдан асосланган тушунтириш, ишонтириш ва дудукланувчиларни ўқитиш системасини мужассамлаштиради. Унинг мақсади дудукланувчига бу хасталик моҳиятини образли ва ишончли тарзда тушунтиришдан, боланинг дудукланишни бартараф этишда тутадиган ўрнини онгига сингдиришдан, унинг хатти-ҳаракатидаги муҳим жиҳатларни танқидий ишлаб чиқишдан иборат.

Психотерапевт мантикий ишонтириш кучи ва намуна кўрсатиш билан дудукланувчига унинг хатти-ҳаракатидаги нотўғри кўринишларни бартараф этишга ёрдам беради, бунда у дудукланувчининг ўз кучига нисбатан ишончини кучайтиради, бу хасталикни бартараф этиш мумкинлигига ишонтиради.

Тўғри психотерапия кичик ёшли болалар учун турли хил ўйин усуллари, рангли дидактик материаллар, меҳнат, мусиқа, ритмика ва бошқалардан фойдаланишда ифодаланади. Психотерапиянинг бундай шакллари руҳий профилактика ва руҳий гигиена билан узвий боғланади. Катта ёшли ўқувчилар учун психотерапиянинг асосий усулларида кенг фойдаланиш муҳимдир.

Ишонтириш (сугГЭСтия) – психотерапиянинг махсус методидир. Ташқаридан бошқа шахс орқали ишонтириш (гетеросугГЭСтия) ва ўз-ўзини ишонтириш (аутосугГЭСтия) мавжуд.

Дудукланишни даволашда бедорлик ҳолатида (К. М. Дубровский) ва ухлатиб ишонтириш методлари қўлланилади. Бу психотерапевтик методлар

ўсмир ва катта ёшли дудукланувчиларга таъсир этиш мажмуида бошқа тиббий-педагогик воситалар билан биргаликда фойдаланилади.

Аутоген машқлари методи аутосугГЭСтія турларидан бири ҳисобланади. У турли хил асаб касалликларини даволашда қўлланилади. Айрим услуб орқали ўз-ўзини ишонтириш йўли билан тинч ҳолат ва мускулларнинг бўшашуви (релаксация) ҳосил қилинади. Ҳозирги пайтда тана аъзоларининг у ёки бу бузилган аъзолари вазифаларини мувофиқлаштириш учун бирор мақсадга қаратилган ўз-ўзини ишонтириш сеанслари олиб борилаяпти. Бундай маънода у дудукланувчилар учун ҳам фойдали бўлаяпти, дудукланувчилар ўз мускулларини бўшаштириш, айниқса, юз, бўйин, Элка бўғинларини юмшатиш ва нафас олиш оҳангини мувофиқлаштириш қобилиятини ишга солаяптилар. Бу, ўз навбатида тортишишли қисилишларнинг кучини бўшаштиряпти.

Дудукланувчилар билан олиб бориладиган комплексли ишларда аутоген машқларини қўллаш А. И. Лубенская, С.М. Любинская, В. М. Шкловский, Ю. Б. Некрасова, А. А. Мажбитс, М. И. Мерлис ва бошқалар таклиф этган методикаларда ўз аксини топаяпти. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда психиканинг Этилмаганлиги ва диққат-этиборни бир жойга қарата олмаслик билан боғлиқ равишда психотерапия ва аутоген машғулотлари уларга нисбатан қўлланилмаётир.

Кўпгина логопедлар дудукланадиган болалар билан ишлашда қўл, Элка, бўйин, оёқ, юз мускулларини бўшаштиришга ёрдам берадиган ўйин ва машқлардан фойдаланишяпти.

Психотерапиянинг фаоллаштирувчи методлари орасида функционал машқ (тренировка)лар муҳим ўрин тутамокда (А. Г. Иванов-Смоленский, В. А. Гиляровский, С. Н. Давиденков, М. Д. Тансюра, Н. М. Асатиани ва бошқ.). Улар асаб ва руҳий жараёнларни машқ қилдириш, фаоллик ва иродани мустаҳкамлашдан иборатдир.

Дудукланиш психотерапиясининг барча кўринишлари руҳий генлар бузилишини бартараф этишга (нутқдан ва вазиятдан кўрқиш, руҳий камситилганлик ва тушкунлик ҳисси, ўз нутқий заифлашувини инжиқона қайд қилиш, шу билан боғлиқ бўлган турлича кечинмалар ва ҳоказо) ва дудукланувчининг атрофдагилар билан ижтимоий муносабатда бўлиш таъсири остида бузилган нутқини қайта кўришга; ўзи ва ўз нутқини бошқара олиш малакаларини шакллантиришга, ўзининг шахсий сифатларини қайта кўришга йўналтирилади. Атрофлича ёндашишнинг педагогик қисмини педагогик-тузатиш (нутқни тарбиялаш) иши ташкил қилади, бу логопедик машғулотлар системасини, тарбиявий тадбирларни, логопедик ритмикани, ота-оналар билан олиб бориладиган ишларни ўз ичига олади.

Логопедик иш педагогик-тузатиш тадбирлари системаси сифатида кўриб чиқилади. У бола нутқи ва шахсиятини атрофлича шакллантиришга қаратилган бўлади. Бунда унинг нуқсонини бартараф этиш ёки музлаш зарурлиги ҳисобга олинади.

Ҳозирги даврда логопедик таъсир этиш икки йўналишда: бевосита ва билвосита амалга оширилади. Бевосита логопедик таъсир дудукланувчилар

билан гуруҳ бўлиб ва якка тартибда машғулот олиб бориш даврида амалга оширилади. Бу машғулотлар умумий ва нутқ ҳаракатларини ривожлантиришни, нафас олиш ҳамда нутқ суръати ва оҳангини мўтадиллаштиришни, нутқий муомалани фаоллаштиришни, зарур ҳолатларда диққат билан эшитиш ва фонематик идрок этишни ривожлантиришни, товушларни талаффуз этишдаги нуқсонларни тузатишни, суст ва фаол луғат бойлигини кенгайтиришни, жумлаларни грамматик жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштиришни назарда тутди. Дудукланувчилар билан машғулотлар пайтида хулқ-атвордаги руҳий оғишлар бартараф этилади: (ўқувчиларда, ўсмирларда), нуқсонга нисбатан тўғри муносабат ҳосил қилинади, ақлий қобилият, одоб ва ахлоқ тўғрисидаги тасаввурлар ривожлантирилади, ҳар томонлама ривожланган шахс таркиб топтирилади.

Якка тартибдаги машғулотлар тўғри нутқ ва хулқ-атвор кўникмаларини тарбиялаш бўйича қўшимча машғулотлар ўтказиш зарур бўлган ҳолларда олиб борилади (нотўғри талаффуз этишни тузатиш, руҳий кўринишдаги суҳбатлар ва ҳоказо).

Билвосита логопедик таъсир этиш болага мўлжалланган барча кун тартибини логопедик машғулотлар ва атрофдагиларнинг унга нисбатан муносабатини ўзида акс эттиради. Бу системада нутқ режими муҳим ўрин эгаллайди.

Мактабгача тарбия ёшдаги болаларнинг нутқ режими катталарнинг кенг қўламли ёрдами орқали амалга оширилади.

Бунда улар болаларнинг бир нутқ босқичидан бошқасига ўтишини мунтазам назорат қиладилар. Ўқувчилар, ўсмирлар ва катталарнинг нутқ режими улар томонидан зарур нутқ машқларини танлаб олишни, улар томонидан тўғри нутқ талабларини, турли шароитларда тўғри нутқ кўникмаларини машқ қилдирилишини назарда тутди.

Логопедик машғулотларнинг нутқ жиҳати нафас олиш, товуш ва артикулятсия вазифаларини, нутқни тўғри тарбиялашни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришни ўз ичига олади.

Адабиётда тўғри нафас олишни тарбиялаш методи ҳақида бир неча карашлар бор. Айримларнинг фикрича, нафас олиш бўйича дидактик машқларни қўллаган ҳолда, нафас олиш устидан махсус иш олиб бориш тавсия этилади. Бошқалар эса нафас олиш ритми эркин ва тинч нутқ орқали тикланади, яъни нутқнинг шошилинич бўлмаган суръати тарбияланади ва бунинг натижасида барча нутқ компонентлари, шу билан бир каторда нафас олиш ҳам нормаллашади. Психология мактаби вакиллариининг фикрича, нутқнинг, бинобарин, нафас олишнинг тарбияланишига иродани машқ қилиш ёрдам беради. Агар нафас олиш устида ишлашни нутқ нуқсони тузилишига боғлиқ ҳолда, якка тартибда олиб борилса, бундай фикрларнинг ҳар бирида маъқул томонини учратиш мумкин.

Нафас олиш нутқ жараёнида машқ қилиб мустаҳкамланади: талаффуз пайтида бир марта нафас чиқарилиши орқали дастлаб қисқа гаплар, кейин сўзлар сонини секин-аста кўпайтира бориб гаплар айтилади. Узун жумлаларни логик тўхтамлар билан қисмларга бўлиб талаффуз этиш

малакаси ҳосил қилинади, бунда тиниш белгилари иштирок этади ёки аксинча. Шундан сўнг наср ёки назм матнларини ўқишга ўтилади.

Товуш бузилишлари кўпинча нафас олишдаги камчиликлар билан боғлиқ бўлади: дудукланувчиларда айрим пайтлари нафас олиб сўзлашда бўғиқ товуш кузатилади; кучли нафас чиқариш пайтида тез, бақирик товуш; товуш аъзолари пайларининг зўриқиши натижасида товушнинг қаттиқ хуружи ва ҳоказолар кузатилади. Дудукланувчилар билан товуш тарбияси юзасидан олиб бориладиган ишлар артикуляр аъзолар мускулларини, биринчи навбатда пастки жағ, тил мускулларини бўшаштиришдан бошланади (масалан, тилни **н** товуши учун зарур бўлган ҳолатга қўйилади ва ну – но – на товушсиз талаффуз қилинади; бунда жағ секин-аста пастга туширилади; не –ни –ну жағ секин кўтарилади). Машқ беихтиёр ҳаракатга қадар давом эттирилади. Кейин товушнинг юмшоқ бошланмаси, товушнинг унлилар билан биргаликдаги узлуксиз Энгил талаффузи, сўнг сонор товушларнинг унлилар билан биргаликда бўғинларга бўлиб талаффуз этилиши, гапларда талаффуз этиш машқ қилинади ва ҳоказо.

Дудукланувчиларда мустақил нутқни тарбиялашда тўғри нутқ шакллариининг зарурий узлуксизлигига риоя қилинади. Дастлаб назм матнини бир-бирига боғлиқ ҳолда қайтариш орқали ўқиш жараёнида Энгил ритмик нутқ тарбияланади. Кейин қийин ҳолатларда логопед ёрдамида мустақил ўқиш, сўз оралатиб ёки матнни айрим бўлақларга бўлиб, кимнингдир ёрдамида, бир хил оҳангда ўқиш; диалогли матнни ўқиш; тиниш белгиларини ҳисобга олиб, шартли узунликка амал қилиб тўхташ орқали ўқиш; ўрганилган шеърни талаффуз этиш тавсия қилинади.

Мустақил нутқни тарбиялашга нутқнинг бошқа шаклларига нисбатан кўп вақт ажратилади. Мустақил нутқ олдиндан тайёрланган (шеър, қайта ҳикоя қилиш, дарс мазмунини баён қилиш, кўрган-кечирганлар ҳақида ҳикоя қилиш) ва олдиндан тайёрланмаган (кўтилмаган саволларга жавоблар қайтаришни илтимос қилиш, берилган мавзу хусусида гапириш) бўлиши мумкин. Нутқнинг биринчи кўриниши дудукланувчи учун жуда Энгил бўлгани сабабли иккинчисидан олдин такрорланади.

Мустақил нутқни тарбиялаш учун намуна сифатидаги айрим машқлар: берилган саволга жавоб, бошланган жумлани якунлаш, унинг ўзи савол бериш, берилган сўз асосида жумла тузиш, жумлани қайтадан тузиш, логопед ёки ўртоғи билан суҳбат, саҳналаштирилган томошаларда иштирок этиш, баён қилинган воқеани, расм бўйича драматик матнни сўзлаб бериш, томоша қилинган театр, кино ҳақида, шахсий кузатишлар ҳақида, ҳодисалар тўғрисида сўзлаш; телефон орқали суҳбатлашиш; маъруза, баҳсда иштирок этиш ва ҳоказо.

Логопедик машғулотларнинг нутқ материали мазмуни бузилишининг тузилишига, ёшга, дудукланувчилар гуруҳига, дудукланишнинг ўтиб боришига, дудукланувчининг ўз нуксонига бўлган муносабатига ва бошқа кўпгина омилларга боғлиқ ҳолда ўзгартирилади. Бундай омилларнинг ҳисобга олиниши: дудукланувчини табақалаштириб чуқур ўрганишни ва

дудукланишни бартараф этиш юзасидан турлича методикаларнинг яратилишига имкон беради.

Дудукланадиган болалар билан олиб бориладиган логопедик машғулотларга қўйиладиган асосий талаблар:

1. Логопедик машғулотлар дудукланувчи боланинг нутқи ва шахсига педагогик-тузатиш орқали таъсир этишнинг асосий вазифаларини ўзида акс эттиради.

2. Логопедик машғулотлар муайян тартибда, узлуксиз, босқичли, асосий дидактик принципларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир боланинг шахсий хусусиятларига боғлиқ равишда; болаларнинг онглилиги ва фаоллигига таянган ҳолда олиб борилади; машғулотларда қўлланмалар, таълимнинг кўргазмалли, техник воситаларидан фойдаланилади; машғулотлар тарбияланаётган тўғри нутқ ва хатти-ҳаракат куникмаларининг мустатаҳкам бўлишига ёрдам беради.

3. Логопедик машғулотлар мактабгача тарбия ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитиш дастурлари талабларига мос бўлади.

4. Машғулотларда дудукланадиган болаларнинг турли шароитларда тўғри нутқи ва хатти-ҳаракатини машқ қилдириш зарурлиги ҳисобга олинади, масалан: логопедия кабинетиди ва ундан ташқарида, турли ҳаётий вазиятларда, таниш ва нотаниш шахсларнинг иштирокида ва ҳоказо. Шу мақсадда логопедик машғулотларнинг турли кўринишлари: нутқни ривожлантиришга доир кўпгина иш шакллари, дидактик, ҳаракатли, сюжетли-ролли ва ижодий ўйинлар, саёҳатлар, эртаклар, концертларга тайёрланиш ҳамда уларда иштирок этиш, микрофон олдида сўзга чиқиш ва бошқаларда қўлланилади.

5. Машғулотлар шундай ташкил қилинадики, уларда бола дудукланишсиз ва у билан бирга келиб чиқадиган бузилишларсиз гапириши лозим.

6. Машғулотлар боладаги яхши кайфиятни, бардамлик, ўз кучига ишончни мустаҳкамлайди.

7. Дудукланувчилар билан олиб бориладиган машғулотларда тўғри нутқ намуналари логопеднинг, самарали шуғулланадиган болаларнинг нутқи, бадиий сўз усталарининг чиқишлари акс эттирилган магнитофон ёзувлари ва пластинкалар, логопедия курсини аввал муваффақиятли тамомлаганларнинг тантанали чиқишлари ва ҳоказолар мунтазам иштирок этади.

8. Машғулотлар атрофдагиларнинг дудукланадиган болага нисбатан тўғри муносабатда бўлишлари ва унинг тўғри тарбияланиши асосида олиб борилади.

Дудукланадиган боланинг мустақил ишлашини ташкил этиш нутқ тарбиячиси вазифаларини оилавий-маиший, ўқув-тарбиявий шароитларда ва унинг тенгдошлари жамоасида бажарилишига йўналтирилади.

Гуруҳларни тўлдириш дудукланувчилар ёшини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Ёшларнинг турлича бўлиши логопед ишининг ўзига хос методикаларидан фойдаланиш зарурлигини, унинг айрим компонентлари самарадорлигини ўзгартиришни талаб этади.

Мактабгача тарбия ёшдаги болаларда ўйин тусидаги нутқ машғулоти, тарбиявий тадбирлар, айрим ҳолларда – тиббий тадбирлар асосий ўрин эгаллайди. Ўсмирлар ва катталарда -аксинча, тиббий воситалар, психотерапия (шу жумладан унинг сугГЭСтив методлари), кам ҳолларда – педагогик воситалар муҳим аҳамият касб этади.

Тарбиянинг асосий вазифаси болаларни тегишли дастурларда қайд этилган билим ва кўникмаларга ўргатишдан иборат бўлади. Бу вазифаларни ақлий, ахлоқий, жисмоний ва меҳнат тарбияси бўйича ўқув машғулотида амалга ошира бориб, тарбиячи ҳар бир боланинг нутқий тузатиш тарбияси билан боғлиқ ҳолдаги нутқ имкониятларини инобатга олади. Бундан ташқари, тарбиячи ўз машғулотида, дарсларда, кун тартибининг айрим пайтларида, эркин ўйин ва машғулотларда болаларнинг нутқ кўникмаларини мустаҳкамлайди.

Логопедик ритмика логопедик ишнинг муҳим бўлими ҳисобланади. Бу нутқий тузатиш тарбияси мақсадларида амалга ошириладиган мусиқали ҳаракат, нутқий ҳаракат, мусиқали нутқ топшириқлари ва машқлари системасини ўзида акс эттиради. Логопедик ритмика, ўзининг ташкилий тартибига қарамасдан, логопедик машғулотларга қўшимча ҳисобланади ва унга махсус ажратилган вақтда олиб борилади, шунингдек логопед машғулотида, қисман тарбиячи машғулотида қўшилади.

Дудукланувчилар билан қуйидаги логопедик ритмика воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир: кириш машқлари; юз имо-ишоралари, диққат билан эшитиш ва хотира, кўриш диққати ва хотирасини ривожлантириш, фазода мўлжал олиш ва ритм ҳиссини ривожлантириш, тақлидчанликни ривожлантириш машқлари ва ўйинлари; иродавий сифатлар, фаоллик, мустақиллик, ташаббускорликни ривожлантириш мақсадидаги ижодий, сюжетли-ролли, ҳаракатли ўйинлар; умумий ҳаракатларни, қўл, панжа, бармоқлар ҳаракатларини ривожлантириш мақсадида қоидалари бўлган ҳаракатли ўйинлар, машқлар; нутқ тузилишини ривожлантириш учун мусиқа жўрлигидаги машқ ва қўшиқли ўйинлар, драмалаштирилган ўйинлар; хаёл, ижодий қобилиятлар, мусиқий хотира ва мусиқий ижодийликни ривожлантиришга қаратилган машқлар, ўйинлар; бадий лавҳалар, эртаклар, кўнгилочар томошалар, байрам чиқишлари (болалар учун), кулги кечалари, имо-ишорали томошалар, концертлар ва ҳоказо (катталар учун).

Ҳаракатли, мусиқий-ҳаракатли, мусиқий-нутқли, ритмик, мусиқа жўрлигисиз нутқли, ҳаракатли-нутқли машқ ва ўйинлар просодияни-дудукланувчининг ҳаракат соҳасини нормаллаштиради, бу эса, ўз навбатида, унинг муомалага, суҳбат иштирокчисига, атроф-муҳитга ва ўз нутқининг бузилишига нисбатан муносабатини қайта кўришга ёрдам беради. Бу қайта кўриш хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатнинг шундай ижобий хусусиятлари билан боғланганки, улар дудукланувчида рухий ҳаракатлантирувчи воситасини тузатиш жараёнида намоён бўлади, жумладан: ҳаракатдаги ишонч, уларни бошқариш, муомаладаги ташаббускорлик, ҳаракат ва нутқ қийинчиликларини Ўнгишдаги мустақиллик, фаолиятдаги тиришқоқлик,

нутқ бузилишига нисбатан муносабатни қайта кўриш билан боғлиқ ҳолда ҳаётий вазиятлар моҳиятига қайта мувофиқлашиш.

Шундай қилиб, логопедик ритмика дудуқланувчи шахсининг қайта тарбияланиши, сотсиал мослашуви учун, шунингдек, унинг умумий ва нутқ ҳаракат воситаларини машқ қилдириш ва тузатиш учун (В. А. Гринер, Н. Самойленко, Г. А. Волкова, В. И. Дреевянников, Э. В. Оганесян, Н. А. Ричкова) катта аҳамиятга эгадир.

Дудуқланувчиларнинг сотсиал мослашуви борасидаги вазифалар (ўсмирлар ва катталар масаласида тикланиш ҳам бўлиши мумкин) педагогик ва руҳий таъсир этиш мажмуи йўли билан амалга оширилади. Бунда оила муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутди. Боланинг оилага ва ота-онага нисбатан ҳис-ҳаяжонли боғланишининг муҳим даражаси жиддий руҳий омил саналади, логопед ота-оналарга маслаҳат бериш ва улар билан методик ишлар олиб боришда буни ҳисобга олади. Оила ўзининг табиий руҳий-педагогик тикловчи таъсири билан дудуқланувчи шахсини қайта тарбиялаш ва унинг тўғри нутқини мустаҳкамлашда бирламчи ва кучли асос саналади.

Ота-оналар ва педагогларга билан маслаҳат бериш ва улар билан методик иш олиб бориш дудуқланадиган болага таъсир ўтказиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга; уйда ва болалар муассасаларида унга нисбатан тўғри муносабатни яратишга; боланинг логопедик машғулотлардан ташқари ҳолларда зарур мустақил ишлашини ташкил этишга йўналтирилгандир.

Бундай иш шакллари қуйидагилардан иборатдир: ота-оналар ва педагогларни дудуқланишнинг моҳияти ва сабаблари ҳақидаги қатор суҳбатлар кўринишида, дудуқланиш ва дудуқланадиган шахслар тўғрисидаги, унинг пайдо бўлишидаги муҳим жиҳатлар ва уни бартараф этиш услублари ҳақидаги нутқ машғулотларининг моҳияти ва юналишлари хусусидаги педагогик-тузатиш жараёнида ота-оналар ва педагогларнинг тутадиган ўрни ҳақидаги, уйдаги кун тартибининг муҳим томонлари тўғрисидаги, атрофдагиларнинг дудуқланадиган болага нисбатан муносабати ва ҳоказолар ҳақидаги зарур билимлар билан таъминлаш.

Суҳбатларнинг ташкил этилиши ота-оналар учун ҳар бир бола ҳақидаги алоҳида, якка тартибдаги маслаҳатлар беришни истисно этмайди. Шунингдек, ота-оналарнинг логопедик машғулотларда иштирок этишлари ҳам муҳимдир. Бунда улар дудуқланишни бартараф этишга ёндашиш қонун-қоидалари, болалардаги нутқ тортишишларининг олдини олиш ва уларни тугатиш усуллари билан танишиш имконига эга бўладилар.

10.3. Дудуқланувчи болалар билан олиб бориладиган логопедик машғулотларнинг дидактик асослари

Болалар логопедиясининг дидактик асослари. Нутқий камчиликларга эга бўлган болалар билан олиб бориладиган тарбиявий, таълимий ва коррекцион иш тизими умумдидактик қонуниятлар, тамойил ва методлар асосида ташкил этилади.

Ҳозирги замон педагогикасида қуйидаги асосий тамойиллар ажратилган: индивидуализатсия ва жамоатчилик, системалилик ва кетма-кетлик (изчиллик), онгли фаоллик, кўргазмалилик, мустақамлилик ва бошқалар.

Бу тамойилларнинг жами (мажмуи) ва дудукланувчи болаларга нисбатан уларнинг қўлланилишининг ўзига хослиги коррекцион ўқитишнинг барча томонларини яъни мазмунини, методлари ва ташкилий шакллари белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда турли хил логопедик методик ишларни мавжудлиги нутқ бузилишларининг шакллари, болалар ёшини, логопедик иш шароитини ҳисобга олган ҳолда назарий ва коррекцион ўқитишнинг асосий тўрини аниқлаш ва ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Умумий назарий ўқитиш ва хусусий логопедик методикалар сўзсиз бир-бирини тўлдиради.

Шундай қилиб, асосий дидактик қонуният ва тамойиллар нутқ фаолиятида камчилиги бўлган болалар билан ишлашда асос бўлиб хизмат қилади. Бу асосларни билиш дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган коррекцион педагогик ишларнинг муваффақиятли гаровидир.

Дудукланувчи болаларга индивидуал ёндашиш. Дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган гуруҳли, жамоали логопедик машғулотлар кўп йиллик амалиётни кўрсатишича ўзининг ижобий томонини оқлаб келди.

Жамоа билан машғулот ўтказиш ҳамма болаларнинг фаол ишлаши учун шароит яратади. Индивидуал ёндошиш талаблари шахсни жамоага қарши қўйилганлигини билдирмайди. Балким, ҳар бир болани имкониятларини яхши билган ҳолда жамоа ишини ташкил қилиш мумкин.

Логопедик ишда индивидуал ёндошиш бу ҳар бир дудукланувчи болани логопедик ишдан олдин ва логопедик иш жараёнида чуқур ўрганиш, уларни психологик хусусиятлари ва нутқ имкониятларини ҳисобга олган ҳолда коррекцион – педагогик ишларни танлашдир.

Дудукланувчининг ёши дидактик материал ва логопедик иш шакллари аниқлайди.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар, ўсмир ҳамда катталарнинг психофизик хусусиятлари логопеддан «Боғчада ўқитиш ва тарбиялаш дастури» ва ўйин фаолияти; иккинчидан мактаб дастури ва ўқув фаолияти, учинчидан турли хил меҳнат фаолиятларини ҳисобга олишни талаб этади.

Логопедик гуруҳни жамлаш (комплектлаш) дудукланувчиларни ёшини ҳисобга олиб, гуруҳга бир хил ёшли болаларни танлаш бўйича ўтказилади. Гуруҳда турли ёшдаги дудукланувчиларни борлиги логопедик ишда алоҳида методикаларни қўллаш заруриятини келтириб чиқаради ҳамда дудукланишни бартараф этишда даволаш педагогик ишларнинг таркибини интенсивлигини ўзгартиришга тўғри келади.

Масалан, мактабгача ёшдаги болаларда ўйин шаклидаги нутқ машғулотлари, тарбиялаш тадбирлари асосий ўринни, тиббий даволаш ишлари эса камроқ ўринни эгаллайди. Ўсмир ва катталарда эса аксинча,

асосий диққат тиббий даволаш ваоситалари яъни, психотерапия (сугГЭСтив метод)га камроқ педагогик ишларга қаратилади.

Дудукланувчилар билан олиб бориладиган логопедик ишларда индивидуал ёндошиш тамойилини жорий этиш болаларни бирламчи ва динамик ўрганишда (машғулотлар жараёнида) муҳим аҳамият касб этади. Логопед учун лингвистик, психологик ва педагогик кузатувлар зарурдир. Булар дудукланувчиларга коррекцион таъсир этиш шакллари танлаш имконини беради.

Логопедик машғулотларда системалилик ва изчиллик тамойиллари

Дудукланувчилар билан ўтказиладиган логопедик машғулотларда системалилик ва изчиллик дидактик тамойили шу машғулотнинг логик мазмунида акс этади. Болаларда аниқ билим ва тўғри нутқий малакаларни тарбиялаш қатъий системалилик ва изчиллик тартибида олиб борилади.

Уларнинг нутқий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, бутун таълим жараёни оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга, Энгилдан оғирга ўтиш асосида амалга оширилади.

Дудукланувчининг нутқига унинг мустақиллик даражаси таъсир қилади.

Мустақил нутқнинг ривожланганлик даражасига қараб, нутқнинг мураккаблашиб боровчи бир нечта босқичини ажратиш мумкин:

1. Уйғунлашган нутқ – дудукланувчининг логопед билан биргаликда ёки логопеддан сўнг жумлаларни такрорлаши; Дудукланишнинг энг оғир даражасида ҳам киши эркин гапиради, негаки ўзга одамнинг жумлалари қайтарилади. Мустақил нутқ минимал даражада бўлади.

2. Акс эттирилган нутқ – дудукланувчининг логопеднинг кетидан жумлаларни қайтариши. Бунда ҳам ўзга одам жумлаларининг тузилиши такрорланади. Бу нутқ тури ҳам барча дудукланувчиларга қўл келади.

3. Кейинги дудукланувчилар учун мураккаброқ ҳисобланадиган нутқ шакли – саволларга жавоб беришдир. Бу босқичда иш аввал содда, оддий саволларга жавоб бериш устида иш олиб борилади, кейин эса мураккаб, кенгайтирилган саволларга жавоб бериш устида ишланади.

Бу босқичнинг акс эттирилган нутқ босқичидан фарқи шундаки, бу босқичда мустақил нутқ намоён бўлади, саволларга жавоб бериш дудукланувчиларга маълум бир қурилишга эга бўлган гаплардан фойдаланиш имконини беради. Дудукланувчилар учун энг мураккаби саволларга кенгайтирилган ҳолда жавоб беришдир.

4. Сўзлаб бериш – бу босқич нутқ жараёнини янада мураккаблаштиради. Яъни бунда дудукланувчи бир, икки жумла билан чегараланиб қолмай, балки сўзлаб беришда ундан кўпроқ жумлалардан фойдаланишга тўғри келади. Сўзлаб беришда сўзлаш учун осонлик тўғдирувчи ёрдамчи воситалар ҳам мавжуд: эртак, хикоя, қўрилган кинофилминини гапириб бериш.

5. Ҳикоя, сайл, экскурсиялар, расмлар, мавзу бўйича олинган таассуротларни мустақил гапириб бериш.

6. Мустақил нутқ – дудукланувчилар учун энг мураккаб нутқ шакли. Бу нутқ табиий шароитда атрофдагилар билан эркин муносабатга киришиши – саволлар, илтимос, мурожаат, фикр алмашиш, истак билдириш ва ҳаказоларда намоён бўлади.

Шундай қилиб, дудукланувчиларда эркин, мустақил нутқ машғулотларда қуйидаги изчилликда тарбияланиши мумкин:

- 1) логопед билан бирга ва логопед кетидан қайтариладиган нутқ;
- 2) нутқнинг савол ва жавоб шакли;
- 3) сўзлаб бериш ва ҳикоя;
- 4) мустақил нутқ.

Дудукланувчи нутқининг ҳолатига таъсир қилувчи омиллардан бири, унинг турли хил нутқий тайёргарлик даражасидир. Агар дудукланувчи матнни ёддан билса ёки керакли материални олдиндан такрорлаб, у билан таниш бўлса, нима демоқчи эканлигини олдиндан фикран ўйлаб ва уни қандай кетма-кетликда айтмоқчи эканлигини режалаштирган бўлса у осон гапиради. Дудукланишни кучайиши нотаниш матн билан ишлашда ва фикран тайёрланмасдан сўзлаш вақтида намоён бўлади.

Нутқий машқлар қуйидаги кетма-кетликда олиб борилади:

- 1) ёд олинган матн;
- 2) ўқиб эшиттирилган матн;
- 3) фикран ўйлаб қўйилган матн;
- 4) нотаниш матн.

Дудукланувчида нутқий пай тортишишлар таъсир қилувчи омилардан бири, нутқий тизимнинг мураккаблик даражси.

Одатда, дудукланувчилар алоҳида товушларни кўпинча унлиларни осон талаффуз қиладилар. Бўғинлар сўнг сўзларни талаффуз қилиш унли товушларга нисбатан мураккаблашади. Уларда асосий қийинчилик фикрни баён этишни бошлашда (сўзлашни бошлашдаги қийинчилик) пайдо бўлади.

Дудукланувчилар нутқининг эркинлиги ва баландлиги нутқий машқларнинг аниқ кетма-кетлиги асосида амалга оширилади: овоз чиқармай, секин, шивирлаб, баланд ва одатланган овоз билан гапириш.

Дудукланувчилар нутқига нутқнинг равонлиги, бир маромдалиги ҳам самарали таъсир кўрсатади. Ашула айтишда, ритмик шеърый нутқ ва чўзиб сўзлашда нутқий пай тортишишлар анча камаяди, ёки бутунлай йўқолади. Нутқий сўзлашиш ритмик ҳаракатлар жўрлигида бўлса, дудукланувчи сўзлаш жараёнида маълум бир Энгилликни ҳис этади. Кейинчалик мулоқотда бўлиш кўникмалари бир маромдаги нутқдан ҳар хил тўлқиндаги оддий нутққа ўтилади.

Шундай қилиб, дудукланувчиларда нутқнинг равонлиги ва бир маромдалигини қуйидаги кетма-кетликда (изчилликда) тарбиялаш мумкин:

- 1) Ашула; 2) ашула жўрлигидаги ҳаракат; 3) ритмиклашган нутқ (шеър, кейинчалик проза (наср)) ҳаракатлар билан; 4) ритмиклашган нутқ (шеър,

проза (наср)) ҳаракатсиз; 5) унли товушларга таяниш; 6) турли тўлқиндаги нутқ.

Дудукланувчиларда тўғри нутқни тарбиялаш вазифаси турли эмотсионал ҳолатларда тўғри сўзлашни машқ қилишдан иборат. Логопед дудукланувчиларга турли кайфият, эмотсионал ҳаяжонланиш, руҳий тушқунликлар бўлишидан қатъий назар ўзини тута билиш ва нутқини назорат қилиб боришга ўргатади. Инсон нутқи ва эмотсионал ҳолатига атроф-муҳит, унинг характер фаолияти ва одамлар таъсир этади. Шунинг учун машғулотларда нафақат нутқий машқларни балки, турли вазиятларни ҳам аста-секин мураккаблаштириб боришни кўриб чиқмоқ лозим.

Шароитдан келиб чиққан ҳолда нутқий машқларни кетма-кетлигини (изчилигини) қуйидагича белгилаш мумкин:

- а) таниш, бирламчи шароитда;
- б) кам таниш бўлган;
- в) таниш бўлмаган, бегона шароитда тўғри нутқни машқ қилиш.

Атрофдаги жамоатчиликни ҳисобга олиб – ёлғизликда, яқинлари ва ўртоқлари; тарбиячилар билан; кам таниш бўлган инсонлар билан; нотаниш, бегоналар билан, гарчи бу ЭРда дудукланувчиларнинг иштирокчилар мулоқот шароитига қаратилган реакциясига боғлиқ равишда, турли вариантлар бўлиши мумкин.

Ниҳоят, дудукланувчи бола фаолияти қуйидагиларга боғлиқ равишда нутқ сифатига таъсир этиши мумкин:

- а) уни кўринишига боғлиқ;
- б) мураккаблик даражасига (элементар ҳаракатлар, ҳаракатлар мажмуи);
- в) вақтга муносабатига боғлиқ (ҳозирни, ўтганни ёки келажакни таърифлаш).

Дудукланувчи бола нутқи ҳолатига таъсир этувчи турли хил омилларнинг мавжудлиги, логопедга нутқий тортишишларнинг келиб чиқиши ва олдини олишни, олдиндан пайқаш учун турли кўринишдаги нутқий машқлар ва вазиятларни қўшиш имконини беради.

Системалилик ва кетма-кетлилик тамойили дудукланувчиларга логопедик таъсирнинг фақат мантиқий томонини эмас, балки, ташкилий томонини ҳам ўз ичига олади, чунки маълум билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш системали тарзда, доимий ва режа бўйича амалга оширилади. Неврозларни даволаш асосида ётувчи нерв жараёнларини доимий машқ қилдириш фақат шу ҳолда содир этилади.

Логопедик машғулотлар курси дудукланувчилар билан олиб бориладиган, вақт, вазифа ва мазмун бўйича яхлит, тугалланган иш тизимидан иборат ва даврларга бўлинади (тайёрлов, машқ қилувчи, мустаҳкамловчи). Ҳар бир даврда бир қатор босқичларга ажратиш мумкин (масалан, гапирмаслик, уйғунлашган, акс эттирилган нутқ, нутқ ўргатув тартиби ва ҳ.к.). Логопедик ишнинг ҳар бир босқичи ўзаро боғлиқ машғулотлардан ташкил топади.

Тайёрлов босқичи вазифаларига авайловчи тартиб яратиш, болани машғулотларга тайёрлаш, тўғри нутқ намуналарини кўрсатиш қиради.

Авайловчи тартиб қуйидагилардан иборат: салбий таъсир этувчи омиллардан бола психикасини ҳимоялаш; тинч, осуда муҳит, дўстона ва тўғри муносабат яратиш; нотўғри нутққа ўрганиб қолишга йўл қўймаслик; кун тартибини белгилаш ва риоя қилиш; тинч ва турлича машғулотларни назарга олиш; шовқинли, ҳаракатли ўйинлар, машғулотлар билан кўмиб ташлашга йўл қўймаслик.

Шунингдек, дудуқланувчи болани тинчлантириш, ўз нуқсонига қаратилган тушкун эътиборни чалғитиш ва шу билан боғлиқ тарангликни йўқотиш муҳим. Имкониятга қараб дудуқланувчининг нутқий фаоллигини чеклаш ва шу орқали нотўғри нутқий стереотипни сусайтириш мақсадга мувофиқдир.

Болани машғулотларга жалб этиш учун, радиокўрсатувлар, магнитофон ёзувлар, пластинкалар, адабий асарлар ҳақидаги суҳбатлардан фойдаланиш, атрофдаги одамларнинг ифодали нутқига ижобий белгиларига дудуқланувчининг эътиборини қаратиш, машғулотгача ва машғулотдан сўнг болалар нутқининг магнитофон ёзувлари орқали намойиш қилиш (айниқса, мавжуд дудуқланишни улар томонидан онгли англаш ҳолларида) лозим.

Машғулот бошидаги ёмон нутқ ва машғулот сўнгидаги тўғри, эркин нутқ орасидаги қарама-қаршиликлар, болаларда яхши гапиришга ўрганиш истагини туғдиради. Шу мақсад учун машғулотлар курсини ўтаб бўлган болалар чиқишлари ва сахна кўринишларидан фойдаланиш мумкин.

Логопед биринчи машғулотлардан бола билан тўғри нутқнинг муҳим сифатларини ишлай бошлашди: баландлик, ифодалилиқ, шошмаслик, тўғри ибора тўзиш фикрларни кетма-кет баён қилиш, суҳбатлашганда эркин ва ишонч билан гаплашиш ва бошқалар.

Машқ қилувчи босқич вазифаларига бола учун мураккаб бўлган барча нутқ шакллари ва нутқий вазиятларни эгаллаш киради. Боланинг биринчи босқичда қўлга киритган билим, кўникма ва малакаларига таянган ҳолда, эркин нутқ малакаларини тарбиялаш ва нутқнинг турли шаклларида ва турли хил нутқий вазиятларда тўғри хатти-ҳаракатларни тарбиялаш бўйича иш олиб борилади.

Дудуқланишнинг бирмунча мураккаб кўринишларида машқ қилувчи босқич уйғунлашган акс эттирувчи нутқдан бошланади. Агар тўғри нутқнинг барча талаблари бу босқичда осон ва яхши бажарилса, логопед бола билан ибораларни биргаликда такрорлашдан воз кечади ва унга иборадан мустақил нусха олиш имкониятини беради.

Уйғунлашган-акс эттирувчи нутқ босқичида турли матнлар қўлланилади: ёд олинган машҳур эртаклар, савол ва жавоблар, нотаниш эртак, ҳикоялар.

Нутқ машғулотлари хонада ёки уйда логопед ёки ота-оналар билан ўтказилади. Агар машғулотга бегона кишилар, тенгдошлари таклиф қилинса шароит мураккаблашади.

Логопедик ишда кейинги қадам – нутқнинг савол-жавоб босқичидир. Бу даврда бола намуналар бўйича ибораларни такрорлашдан аста-секин

озод бўлади ва мустақил нутқий мулоқотда дастлабки ютуқларга эриша бошлайди. Акс эттирилган жавоблардан бошлаш мақсадга мувофиқдир, катта одам савол беради ва ўзи жавоб беради, бола жавобни такрорлайди. Аста-секин саволларга қисқа жавоблардан бола бир мунча мураккабларига ўтади. Бола илгари олган намуналаридан фойдаланган ҳолда мураккаб гапларни мустақил тўзишга ўрганади. Нутқий машқларнинг сунъийлигини олдини олиш учун уларни боланинг кундалик ҳаёти ва дастур материали билан боғлиқ турли хил материалларнинг ўзида ўтказиш керак: расмлар бўйича саволлар, эртак ёки ҳикоя мазмуни бўйича саволлар, ўйин жараёни бўйича саволлар ва бошқалар.

Фаолиятнинг турли кўринишларини саволлар билан бирга олиб бормоқ фойдалидир (умумтаълим машғулотларида ташқил қилинувчи фаолиятлар): атрофдагиларни кузатиш, меҳнат, қуриш-ясаш, расм чизиш, ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар ва бошқалар.

Дастлаб боланинг жавоблари уни оддий ҳаракатларини, ҳозирги замонда ишланган содда кузатишларини акс эттиради (мен уй чизяпман, столда олмалари билан ваза турибди).

Сўнг ўтган замонда, тугалланган ҳаракатлар ёки бажарилган кузатишларни акс эттиради. (Мен кеча отам билан ҳайвонот боғига бордим. Биз у Эрда тимсоҳларни кўрдик). Ва ниҳоят, келаси замонда, кўзлаган ҳаракатлари ҳақида (Биз ҳозир боғга борамиз. Биз бекинмачоқ ўйнаймиз). Бу ҳолда, аниқ фаҳмлашдан ва ўзининг бевосита кузатувлари ва ҳаракатларини узатишдан бола умумлаштирувчи хулосаларга, тахмин қилинган вазиятлар ва ҳаракатларни таърифлаб беришга ўтади.

Турли машғулотлар болаларга тўғри нутқ малакаларини ўзининг кундалик ҳаётига ўтказишга ёрдам беради.

Агар бола дудуқланса, жавобни Этарлича баланд талаффуз этилмаганини баҳона қилиб (ёки ҳаддан ташқари тез, ёки тушунарсиз), ундан иборани яна такрорлаб бериш илтимос қилинади. Агар нутқий тортишиш кучли бўлиб, бола уни дарҳол бартараф этолмаса, ибора тузилишини тўғрилаш ёки ўзгартиришга имкон берувчи аниқ ёрдамчи саволни бериш мақсадга мувофиқдир.

Нутқий машқларни танлашда, нутқий тортишишларни олдини олиш ёки ўз вақтида ёрдамга келишни билиш учун қандай ҳолатларда (қийин товушлар, ибора боши, шароит) болада нутқий тортишишлар намоён бўлиши мумкинлигини яхши билиш лозим. Нутқий тортишишларнинг бутунлай йўқлиги, дудуқланувчи бола билан олиб бориладиган ва яхши тайёрланган машғулот кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Бола оддий саволларга эркин жавоб беришга ўргангандан сўнг, машғулотларда ҳикоя ва қайта ҳикоя қилишлар қўлланилади. Ҳикоя қилиш ва ҳикояларга, саволлардан жавобларга ўтишда кетма-кетликка риоя қилган ҳолда логопед дастлаб болага расмлар бўйича оддий мустақил ибораларни тузиш ва талаффуз қилишни таклиф қилади, сўнг янги расм бўйича саволлар бериш ва уларга жавоб бериш таклиф қилинади.

Оддий иборалардан мазмун жиҳатдан боғланган бирмунча мураккаб ибораларга ўтиш мумкин, сўнг яхши таниш бўлган матнни ҳикоя қилиб беришга (ертаклар, ҳикоялар), бироз нотаниш бўлган матнни ҳикоя қилишга (яқиндан ёки энди эшитганини), атроф ҳаётдаги алоҳида омилларни ифодалашга, ўзининг сайри, экскурсияси, машғулотлари ва ҳ.к.лар ҳақидаги ҳикояларга ўтиш мумкин.

Нутқ шакллариининг мураккаблашувига мувофиқ машғулотлар шароити ҳам мураккаблашади. Машғулотлар нафақат хонада ёки уйда, балки улардан ташқарида ҳам ўтказилади. Хонада кўчага чиқишга, жамоа жойларига чиқишга тайёргарлик кўрилади, олдинда турган экскурсияга тайёрланадилар, логопед тасаввур қилинган ёки атрофдаги предметлар ёки ҳодисалар ҳақида саволлар беради. Масалан: «Сен олдинда бино кўряпсанми? Унинг нечта кавати бор, томи қандай рангда? Бугун ҳаво қандай?». Кейинроқ бу саволлар мураккаблашади, бола кўрганлари, эшитганлари ёки бажарганлари ҳақида гапиради ва ниҳоят суҳбатда иштирок этади.

Нутқий материални ўзлаштиргандан сўнг экскурсияга чиқилади ва болага айнан ўша саволлар берилади.

Хонадон ташқарисидаги машғулотларда бола атрофдаги шароит ва одамларга хотиржам таъсирланишга, уялмасликка ва логопед саволларига тўғри жавоб беришга ва ўзи ҳам саволлар беришга ўрганади. Дудукланувчи болаларда тўғри нутқни шакллантиришда, хонадон ташқарисидаги машғулотлар катта аҳамиятга эгадир. Бундай машғулотларни тўғри баҳолай олмаслик шунга олиб келадики, бола хонада, яъни бола ўзи учун одатдаги шароитда мутлақо эркин гапириши мумкин, хонадан ташқарида эса унинг нутқидаги тортишишлар сақланиб қолаверади.

Мустаҳкамловчи давр вазифаларига, бола томонидан эгалланган тўғри нутқ малакалари ва нутқий фаолиятнинг турли вазиятлари ва кўринишларида ўзини тутиш малакаларини мустаҳкамлаш киради. Ички истак таъсири остида болада юзага келувчи спонтан нутқ материалларида, (атрофдагиларга савол, илтимос билан мурожаат қилиш, тассуротлар алмашиш) белгиланган вазифалар бирмунча фаол амалга оширилади.

Дудукланувчи бола билан олиб бориладиган логопедик машғулотларда логопеднинг иштирок этиш даражаси аста-секин ўзгаради. Биринчи этапларда раҳбар кўп гапиради, охириги этапларда – логопеднинг роли асосан нутқ машғулотни мавзусини тўғри танлашга, унинг боришини йўналтиришга ва боланинг мустақил нутқий фаолиятини назорат қилишга қаратилади. Машғулотлар аста-секин суҳбат характери ола бошлайди. (Ўтказилган кун, тенгланган эртақ, томоша қилинган кўрсатув ва бошқалар ҳақида).

Кундалик ҳаётдан олинган мавзулардаги ижодий ўйинлардан кенг фойдаланилади: «Меҳмон», «Дастурхон атрофида», «Шифохона қабўлида», «Дўкон», «Она ва қиз» ва бошқалар, машҳур эртаклар сюжетида сахналаштирилган ўйин-драмалардан фойдаланилади.

Мустаҳкамлаш даврида логопед ва ота-оналарнинг асосий диққати, боланинг машғулотлардан ташқарида қандай гапираётганлигига қаратилади. Шунинг учун, сайрдаги суҳбатда, уйда тушликка тайёргарлик вақтида, эрталабки ювиниш вақтида ва ҳ.к., қачон керак бўлса, уни тўғрилаш имконини қўлдан бой бермаслик керак.

10.4. Алоҳида машғулотнинг структура қисмлари (тузилиш қисмлари)

10.5.

Ҳар бир логопедик машғулотда кетма-кетлик тамойили унинг тузилиши қисмларига мувофиқ ифодаланади: тайёрлов, асосий ва тугалловчи қисмлар.

Логопедик машғулотнинг тайёрлов қисми, болалар жамоасини уюштиришни, психологик характердаги суҳбатларни, нутқий машқларни, ўтган машғулотда ўтилган нутқий материални такрорлаш ва мустаҳкамлашни, бўлажак ишга болани тайёрлашни ўз ичига олади.

Машғулотнинг асосий қисми, албатта, янги нутқий машқлар тўрини ёки улар ўтказилувчи янги шароитларни ўз ичига олади.

Машғулотнинг тугалловчи қисмида логопед янги материални мустаҳкамлайди, болалар ишига яқун ясайди, уларнинг қўлга киритган ютуқларига диққатни қаратади. Логопедик машғулотлардан ташқарида нутқни машқ қилдириш учун вазифа ва маслаҳатлар беради.

Алоҳида логопедик машғулотнинг бундай тузилиши, уни дудуқланувчи болага қаратилган, йўналтирилган ва системали коррекцион-педагогик таъсирнинг ягона бир бутун кетма-кетлигини ташкил қилувчилар қаторида қўришга имкон беради.

Машғулотларда болаларнинг онглилиги ва фаоллиги

Педагогикада онглилик ва фаоллик тамойили фақат билиш фаолияти доирасида кўринмай, балки, эмотсионал – ҳиссий соҳада, яъни амалий – сезги фаолиятида ҳам кўриб чиқилади. Таълим, турли материалларда ва турли шароитларда ўхшаш ҳаракатларни кўп маротаба онгли бажаришни кўзда тутди.

Дудуқланувчилар билан олиб бориладиган логопедик ишда онглилик ва фаоллик дидактик тамойилини амалга ошириш Этакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Дудуқланувчилар томонидан логопедик машғулотнинг мақсадини тушуниш – дудуқланувчи ўз камчилигини англаган, ундан уялган, ташвишланган, турлича беркитган ёки бартараф этишга ўринган, ўз камчилигини ҳис қилган ҳолатлар дудуқланишни бартараф этишнинг муҳим шартларидан биридир.

Шу сабабли, логопед логопедик машғулотлар мақсадини фақат нутқий нуқсон, унинг белгиларини бартараф этишда деб билмасдан, балки улар билан боғлиқ дудуқланувчининг ҳулки ва шахсияти хусусиятларини

бартараф этиш; унинг ўзига, нуқсонига, атрофдагиларнинг баҳолашига муносабатини қайта қуриш зарурияти ҳам эътиборга олинади.

Дудукланиш белгиларини бартараф этиш, ўз нутқи ва ҳаракатлари хусусиятлари бўйича логопедик усулларни эгаллаш вақти билан дудукланувчига нутқ камчилигини ва унга боғлиқ камчиликларни бартараф этиш жараёнига фаол ва муваффақиятли киришиш имконини беради.

Г.Д.Неткачёвнинг фикрича, ўзининг фаоллиги билан дудукланишдан кутилишга эришган дудукланувчи, тўғри нутқи ўзининг шахсий ютуғи – меҳнати ва қуввати маҳсули ва ҳеч қачон ундан олиб қўйилмаслигини доимо ёдида тутати. Дудукланувчилар билан ишлашда логопед таълимнинг ўзига хос воситаларига ҳам таянади.

10.5. Мактабгача ёшдаги дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишлар методикаси

Мактабгача ёшдаги дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган логопедик методиканинг биринчи муаллифлари Н.А. Власова ва Э.Ф. Рау ўз методикаларини мураккаблаштириб бориладиган нутқий машқлар, боланинг мустақил нутқи даражасига кўра ташкил этадилар.

Н.А. Власова нутқнинг 7 хил кўринишини фарқлайди. Булар:

- 1) логопед билан биргаликдаги нутқ;
- 2) акс этган нутқ;
- 3) таниш расмлар асосида саволларга жавоб бериш;
- 4) таниш расмларни мустақил таърифлаб бериш;
- 5) эшитилган кичик ҳикояни қайта ҳикоя қилиб бериш;
- 6) мустақил нутқ (нотаниш расмлар асосида ҳикоя тўзиш);
- 7) меъёрдаги нутқ (суҳбат, таклиф ва илтимослар).

Э.Ф. Рау логопедик машғулотлар вазифасини қуйидагича тасаввур этади, «дудукланувчи болалар нутқини юкламадан системали режали машғулотлар йўли билан ҳалос қилиш, шунингдек, нотўғри талаффузни бартараф этиш ва аниқ, тўғри артикулятсияни тарбиялаш». Дудукланувчи болалар нутқини қайта тарбиялаш учун мўлжалланган барча машғулотлар мураккаблашиб боровчи 3 босқичга бўлинади:

Биринчи босқичда машқлар логопед билан биргаликдаги нутқ ва акс эттирилган нутқни тарбиялаш учун маҳсус ишлар олиб борилади.

Иккинчи босқичда болалар расмларни саволлар асосида таърифлаб бериш, берилган мавзуга оид ёки серияли расмлар асосида мустақил ҳикоя тузиш, логопед ўқиб берган ҳикояни қайта ҳикоя қилиб беришга ўргатиб борилади.

Учинчи, якунловчи босқичда болаларга эгаллаган малакаларини ўйин, суҳбат, машғулот ва бошқа болалар ҳаётий дақиқаларида дўстлари, тенгдошлари ва катталар билан мулоқот давомида мустаҳкамлаш имконияти таклиф этилади.

Н.А. Власова ва Э.Ф. Рау методикаси асосини болалар мустақил нутқини турли даражалари ташкил этади. Узоқ вақтлар мобайнида берилган методика дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган логопедик ишлар методикаси оммавий усуллардан бири бўлиб ҳисобланиб келинади. Ҳозирги кунда

логопедлар мазкур методиканинг айрим таркибий қисмларидан фойдаланмоқда.

Н.А.Чевелёва қўл фалолияти жараёнида дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишларнинг ўзига хос тизимини таклиф этади. Муаллиф психологик концептсиядан келиб чиқиб, боланинг боғланган нутқини вазиятли нутқдан мустақил нутққа ўтиш йўли билан ривожлантиришни таклиф этади. Шундан келиб чиқиб, у нутқни қуйидаги шакллари фарақлайди:

1. Кузатувчи нутқ
2. Якунловчи нутқ
3. Амалга оширувчи нутқ

Болаларда дудукланишнинг бартараф этишнинг 5 босқичи фарақланади:

Тайёрлов босқичи. Асосий мақсад – болаларга хулқ-атвор қўникмаларини ўргатиш, логопеднинг кўп бўлмаган, мантикий тўғри нутқини эшитишга ўргатиш, боланинг ўзини нутқини эса чеклаб қўйиш;

Кузатувчи нутқ – бу босқичда болалар бажараётган ҳаракатлари билан биргаликдаги нутқи тушунилади;

Якунловчи нутқ –бу босқичда болалар бажариб бўлган ишлари ҳақида сўзлаб берадилар. Кўрув таянчини кенгайтириб бориш натижасида секин аста мустақил нутққа ўтилади;

Амалга оширувчи нутқ – бу босқичда болалар бажармоқчи бўлган ишлари ҳақида гапириб берадилар. Бунда болаларда кўрув таянчига асосланмасдан ўз иш режасини тўзишга, ҳаракатларни олдиндан тушунтириб беришга ва номлашга, нутқдан мустақил фойдаланишга ўргатилади. Жумлалари нутқи мураккаблаштириб борилади. Бу босқичда болалар мантикий фикрлашга, ўз фикрини кетма-кет ва грамматик тўғри баён қилишга, сўзлардан асл маъносида фойдаланишга ўргатиладилар;

Малакаларини мустаҳкамлаш – бу босқичда болалар у ёки бу буюмни тайёрлаш жараёнини мустақил баён қилиб бериши, уларнинг ўз фаолиятлари ҳақида савол-жавоблари, ўз хоҳиш-истакларини баён этиши орқали олиб борилади.

С.А. Миронова мактабгача ёшдаги болаларда дудукланишни болалар боғчасида ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳларида дастурни ўтиш жараёнида бартараф қилиш тизимини таклиф қилади. У «Атрофдаги табиат билан танишув», «Нутқни ўстириш», «Елементар математик тушунчаларни ривожлантириш», «Расм, ёпиштириш, конструкторлаш» каби бўлимлар бўйича машғулот жараёнида олиб боришни таклиф этади.

Муаллиф логопедлар олдига дастур асосида камчиликларни тузатишга қаратилган вазифалар қўяди. Бу вазифалар тўрт чорак давомида кетма-кет мураккаблашган коррекцион ишлар натижасида ҳал қилинади.

Оммавий болалар боғчаларида дудукланувчи болалар билан дастурни ўтишда болаларнинг нутқ имкониятларига қараб айрим ўзгаришлар қилиш таклиф қилинади: ўқув йилининг бошларида олдинги гуруҳда ўтилган материаллардан фойдаланиш; машғулотнинг айрим мавзуларини жойини

алмаштириш; бироз қийинроқ мавзуларни ўрганиш муддатини узайтириш ва ҳ.к.

Биринчи чорак коррекцион вазифалари барча машғулотларда содда вазиятли нутқ малакаларидан фойдаланишга ўргатишдан иборат.

Луғат билан ишлаш асосий ўринни эгаллайди: луғатни кенгайтириб бориш, сўзларни мазмунини аниқлаштириш, пассив луғат бойлигини фаоллаштириш. Логопеднинг ўзини нутқига алоҳида талаб қўйилади: саволлар аниқ бўлиши, нутқ ҳар хил вариантда қисқа, аниқ жумлалардан ташкил топиши, эртақ сўзлаш кўргазмали бўлиши, шошилмаган суратда бўлиши талаб қилинади.

Иккинчи чоракдаги коррекцион вазифалар мустақил нутқдан фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш, аста-секин мустақил нутқнинг содда кўринишларини эгаллаши, логопеднинг саволи ёрдамида ва саволсиз ҳам ҳикоя тўзишга ўргатишдан иборат. Жумла тузиш устида ишлаш муҳим ўрин эгаллайди: оддий, кенг тарқалган жумлалар тузиш, уларни грамматик жойлаштириш, мураккаб гап тузиш, мазмунини сўзлаб беришга ўтиш. Дастурдаги материални ўрганишдаги кетма-кетлик ўзгаради. Агар биринчи чоракда болалар ҳамма машғулотларда бир предмет билан танишган бўлсалар, иккинчи чоракда эса предметлар такрорланмайди, мавзу ва топшириқдаги умумийлик белгиси бўйича яқин объектлар танланган бўлади.

Учинчи чоракдаги коррекцион вазифалар олдин ўзлаштирилган нутқ шаклларида фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлаш ва мустақил матн бўйича нутқий сўзлашни эгаллашдан иборат. Сўз тузишга анчагина ўрин берилади: сўз кўргазмали воситаларга қараб, логопеднинг саволлари бўйича ва мустақил тузилиши мумкин. Учинчи чоракда дастурни олдинги босқичларга хос бўлган аста-секинлик билан ўрганиш зарурати йўқолиб боради ва машғулотлар оммавий болалар боғчаларидаги даражасига яқинлашиб боради.

Тўртинчи чоракдаги коррекцион вазифалар турли мураккабликдаги мустақил нутқдан фойдаланиш кўникмаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Ижодий сўзлаш устида иш олиб бориш катта ўрин эгаллайди. Шунинг билан бир қаторда олдинги босқичларда бошланган луғат жамғариш давом этади. Жумлалар тузиш такомиллаштирилиб борилади. Болалар ўз нутқида логопед саволларига, мустақил кузатишларига таянади, ўз фикрларини баён қилади, хулосалар қилади. Кўргазмали қурол деярли қўлланмайди. Логопеднинг саволлари болалар ўзи ўйлаб топган, кутилаётган иш жараёнига тааллуқли бўлади. Камчиликни тузатиш ўқитиш, берилаётган сюжет-мазмунининг мантикий кетма-кетлигига риоя қилиш, тушунтиришлар, аниқлаштиришларни беришни билишга йўналтирилгандир.

Н.А. Чевелева ва С.А. Мироноваларнинг дудукланувчи болаларни нутқини қайта тарбиялаш методикаларини содда вазиятли нутқ шаклидан мустақил нутққа ўтиш орқали эркин нутққа эришишга асосланган. Фақатгина Н.А. Чевелева бу ишни қўл меҳнати жараёнида амалга оширишни таклиф этса, С.А.Миронова эса болалар боғчаси дастурининг турли бўлимларини ўтиш жараёнида амалга оширади. Умуман, дудукланадиган болалар билан

камчиликларни тузатиш (коррекцион) ва тарбиявий иш олиб бориш вазифаларини бирлаштириш тизимини зарурлиги тўғри деб ҳисобласа бўлади ва уни логопедик амалиётда қўллаш зарур деб ҳисобланади.

В.И. Селиверстов методикаси эса кўпроқ таъбот муассасаларида болалар билан иш олиб боришга мўлжалланган (амбулатория ва статсионар шароитда). Муаллиф томонидан таклиф этилган болалар билан кетма-кет мураккаблашиб боровчи логопедик машғулотлар схемаси уч босқичга бўлинади: тайёрлов, машқ қилиш ва мустақамлаш босқичлари.

Бу даврлар жараёнида нутқий машқлар бир томондан, мустақил нутқнинг даражаси унинг баланд-пастлиги, ритмikliги, тузилишигача мураккаблаштирилса, иккинчи томондан турли мураккабликдаги нутқий вазиятлар: ижтимоий қуршови, бола фаолияти турларигача мураккаблаштирилиб борилади.

Логопедик машғулотларнинг мажбурий шарти бўлиб, уларнинг «Болалар боғчасида болаларни тарбиялаш ва ўқитиш дастури»нинг ҳамма бўлимлари билан боғлаб олиб бориш ҳисобланади ва энг аввало, мактабгача болалар фаолиятининг асосий тури ҳисобланган ўйин билан боғлаш зарур.

Тарбия ва ўқитишнинг табақалаштирилган психоло-педагогик методнинг аҳамияти Г.А.Волкова методикасида ёритиб берилган.

2-7 ёшдаги дудукланувчи болалар билан комплекс иш олиб бориш тизими қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

1. Ўйин фаолияти тизими
2. Логоритмик машғулотлар
3. Тарбиявий машғулотлар
4. Болаларнинг микроижтимоий муҳитига таъсир этиш.

Логопедик машғулотнинг мазмунини ташкил этадиган, ўйин тизими ўзига қуйидаги ўйин турларини киритади: дидактик, ашула билан ўйин, ҳаракатли, қоидали ўйинлар, шеър ва прозаик матнлар асосида драматизатсиялаштирилган ўйин, стол тенниси ўйини, бармоқ театри, логопед маслаҳати билан ва болалар ўзи ўйлаб топган ижодий ўйинлар. Машғулотларда болалар билан биринчи навбатда ўйин фаолиятининг тамойилига таянилади.

Ушбу методика қуйидаги босқичларга бўлинади: бола нутқини текшириш, нутқини чеклаб қўйиш, логопед билан биргаликдаги ва акс эттирилган нутқ, савол-жавоб нутқи, турли вазиятларда болаларнинг мустақил мулоқоти. Ҳар бир машғулот боғча дастури материалларини инобатга олган ҳолда, коррекцион, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Ўйин фаолияти методикаси шахс хусусиятларини шакллантиришга ва унинг асосида нуқсонни бартараф этишга йўналтирилган.

Дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган логопедик ишлар амалиётида ўйин ва ўйин усуллари логопедик таъсирнинг босқичларига кўра болада толиқиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида фойдаланилади.

4 ёшдан 7 ёшгача дудукланувчи болалар билан иш олиб боришда камчиликларни тузатишга қаратилган логопедик таъсир Этакчи аҳамият касб

этади, чунки якка ҳолда ривожланиш жараёнида шаклланган шахсий хусусиятлар дудукланувчининг нутқ фаолияти ҳарактерига таъсир қилади ва дефект таркибини аниқлаб беради.

Ўйин фаолияти методи шахсни тарбиялашга йўналтирилган бўлиб уни асосида эса камчиликни (дефект) бартараф қилишга қаратилган.

Шундай қилиб, мактабгача ёшдаги болаларни дудукланишни бартараф қилиш бўйича логопедик ишларни такомиллаштириш XX асрнинг 80-йилларида турли услубий ишланмалар яратилишга олиб келди. Логопедик машғулотлардаги нутқ бўйича материаллар босқичма-босқич нутқ тарбияси шароитида болалар томонидан ўзлаштирилади. Сўзни биргаликда қайтаришдан то таниш расмларни тушунтиришда мустақил сўзлаб беришгача, тинглаган катта бўлмаган эртақни қайта сўзлаб бериш, шеър айтиб бериш, таниш расмга қараб саволларга жавоб бериш, бола ҳаётининг айрим лавҳаларини мустақил сўзлаб бериш, байрамлар ҳақида сўзлаш ва бошқалар; нутқни босқичма-босқич тарбиялаш шароитида сукут сақлаш (гапирмаслик) тартибидан ўйин фаолияти ёрдамида ижодий сўзлаб бериш, 2 ёшдан 7 ёшгача болалар билан ишда табақалаштиришдан фойдаланиш, қўл фаолияти ёрдамида мустақил нутқни тарбиялаш асосида логопедик ишлар амалга оширилади.

Албатта, амалий фаолиятда логопед логопедик машғулотларни тузишга ижодий ёндошишга ҳақли ва мажбур. У дудукланувчи болалар контингенти, уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларига мувофиқ маълум методларни қўллаши мумкин. Юқорида қайд этилган мактабгача ёшдаги дудукланувчи болаларга логопедик таъсир қилиш методлари «Болалар боғчасида болаларни тарбиялаш ва ўқитиш дастури»га мувофиқ ишлаб чиқилган. Чунки, бу дастур оммавий болалар боғчалари таркибидаги нутқ гуруҳлари учун ҳам мажбурий ҳужжат ҳисобланади.

Методикалар логопедик ишларни ташкил қилишни «Болалар боғчасида болалар тарбияси дастури» доирасида амалга оширишга йўналтирилган. Чунки, дудукланувчи болалар охир-оқибатда дастурда белгиланган тўғри нутқ ва билимлар кўникмаларини ўзлаштириб олиб келгусида нормал гапирадиган тенгдошлари билан бир шароитда ўқийдилар ва тарбияланадилар. Нутқни бузилиши ва унга боғлиқ бўлган болалар ахлоқидаги ўзгаришларига қарата йўналтирилган логопедик таъсир дудукланувчи болаларни тўғри гапирувчи тенгдошлари ва катталар орасида ижтимоий жиҳатдан мослашувига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик қўлга киритилгандан кейин олимлар ва мутахассислар юқорида кўрсатилган методикаларни янада такомиллаштиришга ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бу муаммони Эчимини топишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, проф.Л.Р.Мўминова, илмий-педагогик фаолиятида дудукланувчи болалар билан логопедик иш олиб бориш методини республикамиз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишланмаларни тавсия қилган. Бўлар ҳозирда амалий фаолиятда фойдаланилмоқда.

Мактаб ёшидаги дудукланувчи болаларда дудукланишни бартараф этиш машғулотлар методикаси

Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишларнинг ўз хусусиятлари ва фарқлари мавжуддир:

1. Этакчи фаолият тури ўзгаради: ўйин фаолиятининг элементлари ўқув фаолияти билан бирга мавжуд бўлса ҳам асосий фаолият ўқув фаолияти ҳисобланади.

2. Машғулотларнинг ўйин шакли дарс билан алмаштирилади.

3. Агар мактабгача ёшдаги болаларда барча ишлар оила, тарбиячилар орқали олиб борилса, мактаб ёшида логопед логопедик таъсир этишни ўқитувчи билан ҳамкорликда амалга оширади.

4. Мактабгача ёшда нутқнинг барча элементлари ўйин фаолияти жараёнида логопедга тақлид қилиш асосида тарбияланади. Мактаб ёшидаги нуқсонни онгли бартараф этишдаги кўрсатмаларга, нутқ устида мустақил машқлар бажаришга кўпроқ аҳамият қаратилади.

5. Дудукланиш мактабда барча предметларнинг ўтиш жараёнида бартараф этилади.

6. Билвосита психотерапия билан бир қаторда ратсионал психотерапия кўринишларидан ҳам кенг фойдаланилади.

7. Нутқий материал ва логопедик машғулот турлари мактаб амалиёти билан яқинлашади (тафовут камайиб йўқолади).

Дудукланишни бартараф этишда мактаб ўқитувчисининг роли каттадир. У синфда дудукланувчига ғамхўр муносабатда бўлиш муҳитини яратади. Аста-секин дудукланувчини доска олдида мустақил жавоблар беришига олиб боради. Ўқитувчи дудукланувчининг оиласи ва логопед билан доимий алоқада бўлади. Дудукланувчи тушқун кайфиятга тушган вақтларда ўқитувчи уни руҳлантириши, далда бериши керак, унинг диққатини шахсиятининг ижобий томонларига, ўзини қизиқтирган фаолиятига йўналтиради. Ўқитувчи дудукланувчини синфнинг ижтимоий ҳаётига жалб этади. Айнан кичик синфлар ўқитувчиси дудукланувчининг асосий қизиқишини аниқлайди ва унинг ривожланишига ёрдам беради.

Замонавий логопедия ютуқлари шуни кўрсатадики, нутқ-устида олиб бориладиган коррекцион иш ҳеч қачон фақат расмий машқлар билан чегараланмаслиги лозим. Дудукланувчи боланинг фақат нутқ машғулотлари (коррекцияси) тизими ҳақида гапирмай, балки унинг реабилитатсион тарбияси ҳақида ҳам гапириши муҳимдир.

Айни вақтда дудукланувчи ўқувчилар билан олиб бориладиган логопедик машғулотларда таклиф қилинган методик тавсияномалардан фойдаланилапти. Бу тавсияномалар мактабгача ёшдаги болалар билан (кичик мактаб ўқувчилари учун) ёки ўсмирлар ва катталар билан ишлаш учун (катта ёшли амактаб ўқувчилари учун) таклиф этилган. Масалан, Н.А.Чевелева қўл меҳнати фаолияти жараёнида 1-4 синф дудукланувчи ўқувчилар нутқини тўғрилаш тизимини таклиф этади. Аслини олганда бу методика аввалги тавсия этилган логопедик машғулотлар тизимидан кам

фарқ қилади. Асосан ўқувчилар билан ишлаш учун таклиф этиладиган, кўлда ясаладиган буюмлар мураккаблиги ва танлаш ўзгартирилган. Ўқув чоракларига мос равишда муаллиф логопедик машғулотлар изчиллигининг 4 даврини ажратади:

1. Кузатувчи нутқ;
2. Якунловчи нутқ;
3. Дастлабки нутқ;
4. Мустақил нутқ малакаларини мустаҳкамлаш.

Кўл меҳнати жараёнида дудукланувчи болалар нутқини тўғрилаш бўйича машғулотларни Н.А.Чевелева мактаб, шифохона қошидаги логопедик пунктларда, махсус мактабларда ўтказиш мумкин деб ҳисоблайди.

Шифохона қошидаги логопедик кабинет, махсуслашган статсионар ёки санатория шароитидаги дудукланувчи ўқувчилар билан олиб бориладиган логопедик машғулотлар тизими ҳам юқорида баён этилган комплекс методикадан деярли фарқ қилмайди. Буни В.И. Селиверстов таклиф этган бўлиб, ундаги ўзгаришлар фақат болалар ёшининг бирмунча катталиги уларнинг ривожланиш даражасининг ўсганлиги билан боғлиқдир. Бу логопеддан болаларнинг ўзини онгли фаоллигига кўпроқ таянишини талаб этади.

А.В. Ястребованинг логопедик иш тизими ўқувчиларнинг таълим олиш жараёнини 3 даврга ажратади:

Биринчи даврда дудукланувчи ўқувчилар тил соҳасидаги ўзларининг билимларини ойдинлаштирадilar ва кенгайтирадilar. Бу нутқнинг товуш томони устидаги мақсад сари йўналтирилган кузатувлар сингари, нутқнинг темпи ва равлонлигини тартибга солиш, йўлга қўйиш бўйича фаол машқлар жараёнида ҳам намоён бўлади. Биринчи даврдаги логопедик машғулотлар мазмуни қуйидагиларга ёрдам беради:

1. Нутқ темпи, ритми ва равлонлигини тартибга солишга;
2. Луғат бойлигини тасаввур ва тушунчаларни аниқлаштириш ва кенгайтиришга;
3. Нутқнинг грамматик қурилишини ўзлаштиришга;
4. Сўзни товуш ва морфологик анализ қилиш малакаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга.

Машғулотларнинг иккинчи даврида ўқувчиларнинг тил соҳасида олган билимларини фаоллаштирилади ва бирмунча мураккаб нутқий материалда равлон, ритмик ва ифодали нутқ малакаси мустаҳкамланади. Бу кейинчалик луғат бойлигини кенгайтириш, нутқий тасаввур ва тушунчаларни кенгайтириш мақсадида амалга оширилади.

Машғулотларнинг учинчи якуний даврида нутқнинг товуш ва интонация (оҳанг) томонидан олиб бориладиган иш давом эттирилади. Тил соҳасининг фонетико-фонематик, лексик-грамматик ва интонация таркибидаги олинган билимлардан ўқувчиларнинг онгли фойдаланишига қўйилган талаблар амалга оширилади. Шу билан бирга исталган ҳаётий вазиятда равлон ва ифодали нутқ малакаси ҳам тарбияланади.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги элементлари билан дудукланувчи ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқнинг ҳолати логопедик ишнинг қуйидаги асосий йўналишларини юзага келтиради:

а) нутқ темпи ва равлонлиги устида олиб бориладиган иш жараёнида ўзаро таъсир этувчи асосий нутқ компонентларини мақсад сари ва ҳар томонлама ривожлантириш (фонетик, лектик, грамматик);

б) логопедик машғулотларнинг нутқ материаллини, бошланғич синф она тилиси бўйича дастур мазмуни билан мустаҳкам ўзаро алоқаси;

в) болаларнинг нутқий фаоллигини ривожлантириш.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда дудукланувчи болалар учун мавсумий (ёзги) логопедик санаториялар ва санатория типигаги ўқувчилар дам олиш масканлари ташкил этилди. Дудукланувчилар билан коррекцион-педагогик ва даволаш-соғломлаштириш ишлари ўқишдан бўш вақтларда ўтказилади ва дам олиш билан қўшилиб кетади. Бунда иқлимий ва табиий омиллардан кенг фойдаланилади.

Болалар дам олиш масканларининг олдида қуйидаги вазифалар туради:

1. Болаларни умумий соғломлаштириш;
2. Болаларнинг нерв системасини мустаҳкамлаш;
3. Болаларда дудукланишнинг Энгил шакллари бартараф этиш ва унинг қайталанишдан оғоҳлантириш.

Болаларда дудукланишнинг турли даражаси, ҳаттоки, энг оғир шакли, шунингдек, дудукланишни бошқа нутқ камчиликлари билан бирга намоён бўлиши мавсумий махсус санаторияларга юбориш учун асос бўлади. Болалар оромгоҳларига дудукланишни даволаш курсини ўтган, дудукланишнинг Энгил шакллари бўлган болалар юборилади.

Назорат саволлари:

1. Дудукланиш механизмини физиологик ёндошув нуқтаи назаридан очиб беринг.
2. Дудукланиш механизмларининг психологик ва психоллингвистик жиҳатларини ёритинг.
3. Дудукланиш ҳақидаги таълимотнинг ривожланиши тарихига тавсиф беринг.
4. Дудукланиш этиологиясини ёритиб беринг.
5. Дудукланиш белгиларини айтиб беринг.
6. Турли ёшларда дудукланиш қандай кечади?
7. Мактабгача тарбия ва мактаб ёшидаги болаларда, ўсмирларда ва катталарда дудукланишнинг кечиши ва унинг белгилари.
8. Турли ёшдаги кишиларда дудукланишни текшириш методикасини ёритиб беринг.
9. Дудукланишни бартараф этишда комплекс даволов-педагогик ёндошув ишларига умумий тавсиф беринг.
10. Дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган даволаш-соғломлаштириш ишларининг асосий шакл ва вазифаларини ёритиб беринг.

11. Дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган педагогик тузатиш ишларининг асосий шакл ва вазифаларини ёритинг.
12. Турли ёшдаги кишиларда дудукланишни бартараф этишдаги психотерапия турлари ва унинг аҳамияти.
13. Мактабгача тарбия ёшидаги дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган логопедик машғулотларнинг ҳозирги замон методикаларини тавсифлаб беринг.
14. Мактабгача тарбия ёшидаги дудукланувчи болаларда дудукланишни бартараф этишдаги Н.А. Власова ва Э.Ф. Рау методикасини ёритиб беринг.
15. Мактабгача тарбия ёшидаги дудукланувчи болаларда дудукланишни бартараф этишда Н.А.Чевелева ва С.А.Миронова методикасини ёритиб беринг.
16. Мактаб ёшидаги дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган логопедик машғулотларнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
17. Мактаб ёшидаги болалардаги дудукланишни бартараф этишда Н.А.Чевелева методикасини айтиб беринг.
18. Ўсмирлар ва катталардаги дудукланишни бартараф этиш методикаларни ёритинг.
19. Болалар нутқ боғчаларига борганингизда турли вазиятларда дудукланувчи болалар нутқини кузатинг ва таҳлил этинг.

КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс:

- Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ўзига хос томонлари нимада? Нутқ фаолиятининг камчиликлари умумий ва руҳий ривожланиш билан қандай боғлиқликда бўлади?

2-кейс:

- Нутқ фаолиятининг умумий патологиясини ёритиб беринг. Нутқ фаолиятининг хусусий патологиясини ёритиб беринг.

3-кейс:

- Нутқдаги нуқсонларни аниқланг. Товушлар талаффузидаги камчиликларни аниқланг.

4-кейс:

- Нутқ бузилишларининг таснифини ёритинг. Нутқнинг системали бузилишлари ва уларни бартараф этиш методикасини ёритинг.

5-кейс:

- Фонетик-фонематик нутқ бузилишларини ёритинг. Фонетик - фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқининг ўзига хос хусусиятларини ёритинг.

6-кейс:

- Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигининг даражаларига таъриф беринг. Нутқи тўлиф ривожланмаганликнинг биринчи, иккинчи, учинчи даражаларида коррекцион-логопедик ишларни ташкил этилишини ёритинг.

7-кейс:

- Дудуқланишнинг сабабалари, аломатларини ёритинг. Нутқ тезлиги ва равонлигини пай тортишиши билан бузилишини ёритинг.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзуси

1. Дислалия
2. Ринология
3. Дизартрия
4. Алалия
5. Афазия
6. Фонетик – фонематик нутқ бузилиши
7. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар
8. Ёзма нутқдаги камчиликлар
9. Дудуқланиш. Нутқ тезлиги ва равонлигини пай тортишиши билан бузилиши

ГЛОССАРИЙ

Ўзбек тилида	Рус тилида	Инглиз тилида	Изоҳ
Логопедия	Логопедия	Logopedia	Логопедия термини грекча <i>логос</i> (сўз, нутқ), <i>пейдео</i> (тарбиялайман, ўқитаман) сўзлардан ташкил топган бўлиб, таржимада тўғри «нутқни тарбиялаш» маъносини англатади.
Нутқ нуқсонлари	Речевой дефект	Speech defects	Бу адабий тилда қабул қилинган нутқ нормасидан бироз бўлса ҳам четга чиқиш.
Нутқ фаолияти	Речевой деятельность	Speech	Мураккаб руҳий фаолият. У руҳий жараёнларнинг таркиб топишига ва боланинг умуман баркамол бўлиб ўсишига ката таъсир кўрсатади.
Махсус машқлар	Спец упражнения	Special exercises	Бу ўринда биз нафас олишни ривожлантириш бўйича у ёки бу кўринишдаги, логопедия амалиётида тез-тез қўлланиладиган махсус машқларни бажаришни (пахтани пуфлаш, резина ўйинчоқларни пуфлаб шишириш) шарт эмас деб ҳисоблаймиз, чунки бундай нафас олишнинг барча турлари нутққа алоқадор эмас.
Нутқ системаси	Речевой система	Speech system	Нутқ системасининг тузилиш компоненти (товуш томони, грамматик тузилиши, луғат зонаси), нутқнинг функционал жиҳатлари, нутқий фаолият турларининг (оғзаки ва ёзма) ўзаро алоқадорлиги ҳисобга олинади.
Нутқ аппарати	Речевой аппарат	Office of the speech	Нутқ товушларини ҳосил қилишда иштирок этадиган нутқ органлари тизими
Ринолалия	Ринолалия	Rinolalia	Ринолалия (грекча сўздан олинган бўлиб, рхинос – бурун, лалиа – нутқ) нутқ аппаратининг анатомик ва физиологик камчиликлари сабабли овоз тембри ва товушлар талаффузидаги бузилишдир. Ринолалияни ўрганиш тарихи жуда узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Муаммони ўрганишда врачлар, психологлар, дефектологлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар.
Дизартрия	Дизартрия	Dizartria	Дизартрия – нутқ аппарати инерватсиясининг органик бузилиши сабабли нутқнинг талаффуз томонидан бузилишидир. Дизартрия термини грекча сўздан олинган бўлиб, дис – бўлак, артхон – бириктириш деган маънони билдиради. Дизартрия-бу марказий характердаги органик нутқ бузилиши ҳисобланади. Дизартрияда нутқ аъзоларининг (юмшоқ танглай, тил, лаблар) кам ҳаракатланиши натижасида нутқ товушлари артикулятсияси қийинлашади, шу билан биргаликда овоз,

			нафас бузилишлари ҳамда нутқнинг суръати, ритми ва ифодалилигида ўзгаришлар кузатилади. Дизартриянинг оғир формасида нутқ бутунлай тушунарсиз бўлади. Бундай ҳол анартрия деб аталади. Анартрия термини грекча сўздан олинган бўлиб, а-йўқ, артҳон – бириктириш деган маънони билдиради.
Дудукланиш	Заикания	Stammering	Дудукланиш – бу нутқ аппарати мускулларининг тортишиш натижасида нутқнинг суръат-оҳангининг бузилишидир. Дудукланиш муаммосини нутқ бузилишлари ҳақидаги таълимотнинг ривожланиши тарихида энг қадимийларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Унинг моҳиятини турлича талқин қилиш фаннинг ривожланиши ва муаллифларнинг бундай нутқ бузилишларига қандай нуқтаи назардан ёндашганликлари ва ёндашаётганлиги даражаси билан боғлиқдир.
Тилшунослик	Лингвистика	Linguistics	Нутқ тиллар бирлигининг турли даражаси ва уларнинг амал қилиш қоидаларидан фойдаланишни ҳам назарда тутди. Улар ҳар хил бузилишларда турлича бузилиши мумкин. Боланинг тил нормаларини ўзлаштириб олиш қонунлари ва изчиллигини билиш логопедик хулосаларни аниқлаштиришга ёрдам беради, логопедик таъсир этиш тизимларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлади.
Болалар китоби	Детская литература	Children's literature	Шахс ва таълимни ривожлантириш, билимларни тарқатишнинг энг муҳим воситалардан бири бўлган нашр тури. Болалар китолари фақатгина ўқиш ва билим олиш манбаи бўлибгина қолмай, балки боланинг эстетик ва психологик тарбиясида муҳим ўрин тутувчи манбадир.
Бошқариш фаолияти	Управленческая деятельность	Management activity	Раҳбарнинг педагогик, норматив ва психологик асосларда бошқариш қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишга қаратилган мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатлари мажмуи.
Гигиена	Гигиена	Hygiene	Яшаш тарзи ва меҳнат шароитининг инсон соғлиғига таъсирини ўрганадиган, касалликларни профилактика қилиш, соғлиқни сақлаш ва ҳаётни узайтириш чоратадбирларини ишлаб чиқадаган қадимий тиббиёт соҳаларидан бири.
Дидактик ўйинчоқлар	Дидактические-кие игрушки	Didactic toys	Болаларнинг ақлий ва сенсор ривожланиши ва таълим олишида хизмат қиладиган ўйинчоқлар тури. Бундай ўйинчоқларга мозаикалар, стол устида ўйналадиган ва босма ўйинлар, халқ

			ўйинчоқлари (матрёшкалар, пирамидалар, рангли шарлар, хуштаклар, чиллаклар) киради.
Ёш гуруҳи	Младшая группа	Primary group	Ёш белгисига кўра бирлаштириладиган кишиларнинг бирон бир шартли катта гуруҳи. Ёшни даврлаштиришга мувофиқ МТМда болаларнинг ёшига кўра анаънавий ажратиладиган гуруҳлар: ясли ёшдаги болалар гуруҳи, биринчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, иккинчи кичик ёшдаги болалар гуруҳи, катта болалар гуруҳи ва мактабга тайёрлов гуруҳи.
Инклюзив таълим	Инклюзивное образование	Inclusive education	Болаларни бир биридан ажратувчи тўсиқларни бартараф этишга, уларнинг ёши, жинси, диний ва ижтимоий келиб чиқиши, жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолиши ва иқтисодий таъминланганлик даражасидан қатъий назар, умумтаълим жараёнига тўлиқ уйғунлаштиришга қаратилган давлат сиёсати.
Истеъдод	Талант	Talent, gift	Қобилиятлар, иқтидорларнинг юқори даражада ривожланганлиги бўлиб, ижодий фаолият турларида намоён бўлади.
Касбий фаолият	Профессиональная деятельность	Professional activity	Бирон нарсанинг бажарилишининг мураккаб ва меъёрий жиҳатдан белгиланган усули. Меҳнат субъекти фаолиятининг сифат жиҳатдан белгиланадиган шакли. Инсон бажараётган фаолиятнинг мураккаблигини тавсифлайдиган мезон.
Мактабгача болалик	Детский дошкольный период	Pre-school period	Боланинг туғилганидан то мактабга боргунча бўлган ривожланиш даври; бола организмнинг жадал вояга етиши ва руҳиятининг шаклланиши билан белгиланади.
Мактабгача ёш	Дошкольный возраст	Pre-school age	Боланинг руҳий ривожланиш босқичи. Бола ривожланишининг ҳозирги замон миллий даврлаштирилиши бўйича 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даври.
Мактабгача ёшдаги бола компетентлиги	Компетенция ребенка дошкольного возраста	Competency of a pre-school age child	Мактабгача ёшдаги бола шахсининг асосий характеристикаси. Коммуникатив, ижтимоий, интеллектуал компетентликни ҳамда жисмоний ривожланиш борасидаги компетентликни ўз ичига олади. Коммуникатив компетентлик боланинг ўз истаклари, ниятларини нутқий ва нутқий бўлмаган (имо-ишора, мимик ва пантомимик) воситалар ёрдамида эркин ифода этишида намоён бўлади.
Мактабгача таълим муассасалари	Дошкольные образовательные учреждения	Preschool educational establishments	Турли йўналишдаги мактабгача таълим дастурларини амалга оширадиган таълим муассасаси. Уларда 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг тарбияси, таълими, парвариши ва соғломлаштирилиши таъминланади. Йўналишига кўра мактабгача таълим

			муассасаси қуйидаги турларга бўлинади: умумий типдаги МТМ, тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари мавжуд болалар учун мўлжалланган махсус МТМлар ва сурункали касалликлар билан оғриган болалар учун санатория типдаги МТМлар.
Мактабгач а таълим муассасаларнинг вазифалари	Задачи дошкольного образовательного учреждения	Tasks of preschool educational establishments	ушбу муассасаларнинг вазифалари: болалар ҳаётининг муҳофазасини, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва шахс сифатидаги ривожланишини таъминлаш учун унинг оиласи билан алоқа ўрнатиш.
Мактабгач а таълим муассасаси-нинг моддий-техника базаси	Материально-техническая база дошкольного образовательного учреждения	Material and technical basis of preschool educational establishments	Муассаса балансида турган асосий воситалар мажмуи (бино, ховли, қўшимча қурилмалар, коммуникация, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар).
Мактабгач а таълим муассасаси-нинг ривожланиш концепцияси	Концепция развития образовательного учреждения	Conception of educational establishment	Мактабгача таълим муассасасининг келгусидаги ривожини белгилаб берадиган бош ғоя; инновацион жараёнлар натижасида унинг янгилинишига қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишнинг етакчи тамойили.
Миллий анаъналар	Национальные традиции	National traditions	Миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, қадриятлар, фаолият турлари, одатлар ва ҳислатларнинг авлоддан авлодга ўтиши ҳамда мерос бўлиб қолишини ифодаловчи тушунча.
Нодавлат нотижорат ташкилот	Негосударственная некоммерческая организация	Nongovernmental noncommercial organization	Жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни ўз қатнашчилари ўртасида тақсимлайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти.
Оилавий муҳит	Семейная обстановка	Family environment	Оилавий муносабатлар, тарбиявий жараёнлар кечадиган ижтимоий-маънавий, ахлоқий муҳитни ифодаловчи тушунча. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавияти, дунё қараши, тасаввур ва эътиқодини шакллантириш ҳамда юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Инсон қалби ва

			онгидаги энг соф, покиза туйғулар, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлар, энг аввало оила бағрида шаклланади.
Олий таълим	Высшее образование	Higher education	Турли олий даргоҳларда олий малакали мутахасислар тайёрлаш олий ўқув юртлари томонидан халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича олий малакали мутахасис бўлишни истаган, ўрта махсус ёки касб хунар таълимини олган ҳамда тегишли талабларни бажарган кишиларга илмий назарий билим бериш ҳамда муайян кўникмаларни шакллантириш йўли билан амалга оширилади.
Тарбияланувчилар	Воспитанники	Pupil	Мактабгача тарбия муассасаларига борадиган болалар; меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган мактаб интернатларда тарбияланувчи болалар ва ўсмирлар мактабдан ташқари муассасаларда шуғулланадиган болалар.
Тарбиячи	Воспитатель	Educator, teacher	Тарбияни амалга оширадиган, ўзга киши шахсининг ҳаёт тарзи ва ривожланиши учун масъулиятни ўз зиммасига олган шахс.
Таълим муассасаси-ни бошқариш	Руководство образовательным учреждением	Managing the educational environment	Фаолият субъектларининг алоҳида фаолияти бўлиб, у режалаштириш, ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш воситасида болалар, педагоглар, ота-оналар, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳамкорликдаги фаолиятининг таълимни такомиллаштириш ва таълим муассасасини ривожлантириш мақсадларига йўналганлигини таъминлайди.
Таълим сифати	Качество образования	Quality of education	Таълим жараёни ва унинг натижаларини тавсифлайдиган категория, таълим жараёни қандай бўлиши керак, қандай мақсадларга хизмат қилиши кераклиги тўғрисида жамиятда тарқалган тасаввурларга қанчалик мослигини белгилайди. Таълим сифати таълим олувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари, атроф-оламга ва бир бирларига нисбатан қадрий-эмоционал муносабатлар нормалари билан ўлчанадиган кўрсаткичлар тизимида ифодаланади.
Фармон	Указ	Decree	Бирқатор мамлакатларда давлат бошлиғининг норматив акти. Ўзбекистонда Президент фармони.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.

3. “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли Қарори.

4. “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли Қарори.

5. “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.

6. “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сонли Қарори.

7. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

8. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Махсус адабиётлар

1. Аюпова М.Ю. Логопедия. Дарслик. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007.

2. Логопедия Л.С.Волкова, С.И.Шаховская. Изд-во «Владос» – М., 2002.

3. Голубева Г.Г. Коррекция нарушений фонетической стороны речи у дошкольников. Изд-во «Союз» – М., 2001.

4. Краузе Е.Н. Логопедия. Изд-во «Короне принт» – М., 2003.

5. Мўминов Л., Аюпова М. Логопедия. – Т., 1993.

6. Хрестоматия по логопедии Т.2. (под.ред. Волкова С.Л., Селиверстов В.И.) Изд-во «Владос» – М., 1997.

7. Хрестоматия по логопедии Т.2. (под.ред. Волкова С.Л., Селиверстов В.И.) Изд-во «Владос» – М., 2002.

8. Филичева Т.Б. и др. Дети с фонетико-фонематическим недоразвитием Изд-во ГНОМ и Д. – М., 2000.

9. Шомахмудова Р.Ш. Мўминова Л. Болалар нуткидаги нуқсонлар ва уларни бартараф этиш. – Т., 1994.

III. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.

2. <http://www.uzedu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.

3. <http://www.president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти портали.

4. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.

5. <http://www.xs.uz> – “Халқ сўзи” газетаси сайти.

6. <http://www.lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.

7. <http://www.kun.uz> – Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари, энг сўнгги хабарлар сайти.